

Aziz Nesin

BAY düdük

MİZAH HİKAYELERİ  
VE ROMAN

TAŞKENT - 1969



Азиз Несин

ХУШТАК АФАНДИМ

ХАЖВИЙ ХИКОЯЛАР  
ВА РОМАН

Ташкент - 1969

# ХИКОЯЛАР



## МУНДАРИЖА

<b>Сүзбоши Үрнида Азиз Несин</b>	<b>5</b>
<b>ХИКОЯЛАР</b>	
Хуштак афандим . . . . .	9
Калтаксиз туролмайман . . . . .	14
Асабый одам . . . . .	18
Айбингга икромисан? . . . . .	21
Кейин хурсанд бұласиз . . . . .	23
Даъводан кечасизми? . . . . .	26
Биз у ерга бормаймыз . . . . .	30
Демократия шүнқори . . . . .	35
Шукур қылсанг арзиди . . . . .	40
Пулимга яраша ер беринг . . . . .	46
Мұшт кетди . . . . .	50
Безовта бұлманг . . . . .	55
Сигарет құтысадаги арз-додлар . . . . .	59
Назокату нафосат . . . . .	64
Хазилкап одамлар . . . . .	70
Оркестр одам . . . . .	78
Шармаңдақ қачоқ түскесең!	84
Алифебинг биринчи ҳарфи . . . . .	88
<b>ФАРОИИБ БОЛАЛАР (роман)</b>	
Биринчи хат . . . . .	95
Американ қурған мәймөр . . . . .	96
Дадалар аълочи бұлади . . . . .	100
Дарслар янгидан бошланди . . . . .	103
Ишлаган тиішлайди . . . . .	111
Фидой болалар . . . . .	117
Сендан буни күтмаган әдим . . . . .	122
Виждон азоби . . . . .	127
Саккиз қызынинг отаси . . . . .	131
Хали ёшлих қиласан . . . . .	135
Үмров сүзги . . . . .	138
Атаманинг туғилған күні . . . . .	141
Құлбала донишманд . . . . .	144
Тома-тома сел бұлур . . . . .	147
Бошланғанда шакки әмас . . . . .	151
Иварсқ қыз . . . . .	152
Айб бұлади . . . . .	157
Ватанпарвар бұлинглар . . . . .	161
Қироат керак . . . . .	167
Ноиттифоқ мактаб за оқла . . . . .	171
Зүкколар мусобақасы . . . . .	176
Лаббай, жоним!	184
Мәдмон күтдик . . . . .	188
Емон одат . . . . .	193
Үй қайсы долатда?	198
Елғон гапирма . . . . .	201
Байрам концерти . . . . .	203
Болалар романн үчүн конкурс . . . . .	211
Марса сеники . . . . .	212
Езувчидан болаларга мактуб . . . . .	213

## ХУШТАК АФАНДИМ

Роса ҳолдан тойғанман. Толеим пастга ўхшайди, қаерга иш сўраб бормайин, йўқ деган жавобни оламан. Аҳволинг ночор бўлганидан кейин мияга ҳар хил бўлар-бўлмас фикрлар келавераркан. Ўзим Мачкадан Дўлмабоғча<sup>1</sup> томонга қараб кетяпману, етти ухлаб тушга кирмайдиган хаёллар оғушидаман. Бир пайт қарасам, стадионнинг олдидан чиқиб қолибман. Худди қиёмат қойим бўлганга ўхшайди. Атрофетварак ғуж-ғуж одам, ўтиб кетишнинг сира иложи йўқ. Булар стадионга қандоқ киришади? Ҳайронман. Гирдобга тушиб қолган одамдай турган жойимда гир-гир айланаман. Баъзан юқоридан босиб қолиша, эллик қадам орқага ташлаймиз, орқадан суриб келишадиган бўлса, яна шунча олдинга силжиймиз. Гоҳо оломон тўрт домондан чунонам қисиб кела-дики, турган еримда чирпирак бўлиб кетаман.

Бундоқ қарасам, оломонни ёриб ўтишнинг ҳеч иложи йўқ. Аслида-ку бўлар иш бўлди, деб қўл қовуштириб ўтирганим йўғ-а, аммо қанчалик уриниб-суринсам ҳам кучим етмади. Назаримда, катта бир ўпқонга тушиб қолганману, бунинг ичидан энди ҳечам чиқолмайдигандайман. Қанчалик ўзимни тўрт томонга уриб, қўл-оёғимни ишга солмайин, барибир нафасим бўғилиб, шу ернинг ўзида асфаласо-филинга кетворадиганга ўхшайман.

Шу тариқа дунёдан умидимни узиб турган эдим, бирдан чуриллаган ҳуштак овози эшитилиб қолди. Ўзиям кетвораган ҳуштак экан шекилли, туфма карларнинг қулогини ҳам қоматга келтирворади. Ҳозиргина қайнаб, кўпиритурган оломон бир зумда қоқ иккига ажралиб, ҳуштак чалган одамга йўл бўшатди. Ким экан бу азамат, деб бундоқ қарасам, ўзимизнинг Муса келяпти!

— Муса-а-а! — деб қичқириб юбордим суюнганимдан. Аслида-ку «ҳув Musa!» деб чақирсан ҳам бўларди-я, лекин ҳуштакка ҳурмат зўр эканми менда, ҳайтовур ундоқ қилмадим. Мени кўриб, Муса олдимга келди, қўлимдан ушлаб, ўзи билан олиб кетди. Илдам юриб кетдик. Мабодо бирор ердан ўтолмай қолсак, ошнам ҳуштагини чуриллатиб қўяди. Одамлар бир-бирини йиқитиб бўлса ҳам, дарров бизга йўл бўшатишади. Олдинда Муса, орқада мен — шу тариқа стадионнинг эшигига етиб олдик. Муса яна ҳуштак чалган эди, эшикда турган бир одам «буюрсинлар!» деб бизни ичкари қўйиб юборди.

— Спорт бўйича каттакон бўлдингми, Муса? Бу қандоқ

<sup>1</sup> Истамбулда жойларнинг номи. (Тарж.)

гап ўзи, ҳуштак чалсанг, ҳамма сенга йўл берадиган бўпти— ҳайрон бўлиб сўрадим уидан бир оз нафасимни ростлаб олга.

— Кўявер, парво қилма. Хўш, ўзингдан гапир, қаерда ишлайсан?

— Ҳеч қаерда. Беш ойдан буён ишсизман. Эркакларга иш йўқ. Ҳозир йўл-йўлакай шуни ўйлаб келаётган эдим. Озроқ грим қилиб хотин киши бўлиб олсаммикин; деган ҳаёлга ҳам бордим. Аммо бу масалада бирорни айблаб ҳам бўлмайди. Менинг ўзимга ҳам бирор хизматчи керак бўлса, ғўдайиб кириб, ғўдайиб чиқадиган эркаклардан кўра аёл кишини афзал кўрардим. Ниятимда бирор гараз бўлгани учунмас. Ахир эркак билан аёлнинг қиласидиган иши бир бўлганидан кейин оладиган одаминг чироийроқ бўлгани маъқул эмасми? Лоақал ҳуснини кўриб, яйраб ўтирасан-ку.

— Бўлди, бўлди. Миянг айниб қолганга ўхшайди.

— Сен ҳам беш ой ишсиз юриб кўр, кейин биласан.

Майдонда ўйин бошланиб қолди, икковимиз ўйинга берилиб кетдик. Футбол тугаганидан кейин яна кўчага чиқдик. Бу гал ҳам Муса ҳуштагини чуриллатиб, йўл очиб борди. Катта кўчага чиқиб олган эдик, «машинага ўтирамиз» деб қолди. Яхшику-я, лекин шу топда машинага тушиб бўладими? Машина ёки автобусга чиқаман, деб турганларният кети кўринмайди. Бирорта машина кўриниб қолгудай бўлса, тумонат ёпирилиб боради.

— Ҳали-бери бизга навбат тегмайди, икки-уч кун ётиб кутиш керак, деб қўйдим.

— Кўявер, ишинг бўлмасин.

Ёнимиздан физиллаб бир такси ўтди. Муса дарров ҳуштагини чалиб юборди. Ҳозиргина тўхтамай ўтган такси дарҳол орқага қайтиб, олдимизга кўндаланг бўлди. Икковимиз чиқиб олдик. Шуниси қизиқки, шоффёр машинага бошқа одам олмади.

— Транспорт полициясига бошлиқ бўлдингми, Муса?— яна ҳайрон бўлиб сўрадим ундан.

Дамингни чиқарма, дегандай қўлини лабига босди. Ниншон-тошида таксидан тушдик. Муса чўнтағига қўл солди.

— Пулингиз керак эмас, жон ака, шунинг ўзига раҳмат,— деб шоффёр бола оёғини тираб туриб олди.

— Шоффёр танишмиди? — деб сўрадим Мусадан.

— Йўқ.

— Бўлмаса полицияда каттароқ ишдамисан?

Яна «жим бўл» деган ишорани қилди-да, кейин қўшиб қўйди:

— Манави жойдан бирор нима олиб, уйга борамиз.

Қассоблик дўконига қараб юрдик. Дўконнинг олдида одам уймалашиб ётибди, яқинига йўлаб бўлмайди. Ҳамма ёқда қий-чув, тўполон. Яна Мусанинг ҳуштаги иш берди. Бир чуриллатиб қўйган эди, ҳамма тинчиди қолди. Қассобнинг ўзи ичкаридан югуриб чиқиб, бизни дўконга бошлаб кирди.

— Бир кило юмшоқроқ гўшт керак эди.

— Бош устига, яна нима?

— Миядан борми?

— Унтаси етадими?

Қассоб буларни яхшилаб ўраб берди. Муса ёнидан ҳамнини олди.

— Ҳафа бўламан, бейафандим,— деганича қассоб пулни олишга асло унамади. Нарсаларни олиб, дўкондан чиқдик.

— Айтсанг-чи, энди, Муса, ўзи нима гап? Ёки муниципалитетга раис бўлиб қолдингми?

— Бугун кўчада овқатланамиз,— деди у саволимни яна жавобсиз қолдириб.— Эртага дам олиш куни, масаллиғ куни мизга ярайди. Яна бирор нима олайми?

— Бўлар.

Бу ердан чиқиб, баққол билан сабзавотчурушга учрадик. Муса ҳуштагини канда қилмади. Икки қўлимиз ўроғлиқ нарсаларга тўлиб кетди. Аммо бир лира ҳам пул сарфлаганимиз йўқ. Муса ҳуштагини чуриллатиб, битта такси тўхтатди. Ўйинга қараб жўнадик. Машинадан тушаётганимизда шоффёрга кутиб туришни буюрди.

Ошнам уйланмаган, бир ўзи туради. Қўлимиздаги нарсаларни уйига қўйиб, кўчага чиқдик. Такси кутиб турган экан, тўғри казинога қараб юрдик. Бу шоффёр ҳам пул олмади.

Казинонинг ичи лиқ тўла одам. Муса ёнидан ҳуштагини олиб, энди чаламан деб турган эди, бир гала официант билан кўринишидан казинонинг эгасига ўшаган бир киши олдимизга югуриб келди. Дарров саҳнадан пастроқча жой қилиб беришди, биздан сўраб ҳам ўтирмаи бирпасда стол устини тузаб қўйишиди.

— Гапирсанг-чи, Муса, кимсан ўзи? Ё ревизорлик қиляпсанми-а?

Нимани сўрамай «жим» дейди, бир оғиз ҳам жавоб бермайди. Муса катта одам бўлиб кетганга ўхшайди - ю, лекин ким бўлиб ишлайтганин? Ўйлаб-ўйлаб тагига етолмайман.

Бир пайт ўйин-кулги бошланиб кетди. Роҳат қилиб ўтирибмиз. Официантлар атрофимизда парвона. Тўсатдан орқа томонда шовқин кўтарилиди. Маст-аласт одамлар ёқа бўғишиб кетишиди. Иш пичоқча бориб тақалай деганида, Муса ҳуштак чалиб юборди. Ҳозиргина бир-бири билан шердай олишишиб

турган азаматлар чуриллаган овозни эшишибоқ, думларини қисиб қолишиди.

Бу Муса тушмагур ким бўлиб кетдийкин-а? Ҳеч ўйимга етолмай қолдим. Икки юз лира атрофида еб-ичган бўлсак керак, деб ўтирувдим, казинонинг эгаси бир чақа ҳам пул олмади.

Ўйга яна машинада қайтдик. Эртасига дам олиш куни келди. Муса енг шимариб, овқатга ўзи уннаб кетди. Мен кетмоқчи бўлган эдим, жавоб бермади.

— Ҳеч қаёққа кетмайсан,—деди у.—Менинида беш-олти кун юратур. Миянг ҳам анча дам олади.

Ўйда бир ҳафта қолиб кетдим. Икковимиз роса айландик, ўннаб-кулдик. Кайф-сафо қилдик. Лекин ошнамдан сариқ чақа ҳам кетгани йўқ. Қаерга бормайлик, ҳамиша узатган пүли қўлида қолади.

— Ҳой Муса, катта одам бўлиб кетганингни тушуниб турибман. Лекин амалинг нима, айтсанг-чи?—деб роса ёлбордим. Шундаям айтмади. Охири бир куни:

— Айтсанам, бировга гуллаб қўймайсанми?— деб сўради.

— Асло.

— Сўз берасан-а?

— Бераман.

— Сўз битта-я?

— Битта.

Менга роса қасам ичиртириб, бировга айтиб қўймаслигимга тўла ишонганидан кейингина чўнтагини ковлаб, ёнидан ҳуштагини олди-да, уни ўпид, пешонасига суртди.

— Ҳамма каромат мана шу ҳуштакда, ошнам,—деди у.— Бир куни Қоракўлда такси кутиб турувдим. Одам кўп, менга навбат тегишига кўзим етмайди. Қўлимдаги занжирли ҳуштагимни ўйнаб, фижиниб тургандим, нима бўлиб ҳам беихтиёр уни чалиб юборибман. Шу заҳотиёқ бир киши олдимга югуриб келиб, салом берди. Менинг ўрнимда бўлганингда сен нима қиласардинг шунақада?

— Ҳайронман.

— Биласанми, мен нима қилдим? «Тартиб ўрнатинг, ўрлим», дедим-да, индамай кетавердим. Нарироқ бориб кўрсам, кўчадан ўтишнинг ҳечам иложи йўқ. Яна ҳуштак чалдим. Гизиллаб кетаётган машиналар тақатак тўхтаб қолди. Кўчанинг нариги бемалол ўтиб олдим. Олдинига роса ҳайрон бўлдим, лекин чуқурроқ ўйлаб кўрсам, ҳуштакда чиндан ҳам ҳикмат кўп. Бизда ҳамма ишлар шунинг амри билан қилинмайдими, ахир? Ҳуштак чалинса, кемалар йўлга чиқиб, поездлар жойидан жилади. Машиналар ҳуштак билан тўхтайди. Ека бўғишганларни у бир зумда яратириб қўяди. Унинг ово-

зини эшишиб, баъзан одамлар тирақайлаб қочишади. Масалан, ҳозир мен уни бир чуриллатиб қўйсам, ҳамма каклик болаларида ин-инига кириб кетади. Ҳа, дўстим, бизнинг юртимизда ҳамма нарса ҳуштакка боғлиқ эканини мен ўшанда тушундим. Шу-шу мени ҳуштак боқиб келяпти. Жон оғайни, бу гапни зинҳор бировга айта кўрма. Акс ҳолда, ҳуштакчилар кўпайиб, менинг бозорим касод бўлади.

Бу сирни бошқа одамларга айтмасликка сўз берганим тўғри, аммо ёзмаслик ҳақида орамизда гап бўлгани йўқ. Шунга кўра ундан эшигантаримни ёзяпман. Лекин менинг ҳам сизларга битта илтимосим бор. Ҳозир бир гап айтаман, шуни ҳеч кимга билдирамнлар.

Муса билан хайрлашганимдан кейин мен ҳам дарҳол ҳуштак сотиб олдим. Тақсим майдонида унинг кучини бир синаб кўрмоқчи бўлдим. Чалган ҳуштаким ҳеч кимга таъсир қилмади-ю, лекин ўзим қамоққа тушдим. Эртаси куни газеталарда менинг тўғримда бўлмагур гапларни ёзиб чиқиши: «Бир фирибгар қўлга тушди!» «Сохта полициячи, муттаҳам қамоққа олинди!..» Тепамда худо турибди, бир марта ҳуштак чалдим, холос, бошқа ҳеч қанақа гуноҳ қилганим йўқ. Шундан кейин тушундимки, бизнинг юртимизда ҳуштакка эътиқод зўру, аммо уни қойил қилиб чала билиш ҳам керак экан. Менга ўхшаб ҳуштакни дағ-дағ титраб чаладиган бўлсанг, дарров жоинингни кўрсатиб қўйишаркан.

Сиздан илтимос қилмоқчи бўлган нарсам шуки, ҳуштакни қандоқ чалиш кераклигини бошқа одамларга айтиб юманглар. Чунки чуриллатиши қойил қиладиганлар учун у зўр тилсим!

— ● —

## КАЛТАКСИЗ ТУРОЛМАЙМАН

Автобус лиц тұла одам. Шулардан бири автобусга яңглишиб чиқиб қолғанга үшшайды. Аслида у «Тез ёрдам» машинасига муҳтож күринади. Боеқишининг чап құлу бўйнига латта билан осиб қўйилган, боши чандиб ташланган. Бир кўзи моматалоқ бўлиб шишиб кетибди, иккинчиси эса қонталаш. Қўлидаги ҳассаси билан зўр бериб, ўзига жой очмоқчи бўлади, худди соатнинг капгиридай жағи тинмай, дам-бадам: «Их! «Ўҳ!» «Воҳ!» деб инқиллайди. Гўё автобус бир чайқалса, қўл-оғи узилиб, бир қоп суяк бўладиган важоҳати бор.

Рахми келди шекилли, бир кўши унга жойини бўшатиб берди.

— Худоё кам бўлманг,— миннатдорчилик билдири у инқиллаб.

Енидаги одам буни таниб қолди.

— Уҳ... Вой жоним, омонмисиз, Шарофиддинбей. Абгор бўлдим, аброр. Уҳ...

— Худо шифо берсин. Ҳа, тинчликми, нима бўлди?

— Вой биқиним... Асти сўраманг, уч ойдан бери аҳвол шу.

— Чакки бўпти-ку... Шифоси билан берган бўлсин, Солмонбей. Нима касал бўлдингиз? Қаерингиз оғрийди?

— Оҳ, нимасини айтасиз. Бу ҳам кўргилик экан. Шунақа касал ҳам бўларкан.. Уф, ўлар бўлсан ўлиб бўлдим...

— Оббо, сизга қийин бўпти-ку. Докторлар нима деяпти? Касални аниқлашдими?

— Вой белим... Бунга докторнинг кучи етмайди, биродар. У ҳам ожизлик қиласди... Уҳ-ҳ... Душманингга ҳам кўрсатмасин бу кунни. Аъзойи баданим зирқираб оғрийди-я, худди бирор омбир билан суғуриб олаётганга үшшайды. Иккисонимни кўтара олмайман. Ана, ана, иҳ...

— Докторга мурожаат қилиш керак, Солмонбей. Бунақа юришда бўлмайди. Лоақал касалхонага ётиш керак.

— Меникининг касалхонага алоқаси йўқ, Шарофиддинбей. Руҳиятга боғлиқ нарса бу. Вой жоним-эй... Ўзиям жуда юқумли бўларкан.

Шарофиддинбей сал четга сурилиб ўтириди.

— Ундей бўлса кўчага чиқмаслик керак.

— Уф... Их... Чиқмай бўладими? Айтишга осон, бошидан ўтган билади буни. Чиқмай кўринг-чи... Үғлимдан юқди бу касал.

— Ия, ўғилча ҳам бетоб денг?

— Нимасини айтасиз. Бетоб бўлганда ҳам... жуда танг аҳволда. Анчадан бери шунақа. Вой -вой... Мен сизга айтсам, іап бундоқ, афандим... Үғлим лицейни битиролмади. Тўқиз-

инчи синфда икки йил ўтириб, аранг ўнинчига чиқиб олуди. Унинчи синфда ҳам икки йил қолиб кетди. Ҳаммасига копток сабабчи... Вой биқиним... Үғлимга насиҳат қилдим, коптогигни қўй энди, эс-ҳушингни йиғиб ол, кейинингни ўйла, дедим. «Бу нарса менга боғлиқ эмас, дада», дейди. Қолаверса, ҳар футбол ўйинидан кейин ҳамма ёғи дабдала бўлиб келади. Чап оёғи синиб, копток ўйнамайдиган бўлиб қолувди, шунга ҳам шукур қилдим. Уф, бўлмай кетялман... Оёғи синган бўлса ҳам ўзи соғ қолганига суюндим. Ахир бир кунмас, бир кун майдондан ўлигини судраб чиқишим ҳам мумкин эди-да. Уҳ, аъзойи баданим ўт бўлиб ёнепти... Шундан кейин, афандим, ўғилча футбол жинниси бўлиб қолди. Ўзи ўйнамайди-ю, лекин бирорта ўйиндан қолмайди. Анқара билан Измир унга икки қадам йўл бўлиб қолди. Соғ-саломат бориб келадиган бўлса майлийди-я, ҳар гал калтакдан шишиб, майиб бўлиб қайтади. Кейин ҳафталаб кўрпа-тўшак қилиб ётади. Ҳамиша овози хиппа бўғилган бўлади. «Овозга нима қилди, ўғлим», десам, «кўпроқ бақириб юборибман», дейди. «Камроқ бақирсанг бўлмасдими?» десам, «бу менга боғлиқ эмас», дейди. Бир ўйиндан боши ёрилиб келса, иккинчисидан бурни қонаб, кўзи шишиб қайтадиган бўлиб қолди.

— Үғлим, яна нима бўлди?

— Ўйин пайтида ёқалашиб қолдик.

— Майдонда футболчилар жанг қилишини-ку биламан, лекин томошабинлар ҳам ёқалашадими?

— Бўлмаса-чи.

— Бошқалар ёқалашса ёқалашаверсин, сен тинч ўтиранг бўлмайдими?

— Четдан туриб гапириш осон, ўзинг бир бориб кўрсанг биласан.

Үғил билан савол-жавобимиз ҳамиша шу. Бир куни уни полиция бўлимидан ажратиб олиб келдим. Яна бир сафар «Тез ёрдам» касалхонасидан топдим. Яна насиҳат қилдим, бўлмади. «Четдан туриб маслаҳат бериш осон, ўзинг бир бориб кўр, кейин биласан» деган важни қилди. Бўпти, мен ҳам бир бориб кўрай, деб аҳд қилдим.

Бир куни футбол ўйинига ўғлим билан етаклашиб бордик. Ўйин бошланиб кетди. Майдондаги командалар билан зарра-ча ишим йўқ. Ким-кимга тўп киритса киритаверсин, менга нима. Стадионда ўтирган томошабинларнинг қилиғини кўриб, кулгим қистайди. Нима бўлди-ю, бир пайт дарвозалардан бирига тўп кирди. Кирганини ўз кўзим билан кўрдим. Лекин судья буни ҳисобламади. Ошкор адолатсизлик қилди, чидаб туролмади. «Судья, кўзойнак тақсинг!» деб қичқирдим. Бошқа одамлар ҳам қий-чув кўтаришиди. Шу пайт ёнимда ўтиранг-

лардан бири, «түп кирмовди. Судья ҳақ», деб қолди. Мен ҳам бўш келмадим. «Тўп кирган эди. Судья сотилган экан, ҳисобламади», дедим. Туппа-тузук кийинган ҳалиги одам менга қараб, «кўзинг кўрми, ҳўкиз, тўп кирмовди-ку», деб қолса бўладими. «Ўзинг ҳўкиз экансан, аҳмоқ», дедим. Футбол ўйинига энди боришим, ҳали баланд-пастини билмасдим. Аслида сени бирор ҳақорат қилса, индамай туришинг керак экан. Гап қайтариб чакки қилган эканман, бояги одам «гурс» этиб бурнимга бир мушт туширди. «Гун» этиб ағдарилиб тушдим. Хайрият, одамлар ўртага тушиб, ажратиб қўйиши, бўлмаса кунимни кўрар эканман. Оғиз-бурним қон, ерда думалаб ётибман, ўғлим ёнимга кирав, деб ўйловдим, қаёқда дейсиз. «Уғлим, бу нима кўргилик?» десам, «тўхтаб тур, дада, ҳозир гол бўлади», деган жавобни қилди. Рўмолчани қонаган булинга тикиб, зўрга ўрнимдан турдим.

Бояги урған тўпини судья ҳисобламаган команда мөҳрим қўзиб кетди. Ушанинг ўйинчисига коптоқ тегса, жазавам тутиб, ўтира олмайдиган бўлиб қолдим. Худди майдонда юрган одамдек, оёғимни силтаб ташлайман. Баъзан эса оёғимни даст кўтараман-да, дарвоза тўрини тешиб, тўпни осмонга спутник қилиб чиқарадиган одамдек зарб билан тепаман. Азбаройи қизишиб кетганимдан олдимда ўтирган одамнинг орқасига қараб тепаётганимни сезмабман. Сал ҳовурдан тушгач, ундан кечирим сўрадим. «Ҳечқиси йўқ, футболда бўладиган гап, ана ҳозир гол бўлади, қара, қара», деди. Шу пайт кимдир орқамга қараб бир тепди. Зарбнинг зўрлигидан кўзимдан ўгчақнаб кетди. Футболчилик шунаقا бўларкан, Шарофиддинбей. Шу тариқа бир-бирилизни текпилаб ўтирган эдик, кутилмаганда бизнинг команда дарвазасига тўп уришди. Вижданини ютган судья буни ҳисоб қилди. Бундай ноҳақлик олдида чида бурломадим. «Судья — латта!» деб бақирдим. Аъзойи баданим титраб кетди. Енимда газ сув сотадиган бир одам ўтирган экан, унинг шишаларини олиб, судьяга отдим. Яхшиямки, қўлимга фақат шиша илинди. Уша пайдада гранат бўлса ҳам отиб юборардим. Бирдан қий-чув бошланиб кетди. Томошибинлар тарафма-тараф бўлиб, ёқалашиб кетиши. Одамлар жуфт-жуфт бўлиб, бир-бирини sola бошлади. Ўн яшар бир болани топиб, мен ҳам тагимга босиб савалай кетдим. Бунақада одам ўлдириш ҳам ҳеч гап эмас экан. Яхшиямки болапақир: «Амаки, икковимиз бир томандамиз-ку», деб қолди. Болани энди тагимдан бўшатган эдим, девдек бир одам менга чанг солиб, тагига босди. Орқа-ўнгига қарамай роса дўппослай кетди. Ўғилни ёрдамга чақираман, қани энди қайрилиб қараса. У ҳам ўзи билан ўзи овора. Охири «полиция!» деб қичқирдим. Полициячилар

ҳам жанжалга аралашиб кетиши. Бири калтак ейди, бири уради. «Ҳўв биродар, сен тагин мени бекорга ураётган бўлмагин, балки икковимиз ҳам битта команда тарафдоридирмиз», деган эдим, «бошқа одамни энди қаердан топаман», деганича яна бир мушт туширди. Қўлидан зўрга қочиб қутулдим. Барзанги мендан ажраб қолгач, скамейкаларни синдира кетди.

Ниҳоят, муштлашув тўхтаб яна ўйин бошланди. Одамлар қий-чув кўтариб юборди. Томорим хиппа бўғилган экан, бақиролмай қолдим. Енимда ўтирган одамнинг қўлида тунука қути кўринувди, мен ҳам зўр бериб тақиллатишга тушдим. Чинакам қиёмат шундан кейин бошланди. Майдонда икки ўйинчи ёқалашиб кетди. Ия биз жим ўтирамидик? Яна тарафма-тараф бўлиб муштлашдик. Аллаким оёғимдан кўтариб, осмонга иргитиб юборди. Ҳавога бир сапчиганимни биламан, бошқаси эсимда йўқ. Бир пайт кўзимни очиб қарасам, касалхонада ётибман.

— Демак, бу жароҳатларни ўша куни олган экансиз-да? — сўради Шарофиддинбей.

— Қайда дейсиз. Командамиз эртаси куни яна ўйнади. Бормай илож қанча? Менинг ўрнимда бўлсангиз, сиз ҳам албатта борардингиз... Ҳа... Уҳ... Оҳ... Вой биқиним... Оғриғига чидолмаяпман.

Солмонбейнинг қўлидаги ўроғлиқ нарса ерга тушди. Энгашиб оларкан:

— Тунука билан шақилдоқ олволдим. Овозим чиқмай қолса, чалиб ўтираман, — деди.

Автобус тўхтади. Ҳамма ёғи оқ докага ўралган одам ўринидан турди.

— Хўп, хайр Шарофиддинбей.

— Йўл бўлсин? Докторгами?

— Йўқ, азизим, футболга кетяпман... Уҳ... Иҳ... Вой оёғим...



## АСАБИЙ ОДАМ

Азбаройи тутақиб кетганидан қўл-оёғини титроқ босган нимжонгина бир мўйсафидни итариб-сурив полиция бўлимига олиб киришди.

— Манави чол ҳаммамизни ҳақорат қилди, комиссар тўра, дарҳол жавобгарликка тортинг.

Комиссар энг олдинла турган барзангидан сўради:

— Нима деб ҳақорат қилди?

— Емон сўзлар билан ҳақорат қилди, комиссар тўра, отам раҳматликка ҳам тил теккизди. Падари бузрукворимиз ўртага тушмаганларида ҳам майли эди...

Гапни чолнинг ўзи илиб кетди:

— Тўғри ҳақорат қилдим, ҳўқиздан тарқаган экансан, дедим. Мана мен бўлган воқеани гапириб берай, ўзингиз эшишиб кўринг. Таксида келаётган эдим. Бу йигит Олтинбақ-қол деган жойда машинага чиқди. Тақсим майдонига келгандан тушаман, деб қолди. Буни кўриб қоним қайнаб кетди. «Ҳўв ҳўқиздан тарқаган, ҳали ёш экансан, куч-қувватинг жойида экан, шу икки қадам ерга машинага тушмасанг ўласанми?» деб айтдим. Бўлган гап шу. Мана ишонмасангиз ўзидан сўранг. Барзангি чолнинг гапини тасдиқлади.

— Бу ерда йигитнинг ўзи айбор, лекин мени бекорга хафа қилди,— деди ўнг томонда турган иккичи бир даъвогар.

Чол комиссарнинг саволини кутиб ўтирумай ўзи гап бошлиди:

— Буниям боплаб сўкдим, айб ўзида. Бу одам ўзи Тақсимда машинага ўтириди. Бир нафасда иккита сигарет чекиб ташлади. Индамадим, яна битта тутатди. Миқ этмадим. Машинанинг ичи тутунга тўлиб кетди. Ойнани сал очиб қўйлиқ, нафас олиб бўлмаяпти, десам, йўқ, ҳаво совуқ, мен шамоллаб қоламан, дейди-я. Гапини эшишиб ғазабим қайнади. «Қанақа эшаксан ўзинг, абллаҳ, шамоллаб қолишдан қўрқадиган бўлсанг, нима учун ўтирган жойингда мўркондек кетма-кет тутун қайтарасан?» дедим.

— Қариянинг гали тўғри. Бунақа бетамиз одамларнинг таъзирини бериб қўйиш керак,— гапга аралашди учинчи даъвогар.

— Сиз ўзингиз нима демоқчисиз?— сўради комиссар унга юзланниб.

— Мениям, афандим... Емон ҳақорат қилди...

— Қилдим, қиласман ҳам... Бу киши Галатасаройдан таксига чиқди. Етти туғиб бир қолган одамини тонгандай менга ҳасрат қила кетди. Оиласи тўрт жон эмис, икки хо-

нали уйда ижара туармиш. Хотини ўтакетган шаллақи эмис. Ўтган йили қизини узатган экан, күёви ноқобил чиқибди. Хотини яна ҳомиладор бўлган экан, қорнини ёриб болани олишибди. Энди яна бўйида бўлиб қолғанмиш. Бола бўлмасликнинг йўлини билмайсизми, деб мендан сўраб қолди. Шу гапни эшишиб тепа сочим тик бўлиб кетди. «Ҳўв афандим, бу қандоқ бўлди, ўзинг оғизда битта тиши қолмаган рўдапо чол бўлсанг, бунинг устига хотининг кетма-кет туғиб бераверса? Бу ҳақда сен эмас, бошқалар ўйлаши керак. Ўзинг қанақа молфаҳм одамсан, уйдаги гапни дуч келганаға айтаверасанми, номард», дедим.

— Жуда боплабсан, сенинг ўрнингда бўлганимда мен ҳам шундоқ қилган бўлардим,— деб юборди бошқа бир даъвогар.

— Хўш, сизга нима деди?— унинг ўзидан сўради комиссар.

— Бу одам мениям ҳақорат қилди, тўрам.

— Ҳа, бопладим, яна боплайман. Ўзи Тепабошида такси ни тўхтатиб чиқиб олди. Чиқди-ю, пулемётга ўхшаб кетмакет акса ура бошлади. Четга қараб урса ҳам гўрга эди, лекин бу муттаҳам нақ бетингизга пойлаб отади-я. Яна бир хапшу деб юборган эди, юз-қўзимни сўлакай билан чаплаб ташлади. «Агар тумов бўлган бўлсанг, оғзингга рўмолча тут ёки аксираётганинг қўлини билан оғзингни бекитиб тур. Одамнинг бетига қараб акса уриш қаёқдан чиқкан, итвача?»— деб сўкиб юбордим. Ахир ўйли шундоқ эмасми, комиссар тўра?

— Балли, отахон, шунақа бўлиши керак, гапинг жуда тўғри,— деди уни қувватлаб яна бир даъвогар.

— Қани, ўзингиз нима демоқчисиз?

— Бу одам мениям куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилди.

— Ҳа, тонмайман, ҳайвон деганим рост. Гап бундоқ. Бу занғар Шишихонага келгандан машинани тўхтатди. Пастга тушгач, нуқул чўнтагини ковлади-ю, пулдан дарак йўқ. Ўзингиз биласиз, бу соатда кўчада қатнов зўр бўлади. Орқамизда трамвайлар, автобуслар, машиналар турна қатор бўлиб кетди. Полициячи бизга тезроқ юр, деб ҳуштак чалади, шофёрлар бақириб-чақиришади. Бу ҳўқизнинг эса парвойи фалак. Ҳали шимининг чўнтагини ковлади, ҳали нимчасини. Анчадан кейин «мана-э, топдим» деб ич чўнтағидан юз лиралик қоғоз пул чиқариб берса бўладими?! Жон-поним чиқиб кетди. «Таксига ўтирган одам дарров пулини тайёрлаб қўйиши керак. Шунча одамни йўлдан қолдириш ярамайди.

Пулингни майдалаб қўйсанг бўлмасмиди, ҳайвон?!» деб сўкиб бердим.

Даъвогар бўлиб келган шу таксининг шофёри ҳам унинг ёнини олди:

— Баракалла, боплаб таъзирини бердинг, қойилман.

Комиссар дарҳол унга ўгирилди.

— Ўзингиз нега келдингиз?

— Мен ҳам сўкиш эшигдим.

— Ҳа, тўғри, буниям эшак дедим. Нега деганда, у битта хотиндан пулни олиб, хўп опажон, деди, иккинчисига онажон деб мурожаат қилди. Бир кишини амаки, яна бирини тоға деб чақирди. Йўловчиларнинг бирини aka, бирини ука деб роса сайдади. Бир мўйсафидни бой ота, деб кузатиб қолди. Тишимни тишимга қўйиб кетавердим. Охири мен ҳам ҳақимни тўлаб, машинасидан тушаётган эдим, «хафа бўлмай кетинг, ота», дейди-я. Бунисига энди нима деса бўлади? «Хў, хумлар, мен сенинг онангни кўрмаган бўлсам, хотининг кимлигиги билмасам, нега энди менга ота дейсан? Машинангга тушган одам сенга уруғ-аймоқ бўлиб кетаверар экан-да, эшак!»— деб айтдим.

— Шунча ёшга кириб, Истамбул қанақалигини билмайсанми ўзинг? Мабодо сенга бунақа қўпол, бефаросат одамлар ёқмас экан, кўчага чиқиб нима қиласан? Ўйингда тинч ётаверсанг бўлмайдими, эш...

Шу жойга келганда комиссар ўзини ўнглаб олди.— Афандим!

## АЙБИНГГА ИҚРОМИСАН!

Уйқу деб аталмиш шу балойи азимни кимда-ким тағтотимири билан йўқотиб берса, у бутун дунё, инсоният ва маданият олдида фоят катта хизмат қилган бўларди. Зоро дунёда умрдан қисқа нима бор ўзи? Бунинг ҳам учдан бирини уйқу жувонмарг қилиб турса, алам қилмайдими...

Уйқу ҳақида шунаقا чуқур фалсафа сотиш билан овора бўлиб кетган эканман, бир вақт бундоқ қарасам, антиқа бир хонада турибман. Чўғдек ёниб турган курсида ўтирган бир одам дабдурустдан:

— Нима иш қиласан?— дея мендан сўраб қолди.

— Қамоқдан бўшаган вақтларимда ёзib тураман,— дедим.

— Нимани ёзасан?

— Утдан-бетдан, ҳаводан-сувдан дегандек...

— Бас!— деди у.— Айбор дилидан илиниб, иқрор бўлдиким, у ўтдан-бетдан, ҳаводан-сувдан ёзив юрар экан.

— Ҳали ёзганимча йўқ, энди ёзаман, деяпман.

— Ҳаммаси бир гўр, ёздинг нима-ю, ёзаман, дединг нима. Ёзиш ниятинг бор-а ўзи?

— Борликка бору, лекин...

— Бас. Ҳаво билан ким савдо қилади? Ҳукумат. Савдо нимани билдиради? Савдо министрини. Хўш, министр ҳукумат аъзоси эмасми?

— Ҳукумат аъзоси, афандим!

— Демак, сен ҳавони, бу билан эса ҳукуматимизни ҳақорат қилдинг. Бўйнингга оласанми шуни?

— Билмай қолибман...

— Қилган бу жиноятинг учун беш йил қамоқ жазоси оласан... Қани энди сув масаласига келайлик-чи...

— Хўп, афандим.

— Сув деб боя нимага шама қилган эдинг? Бизнинг маъмлакатимизда ниманинг суви кўп бўлади? Нутқларнинг... Хўш, нутқларни кимлар гапиради? Министрлар гапиради. Министрлар ким ўзи? Ҳукумат одамлари. Бинобарин, айбор сув демоқлик билан ҳукумат одамларининг иззат-обрўсига тил тегизди. Айбингга иқрормисан?

— Қайдан билай, шундоқ экан...

— Яна беш йил қамоқ жазоси. Эсиндан чиқарма, ҳаммаси ўн йил бўлди... Қани энди унисига келайлик-чи. Боя «ўтдан-бетдан» дединг. Хўш, ўтда-бетда ким яшайди? Ўзмиллатимизга мансуб бўлган одамлар, албатта. Демак, қораланувчи миллатимизни ҳам ҳақорат қиляпти. Шундоқми?

— Шунаقا ўхшайди, тақсир...

— Яна беш йил. Ҳисобдан адашма, ўн беш йил бўлди-я.  
 — Тўғри айтасиз, афандим.  
 — Яна нима ёзасан?  
 — Бошқа ҳеч нима ёзмайман, афандим.  
 — Ёзмайсан-а, ёзмайсан. Галир тезроқ!  
 — Хат ёзаман...  
 — Тушунарли, айбор ду хатларни кимгадир атаб ёзиши турган гап. Яъни... Бўйинингга оласанми буни?  
 — Бўйнимга оламан, тақсир.  
 — Яна беш йил. Жами йигирма...  
 — Ҳаммаси қанча бўлиши керак ўзи, афандим?  
 — Бу билан нима демоқчисан? Сен давлат ишидаги хизматчиларни ҳақорат қиляпсан-а. Айбингга иқрормисан?  
 — Иўқ, афандим.  
 — Яхшиси, иқор бўл!  
 — Хўп, тақсир.

Шундан кейин ўтирганлар бир-бирлари билан пичирлашиб олишди.

— Биргаликда чиқарган қароримиздан маълум бўлгайким, айбор ўз жиноятларига тўла иқор бўлганлиги, лекин у мақсаддан ҳали амалий ишга ўтмаганлиги, яъни жиноят миқдори юз фойиз зоҳир эмаслиги эътиборга олинган ҳолда у икки ярим кунни чегириб ташлаш шарти билан йигирма йил, яъни ўн тўққиз йилу уч юз олтмиш икки ярим кун қамоқ жазосига ҳамда ўн йил жаҳаннам азобини тортишига ҳукм этилади. Яна маълум бўлгайким, ушбу жазо муддатини ўташ учун айборнинг умри озлик қилиб қолгудек бўлса, муддатнинг қолган қисми унинг пушти камарларидан ундириб олиниди. Башарти шундан кейин ҳам айбор тузалиб чиқмагудек бўлса, у жаҳаннам дарбозасидаги қил кўприк бошига оёғидан осиб қўйилажак. Вассалом.

Жаҳаннам соқчилари қўлтиғимга кириб, етаклаб кетишётганида уйғониб кетдим. Аъзойи баданим жиққа ҳўл бўпти. Яхшиям туш тескари келади, деган гап бор-а...

— ● —

## КЕЙИН ХУРСАНД БЎЛАСИЗ

Бир-бирини таниганига уч кун бўлмасданоқ турмуш қуришга ваъдалашиб қўйнишибди. Бўлғуси келин дурустгина оиласининг қизи бўлиб, ота-онаси жуда нозик таъб одамлар экан. Шунинг учун қиз йигитга:

— Ўйимизга бориб, чол-кампирдан ҳам розилик олмасанг бўлмайди,— дебди.

Кўёв тўрани сўрасангиз, ўзи жуда мўмин-қобил йигиг, бир гапни икки қилгиси келмайди, иложи борича бировнинг кўнглини ранжитмасам, дейди. Шунга кўра у:

— Жуда соз, эртагаёқ ўйингга бориб, отангдан тўйга рухсат оламан,— деб қизни хотиржам қилибди.

Қиз воқеани онасига айтибди. Онаси ҳам бор гапни оқизмай-томизмай эрига етказибди. Хуллас, иккови эртасигаёқ куёв болани кутадиган бўлишибди.

Эртаси куни кечга яқин эшик қоқиб куёв келибди. Иzzатхурмат билан уни ичкари олишибди. Ҳаммалари биргаликда қаҳва ичишибди, аллавақтгача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришибди. Ана гапиради, мана гапиради, деб чол-кампир роса кутибди, лекин йигит сира тўйдан оғиз очмасмиш. Бунинг устига кетишини ҳам ўйламасмиш. Кеч кириб, қоронги тушибди. Кечки овқатни ҳам баҳам кўришибди. Кетидан яна қаҳва ичишибди. Бўлғуси куёв ҳамон чурқ ётмасмиш. Оғиз пойлаш билан вақт алламаҳал бўлибди, ярим кечада меҳмоини ҳайдаб бўлармиди? Ноилож унга жой солиб:

— Нариги хонага ўта қолинг, марҳамат, ўрнингиз тайёр,— дейнишибди.

Бир вақт ота бундоқ қараса, йигит қизнинг билагидан ушлаб, ўша хонага тортиқлаётганиши. Чолнинг ғазаби қайнаб:

— Үғлим, бу нима қилиқ?— дебди.

Йигит эса пинагини бузмай:

— Гап бор, ота,— деб жавоб қилибди.

— Қанақа гап?

— Гап бор, дедим, бўлди-да, суриштириб нима қиласиз, отахон. Кейин хурсанд бўласиз.

Ҳам гапирамиши, ҳам қизни зўр бериб ичкарига тортармиш. Унинг сирли гапларини эшишиб, чол-кампир индолмай қолибди. Иккови бошлишиб хонага кириб кетишибди.

— Қани, кўрайлик-чи, нима гапи бор экан,— деб чол-кампир мижжа қоқмай тонг оттиришибди.

Унинг биринчи катта иши шу бўлган экан. Эҳтимол, айнан шундоқ бўлмагандир, лекин бизга етиб келгани шу.

Хуллас, эртасига эрталаб хонадан яна бошлишиб чиқишибди.

— Қани, нима гапнг бор эди, айта қол энди,— дебди йигитта қизнинг отаси кўзини ерга қадаб.

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг, отахон, асло ғам еманг. Бир нарсани билмасак, биз гапирмаймиз. Гап бор, дедимми, вассалом, қўяверинг, кейин хурсанд бўласиз.

Нонуштадан кейин «энди бизга рухсат» деб кетмоқчи бўлган экан, қиз уввос тортиб тиззасига ёпишибди.

— Тур ўрнингдан, йиглама, бас қил. Кейин айтаман, гап бор, ўзинг хурсанд бўласан,— деганича этагини қутқариб кетибди. Бечоралар нима гап экан, деб роса кутишибди-ю, лекин уни қайта кўриш насиб бўлмабди.

Биз тушган қамоқхонага шу одамнинг ўзидан олдин саргузаштари етиб келди.

Яна бир куни у газлама дўконига қарибди-да, токчада ётган бир тўп матони кўрсатиб:

— Манавини бир кўрай,— дебди.

Газламафуруш хўп деб олиб берибди. У бўлса матони қўлтиғига қистириб, секин эшикка қараб юрибди. Молнинг эгаси олдинига ҳанг-манг бўлиб қолибди, кейин унинг машинага ўтираётганини кўргач, югуриб бориб қўлига ёпишибди. Йигит заррача пинагини бузмай:

— Ия, биродар, нега қўлимга ёпишасан? Молингни еб қўяманми? Нега оласан эмиш-а, тавба. Керак бўлганидан кейин оламан-да. Ҳа, шундоқ. Кўп ҳовлиқма, сабр қил. Гап бор,— дебди.

Унинг босиқ, қатъий гапларини эшитган дўкондор нима қилишини билмай қолади, хуллас, у ё молидан ажраб орқага қайтади, ёки «нима гап бўлдийкин?» деганича каловлануб туради. Аммо у айтган гапнинг нималигини ҳали ҳеч ким билмайди, чунки бир марта қўлга туширган одамига у иккинчи қайта йўлиқмайди.

Бу йигитнинг оғиздан оғизга кўчиб юрадиган ҳунарлари кўп, лекин ҳаммасининг йўли ва усули бир ҳил.

Бир куни трамвайдаги кондукторни роса боплаб кетганини айтиб беришиди. Тоза мириқиб кулдик. Воқеа бундай бўлган экан.

Бир пайт у трамвайга чиқибди-да, тўғри кондукторнинг олдига бориб:

— Қани, бўйнингдаги халтани менга узат!— дебди.

Кондуктор ҳайрон бўлиб:

— Нега энди?— деб сўрабди.

— Оббо сен-эй, бер дегандан кейин беравермайсанми.

— Хўш, нега берар эканман?

— Тагин сўрайди-я. Битта айтдим, бўлди-да. Сен менга беравергии, гап бор, кейин хурсанд бўласан.

Кондуктор ҳайрон бўйнидаги халтани ечиб берибди. У ҳам шул тўла халтани олиб, шошилмай трамвайдан тушибди, кейин битта-битта қадам ташлаб кетаверибди. Буни қарангки, на югуармиш, на бир ёққа қочармиш. Ҳамманинг оғзи очилиб қолибди.

Ана шу одам охири қамоқча тушди. Чуваккина бир кимса экан. Ўзи ўттиз бешларда бўлса ҳам, кўрган одам йигирма бешларга борган, дейди. Қўзлари нақ игна тешигидек, ўзи муғамбир. Унчалик гапдон ҳам эмас. Умумий камерада икки кунгача овози чиқмай юрди.

Келганининг учинчи куни ҳунарини кўрсатди.

Маҳбуслардан бирини кўзининг остига олиб юрган экан, тўғри олдига бориб:

— Қани, менга эллик лира узатвор-чи,— дебди.

— Нега бераман?

— Ҷузавер, -ишинг бўлмасин.

— Негалигини билсак бўладими?

— Тавба, негалиги билан нима ишинг бор. Бер дегандан кейин беравермайсанми, ошна. Қани, узатавергин, гап бор, кейин хурсанд бўласан.

У ҳам «нима гап бор экан?» деб қизиқиб қолиб, эллик лирани қўлига санаб берибди.

Бу воқеадан ўша куниёқ ҳамма хабардор бўлди. Маҳбуслар ҳам, соқчилар билан қамоқхона бошлиғи ҳам буни эшишиб роса кулишиди.

Қамалганига ҳали бир ҳафта бўлмаган эди, тўсатдан фойиб бўлди. Қамоқдан қандай қочганини биз кейин эшитдик. Маълум бўлишича, кечга яқин навбатда турган соқчининг олдига бориб:

— Қани, эшикни оч!— дебди.

Гапни дўндириб гапирганга нима етсин. Агар бошқа одам келиб шунақа деса борми, соқчи тумшуғига айлантириб бир туширган бўларди. Лекин бунинг важоҳатини кўриб:

— Очсан нима бўлади?— деб сўрабди.

— Очгин, кейин кўрасан. Гап бор.

Соқчи камера эшигини очибди.

— Мана энди бу ёққа юр!

Соқчи унинг кетидан ташқари ҳовлига чиқибди.

— Энди бу дарвозани оч!

— Нимага?

— Айтган ишни қиласан. Сабрни кетидан ташқари ҳовлига чиқибди.

Соқчи дарвозани ҳам очиб берибди. У нима гап борлигини сабрсизлик билан кутаётган соқчига қўлини силкиб ҳай-ю ҳайт деб жўнаб қолибди.

## ДАЪВОДАН КЕЧАСИЗМИ

Қаҳвахонада кимдир бирорни «шарак» этиб тушириб қолди. Гап-сўз бўлининб, ўйин тўхтади. Ҳамма шапалоқ овози келган стол томонга ўғирилди. Тарсаки еган одам барваста, йўғону, урган одам чўпдек ингичка, нимжон экан. Йўғон одамнинг чап бетига тушиб қолган беш панжа изига қараб ҳам полиция уни ким урганини билиб олиши мумкин.

Ҳамма, йўғон одам ҳозир ўша қўл кўтарган мижғонни тагига босиб, итдек савалайди, деб ўлади. Аммо кутилгандек бўлмади.

— Жавобгарликка тортаман! — деб бўкирди йўғон одам. Бирор бир нима демади.

— Ҳаммангиз кўрдингиз-а, — деди у яна ўтирганларга қараб.

Шундан кейин у бўйи елкасидан келмайдиган бояги ингичкага ўгирилиб:

— Қани, юр полицияя! — деди.

Тарсаки урган одам хира пашшани ҳайдамоқчи бўлгандек қўлини силтаб:

— Бор-э! — деб қўйди.

Йўғон лапанглаб кўчага юурди.

Қаҳвахонада ўтирган одамлар яна ўйинга шўнғиб кетишди. Орадан сал ўтгач, бояги йўғон одам ёнида бир полициячи билан ичкари кириб келди-да, ингичкани кўрсатиб:

— Мана шу, мени урган! — деди. Кейин ўтирганларни кўрсатди. — Булар гувоҳ!

Полициячи қўшни стодда ўтирган тўрт кишини ингичканинг ёнига қўшиб, идорасига ҳайдаб кетди.

Полиция бўлимига киргач, йўғон одам ҳалиям лавлагидек қизариб турган чап бетини кўрсатиб:

— Манави одамни жавобгарликка тортинг, комиссар тўра, мени урди. Булар ҳам гувоҳ, — деди.

Комиссар урган билан калтак еганинг, шунингдек тўртала гувоҳнинг кимлигини суриштириб, ёзув машинкасида қофозга тушириди.

Даъвогар айбордор билан таниш эмаслигини айтди.

— Бизлар ҳеч нима кўрганимиз йўқ, — дейишди гувоҳлар.

— Шапалоқ овозини ҳам эшитмадингизми? — сўради уларга қараб йўғон одам.

Гувоҳларнинг тўртловиям «бизлар ҳеч нима кўрганимиз ҳам, эшитганимиз ҳам йўқ» деб туриб олишди.

Шу орада ингичка одамнинг ўзи:

— Мен тонмайман, бу кишини урганим рост, бўйнимга оламан, — деб юборди.

— Хўш, нимага урдингиз? — деди унга қараб комиссар. — Орангизда бирор гап ўтганми? Еки бу одам сизни ҳақорат қилдими?

— Нима гап ўтарди, мен бу одамни умуман танимайман.

— Бўлмаса нега урдингиз?

— Гап бундоқ, — деди ингичка. — Қеча кечқурун тўғри ишдан чиқиб уйга келдим. Ўйда чироқ йўқ экан, ўчириб кетишибди. Пулини тўламаган эдик. Қоронида ўтиридик. Туни билан мижжа қоқмадим. Бир ёқда онам қасал, икки йилдан бери ошқозони оғрийди. Боёқишининг кўрмаган азоби қолмади. Буни қарангки, доктор ёзиб берган дорини исча, оғрия босилади. Лекин дори топиш осонми ҳозир?

Эрталаб ўрнимдан турсам, чап томоним қақшаб оғрияпти. Ўйдаги деразанинг ойнаси синганига уч ой бўлди, ҳали қўйдиролмайман. Ойна йўқ. Ўрнига чойшаб тутиб қўйган эдим, барибир бўлмади. Фувиллаб шамол киради, уй совуқ. Чап томоним шамоллабди. Ўрнимдан туриб, кечирасиз, эщикка чиқдим. Сув тўхтаб қолибди. Гашқарида жала қўйиб турса-ю, ўйингизда сув бўлмаса қизиқ туоларкан. Ҳаммамиз дир-дир титраймиз. Қўмирга ордер беришмаганидан озроқ ўтиш олувдик, у ҳам тугабди. Мана энди ўтинга ҳам зормиз. Лекин бизга йўл бўлсин.

Ҳар куни ишга кетиш олдидан газеталарни бир ўқиб чиқман. Қани, бугун нима гаплар бор экан, деб газеталарни қўлга олдим. «Ғўзаллик мусобақаси», «Галатасарой» командаси чемпион бўлди», «Уч юз тонна ҳаҷва нима бўлади?», «Обидин давер» кемаси турган жойида чириди» деган нарсалар билан тўлибида газета. Хунобим ошиб кетди. Ўрнимдан сакраб туриб, кўчага отилдим. Югуриб чиқсан, эшигимизнинг олдида суд ходими билан уй эгасининг адвокати келиб туришган экан. Ижара ҳақини тўламаганим учун ўйнинг эгаси мени судга берибди. Уйимни тинтув қилиб, мусодарага арзийдиган бирор нима топишолмади. Очифини айтсан, бунақа рўзғорингда бирор арзигулик буюм бўлмаса хижолатда қоларкансан.

Шу пайт адвокат тушмагур:

— Манави дивани опкетамиз! — деб қолди.

У боёқиши диванимизга ёпишган эди, қўлига эски иштон, увада кўрпа, ҳар хил латта-путталар чиқди, тагидан ёғоч қутилар қўринди.

— Ия, бу ёқда радиоприёмник бор экан-ку! — деди у дивандан воз кечиб.

Шу даҳмазани олиб кетишиса, минг марта рози бўлардим. Жонивор бир йилда ўн ой ремонтда ётади-я. Топган пулим шунига кетади. Агар шу балойи азимдан қутулсан...

Энди кетай деб турган эдим, хотиним:

— Қизимиз мактабга бормаяпти, — деб қолди.

— Нега?

— Физкультура муаллими оқ резинкали ботинка билан шалвор олиб келмасанг, дарсга кирмайсан, дебди.

— Ҳа, бир гап бўлар.

— Овқатга ёғ йўқ.

Югуриб кўчага чиқдим. Ишдан кеч қолдим, энди бугун бормай қўя қолай дедим ўзимга-ўзим. Бунинг устига тинмай жала қуйиб турибди. Илгари биз томонларга трамвай юрарди, ҳозир у ҳам йўқ. Автобусни пойласанг, ярим соатда зўрга келади. Кошийди кутганга яраша чиқолсанг. Ҳамиша тирбанд бўлади. Таксини гапирмаган маъқул. Кўчадан машиналар фир-фир ўтиб турибди-ю, биттасиям тўхтамайди-я. Оёқдан сув ўтиб кетди, роса ивидим. Нима қиласримни билмай ганиб турган эдим, бир ўспирин олдимга келиб:

— Кечирасиз, тоға, — деб қолди.

Соат-поат сўраса керак, деб ўйладим.

— Қечаги ўйин нима бўлди, эшитмадингизми?

— Тавба... — Индамай жўнаб қолдим. Ўша ўртадаги қаҳвахонага кирдим. Уст-бошим жиққа ҳўл, чой сўрадим. Мен урган шу одам ёнимда газета ўқиб ўтирган экан. «Аҳвол чатоқ, бу ёғи нима бўлди» деб ўзимча хаёл суриб ўтирган эдим, бу киши «юртимиз жаҳаннамга кетяпти!» деганича қўлидаги газетани иргитиб юборди. Бу одам ҳам менга ўхшаб бир нимадан куйган бўлса керак, деб ўйладим. Икковимиз ҳасратлашсак, зора енгил тортармиз, деган мақсадда унга қараб:

— Тинчликми, бейафандим? Сўраганинг айби йўқ, нега хафа бўляпсиз? — деб сўрадим.

— Хафа бўлиш ҳам гапми, қоним қайнаб кетди, — деди у ҳамон тутақиб. — Мамлакат бедарвоза бўлиб қолди. Судьялар нима истаса шуни қиласди. Буни қаранг, кечаги футбол ўйинида судья яна тарафкашлик қилибди.

Шундан кейин нима бўлганини билмайман. Ўзимни тутолмай қолдим, комиссарбей. Умримда бирорни чертган инсон масман. Бирор электр тугмачасини босиб, баданимга ток юборгандек бўлиб кетдим. Унг қўлим ўзидан-ўзи шартига кўтарилиб, шу одамнинг башарасига шапалоқ туширдим. Урганимни бўйнимга оламан. Лекин мен қасдан урганим йўқ. Ўзимни ушлолмай қолдим. Uriб бўлганимдан кейин ўзимга келдим, олдинига бу одам ҳозир мени дабдала қиласди, деб қўрқдим. Аммо бўлар иш бўлган эди. Парвардигори олам ўша пайтда Зол ўғли Рустам паҳлавоннинг бутун кучини менга бердими дейман, ҳар ҳолда бу кишини қарсиллатиб уриб қолганим рост.

Комиссар калтак еган йўғон одамга бир қараб, тишларини рижирлатиб қўйди. Кейин ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди-ю. лекин ўнг қўлининг кафтини ишқалаб қўя қолди. Сўнгра йўғон одам турган томонга ўгирилиб:

— Қани, даъводан кеча қолинг! — деб буюрди.

— Йўқ, асло кечмайман! — жавоб берди тарсаки еган одам. Комиссар тутақиб кетди, кейин ёзув машинкасининг олдида ўтирган полициячига ўгирилди.

— Қани, ёз бўлмаса. Даъвогар мамлакатимиз жаҳаннамга кетяпти, дебди. Бу билан у юртимизнинг олий манфаатларига ҳамда ҳукуматимизнинг маънавий обрўсига...

— Ҳўш, даъводан кечасизми? — сўради у яна йўғон одамдан.

Тарсаки еган одам беш панжанинг изи тушиб қолган чарапетини силаб туриб деди:

— Ҳўп, бўлади, афандим, даъводан кечдим.

— ● —

## БИЗ У ЕРГА БОРМАЙМИЗ!

Инежиқ қышлоғига уч отлиқ кириб келди. Буларнинг иккитаси оддий жандарм, учинчиси эса ўнбоши эди.

Жандармлар ўзаро чақчақлашиб кетаётган бўлса ҳам, ўнбошининг авзойи бузуқ эди. Ў худди салтанат тахтига минган одамдек олдинда савлат тўкиб бораради. Қишлоқ йўлининг бошига чиққа, ўнбоши отнинг тизгинини тортди. Шу атрофдаги кўлмак ёнида уймалашиб юрган болалар буларни кўриб, тирақайлаб қочишиди. Чиллакдек озғин бир бола кажава қорнини лапанглатиб қаҳвахонага қараб чопди. Қаҳвахонага ҳаллослаганича кириб борди-да:

— Камандир келяпти, камандир! — деб бақирди.

Қаҳвахонага жимлик чўқди. Ҳамма эшикка қаради. Бола яна изига қайтмоқчи бўлиб ташқари чиққан эди, бояги отлиқлар отдан тушаётганини кўрди. Жандармлардан биттаси отларни жиловидан олиб, устунга қантариб боғлади. Кейин учви ҳам бирин-кетин ичкарига кирди. Қаҳвахонада ўтирган одамлар қимир этмади. Ёлғиз қаҳвахоначининг ўзи турган жойида бир қимирлаб қўйди:

— Келинглар, ўнбошим, хуш кўрдик.

Жандарм бошлиғи унга қайрилиб ҳам қарамади, узун скамейкаларда, похолдан тўқилган курсиларда тизилишиб ўтирган деҳқонларга назар ташлади, ҳаммани бир-бир кўздан кечириб чиқди. Лекин ичкари бир оз қоронгироқ бўлгани учун ўтирганларни яхши таниёлмади.

Шу алфозда у бирпас ғўдайиб тургач:

— Хўш, нима гап, исён кўтаряпсанларми? — деб бақирди.

Хеч ким индамади.

— Сенларга гапирияпман, исёнми бу, нега индамайсанлар! — яна ўшқирди у.

— Йўғ-э, ўнбоши, унақа эмас, — деди кимдир бурчакдан.

— Бўлмаса нима бу? Нега индамайсанлар? Оқсоқол қани? Мияси айниган бу чол нега кўринмайди?

Аллақайси томондан оқсоқолнинг овози эшитилди:

— Шу ердаман, ўнбошим, келавер.

Ичкаридаги қоронгиликка ўнбошининг кўзи энди анча ўрганиб қолган эди, шунинг учун у қаҳва қайнатиладиган ўчоқ ёнидаги скамейка томон дадил қадам ташлади. Оқсоқол билан унинг ёнида ўтирган одамлар ўринларидан туришиди.

— Қани, ўтири, икки оғиз гапимиз бор, шуни эшиш, — деди оқсоқол ўнбошига ёнидан жой кўрсатиб.

— Йўқ, ўтирмайман, нима гапларинг бўлса, айтаверинг-

лар! — жавоб берди ўнбоши оқсоқол кўрсатган жойга ўтирад экан.

Иккала жандарм ҳам нарироққа бориб чўқди.

Шундан кейин оқсоқол қаҳвахоначига буюрди:

— Тўраларга яхшилаб бир чой қил!

Сўнгра у ўнг кўлини кўксига кўйиб, келганларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида «хуш кўрдик!» деб чиқди.

— Хўш, исён қиляпсанларми? — яна бояги саволини қайтарди ўнбоши оқсоқолга қараб.

— Гапингга тушунмадим, ўнбошим.

— Нега бўлмаса менин кутиб олмадинглар! Хўш, нега кўлимдан жиловни оладиган одам бўлмади? Илгари бўлганими шу иш? Демак, исён-да бу!

— Зинҳор ундоқ эмас.

— Бўлмаса ғалаён деб тушуниш керакми? Ахир менин жандарм бошлиғиман, устимда ҳукумат берган расмий кийимбoshi!

Кимдир стаканга чой қуйиб, ўнбошига узатди. У чойни олиб, бир ҳўплагач:

— Чой-пойларинг ўзларингга сийлов, мен ичмайман. Олдин менга ҳисоб берасанлар! — деди, кейин яна ўдағайлади: — Хўб оқсоқол!

— Лаббай, тўрам!

— Сенга телефон қилганим ростми?

— Рост, ўнбошим.

— Телефонда демократиянинг қонун-қоидаси қанақа бўлишини айтиб бердим, тўғрими?

— Тўғри, ўнбошим.

— Мана шу жандармлар орқали ҳам тайинлаб юбордим-а?

— Шундоқ, ўнбошим.

— Хўш, ҳаммаси тўғри экан, нега айтган нарсани қилмадинг? Нега одамларни тайинланган жойга олиб чиқмадинг? Қани, хўш? Юз нафар одам пиёда борсин, қирқ киши отда чиқсин, ўша айтилган жойга боргандан ҳамма «Яшасин демократия!» деб қичқирсин, демаганимидим? Иннайкейин, келаётган улуғларимизнинг пойқадамига атаб битта бузоқ билан иккита қўй олиб чиқинглар, девдим, қани ўшалар? Бошқа қишлоқлар айтганимни қилди, нега сенлар бош тортасан?

— Ўнбошим, гапимга қулоқ сол. Биз битта эмас, бешта бузоқ берайлик, биздан иккита эмас, йигирмата қўй ола қол, шунга ҳам розимиз. Шу жониворлар демократия йўлида қурбон бўлсин, майли. Аммо сен бизни катталарни кутиб олишга юборма. Сенга подалаб қўй берсак берайликки, лекин ўша кутиб олиш маросимидан бизларни холи қўй, ўнбошим.

— Бундан чиқди, сизлар демократияга қарши экансиз-да?

— Ундоқ әмас. Демократга қарши жойимиз йўқ. Лекин кутишга чиқмаймиз.

— Бўлмаса эркинлик малол келибди-да?

— Бундоқ ҳам әмас. Эркинликка ҳам бизнинг ҳеч эътиrozimiz йўқ. Эркинлик нималигини биламиз, унинг олдила бош эгамиз. Аммо кутиб олганни бормаймиз.

— Менга қара, сени шу мақсадда жандарм кучи билан қишлоқда оқсоқол қилиб сайлаганимидик? Ахир деҳқонлар улуғларни кутиб олмайдиган бўлса, демократия қаёқда қолади? Мен сизни тушунолмай қолдим, дам эркинликка эътиrozimiz йўқ, дейсиз, дам «Яшасин демократия!» дейишдан бош тортасиз. Бу қандоқ бўлди?

— Бунақа деганимиз йўқ, ўнбоши. Қиттай янгилишсан. Биз, яшасин, деб айтишдан бош тортмаймиз, лекин шартшуки, қишлоғимиздан четга чиқмаймиз. Майли, шу ернинг ўзида нима десанг, шуни қилайлик, яшасинлаб еру осмонни ларзага келтирайлик, ҳаммасига розимиз. Аммо бизни ўша жойга юборма.

Оқсоқол ўнбошига сигарет тутди. Ўнбоши сигаретдан бир дона олган эди, аллаким ўт узатди.

— Йўқ, чекмайман,— деди у сигаретни ёндириб олгач.

— Сенларникини чекмайман, Қани, оқсоқол, гапир, нега бормайман деяпсан?

— Ўша жойингга бормаймиз, ўнбоши, шу ердагисига биз тайёрмиз. Бир ҳафта яшасин, деб қичқиринглар, десан қичқирамизу, лекин қишлоқдан ташқари чиқмаймиз.

Шу атрофда ўтирган бир мўйсафид гапга аралашди:

— Барака топтур оқсоқол, шу ғалчага бор гапни айтиб бера қол. Уз қулоғи билан эшитсан.

— Хўп, бўлмаса қулоқ сол, ўнбоши, мен гапириб берай. Шу вақтгача бирор марта бу ишдан бош товлаганимидик? Йўқ. Нима десанг, шуни қилиб келдик. Сен қирқ киши от миниб борсин, деб буюрганингда юзта отлиқ билан ҳам борганимиз. Камида юз нафар одам яёв борсин, деганингда биз бутун қишлоқни ёққа турғизиб олиб кетганимиз. Сен битта бузоқча сўраган кезларингда бизлар иккиталаб ҳўқиз олиб борганимиз. Ҳа, шу вақтгача бирор марта ҳам гапингни иккита қилганимиз йўқ. Мана энди бу ёғини тингла: бултур телефон қилиб, кутиб олишга чиқинглар, дединг. Ҳаммамиз чиқдик. Майдон одамлар билан лиқ тўла экан. Кимdir ўртага чиқиб, ваъзхонлик қилди. Гапириб бўлганидан кейин қарсак чалдик. Ўша куни юртдаги полициянинг ҳаммаси биз борган жойга йигилган эканми, тўда-тўда бўлиб бизга ёпирилишди. Ҳаммасининг қўлида таёфи бор, роса калтак едик. Кўп қатори мени ҳам уриб йиқитишиди. Бундоқ қара.

сам, ҳамқишлоғимиз Иброй олакўз ерда войвойлаб ётиби. Боеқишининг ўзи нима аҳволда-ю, мендан ҳадеб:

— Оқсоқол, бу қандоқ гап?— деб сўрайди.

— Мен ҳам тушунолмай қолдим, Иброй,— дедим унга.— Чамаси бизлар қишлоқдан бу ёққа келгунча ҳокимият бошқа партияга ўтган кўринади.

Роса калтакка шишиб, ерга маржондек тизилганимиздан кейингина нима гаплигига тушундик. Билсак, боя биз қарсак чалган нотиқ бизникидан бошқа партиянинг вакили экан. Биз ҳам янгилишиб ўша муттаҳамга «Яшавор!» деб бақирган эканмиз. Биримизнинг қўлимиз, биримизнинг оёғимиз синди. Урушдан қайтган ярадорлардек қишлоққа кириб бордик. Кўпчилик ётиб қолди.

Орадан бир ҳафта ўтган эди, яна сен телефон қилиб: «Улуғларимиздан бири келяпти, кутиб олинглар. Ўзини аптамбили билан ердан кўтариб олинглар», дединг. Хўп бўлади, деб ўйлига пешвоз чиқдик. Аптамбилини кўра солиб, югурдик, ўзинг айтгандек қилиб аптамбили билан ердан кўтарибдик. Лекин шу пайт ўт ўчирадиган бир машина пайло бўлди-ю, йўғон хартумидан бизга қараб сув пуркай бошлади. Суви билан бизни чунонам саваладики, асти қўявер. Ҳусайн давангир деган одамимиз бор, ўзи ерда балчиққа беланиб ётиби-ю, ҳадеб чапак ҷалиб, яшавор! деб қичқирали. Тагин бечора ҳар иккӣ гапнинг бирида, менга сув пуркашапти, дейди.

Сув тўфонидан зўрга қочиб қутулдик. Қейинчалик билсак, яна янгилишибмиз. Ўзимизнинг партия бошлиғиники, деб бегона партия бошлиғининг аптамбилини кўтариб кетган эканмиз. Шилта-ю шалаббо бўлиб қишлоққа қайтиб келдик. Ўзим ҳам роса ивиган эканман, ўн беш кунгача баданимдай нам аrimай юрди.

Кейинги ҳафтага яна телефон қилдинг, ўнбоши. Бу гал деҳқонлар бормаймиз, деб, туриб олишди.

— Ия, калтак билан сувни энди кўряпсанларми? Олдинги хукумат даврида таёқ емаганимидинглар? Қолаверса, бизни бегона партия әмас, ўзимизнинг партиямиз савалади, шунга ҳам ота гўри қозихонами,— деб уларга насиҳат қилдим.

Хуллас, қишлоқ аҳлини йигиб, яна кутишга чиқдик. Ҳали бирорта каттани кўриб, гапини ҳам эшитмаган эдикки, бизга жандармлар ҳамла қилиб қолди. Бизларни машинада қувиб, таёқ билан савалашди. Ут ўчирадиган машиналар устимизга сув пуркади. Бу ёғини сўрасанг, ўнбоши, шундан кейин кетма-кет бомбалар портлай бошлади. Яна биздан хатолик ўтгандек кўринади-ю, лекин гап нимадалигини билмаймиз. Ўша бомбаси одамни йиглатар экан, кўзларимиздан дув-дув

ёш қуйилади. Ражаб бечора худди жиннига ўхшайди, дам қотиб-қотиб кулади, дам бўлса ҳўнграб йиглайди. Бомбаси патир-птур ёрилиб турибди. Хартумлардан устимизга сув ёғилади. Машиналар атрофимиизда фир-фир айланади-ю, бошларимизга кетма-кет таёқ тушади. Одамларимиз бўлса жон ҳолатда, «Яшасин демократия!» деб қичқиришади. Нима бўлди-ю, бир пайт, «хўв яхшилар, жиминглар, ҳукумат ўзгарганга ўхшайди!» деб юбордим.

Зўрга қочиб қутулдик. Бомбалар бизни ёмон хароб қилиди. Анча кунгача қўзимиздан дув-дув ёш оқиб юрди. Гапнинг қисқаси, бизларни тинч қўй, ўнбоши тўра, у ерга энди юбора кўрма. Биз асло бормаймиз. Бошқа нима десанг, шунга розимиз. Нима сўрасанг, ўшани берамиз. «Яшасинни» шу ерда туриб қотирамиз. Хўп десанг шу. Лекин улуғларни кутиб олишга бизни юборма, Йў-ўқ, ўнбоши, энди ҳечам бормаймиз.

— ● —

## ДЕМОКРАТИЯ ШУНҚОРИ

Шакарпазликда бобомнинг олдига тушадиган одам бўлмаган экан. Отам раҳматлик сергайрат одам бўлганидан дўкон очиб, қандолатфурӯшлик қила бошлабди.

Ёнимиздаги мискар анча бемаънироқ экан, келган харидорларнинг эшагини тўғри дўконимизнинг олдига боғлатаверибди. Буни кўриб ҳтамнинг жаҳли чиқибида, мискарлик ҳунарини ҳам ўрганиб олибди. Унга аччиқ қилиб мискар ҳам қандолат сотишга ўтибди. Рўпарада бир баззоз бўларди, ўшанинг денг ҳамма ахлат сувини қандолатхонамизнинг олдига шалоплатиб тўкиш одатини чиқарибди. Ўша вақтларда ёш бола эдим, отам:

— Бири дўконимнинг олдига эшагини боғласа, иккинчиси мағазавасини тўксса, шу ҳам инсофданми. Энди мендан кўринглар!— деб бақириб-чақиргани ҳали-ҳали эсимда,

Ўша баззозга ўчакишиб отам Истамбулдан анвойи газламалар олдириб келди. Қарабиски, дўкончамизда ширинликлар билан мискарлик буюмларидан ташқари, анвойи газлама-ю матолар ҳам сотиладиган бўлди.

Кунлардан бирида отам тушмагур чап биқинидаги кавушдўз уста билан айтишиб қолибди. Натижада, дўконимизга Истамбулдан хил-хил кавушлар келадиган бўлди. Хотин-қизлар учун махсус тикилган ажнабий кавушларнинг зўри фақат бизнинг дўкондан топиларди.

Падаримиз қазо қилганларида дўконимиз ер юзида чиқадиган жамики моллардан нусха топса бўладиган даражага келиб қолган эди. Худо менга ёзиш-чиши ҳавасини иоят қилган экан, савдо соҳасида қиласидан ишим қолмагани учун қаламни синаб кўришга аҳд қилдим.

Аслида ўрта мактабни битиргандан кейин бошқа ўқимадиму, лекин роса шеър ёздим. Бу ёғини сўрасангиз, учдафтар тўла шеърим бор. Лекин дуруустроқ бир нима ёзгани учча қўлим бормайди, чунки бу ернинг одамлари ёзувчиликни тушунишмайди.

Истамбулда чиқадиган бир журналга шеърларимни юборган эдим, анча маъқул келибди. Баъзи жузъий камчиликларини тузатиб берсангиз, албатта босиб чиқарамиз, дейишибди. Бу гаплар фирт ёлғонлигини биламан. Йистеъодимни кўришолмайди, шунинг учун шеърларимни босишмаган-да.

«Эл-юрт тараққиёти учун нималар қилиш керак?» деган мавзуда йигирма икки қофозли бир мақола ёзиб, газеталардан бирига жўнатдим. Шу мақолам бирор ақлли одамнинг

қўлига тушса, газетанинг биринчи бетида бош мақола ўринида босиб чиқашибига ишончим комил.

Бир пайт бир ошнам «газетада мақоланг чиқибди» деб қолди-ю. Эсим чиқиб кетди. Уша газетани вергулидан нуқтасигача ҳижжалаб ўқиган эдим-ку, нега кўрмабман-а. Аммо шунда ҳам сирни бой бермадим:

— Бўш вақтларда газеталарга ул-бул ёзиб қўяман. Жуда кўп редакциядан илтимос келади-ю, лекин вақт қаёқда бунга. Мақолам қайси бирида чиқибди?

Ошнам қўлидаги газетанинг бешинчи бетини очиб, «Газетхонлар билан сұхбат» деган жойини кўрсатди. Азamatлар йигирма икки қоғоз мақолани беш сатрга жойлашибди. Редакциядагилар исми шарифимни ва туар жойимни ёзиб, «ватандошларимиздан бири эл-юрт тараққиёти учун саводхонликни оширишни ва қандлавлаги экишини таклиф қилияпти» дейишибди-да, ўша беш сатр гапни келтиришибди. Буниси ҳам менини әмас, ўзлари тўқиган. Боплаб радия ёзмоқчи бўлдиму, лекин редакциядагиларни хафа қилиб қўйсан, газетага иккинчи бор мени йўлатишмайди, деб кўрқдим. Беш сатр бўлса, беш сатр-да, шунга ҳам ота гўри қозихонами. Бугун беш сатр бўлса, эртага олти, индинга олтмиш сатр бўлиб қолар.

Газетада чиқиши ғалати нарса-да. Ота мерос қандолатхонада ширач билан нағал сотиш қаёқда-ю, бу қаёқда: Дарров ҳамманинг оғзига тушдим. Илтимослар ҳам ёғилиб кетди:

— Худо хайнингни берсин, шу муниципалитет раисини бир уриб чиққин.

— Йўл азобини бир боплаб ёз.

— Урмонлар қай аҳволда эканлигини ёзиб юбор.

Ана беш сатр гапнинг қудрати! Агар ўн беш сатр бўлганида нима бўларди?

Ростакам ёзувчи бўламан деган одам редакциянинг ичига кириб олиши керак. Шу мақсадда мен ҳам билган газеталаримнинг ҳаммасига: «Муътабар газетангизнинг биринчи сони чиққан кундан буён зўр эътибор билан кузатиб келляпман», деган мазмунда хат ёзиб юбордим.

Шулардан биттасидан жавоб келиб қолди. Бу газета янги ташкил қилинганилиги учун мухбирларга муҳтож экан. Бизга мухбирликка рози бўлсангиз, бир дона суратнингизни юборинг, дейишибди. Дарҳол расмимни жўнатдим. Мухбирлик васиқаси ҳам қўлга тегди. Дўкондорликни вақтинча тарк этиб, мухбирликка шўнғиб кетдим.

Мухбирликни бир хотин қизил ярим ой жамиятига эллик минг лира ҳадя қилганини ёзиб юборишдан бошладим. Ха-

бар газетада чиқмади. Кейин бўлиб ўтган футбол ўйинларни хабар қилдим. Унисиням беришмади. Жиной ишлардан ёздим, йўллар ремонт қилинганини билдирам. Анқарадан катталар келгани ҳақида хабар қилдим — бирор натижа йўқ. Езганларимни гоҳ телефонда бераман, гоҳ телеграмма қиласман ёки хат орқали жўнатиб турибман. Бу ёғини сўрасангиз, одамларга: «Бизнинг нарсани эртага газетада ўқисиз», деб қўяман-да, чиқмаганидан кейин роса шарманда бўламан. Қолаверса, таъналар ҳам кўпайиб кетди:

— Ҳамидбей томини бўятиби, дарров газетага хабар қил!

— Бакир афандининг эшаги йўқолибди, ёзий чиқ буни! Бир куни редакциядан хат олдим. Хатнинг мазмуни шундай эди: «Муҳтарам мухбиримиз! Бизнинг мақсадимиз газетани бир идеал ва ўналишга қаратган ҳолда чиқармоқликдир. Шу важдан сиз газетамизга биринчи навбатда ноёб хабарлар юбориб турасиз, деган умиддамиз. Афкор омманинг эътиборини тортиб, унда қизиқиши туғдирадиган хабарлар газетачиликда фоят қадранади.

Масалан: беш киши бир кишини ўлдириши мумкин, бунга ишонса бўлади. Аммо бир киши бештасини ўлдирса-ю, кейин мурдаларни бир бошдан еябошласа, бу ноёб хабар ҳисобланади. Яна бир мисол: бирор футбол ўйини пайтида ишқибозлар судъяни тутиб урадиган бўлса, қўяверинг, бу бўладиган гап, лекин ишқибозлар судъядан калтак еган бўлса, бундай ҳабарни жон деб босамиз. Етмиш яшар чол тўсатдан хотин кишига айланиб, беш бола туғиби, деганга ўшаган ноёб, теша тегмаган ҳодисаларга жуда муҳтожмиз. Замонавий тушунчалар руҳида чиқадиган газетамизнинг бир вакили сифатида шу изоҳларимизни эътиборга олган ҳолда, бизга яхши хабарлар йўллаб турарсиз, деган умиддамиз.

Ишингизда муваффақиятлар тилаймиз».

Хатни ўқиб чиққанимдан кейин кўзим мошдек очилди. Илгари юборган хабарларимдан биронтаси ҳам нимага босилиб чиқмаганлигини энди тушундим. Мен ҳам вақтини бой бермай, дарҳол ноёб воқеаларни излашга тушдим. Аммо қанча уринсам ҳам, ҳеч бунақасини топа олмадим. Қизиқ газеталар шунча ноёб хабарни қаердан олишаркин? Ошнагайни олдида юзим қаро бўлгани учун кўчага ҳам чиқолмай қолдим.

Бир куни уйда, деразамнинг тагида ўтирган эдим, салнарида ўтлаб юрган бир гала қўйга кўзим тушди. Янги қўзилаган бу қўйларнинг ёнида эшак ҳам юрган экан. Илҳомим жўшиб кетди, дарров қўлимга қалам олдим. Езган нар-

самни телеграмма билан дарҳол редакцияга жўнатдим. Эртасиғаёқ у газетанинг учинчи бетида босилиб чиқди. «Эшак қўзи туғди» сарлавҳали мақолам шундай бошланарди: «Мухбиримиз хабар қиласи: кечак бизнинг шаҳарда қирқ беш яшар бир ҳангиси эшак иккита қўзи туғди. Қўзилардан бири булбулга ўхшаб хониш қилса, иккинчиси кар ва соқов бўлиб туғилган. Ҳангиси эшак иккала қўзига думидан сут бермоқда. Шу ерлик қарияларнинг айтишига қараганда, юртимизда демократия қўёши балқиб чиққандан бўён бундай ҳодиса юз бермаган. Демак, ҳангиси эшакдан икки қўзичоқ туғилиши яхшилик аломатидир».

Мухбирлик шаънимни оқлаб олдим. Биринчи мұваффақият одамнинг кучига куч, гайратига файрат қўшар экан. «Осьмондан балиқ ёғди» деган иккинчи хабарим газетанинг биринчи бетида босилиб чиқди: «Махсус мухбиримиз... дан билдиради: кечак бизнинг шаҳримизда дўл ўрнига осмондан чўртсанбалиқ билан лаққабалиқ ёғди. Буларнинг ҳар қайсиси камидан 6—7 кило келади. Балиқларнинг ичидан турли овқаглар чиқапти. Икки соат давом этган балиқ ёмғири натижасида экинлар билан мева даражатлари шикастланди. Агар яна шунақа ёмғир бўладиган бўлса, бу йил очарчилик бошланиши мумкин. Тегишли доиралар келгусида балиқ ёмғирига йўл қўймаслик учун осмонга қармоқ ўрнатишга ваъда беришид».

Хабарни дўндирадиган бўлиб қолдим. Бир одам ўзининг ҳўқизи билан тепишиб қолди, иккинчи бир одам зотли буқасига ҳужум қилди, бир хотин чақалоқ ўрнига қурбақа туғиб қўйди, қабилида кетма-кет хабарларим босилиб чиқди. Газетани ўқиган киши бизнинг вилоятимизда бошқача одамлар яшар экан, ҳайвонлари ҳам бўлакча экан, деган фикрга келиши турган гап. Чунки бизнинг сигирлар саккиз бошли бузоқ, бияларимиз икки қўйруқли қулун, аёлларимиз эса ярми ҳўқизга, ярми девга ўхшаган махлуқ туғишарди.

Хуллас, савдони бутунлай йиғишириб, мухбирликка ўтиб олдим. Ёзган нарсаларимга энди ҳақ келадиган бўлди, хабарларимнинг нархи ҳам секин-аста оша борди. Менинг хабарларим босилиб тургани учун газетанинг тиражи ҳам кўтарилиб кетди.

Олти яшар қизалоқ ёши ўттизга чиққан кеп-катта эркакни тоққа олиб қочгани, етмиш яшар бир кампир ўн яшар болани уйига қамаб олгани ҳақида газетада иккита хабарим чиққан куни вилоятимизга пойтахтдан катта амалдор келди. Газетага қулинг ўргилсин бир хабарни дўндириб ташлаш мумкин эди-ю, лекин бизнинг томонларга иккинчи бор қадам ранжида қилган мана шу одамини ёқтириб қолганим

учун умримда биринчи марта ҳақиқатни ёзиб юборишга аҳд қилдим. Номи чиққан мухбир бўлганим учун мақолам босилиб чиқишига имоним комил эди. Уша куни бўлган гапларнинг ҳаммасини қандоқ бўлса, шундоқ ёзиб юбордим, ўзимдан бир оғиз ҳам гап қўшмадим. Нега деганда партия ҳақида, эл-юрт ҳақида гап кетаётганлиги учун ёлғон ишлатишга ҳаққим йўқ эди-да.

Мухбирлик ҳаётимда биринчи марта редакцияга бўлган воқеани ёзиб юбордим. Уша хабарим газетада босилиб чиққан куни мени қамоққа олишди. «Сочи олинган демократия шунқори қамоқда» деб газеталарда босилиб чиққан суратимни кўрган бўлсангиз керак. Мухбирлик касбимга хиёнат қилганим учун қамоққа тушган бўлсан ҳам, демократия шунқори деган ном олдим. Аслида ўзи мухбир бўлиб шундан зир қамоқ муддатини тугатай деб қолдим.



## ШУКУР ҚИЛСАНГ АРЗИЙДИ

Шукрибей бир ярим ойдан берни үй қидиради.

Аслида бошпанаси бор эди-ю, лекин бир куни ижарада турган уйининг эгаси уни чақириб:

— Бундоқ тўлаб қарасам, роса ҳотамтой одам эканман. Шунақа қимматчилик бўлиб турганида икки хонали уйга бир юз ўттиз лира олиб келямпман-а. Тағин берган уйимни айтмайсизми: томига зўр черепица ёпилган, ҳожатхонасига мармар ётқизилган, ром ва эшиклари янги бўёқдан чиқсан. Қойил-э, қойил. Сиз тўлаб турган пулга шунақа үй топсам, кўнгилхушлиги учуноқ кўчуб борарадим,— деди.

— Шу уйингизда ўн икки йилдан бўён ижара тўлаб тураман,— жавоб қилди Шукрибей,— Ўзимники деб биламан, шикастrexтига қараб турибман. Яқинда деворларини сувоқдан чиқардим. Зинага янги тахта қоқдим, панжарани янгиладим.

Лекин унинг гапи хўжайнинг кор қилмади.

Уйининг эгаси кўпроқ даромад олиш учун шундай қилаётганини Шукрибей яхши биларди. Лекин иложи қанча? Нари борса, ижара ҳақига яна йигирма лира қўшиб беришга қурби етади, холос.

— Майли бўлмаса, ойига бир юз эллик бера қолай,— деди Шукрибей шуни назарда туриб.

— Бир юз эллик лира тамаки пулимга ҳам етмайди,— деди уйининг эгаси кулимсираб.

Шукрибей ўзича чамалаб кўрди: агар чекишини ташлайдиган бўлса, ойига ўн беш лирадан тежайди.

— Гапингиз жуда тўғри,— деди у уйининг эгасига.— Чиндан ҳам ҳозир бир юз эллик лира шу уйингиз учун камлик қиласди. Лекин мен ноинсоф одам эмасман. Сизга кўпроқ ижара ҳақи тўлашга қурбим етмаётган экан, амин бўлингки, бунга ноchorлигим сабаб...

— Ҳар ким кўрласига қараб оёқ узатиши керак,— жавоб қилди у.— Сиз ҳам ўз пулингизга яраша бирор бошқа үй топинг.

Агар Шукрибей пулига яраша үй топганида бу ерда бир дақиқа ҳам турмаган бўларди-я.

— Бир юз олтмиш беш лира тўлай, майли...

Уйининг эгаси яна кулиб қўйди:

— Үзимга чойчақа ҳам бўлмайди.

Шукрибей ҳар куни ишига пиёда бориб келадиган бўлса, бир ойда яна йигирма лира жамғариши мумкинлигини ҳисоблаб чиқди.

— Бир юз саксон беш лира берсам-чи?

— Мени калака қилаётганга ўхшайсиз,— деди бунга жа.

вобан уйнинг эгаси.— Ёнимиздаги хонадонни ўзингиз биласиз. Худди товуқхонанинг ўзи. Ижара ҳақи қанчалигини эшитганимисиз? Ойига уч юз эллик лира тўлаб ўтиришади. Нима, менини камми ундан? Уч юздан камига кўнмайман. Сиз кетсангиз, тўрт юз лирага ҳам одам топаман. Топилмас, яна ҳам яхши, лоақал үй эскирмай туради.

Агар Шукрибей шу уйда уч юз лира тўлаб ўтирадиган бўлса, тўрт жоннинг тирикчилигига ойлик маошидан саксон лира қоларкан, холос. Ҳуллас, иш судга бориб тушди. Уйнинг эгаси «ўй ўзимга керак» деган важни кўрсатиб, ўз фойдасига ҳукм чиқартириб олди. Шукрибей бу ердан кўчиб кетишга мажбур, шунинг учун у бир ярим ойдан бери ҳар куни ижарага үй қидиради.

Авжи қиши палласи. Шукрибей қорни қор, ёмғирни ёмғир демай эртадан-кечгача бошпана излайди. Лекин ўтирган жоийдан арzonроқ ва дурустроқ үй учрамади. Икки юз лирага биттасини топган эди, бўлмади, оиласи сиғмас экан.

Уша куни ҳам шаҳар кезиб, ҳолдан тойганди. Уй топибераман, деган даллолларга пул беравериб, жонидан тўйганди. Устига-устак олдин ёмғир ёғиб, кейин қорга айланди, ҳамма ёғини ивитиб юборди. Оёқ кийимидан сув ўтиб кетди. Кечга яқин ёғин тинган бўлса ҳам, Шукрибейнинг бўладигани бўлган эди. «Қани энди бирор одаминг бўлса-ю, дардинги тўкиб солсанг,— деб ўйларди у ўзича.— Лоақал икки оғиз гаплашиб, енгил тортармидим».

Нияти холис экан. Шу фикр кўнглидан ўтиши билан рӯпарада келаётган бир қалин ўртоғини кўриб қолди. Закоий билан учрашмаганига кўп бўлган эди. Балки уй топиб бериш қўлидан келар. Лоақал мириқиб гаплашиб олади-ку.

— О, Шукрибей, салом.

— Сало-о-ом, Закоийжон. Қалай, тинч юрибсанми?

— Асти сўрама. Ҳўш, ўзинг қалайсан?

— Қимирлаб турибман.

Уртоғининг ҳам ташвиши ўзига етиб ортадиганга ўхшайди.

— Нима қилиб юрибсан?— сўради Закоийбей.

Шукрибей дардига қулоқ соладиган одамга муҳтож бўлгани учун бор гапни очиқ айта қолди:

— Э, ошнам, бошимга катта бир ташвиш тушган. Бир ярим ойдан бери бошпана излайман. Турган уйимизнинг эгаси кўчага ҳайдаяти. Мана бугун ҳам кечгача үй қидирдим. Ёмғир билан қор роса ивитди. Кўрмайсанми, қалтираб кетяпман. Етиб қоламанми, деб қўрқаман...

Ичидаги бор дардини тўкиб солиб, пича енгил тортмоқчи бўлган эди-ю, лекин ўртоғи унинг гапини бўлди:

— Тағин ҳам сен шукур қылсанг бұларкан, биродар. Мениннинг олдида сенини ҳолва экан. Эх, дүстим, бу замонда иморат қуришда ортиқ азоб йўқ экан. Сен эшитганмисан, йўқми, билмадим, мен озроқ ер сотиб олгандим. Аслида бўш ер топиб, уни харид қилишнинг ўзи уқубат. Ҳа, майли. Хуллас, тўқсон мингга яхши бир жойдан ер олдим...

— Шунақа гап, Закоийжон.— деди унинг гапини бўлиб Шукрибей.— Уйнинг эгаси бизни ҳайдаяпти. Суднинг ҳукмини ҳам чиқариб олди...

Гапни яна Закоий илиб кетди:

— Ўша ерни сотиб олганимдан кейин ўн кун ўтмай бир юз эллик, ҳатто икки юз мингга харидор чиқди. Ҳол-жонимга қўйишмади. Сотасан, деб мени роса қийнаши-да, Шукрибей. Ҳалиям шукур қилавер, биродар...

— Тўғри айтасан, дўстим. Шундан кейин уйнинг эгасига, ижара ҳақини ошира қолайлик, бир юз саксон беш лирага розиман, дедим.

— Қани энди менинг ишим ҳам бир юз саксон беш ёки бир минг саксон беш лира билан битадиган бўлса. Кошкийди. Сен шукур қылсанг бўларкан. Гапнинг қисқаси, ўша жойга икки қаватли иморат соладиган бўлдим. Ҳозир уста билан мардикор фалон пул турари, ошнам. Кўп чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, бошига тушган одам буни яхши била-ди. Мўлжалим уйни икки қават қилиш, ҳар бир қаватида расмана хоналардан учта, биттадан меҳмонхона қуриш эди. Шунақа қийналиб кетдимки, Шукрибей, асти еўрама...

— Нимасини айтасан, Закоийжон. Мана энди уйнинг эгаси бизга, кет, деяпти. Мен сенга айтсам, ўша турган уйимизга дунёнинг пулини сарфлаганман. Ҳожатхонанинг девори қулаган эди, яқинда ўн беш лирага янги девор олдирувдим. Бу муттаҳам шуниям билмай, жўна, деяпти.

— Деса деяверсин, биродар. Шунисига шукур қил. Мендан кўра аҳволинг дуруст экан. Менга ўхшаб иморат қуришга киришганингда нима бўларди. Бир пайт волидамиз: «Қургандан кейин яхшилаб қуриш керак, шунча кетганинг бири бўлади, иморатни уч қават қил, бирор кунингга ярасин», деб қолдилар. Пойдеворини олдик. Бисмиллосига 40 минг кетди, Шукрибей. Айтишга осон бу...

— Узинг омон бўл, Закоийбей... Жуда совқотиб кетдим. Уйдан каллаи саҳарда чиқувдим. Шу пайтгача қидирдим. Бугуннинг ўзида даллолга ўн беш лира пулим кетди...

— Сенини ҳолва, Шукрибей. Ҳамма нарсани чайқов бозордан олдим. Ромнинг ўзига икки минг тўладим. Яна керак. Ҳалиям ўзинг дурустсан, шукур қилиб юравер. Иморат қурсанг, ташвиш нималигини билардинг, «Бинонинг ҳар бир

қаватида битта эмас, иккита хонадон туриши керак», деб қолди хотиним. Бундоқ ўйлаб қарасам, гапи тўғри. Иморатни шунга мўлжаллаб тиклайвердик, назарингда бу иш осонга ўхшаб кўринади-ю, лекин...

— Асло ундоқ эмас, биродар. Роса қийналган бўлсангиз керак. Оқсарой томондан бир уй топдим, афандим. Битта хона, йўлаги алоҳида. Начора, рози бўлдик. Ишхонадан анча олис экану, лекин илож қанча. Барвақт туриб кетавера-манда. Ижара ҳақи бир юз етмиш беш лира экан, арzon дейишади. Овқат пулидан тежашга тўғри келади. Тағин олти сийлик ҳақини олдиндан бермаса бўлмас экан.

— Эх, Шукрибей, шуни ҳали ташвиш деб юрибсанми! Аҳволимни сенга тушунтиrolмаганга ўхшайман. Менга ўхшаб сен ҳам тунука қидиряпсанми, цементга муҳтоҗмисан? Йўқ, албатта. Мен бўлсам буларни чайқовчилардан оляпман. Жоним қийналиб кетди. Сен иморат қилмаяпсан, шунинг учун бу азобларни билмайсан.

— Тўғри, билмайман, биродар. Лекин сен шуни билиб қўйки, Закоийбей ошнам, қишида кўчада қолдик.

— Шукур қил, биродар, шукур қил.

— Уйнинг эгаси икки кундан кейин мени оиласм билан кўчага ҳайдайди.

— Бир гап айтайми сенга? Шунисига ҳам шукур қил. Нега десанг, уч қаватини битириб, энди томини ёпай деб турганимда қайнанам: «Куёв, яна икки қават қўшиб қўя қол, бола-чақаңг сени кейин дуо қилиб юради», деб қолди. Яна маломатта қолдим. Ҳали уста, ҳали мардикор керак, ҳали муниципалитет... Сенга балли, бунақанг ишлардан холисан...

— Тўғри, Закоийбей, тўғри.

— Шукур қылсанг арзиди.

— Шукур деяпман. Энди нима қилишга ҳайронман... Бир-иккита қақир-қуқуримиз бўлмаганда бирор бошпана топгунча мусофирихонада ўтириб турармидик.

— Мен сенга айтсам, мусофирихонада туриш иморат қуришдан осон, қийналмайсан. Роса жафо чекяпман-да. Ҳа, ишона-вер, тўғрисини айтяпман.

— Тўғри, ишонаман, биродар.

— Сен нолимасанг ҳам бўлади!

— Нолиётганим йўқ. Қақир-қуқурни сотай десак, ҳаммаси керакли... Қолаверса, кейин янгисини ололмаймиз. Сотганда ҳам арzon-гаровга кетади.

— Кетса кетаверсин!

— Кетаверсин, мен бир нима деётганим йўқ. Кетса кетаверсин.

— Иморатни беш қават қилиб тиклаб олдим. Лекин уни тиклагунча қанча азоб чекканимни фақат мену парвардигор билди. Кейин, азизим, укам келиб қолди. «Ака, шунинг устига бир болохона қурдирмасанғиз бўлмайди. Яхшими-ёмонми, ҳар ҳолда кунингизга яраб қолади, ижарага қўйиб, ойнага тўрт юз-беш юз лира олиб турасиз», деди. Жуда мушкул экан бу нарса, биродар. Майда-чўйда нарсаларга роппа-роса ўн минг кетди. Бунақа ишлардан хабаринг йўқ-да, шунинг учун ўз ташвишинг ўзингга катта кўринади. Мен сенинг ўрнингда бўлганимда жуда шукур қилиб юрган бўлардим.

— Тўғри айтдинг, Закойжон. Ёнимда пулим бўлганида бола-чақа билан қишида кўчада қолармидим... Олти ойлик ижара ҳақини олдиндан тўласам, кўчиб кириш мумкин экан. Менда шунча пул нима қилади...

— Бўлмагани маъқул. Иморат қилиш... Бошимга бало сотиб олдим. Ернинг пулинин ҳисобламагандан иморат нарибериси билан олти юз мингга тушди. Буни битиргунча гўр азобини кўрганимни айтсам...

— Уж-хў...

— Шунинг-чун мендай жабр тортмаганингга шукур қил.

— Минг қатла шукур. Ҳолимдан нолимайман. Лекин қишининг чиласида бола-чақам билан бошпанасиз қолдим, холос. Бошқа ҳеч нињадан нолимайман.

— Асло нолима, худонинг ғазаби келади. Мана, мендан ибрат ол, биродар. Иморатни битириб олганимдан кейин яна бошим ғавғода қолди. Ҳали у келиб, менга сот, дейди, ҳали бу келади. Бир миллион берамиз, дейишиди. Мен, икки миллионга ҳам сотмайман, дедим. Шунақа маломатга қолдимки, ошнам, бу кунни худо душманингга ҳам кўрсатмасин.

— Қариндош-уругникига ҳам бориб бўлмайди. Ҳамманинг ҳоли ўзига маълум. Бироннинг кўзига ёмон кўринишнинг нима кераги бор!

— Бундан кўра бироннинг кўзига ёмон кўринган маъқул. Сен каттакон иморатнинг эгаси бўлишлик қанчалик зўр ма-шаққат эканини билмайсан-да, шунинг учун бекорчи гапларни айтипсан. Беш маҳал шукурни канда қилмай юравер, сен фақат шуни бил. Нега десанг, биродар, ҳозир ижарачи деган бир дардисар бор. Мен сенга айтсам...

— Ташвишинг меникидан кўпроқ экан, Закойжон.

— Сеники ҳам гап бўлтими, биродар. Шунисига шукур қил.

— Шукур, минг марта шукур. Энди мен кетай, Закойбей. Хайр бўлмаса.

— Хўп, Шукрибей. Мени кўриб, шу кунингга шукур қилиб юравергин, Шукрибей!

Шукрибей аксира-аксира уйи томонга кетди. Тўсатдан иситмаси ҳам кўтарилди.

— Хўш, уй топдингми? — сўради хотини уни кўра солиб.

— Шу кунимизга шукур қилиб юрсак арзиркан, хоним. Биздан авҳоли оғир одамлар ҳам бор экан. Мабодо биз ҳам иморат қурадиган бўлсак, биласанми нима бўларкан? Ҳа, шу авҳолимизга кеча-ю кундуз шукур қилиб юраверайлик.

— ● —

## ПУЛИМГА ЯРАША ЕР БЕРИНГ

Бир неча кундирки, уйқуда ҳаловат йўқ. Қаттиқ ишлай. вериб асабни бузган кўринаман: ўринга кирсан, уйқу босади-ю, аммо кўз қурғур ҳеч илинмайди.

Бўлмади, охири докторга боришига тўғри келди.

— Бир кунда неча соат ишлайсан? — деб сўради у.

— Ўн олти-йигирма соатдан.

— Унақа бўлса толиқибсан,— деди-да, кейин сўра-ди: — Нега энди мунча кўп ишламасан?

Докторни боллаб сўкиб бермоқчи бўлдиму, лекин ўзимни қайтардим. Рост-да, ахир, шу ҳам гап бўлдими? Нима, бунчалик кўп ишлётган бўлсан, сабаби бордир...

Доктор асаб билан уйқу учун дори-дармон ёзиб берди. Аммо лекин, ҳеч қайсисидан фойда кўрмадим. Жойимга ётиб, энди ухлайман деб турганимда, уч ойдан бери тўланмаган уйнинг ижара ҳақи лоп этиб эсимга тушиб қолса бўладими? Энди бу ёғи нима бўлиши ўзингизга маълумдир.

Ётган жойимда ҳисоб-китобга тушиб кетаман. Уч юз эллик лира... Шундан йигирма бешни олиб ташла... Хўп, олдин нолдан бешни олиш керак... Нолга олтидан бирни олиб берамиз, ўн бўлади. Ўндан бешни олсак беш қолади... Тўртдан иккни олсак икки қолади... Учнинг ўзи тушади... уч юз йигирма беш қоларкан... Шунга тўқсон олтини қўшиш керак. Бешга олтини қўшсак, ўн бир бўлади. Бири дилда...

Миямда рақамлар чувалашиб кетавергач, ётган жойимдан иргиб тураман... Қўлга қалам-қоғоз олиб ҳисоблай бошлайман. Ишни битиргач, ухлатадиган ҳап доридан яна бир марта отиб оламан. Мудроқ келди дегунча, югуриб бориб ўринга кираман. Энди кўз илинай деб турганда миямга бир фикр келиб қолди: «Борди-ю, ойига 10 лирадан тушиб борсан, бир йилда қанча бўларкан?» Лаънати шу ижара пули жуда қонимга ташна қилиб юборди-да... Бу дунё деганидан бошпанаисиз ўтадиганга ўхшаймиз.

Шу ҳафта ичиди нари борса беш соат ухлагандирман. Бедорликнинг тўртинчи куни мажолсизликдан ўрнимдан туролмай қолдим. Кўз толиқиб, зора ухлаб қолсан деган умидда қўлга газета олдим.

Газетанинг биринчи бетида босилган шу хабарга тўсатдан кўзим тушиб қолди: «Тақсимда, иморатсиз қуруқ ер тўрт миллион лирага сотилди».

Тўрт миллион лира-я... Ернинг сатҳи 1624 квадрат метр экан. Тўрт миллионни 1624 га тақсимлай бошладим. Ўзим турмушда нўноқроқ одам бўлсан ҳам ҳисобни яхши

кўраман. Бундоқ чамалаб чиқсан, ҳалиги ернинг бир квадрат метри 2500 лирага тушибди.

— Ажабо,— ўйлаб кетдим ўзимча,— шу жойни мен сотиб олмоқчи бўлсан қандоқ бўларди... Пули қанчайди? Ҳа, тўрт миллион лира. Бир ойлик маошим қанча ўзи? Беш юз лира.

— Ухлай қолсанг-чи энди! — деб хотиним ялина бошлиайди.

— Йўқол, кўрмаяпсанми нима қилаётганимни! — дея жеркиб бердим уни.

— Хўш, ойлигим беш юз лира экан... Қани, овқатдан сиқишириб борсан, бир ойда қанча йигишим мумкин? Ҳеч иложи бўлмаяти-ку... Тўхта-чи... Майли, бир амаллаб ойига 100 лирадан тушиб борсан, бир йилда 1200 лира бўларкан. Ўн йилда 12000 лира, юз йилда эса 120000 лира... Минг йил умр кўрсанму, тишнинг кирини сўриб юриш эвазига ҳар ойда юз лирадан олиб қўяверсан, бир миллион икки юз минг лира пул тўпларканман. Барибир бу ҳам камлик қиласи, Нима бўлса ҳам ўша ерни сотиб олишга қарор қилдим.

Ҳисобни болаликдан севаман. Лицейда ўқиб юрган пайтларимда ҳам миямда ҳамиша рақамларни уришириб юрадим. Ушанда йўлда тўхтамай, овқат ҳам емай тинимсиз югураверсан, ойга, қўёшга, Марсга неча миллион йилда етиб боришим мумкинлигини ҳисоблаб чиқсанман. Энди бундоқ ўйлаб қарасам, мен учун қўёшгача пиёда юриб бориш, бояги жойни сотиб олишдан осон тушар экан.

Тонг ёришган бўлса ҳам ҳисоб ҳали тугагани йўқ. Уша ерни сотиб олиш учун уч минг йил яшасам ҳам озлик қиласи. Бу гал хомчўтни бошқача қилиб кўрдим. Хўш, борди-ю, оладиган беш юз лира маошимнинг ҳаммасини тушиб қўяверсан-чи?

Буни ҳам чамалаб кўрдим. Маълум бўлишича, мақсадга етиш учун яна роппа-роса 666 йил яшаб, 666 йил муттасил ишлашим керак экан. Буниси ҳам тўғри келмайди. Ҳап доридан устма-уст иккитасини ютиб олдим-да, ўринга ётдим. Эс-ҳушим ўша сотилган жойда бўлгани учун барibir ухлаётладим. Яна туриб кетдим... Бир кунда 16 соат ўрнига 24 соат ишлаб, ойлиқни ғинг лирага етказсаму, унинг бир тийинига ҳам тегмай асраб қўяверсан нима бўларкин? Шундаям яна 33 йил умр кўришим шарт экан.

Энди қизчам ялинишга тушди:

— Дадажон, ухлай қолинг! Пича ухланг!

— Йўқол! — уни ҳам ҳайдаб солдим.

Шу жойни сотиб олмагунимча кўзимга уйқу келмайди

энди. Бу гал хомчүтни тескари солдим. Хўш, ўша ерни сотиб олиш учун бир ойда қанча пул топишим ва шундан қанчасини туғиб қўйишм керак? Ў-ў-ў, бир ойда 2 минг лирадан йиғиб юрсам ҳам 167 йил ишлашим керак экан. Э, қуриб кетсин!.. Ҳеч иложи бўлмаяпти-ку!

«Тўхта, тўхта,— дилимда ўйлайман ўзимча,—ахир шу жойни сотиб олган ҳам сенга ўхшаган одам-ку. Мунча пулни у қаёқдан олдийкин?»

— Доридан яна ичиб оласанми?— деди хотиним ялингансимон.

Яна дори ичдим. Ичим ҳам бинойидай дорихонанинг ўзи бўлиб қолди.

— Сенга нима бўлди, жоним, ухласанг-чи, ахир!

— Йўқол ҳамманг, кўзимга кўринма!

Хўш, тўрт миллион лирани куртдай санаб бергац одам бунча пулни қаердан олди экан? Шу тақирип ерга бели оғримай тўрт миллион лира берганига қараганда, ёнида яна тўрт миллион пули қолган бўлиши керак. Саккиз миллион лира-я! Айтишга осон. Бу одам нима ишда ишларкин ўзи? Агар у моянахўр бўладиган бўлса, энг катта амалдор ҳам бир ойда кўпи билан 1500 лира пул олади. Бунақа одам тўрт миллион лира топиш учун 276 йил тер тўкиб ишлаши керак. Шунда ҳам у моянасининг бир тийининиям сарфламаслиги лозим-а.

Қуриб кетсин-э, ўйлайвериб миям тарс ёрилиб кетай деди. Ҳалиги одам врача ўхшайди. Докторлар кўп пул топишади. Улар бир марта кўриш учун бемордан ўттиз лирадан пул олишади.

— Тонг отиб кетди, бир оз мизғиб олсанг-чи.

— Бошимни қотирма, дедим-ку сенларга!

Агар у бир кунда ўнгдан касал кўрадиган бўлса, уч юз лира ишлайди. Демак, бир ойда 9000 лира... Шунинг 6 мингини туғиб борса... Уша ерни сотиб олиш учун доктор 67 йил бемор кўриши керак! Демак, ерни сотиб олган киши врач ҳам бўлиши мумкин эмас... Борди-ю, савдогарчилик қиласа-ю, ҳар ойда ўрта ҳисоб билан 10 мингдан топса-чи.. Бу ҳам ақлга сифмайдиган нарса.

— Беш кундан бери мижжа қоқмайсан-а. Бирпас чўзилгин, балки кўзинг илинар.

Ёстиққа бош қўйиб, кўзимни юмаман. Қани энди уйқу, келса... Топдим! Топдим! Үндай одамнинг исловатхонаси бўлиши керак. Қулинг ўргилсин бешта жонон унинг сармояси бўлади. Жононларнинг ҳар қайсиси кунига 100 лирадан ишлаб берса борми, беш карра юз — беш юз. Ўттиз карра беш юз — ойига ўн беш минг лира деган сўз. Ижара ҳақи, май-

да-чуйда харажатлар чегириб ташланса, чўнтағида ўн минг лира қолади. Йилига 120 минг лира бўлади. Ўттиз йилда эса... Минг лаънат-э, исловатхона очсам ҳам ерни сотиб олишга қурбим етмас экан!

Қани, яширинча четдан мол келтириб сотсам-чи... Бу фикр ўзимга ҳам ёқиб тушди, ўрнимдан иргиб туриб ҳисоблаб чиқувдим, \*униси ҳам хомроқ чиқиб қолди.

Шу пайт калламга тўсатдан бир фикр келди. Чўнта克拉имни ковлаштирган эдим, ўн икки ярим лира пул чиқди.

— Сенларда қанча пул бор?

Хотинимдан беш, болалардан икки лира пул топилди. Ҳаммасини санаб кўрсам, ўн тўққиз ярим лира бўлибди... Ернинг ҳаммасини сотиб олиш шарт эмас-ку, пулимга яраша оламан қўяман-да. Бир квадрат метр жой 2500 лира туради, демак, бизга тўғри келмайди. Бир квадрат дециметри зеа 25 лира. Бунисига ҳам қурбим етмайди. Бир квадрат сантиметрига 25 қуруш тўлаш керак. Хўш, ёнимда ўн тўққиз ярим лира пулим бор. Демак, бу пулга 78 квадрат сантиметр ер сотиб олишим мумкин. Соатга қарадим: эрталабга яна иккӣ соат вақт бор. Баравақт туриб ўша жойга бораман-да, шундай дейман:

— Қани, шу ердан менга 78 квадрат сантиметр ер ўлчаб беринг!

Уйдагилар атрофимда парвона:

— Эта қол энди... Пича мизғиб олгин!

Етмиш саккиз квадрат сантиметр ер! Абадий уйқуга кетиш ўчун шу саҳнга чўзилиб ётсам ҳам, барибир сифмайдман, бошқа бирор ётган мангу истироҳат манзилидан оёғим чиқиб қолади...

Сотиб оладиган еримнинг устида қаққайиб туришимдан бошқа чора йўқ.

— Сенларга ер йўқ,— дедим хотиним билан болаларга,— сенларга ер йўқ... Бу дунёда мен якка ўзим тик туришим мумкин бўлган бир парча ер топдим. Қани, йўқолинглар. Сенлар ҳам ўз ғамларингни ўзларинг 'е!

— Уйқудан қолиб жинни бўпти бу,— деда ваҳима ичидагилар тумтарақай қочишиди.

Сизларга ҳам маслаҳатим шу. Тўрт миллион лирани қандай топишни сиз ҳам бир ўйлаб кўринг-да, ёнингиздаги бор пулга неча квадрат сантиметр ер сотиб олишингизни ҳисоблаб чиқинг. Шундан кейин устмá-уст хап дори ютаверасиз. Сўнгра эса... жиннихонанинг 8-бўлимнида албатта учрашамиз. Кираверишдаги ўрин каминалариники бўлади.

— ● —

## МУШТ КЕТДИ

«Хар нарсанинг бир сабаби бўлади».

Йўқ, мен айтмоқчи бўлган гап бу эмас. Ҳикоямни бирор ақлли гап билан бошламоқчи эдим. Қани, бундай деб кўрайчи: «Тутақиб кетган одам барибир жаҳлидан тушади».

Тўғрисини айтсан, буниси ҳам ўзимга ёқмай туриби. Зўр гап айтиш учун одамнинг ўзи зўр бўлиши керак эканда. Шунинг учун ҳам баъзан ўзимдан хафа бўлиб кетаман. Бу ёнина сўрасангиз, ҳамма ҳикояларимни тарих саҳифаларига битса арзидиган зўр гап билан бошлаган бўлсан ҳам, шу вақтгача на менинг ва на ёзган нарсаларимнинг қадрига етадиган одам топилгани йўқ. Қани, кўрайлик-чи, зўр одамлар айтган гаплар чиндан ҳам зўрмикин? Шунақа зўр одамлардан бири: «Ёзда ҳаво иссиқ бўлади», — деган экан.

Буни қаранг, қандай ақлли, қандай ҳикматли гап! Одам зод юз йиллаб излаб келган ҳақиқатни у мана шу тўрт сўзга жо қилиб берибди. Яна бир зўр одам дунёдан кўз юмаётib: «Эшикларни очиб қўйинг!» — деган экан. Қанчалик улуг, ҳикматли сўzlари билан инсониятга йўл кўрсатиб берган. Бу сўзлар замидаги маънони тушуняпсизми?

Яхшилаб магзини чақиб кўринг-а... Мана шу уч сўзнинг замирига яширган чуқур маънони тавсифламоқ учун том-том китоб ёсангиз ҳам озлик қиласди. Унинг нима демоқчилигини биласизми? Хўш, нима демоқчи эдим? У: «Хой одамлар!.. Эшакка ўшаб жойларингда димиқиб ётаверманглар! Ётган оғилларингизнинг эшигини очиб қўйинглар, токи маърифат нурлари у ерни чароғон этсин!» демоқчи бўлган.

Йўқ, ундаи эмас, мана бундай: «Эшикларни очиб қўйинглар! Дунё кўзингизга кўринисин. Руҳий тутқунликдан қутулинг!»

Аслини олганда, ўлим тўшагида ётган ўша зўр одамнинг ҳам ҳаммага ўшаб нафаси қисилгану, бечора: «Эшикларни очиб қўйинг!» деган-қўйган.

Бўлган гап шу. Насиб қилса, мен ҳам қазо қилиб нариги дунёга боришим билан дарров Гётени қидириб топиб:

— Сиз ҳаёт билан видолашаётганингизда: «Пардан кўтаринг, яна озроқ нур тушсин!» — деган экансиз. Бу гапнинг маъноси нима? — деб сўрайман.

Имоним комилки, Гёте кулимсираб шундай дейди:

— Яна озроқ нур тушсин, дебманми? Ҳа, энди ўшанда кўзимда нур қолмаган бўлса керак-да. Тепамда турган ёрдустларни яхшироқ кўриш учун шундай деган бўлсан ажаб эмас.

...Кўчада кетаётган эдим. Бир уйнинг эшигидан миёвла-

ганича бир мушук югуриб олдимга чиқди-ю, тирақайлаб қочиб қолди. Мени бунчалик ўйлантириб кўйган нарса ҳам шу мушук бўлди. Уйдан бунчалик миёвлаб чиқишининг сабаби нима экан? «Хар нарсанинг бир сабаби бўлади». Хўш, мушукнинг жон аччиғида ўйдан югуриб чиқишига сабаб нима?

Мен ҳам сизга мана шунинг тарихини ҳикоя қилиб бермоқчиман. Лекин ҳикояни қайси учидан бошлашни билолмай турибман. Демократик принципга асосан қуидан юқорига чиқсаммикин ё ўзимизнинг шарқ одатига кўра юқоридан пастга тушганим маъқулми? Очикроқ қилиб айтганда, мушукдан министрға чиқайми ёки министрдан мушукка тушайми? Келинг, ота-бободан қолган таомилга амал қила қолайлик.

Хуллас, мушук воқеаси, унинг калтак еб, оғриқ азобига чидаёлмай, кўчага миёвлаб чиқиши воқеаси мана бундай бошлианди.

Ҳамма газеталар бирваракайига битта министрға қараб ўт очиши. Министр ҳам жуда ғазабланиб, нима қилишини билмай қолди. Одатда у нима қилишини билмай юраги сиқилса, ҳамиша маслаҳатчисини чақиртиради. Бу гал ҳам у маслаҳатчисидан алланимани сўраган эди, батафсил жавобини олди, сал туриб яна бир нима сўради, маслаҳатчи яна яхшилаб жавоб қайтарди. Лекин министрнинг кўнгли ҳамон ғаш эди. Энди нима қилсан? «Нима қилса ҳамки, тутақиб кетган одам яна жаҳлидан тушиши керак». Министр маслаҳатидан яна бир нима сўради. Маслаҳатчи бу ишни қандай бажарганингизни айтди. Йўқ, буни бошқача қилиш керак эди. Маслаҳатчи нега ўзбошимчалик қилди? Шунақа иш ҳам бўладими? Бўлади! Бўлмайди! Йўқ, бўлади! Бўлмайди!

Министр маслаҳатчисининг нозик жойини топиб олгандан кейин, боплаб сўқди. Ана энди министрнинг дили тасқин топиб, енгил тортиди.

«Нима қилса ҳамки, тутақдан одам жаҳлидан тушиши, ўз ҳолатига қайтиши керак». Маслаҳатчи жаҳлидан тушиш учун нима қилиши керак? Истеъло берсинми? Йўқ, бўлмайди, истеъфога чиқиб нима қиласди? У бош бошқарувчини чақириб, бир нима сўради. Бош бошқарувчи жавоб берди. У яна ниманиндири сўради. Бунисига ҳам жавоб олди. Яна савол, яна жавоб. Бош бошқарувчи манави нарсани бундоқ, анатви нарсани ундоқ қилмаслиги керак эди... Бўлди. Маслаҳатчи секретарини чақирди:

— Қани, ёз!

Маслаҳатчи гапириб турди, секретарь ёзиб борди. Шундан кейин у анча енгил тортгандай бўлди. Агар шундай қўлмаганда, юраги тарс ёрилиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Хўп, яхши, хўш, энди бош бошқарувчи нима қилсан? Мас-

лаҳатчи ёэдирган нарсаларни ҳазм қилиш унга осонми? Баш бошқарувчи тұгмаған босди:

- Инспектор Алибейни чақириңг!
- Алибей ўн кундан бүен сафарда-ку.
- Бұлмаса Валибейни чақириңг.
- Инспектор Валибей кирди.
- Хизмат, бейафандим!
- Фалон иш қай ахволда?
- Битган, бейафандим!
- Аナンи-чи?
- Униси ҳам.
- Қай тарзда битказилған?
- Мана бундоқ, афандим!

— Уни бунақа қылмаслик керак эди-да! Бундай қилинг, деб ким айтди сизга? Бу ишни мана бундоқ қилиш керак эди. Сенларға ўргатавериб ўзимға қолмади.

Баш бошқарувчи роса унинг пўстагини қоқди. Уҳ, бу ёруғ дунёда аламдан чиқадиган кун бор экан-ку, шу бўлмаса ахволи не кечарди.

Энди инспектор нима қиласин? Бу аламларни индамай ичига ютиб кетаверсінми? Йўқ, ютиб кетаверган билан бўлмайди.

- Мудирбей!
- Лаббай, тақсир!
- Лаббайнинг нимаси? Эрталаб нима девдим сенга?
- Эрталаб дейсизми? Ҳеч нима демовдингиз.
- Нега демаган эканман? Алланарса деган эдим-ку.
- Бугун эрталаб сизни кўрганим йўқ-ку.
- Э; бугун бўлмаса кеча айтгандирман.
- Кеча бетоб эдингиз, ишга чиқмовдингиз.
- Демак, ўтган куни айтган эканман-да.
- Ҳа, тўғри, нимаям девдингиз.

— Нима деган эдим? Айтган бўлсан, нега шу вақтгача қилинмади? Бунақаси кетмайди, билдингми? Иккинчи бунақа қилма! Қатъиян ман қиласан!

Мудирнинг таъби намозшом бўлди. «Нима қиласа ҳамки, жаҳлдан тушиш керак».

- Муовинимни чақириңг!
- Ҳўп бўлади!
- Мудирнинг ўринbosари хонага кирди. Мудир сўради:
- «Д» рўйхат тузиб бўлиндими?
- Бўлди, афандим.
- Ҳаммаси битдими?
- Ҳа, битди.
- Қофзлар тиркалдими?

— Шундоқ, афандим.

Қани энди мудирнинг ҳовурини босадиган бирор ишқал чиқа қолса-чи?

- Ҳаммаси жўнатилдими?
- Ҳа, жўнатилди.

Шу хат ўлгурлар сал кечикканда-ку, мудир жанжал чиқаришга баҳона топарди-я.

- Қачон жўнатилди?
- Кечак.

— Нима? Кечак дейсизми? Бу қанақа бемаънилик, бу қанақа дангасалик? Ҳеч кимнинг ишлагиси келмайди-я. Ишлаш керак, ишлаш! Мен талаб қиласан! Тушунарлимни?!

Бирорни койисанг, шунақаям енгил тортасанки..

Мудир ўринbosари бўлим бошлиғининг олдига кириб келди-да, тутақиб сўради:

- Булар нимаси?
- Бухгалтерияга жўнатиладиган ҳужжат.
- Шуқақамк? Сиз ҳалк...

Лавлагидек қизарип кетган бўлим бошлиғи дарғазаб мудир ўринbosари хонадан чиқиши биланоқ столга бир мушт урди:

- Ҳасанбей қани?
- Қайси Ҳасанбей? Иккинчи бўлимдаги Ҳасанбейни айт япсанми? Е рўйхат тузадиган Ҳасанбей керакми? Қайдлар бўлимида ҳам битта Ҳасанбей бор. Тақсирим, ё секретариатдаги Ҳасанбейни сўраяптиларми?

— Э, ҳаммаси бир гўр эмасми.. Ҳаҳ, анави секретариатдаги Ҳасанбейни чақириңг!

— Афандим, тушликка қўнғироқ чалинган эди, овқатга чиқиб кетиди.

— Бўлмаса, ўзинг бу ёққа кел!

— Мен Ҳусайнман-ку, афандим.

— Ҳусайнмисан-Мусайнмисан, ҳозир бунинг фарқи йўқ. Мен сенларға минг марта айтаманки...

У ўн минутга роса бақириб-чақирди. Соҳилда лангар ташлаб, буғини чиқарип юборган кемага ўхшаб, шундан кейингина енгил тортиди. Бутунлай ўзига келгач, хонадан инишиб кетди.

Хизматчи Ҳусайнбей идора хизматкорини тутиб олиб, роса адабини берди.

— Ойналар нега кир? Шифтда осилиб ётган ўргимчак инини нега супуриб ташламадинг? Столларнинг усти артилмаган, пол ифлос бўлиб ётибди. Қанақа ишлашни кўрсатиб қўяман сенга? Уқдингми?

Хусайнбей иссиқда қалин кийимини ечиб ташлагандай енгил тортиб, ташқарига чиқиб кетди.

Разабдан қони қайнаган хизматкор дарвозабонни қидириб қолди. Аксига юриб дарвозабон ҳам қүён бўлиб, уйига кетиб қолган экан. Энди нима қилиш керак? «Нима қисса ҳамки, одам боласи жаҳлидан тушиши керак».

Хизматкор трамвайга чиқди.

— Уҳ, оёғимни босиб олдинг. Кўзми бу ё пўстакнинг йиртифими?

Хизматкорнинг оёғини босиб олган одам гириг демай тураверди. Хизматкорнинг олдига кондуктор келди.

— Қани, билет олинг!

— Э, нима деяпсан, тиқилинчни кўрмаяпсанми? Вагонда қимирлаб бўлмайди-ю, бу тағин билет ол дейди-я!

— Бўлмаса билетсиз кетаверасанми?

— Одам камайганда оламан.

— Йўқ, бунақаси кетмайди?

— Қетади!

— Қетмайди!

Икки ўртада тўполон чиқди. Хизматкор ҳам шу жанжал туфайли анча енгил торти.

Трамвай кондуктори ишини тугатиб, уйга қайтди. Қараса, хотини ошхонада тиржайиб турибди.

— Нега тиржаяпсан? Ҳув ўша тиржайган...

Кондуктор хотинини роса дўппослади. Кейин зўр иштаҳа билан овқатни туширди.

Хотини боёқиш юм-юм йиғлади. Кейин оёғининг тагида ивирсиб юрган мушукни кўриб қолиб, оташкурак билан белига бир туширди. Қалтак еган мушук ҳам миёвлаганича тирақайлаб қочди.

Кондукторнинг хотини ҳам аламидан чиққач, эрига сўйкали. Кўз ёшидан кейин келган муҳаббат ширин бўлади. Эр-хотин иккаласининг илгариги ҳузур-ҳаловати яна жойига тушди.

«Ҳар нарсанинг бир сабаби бўлади». Агар министрни газеталар уриб чиқмаганда, мушук бечора ҳам кўчага миёвлаб чиқмасди.

Одамлар-ку бир амаллаб аламдан чиқишади. Бечора мушук нима қилади.. У юрганича миёвлаб олдимдан ўтиб кетганини ўз кўзим билан кўришга кўрдиму, аламини кимдан олиб, жаҳлидан қандоқ тушишини билолмай турибман...

## БЕЗОВТА БЎЛМАНГ

Ҳайкалтарош Ҳикмат ёмон одам эмасу, лекин бечоранинг битта айби бор-да: ҳаддан зиёд сертакаллуф. Икковимиз ўн беш йиллик қадрдан бўлишимизга қарамай, доимо мени «ҳазратлари», «афандим» дейди. Баъзан такаллуфни шунақаям ошириб юборадики, назарингда худди сени калака қилаётганга ўҳшайди. У билан биринчи танишганимда мен ҳам шунақа бўлгандим. Кичик одам бўлишимга қарамай, мен билан худди ҳукумат бошида турган партиянинг каттакон амалдорига гапираётгандек «ҳазратлари» деб қулуқ қилаверганидан бирам хижолат бўламан, бирам ўсал тортамки, асти қўяверинг.

Ҳайкалтарош Ҳикматнинг нега бунчалик сертакаллуф бўлиб қолганлигининг сирини кейинчалик билиб олдим. Унда айб йўқ экан, бир вақтлари саройга яқин юрган оиласининг фарзанди бўлганлиги учун лутф-назокат қон-қонига сингиб кетган экан. Бувасининг отаси султон Азизнинг бош қайиқи, яъни султон тушадиган қайиқда эшкакчиларга буйруқ-бардор бўлган экан.

Бош қайиқчи деганда кишининг кўз ўнгига кўкракларини жун босган, қоядек қоматдор, қўл-оёклари ғўладек бир паҳлавон келади. Бизнинг ҳайкалтарош Ҳикмат эса, бунинг акси... пачоқина. Бувадан то набирага қадар бўйнинг кичрайиб бориши худди ҳозирги турмуш даражамизни акс эттиргандай. Ҳукуматимиз амалга оширган кейинги иқтисодий тадбирнинг таъсири остида бўлса керак, Ҳикмат ҳам шу сиёсатдан «баҳраманд» бўлаётган демократик гражданнинг ўзи бўлиб қолган.

Учуваккина, ёқимтой, назокатли, артист табиат одам. Бошқача айтганда, турмушда бирор нарсани эплай олмаслик ва оч қолиш учун инсонга нимаики керак бўлса, шуларнинг ҳаммасидан топиларди.

Тунов куни шу қадрдан дўстимнинг уйига бордик. Кўз кўзга тушиши билан одатий қўлигини бошлади:

— Ҳазратлари!

— Э, Ҳикматбей, қўйсанг-чи шу ҳазратларингни...

— Жоним билан, афандим.

— Афандингни ҳам йиғишириб қўй.

— Хўп бўлади, тақсир.

— Нега одамни хуноб қиласан, тақсир демасанг туролмайсанми?

— Айтмаслигим мумкин, афандим, нега мумкин бўлмасин, тақсир.

У, фақат менга эмас, дўкондорга ҳам, этик мойлайдиганга

ҳам, құшнисига ҳам, хуллас, дуч келғанга шунақа мурожаат қылаверади. У шунақа қылавергандан кейин сен ҳам мұомаланы нозикластиришга мажбур бұласан. Аммо бунақасига ҳеч менинг тилем келишмайди, у эса росмана ғап айтольмайди.

Унинг хоналари катакка үхшаган шинамгина уйи бор. Бизни у катта хонага олиб кирди. Энди курсига үтирай деғандим, югуриб келиб:

— Йўқ-йўқ, худо ҳаққи, бу ер бўлмайди, яйраб үтиромайсиз,— деб қолди.

— Қўйсанг-чи, бўлаверади...

— Бўлмайди, афандим, қани бу ёққа марҳамат қилинг. Ноилож туриб кўрпачага үтирдим.

— Оҳ, бу жой ҳам менга ёқмаяпти.

— Овора бўлма, менга маъқул...

Югуриб кириб, ичкаридан уч-тўртта болиш олиб чиқиб, белимга, тирсагим тагига қўйди.

— Утиниб сўрайман, безовта бўлмай үтиринг...

— Узинг безовта бўлма, азизим, мен жуда яхши үтирибман...

— Езилиб үтиромаяпсиз-да.

— Йўқ, жуда яхши үтирибман.

— Азбаройи худо, тўғрисини айтинг, безовта бўлаётганингиз йўқми?

— Йўқ-йўқ, асло.

Ошнам сира оғиз очишга имкон бермайди.

— Ноқулай жойда үтирибсиз, қани, бу томонга үting, суюниброқ үтирасиз.

Ўзим яхши үтиргандим, уни ҳадеб безовта қылавермаслик учун деворнинг нариги бурчагига ўта қолдим. У яна бир талай ёстиқ келтириб ташлади.

— Тўғрисини айтинг, ташвиш чекаётганингиз йўқми?

— Йўқ, биродар, асло. Узинг оворагарчиликни қўй, жуда яйраб үтирибман.

— Назаримда азият чекаётганга үхшайсиз...

— Нега энди, азизим, жуда яхшиман.

— Шабада кириб безовта қилаётган бўлса, деразани ёпиб қўя қолай?

— Йўқ-йўқ, шабада яхши бўляпти.

— Каминаи камтаринингизнинг назаридә ҳазратлари безовта бўлаётгандек туюляптилар, тақсир, үтирган жойингиз ноқулай...

— Жойим яхши.

— Ичкарига марҳамат қила қолинг, ўша ер қулайроқ.

Нариги хонага кўчдик.

— Жон афандим, айбга буюрманг...

— Йўғ-э, нега ундаи дейсиз, жуда соз, оғайнижон!

— Ишқилиб, айб қиласангиз бўлгани.

— Айб дейсизми? Ҳеч қанақа айбли иш йўқ-ку...

— Яхши үтиромаяпсиз-да...

— Яхши үтирибман-ку.

— Ҳа, үтиргандай бўлмаяпсиз... Чамамда, безовта бўляпсиз. Утирган жойингиз анча зах, қани, бу ёққа марҳамат қилинг!

Хонадан хонага, хоналарда эса бурчакдан бурчакка ўтавериш жонимга тегди. Бурма болишлар устма-уст келиб турибди.

— Қалай энди, яхши үтирибсизми?

— Яхши, жуда яхши.

— Ишқилиб, азият чекманг-да.

— Йўғ-э,

— Айбга буюрманг, ўзим билиб турибман...

— Хўп.

Ундан безовта бўлмаслик, айбга буюрмасликдан бўлак ғап ёшиятмай қолдим.

Хайрият, охири дастурхон ёзилди.

— Дастурхонга қаранг, афандим.

Ошнам тушмагур қилигини яна янгидан бошлаб юборди:

— Курсида яхши үтиромаяпсиз, мана бунисига үting.

Шўрвага қошиқ солиб энди ичай деб турган эдим:

— Йўқ, тақсир, азият чекяпсиз, тагингизга болиш келтиришсин,— деб қолди.

— Ҳожати йўқ, шундоқ ҳам яхши үтирибман.

— Марҳамат қилиб овқатдан олинг, илтимос қиласман!

— Оляпман, Ҳикматбей.

— Марҳамат қилинг, худди ўзингизнинг уйингиздагидек еб-ичиб үтиринг...

— Раҳмат.

— Салат оғзингизга ёқмади шекилли...

— Йўғ-э, еб үтирибман-ку.

— Тузи кам бўлса...

— Йўқ, тузи жойида...

— Хўп, айбга буюрмайсиз...

— Йўғ-э...

— Марҳамат қилиб олиб үтиринг.

— Мерси... Бўлдим.

— Худо ҳаққи, олинг!

Қорним роса тўйган бўлса ҳам, олинг деб қистайвергани учун яна озроқ totindim.

— Кўриб турибман, овқат сизга ёқмади.

— Жуда ажойиб бўлибди, қўлингиз дард кўрмасин.

— Олинг, ош бұлсın... Пиңз билан құшиб олинг... Лекин ҳеч емаяпсиз-да, афандим. Ҳазратларига бир илтимосым бор эди.

— Марҳамат, Ҳикматбей...

— Аммо айбга құшмайсиз! Қорнингиз оч қолди.

— Ыў-ә, жуда тўйдим.

Овқатдан кейин қақва узатилди. Ҳикматбей менинг ғамими еб, яна бир неча марта бурчак билан курси алмаштириши таклиф қилди... Тоқатим тоқ бўлди, Ҳикматбей билан икки оғиз тузукроқ гаплаша олмай, уйга қайтдим.

Кечак намозшомга яқин эшик тақиллаб қолди. Қарасам, ҳайкалтарош Ҳикматбей. Қўриб жуда хурсанд бўлдим.

— Келинг, марҳамат, Ҳикматбей...

— Узларини безовта қилмай қўя қолай, афандим.

— Ыў-ә, нега безовта бўлар эканмиз, қани, ичкарига марҳамат қилинг...

— Йўқ-йўқ, ортиқча овора қилмай қўя қолай.

— Хизмат...

— Афандим, ҳазратларини безовта қилишдан мақсад...

— Безовтаси борми бунинг...

— Бизнинг кулбада сиқилмай ўтиредингизми, шуни билмоқчи эдим.

— Жуда кўнгилдагидек бўлди, раҳмат.

— Тўғриси, сизни яхши кутиб ололмадик.

— Йўқ-йўқ, жуда яхши бўлди.

— Йў-ў-ўқ, ёзилиб ўтиромадингиз.

— Улай агар, худонинг балосига учрай ёлгон галирсам, остона ҳатлаб кўчага чиқолмай қолай, жуда яхши ўтиредим.

— Каминангиз билиб турибди, ҳазратлари кўнгил учун шундай деянилар, аслида яхши ўтирганлари йўқ.

Сабр косам тўлиб кетди. Ут ўчирувчи машинадек бир наъра тортиб юборган эканман, қўни-қўшнининг ҳаммаси уйдан отилиб кўчага чиқди.

— Безовта бўлганим йўқ! Йўқ! Йўқ!

Ҳикматбей чуваккина гавдасини эшик орқасига олди. Шунда ҳам у:

— Йўқ, афандим, айбга буюрманг, яхши ўтиромадингиз. Энди каминангизга ижозат, сизни анча безовта қилдим,— деб чулдирарди.

— ● —

## СИГАРЕТ ҚУТИСИДАГИ АРЗ-ДОДЛАР

Биз қишлоқ баққолининг каталак дўкончаси олдида тўхтадик. Шиша идишга лампа мой қўйдириб олаётган аёл ҳам, баққол ҳам бизни кўриб мийигида кулиб қўйди.

— Рашид оға сизларни кутиб ўтирибди,— деди баққол бизга қараб.— Ҳув юқоридаги қаҳвахонага бораверинглар. Манови тепаликдан ўтиб, ўнг қўлга буриласизлар.

Иккевининг кулгиси ғалати туюлди; бу кулги ҳам пичинг, ҳам таънага ўхшаб кетарди.

Ҳайрон бўлиб сўрадим:

— Рашид оға деганингиз ким ўзи?

— Теэроқ бора қолинглар. Кўзи тўрт бўлиб ўтирибди. Боргандা биласизлар...

У кўрсатган тепаликка чиққан эдик, узоқдан қаҳвахона кўринди. Шу пайт олдимизга бир бола чопқиллаб келди-ю: «Рашид бувам кутиб ўтирибдилар»,— деганича изига қайтди.

Қизиқ, нима гап экан ўзи? Тўғри қаҳвахонага қараб юрдик. Одам билан лиқ тўлган қаҳвахонага кириб, ўтирганларга салом бердик. Қаҳвахўлар бизни кўриб, бир кулиб қўйишиди. Яна ўша истеҳзо аралаш кулги...

— Рашид оға ким бўлади?

— Ҳа, менман...

Деворга тақаб қўйилган узун курси устида чордана қуриб ўтирган пахмоқ соқол, истараси иссиқкина бир дехқон шундай деди-ю, ўридан туриб, биз томон юрди.

— Хуш келибсизлар!

— Хуш кўрдик. Рашид оға сиз биласизми?

— Ҳа, менман.

— Бизни кутаётган эмишсиз, йўлда кимни кўрсак шунаقا дейди. Кутаётганингиз ростми?

— Қани, ўтиргинглар, ўтиргинглар. Кутаётганилгимиз тўғри-ю, лекин сизларни эмас. Устингиздаги шаҳар кийимини кўриб, сизларни ўшалар деб ўйлашибди. Бирор нарса ичасизларми?

Биттадан айрон сўрадик. Кейин машинамиз йўлда бузилиб қолганлигини, ниёда келаётганимизда дуч келган киши: «Сизларни Рашид оға кутиб ўтирибди», деганини айтдик. Рашид оға қаҳвахонани тўлдириб ўтирган дехқонларга қараб:

— Биз кутган одамлар булат әмас. Ўтган йили кўрмаган мидингиз уларни?— деди.

— Ҳа, кўрганимиз, кўрсак албатта таниймиз. Булат әмас,— деб жавоб қилди бир неча киши.

— Узи нима гап, Рашид оға, кимни кутяпсизлар?

Рашид оға олдимизга бир тугунча келтириб қўйди. Сўнгра

уни авайлаб очиб, ичидан тўрт дона бўш сигарет қутиси олди.

— Биз мана шу қутиларнинг эгаларини кутиб ўтирибмиз,— деди у сигарет қутиларини бизга узатар экан.— Омонат нарса бўлгани учун сақлаб қўйибмиз.

Қутиларнинг иккитаси «Ениже», қолганлари эса «Геленжак» ва «Бўғоз ичи» сигаретларидан бўшаган экан. Рашид оға улашаётганида менга теккан «Геленжак» қутисига разм солиб қарасам, аллақандай илон изи ёзувларга, турли-туман белги ва рақамларга кўзим тушди.

— Бу нима ўзи, Рашид оға?— сўрадим чолдан.

— Булар бизнинг арз-додларимиз бўлади.

— Қанақа арз-додлар?

— Бизнинг арз-додларимиз. Ҳозир одат бўлиб қолган, юртда сайлов яқинлашди дегунча барака толкур улуғларимиз қишлоқма-қишлоқ юриб, деҳқоннинг арз-додини эшитадиган бўлиб қолганлар.

Тунов йили шунақа бўлди. Улар қишлоғимизга келиб, кимнинг нима арзи бўлса, айтаверсин, дейишди. Тумонат одам йифилди. Улар тўрт киши экан, аптамбильдан тушиб келишди. Ичларидан биттаси халойиққа хитоб қилди: «Оғалар, шу вақтгача ҳеч ким сизларнинг арзларингизга қулоқ солмаган эди. Демократия — халқнинг дилига қулоқ солиш деган гап. Шунга кўра, биз бугун ҳузурингизга келдик. Қимнинг дилида нима гапи бўлса, айтаверсин, қулоғимиз сизда».

Мана, сизга арз керак бўлса, деб дилимиздагини тўкиб солдик. Бизлар гапириб турибмиз, улар ёзиб олишяпти.

— Афандим, безгак тинкамизни қуритиб юборди, шундан қутқаринг бизни!— деган эдик, улар дарров ёзиб олишди.

— Елғиз ўзим беш синф боласини ўқитиб юрибман, қишлоққа ўқитувчи юборинглар!— Муаллимнинг бу гапини ҳам тўртталаси баробар ёзиб олишди.

Хуллас, улар кетма-кет сигарет тутатиб, биз нима десак, шуни ёзиб олишаверди. «Ҳозирча бунга имкон йўқ, тўхтаб туринглар», деган гапни эшитмадик. Мен ёнимда турган муаллимнинг қулоғига шивирлаб: «Буларга негадир кўнглим чопмаяпти»,— деб қўйдим. Чиндан ҳам кўзимга ғалатироқ кўринишарди. Нимаики айтмайлик, ҳаммасига бирпасда рози бўлишаверди.

Уларни бир синаб кўрмоқчи бўлдим.

— Илоҳим кам бўлманглар,— дедим уларга қараб,— ҳамма дардларимизни ёзиб олдинглар, раҳмат. Энди охирги илтимосимиз бор: қишлоққа поезд йўли тушса девдик.

Сигарет қутисининг орқасига буни ҳам ёзиб қўйиши.

Қош қорайди. Меҳмонлардан иккитаси қўлидаги қутиларни

ташлаб юборди. Дарров бориб ердан олдим-да, чўнтакка солдим. Қаҳвахонадан чиқиб кетишаётганида улоқтирилган учинчи қутини ҳам ёнимга солдим. Улар аптамбильга минишди. Физиллаб юриб кетган аптамбиль орқасидан қўл силкиб турувдик, яна алланарса улоқтирилганини кўриб қолдим. Ўгуриб бориб қарасам, сигарет қутиси экан, дарров олдим. Ӯша тўртта сигарет қутиси шу бўлади. Энди тушунган бўлсангиз керак. Ҷизнинг жамики арз-додларимиз шу қутиларга ёзилган. Яқинда хабар келди, бу йил ҳам арз тинглагани келишармиш. Шуларни кутиб ётибмиз.

Қутиларни қўлга олдим. «Ениже» қутисининг устига олти марта «Шукрия! Шукрия!», бир марта «Шук» деб ёзилибди. Яна ёнма-ён тушган уч юлдузу, бир қайиқ сурати. Катта ва кичик қилиб бир талай уч бурчак ва тўрт бурчак шакллари солинган. «Бўғоз ичи» қутисининг устида мана шу ёзувларни кўрдим: «Қайнагамнинг ўртоғи ҳақида илтимос қилиш... Вобифибейни дурустроқ ишга жойлаштириб қўйиш... Қуёвни Италияга кетаётган делегацияга киритиши... Акс ҳолда, истеъ孚 беради, деган гапни тарқатиши... Ӯч юз минг можароси... Раққоса, раққоса» (беш жойда қайтарилган)... Саккизта юрак расми.

«Геленжак» қутисига каттакон кўз сурати солинган бўлиб, ичига қимор соққаси чизилган. «Бўлади, жуда яхши, бўлади, жуда яхши» деган сўзлар тоҳ ёзма, тоҳ босма ҳарфлар билан беш-ён марта ёзиб қўйилган.

— Ана келишяпти!

— Келишяпти!

Қаҳвахонага жон киргандек бўлди. Унинг олдида тўхтаган машинадан уч киши тушди.

— Марҳабо, оғалар!— деди улардан бири.

— Ассалому алайкум, ватандошлар!— деди иккинчиси.

— Хорманг биродарлар!— деди учинчиси.

Деҳқонлар ҳозиргина бизни қандоқ кутиб олишган бўлса, уларни ҳам шу кулги билан қарши олишди.

Келганларнинг иккитаси Рашид оғанинг ёнига, учинчиси нарироқдаги узун курсига ўтириди. Улар ўнг қўлларини кўкракка қўйиб, қаҳвахонадагилар билан бирма-бир сўрашиб чиқишиди.

— Ўтган йилдан бери кўришмадик, қалайсизлар оғалар?— сўради ичидаги семизроғи.

Ҳамма учун Рашид оға жавоб берди:

— Раҳмат, яхшимиз. Ӯзларингиздан сўрасак?

— Биз ҳам яхшимиз. Илгаригидан дурустмиз. Сизлар ҳам илгаригидан дурустга ўхшайсизлар. Ҳаммангиз қувноқ кўриниасиз. Илоҳим вақтингиз чоғ бўлаверсин.

— Оғалар! — хитоб қилди уларнинг ичидаги ёши энг кичиги,—демократия — халқининг дилига қулоқ солиш демакдир.— У «Геленжак» сигаретини чўнтақдан олиб, лабига қистириди. Қаҳвахоначи оташкуракда унга чўғ тутди.— Биз сизлардан олган илҳом билан ишлаймиз. Мава, яна ҳузурингизга келдик. Ҳеч тортинмай, дилингизда бор гапларни айтаверинг.. Сизлар айтган нарсаларга қулоқ солиш бизнинг бурчимиздир. Кўнгилда нима муддао бўлса, барини андиша қилмай айтаверинглар!

Олдинига атроф сув қўйгандек жим бўлди-ю, кейин шивир-шивир гап бошланди.

— Аввало, шу безгак дастидан дод,— гап бошлади тик турган деҳқонлардан бири.— Ёстиғимизни қуритиб кетяпти. Ботқоқ жойларни қуритиш керак, дори сепган билан бўлмаяпти.

Учови ҳам бу гапни сигарет қутисига ёзиб олди. Шу пайт Рашид оға ёнидагининг ёзувига тикилди:

— Кечиравасиз, афандим, хотўғри ёзиб олганга ўҳшайсиз?

«Бўғоз ичи» сигарет қутисини қоралаб ўтирган одам ёзган нарсасини дарров ўчириб ташлади-да, шоша-пиша янгидан чизиқ тортди.

— Нега ёнди?— сўради «Геленжак» қутисининг эгаси.— Ахир ботқоқнинг қуритилиши...

— Дарвоқе, кўзимга янглиш кўринганга ўхшайди,— Рашид оға шу гапни айтди-ю, ёнидаги тугунчани тиззасига қўйиб, ичидан «Геленжак» сигарет қутисини олди, кейин унинг устидаги ажи-бужи чизиқларни эгасига кўрсатди.— Утган йили ҳам безгак деганимизда шунақа ёзган экансиз.

Қаҳвахонада «гур» этиб кулги кўтарилиди.

Бошқа бир деҳқон арз қилди:

— Муаллим сўраймиз, қишлоқда муаллим етишмайди.

— Етишмайди!— деди «Ениже» қутисининг эгаси.

— Хотўғри ёздинг, афандим,— деди Рашид оға тугунчадан ўтган йилги «Ениже» қутисини олиб кўрсатиб.— Утгац ҳили муаллимимиз шу ҳақда гапирганда сен «Шукрия! Шукрия!» деб ёзган эдинг.

Мехмонлар сигарет қутиларини бирин-кетин чўнтақка сошлиши.

— Овора бўлиб ёзиб ўтиранглар, ҳамма гап бу ерда бор. Манави чизиқлар фабриканики, манави олтита юрак бўлса поездники бўлади,— деди Рашид оға қўлидаги қутиларни уларга узатар экан.— Манави қути бугун келмаган жанобники.

Бояги семиз одамнинг жаҳли чиқди:

— Булар нимаси?

— Нима бўларди, арз-додлар-да. Аммо сизникими ёки бизникими, бунисини билолмайман.

Улар ўринларидан туриб, чиқиб кетишаётганида чол яна гап қотди:

— Шукрияning ишини унутманглар. Уч юз минг-а. Тағин бунинг устига, юлдуз билан қайиқнинг расми-я...

Ҳамма қаҳвахонадан чиқиб машина томон юрди. Оддинда улар, орқада деҳқонлар. Биз ҳам Рашид оғанинг ёнидамиз.

Олдинда бораётган уч кишидан бирини ўттал тутди:

— Сигаретни ташлаш керак.

Иккинчиси ўнга қўшилди.

— Мениям мазамни қочиряпти.

— Тўғри, ташламаса бўлмайди, зарари тегяпти,— қўшиб қўйди учинчиси.

Учови машинага ўтириб жўнаб қолди. Деҳқонлар эса ҳамон қотиб-қотиб кулишарди.

## НАЗОКАТУ НАФОСАТ

Стол тагидан муқоваси кўк, мўъжазгина, усти зарҳал ён дафтарча топиб олдим. Қимники бўлди экан, деган хаёлда ичини очдим. Ия, бу нимаси? Дафтарчанинг биринчи бетига баобрў бир кишининг, жуда ҳам баобру кишининг турар жойи, телефон номери ёзib қўйилган. Қани, бу ёгини кўрай-чи! Вой-бў, иккинчи бетида бир эмас, нақ учта шунаقا одамнинг но-ми бор-а. Дафтарни бетма-бет варақлаганим сари ҳайратим ошаверди.

Нега десангиз, мамлакатимизда сиёсат ва давлат тепасида турган нуфузли одамларнинг ҳаммаси дафтарга бирмабир ёзив чиқилган экан. Бундек қарасам, буларнинг ичидаги кичиги бош директорлик лавозимида. Қизиги шундаки, номи дафтарга тушган сиёсат арбобларнинг ҳаммаси ҳозир ҳоқимият тепасида.

Шу топда ўрнимда бошқа өдам бўлганида ҳам барибир боши қотиб гаранг бўлиши турган гап эди. Рост-да, казо-казоларимизнинг турар жойи аниқ кўрсатилган, бу дафтарча худди бирор фалокатни бошлаб берадиган бомбага ўхшайди. Буни менинг пайимга тушган бирор өдам атайлаб ташлаб кетган бўлса керак. Улуғларимизнинг исму шарифлари битилган бу рўйхат ҳали бошимга қандай кулфатлар солишини аниқ билмасам ҳам шунисига аминманки, уни ўйимдаги стол тагига холис ният билан ташлаб кетишмаган. Мени ваҳима босди. Назаримда, шу топда ҳозир эшик дукиллайди-ю, уйга беформа полициячилар бостириб кириб: «Қани, дафтарни чўз!» дея менга дўқ уради. Дир-дир қалтираб: «Қанақа дафтар?» деб сўрайдиган бўлсан, уйда тинтув бошлишади, кейин худди ўзлари илгари яшириб қўйгандай бирпастда стол тагидаги дафтарни топиб олишади.

Шундай бўлишига имоним комил. Менинг ўйимга дафтарни ташлаб кетган ўша разил өдам албатта полицияга шипшишиб қўйган. Каттакон фитнага мен ҳам аралашиб қолганга ўхшайман.

«Қани, сайра энди!— дейди менга дафтарни топиб олган полициячилар.— Сен нима учун каттадан-кичик ҳамма улуғларимизнинг турар жойларини бу дафтарга ёзив олгансан? Хўш, сен уларга маҳсус дафтар очганимисан? Еки товламачилик ҳунаринг борми? Тўғрисини айт, ёки уларнинг жонига қасд қилганимисан?»

Худоё мушкулимни ўзинг осон қил. Рост, агар шунаقا деб қолишса, қўлидан нима келади?

Ҳозироқ дафтарга ўт қўйиб, кулини кўкка совуришим керак!

Мени домига илинтироқчи бўлган пасткашнинг ўзи ким бўлди экан? Кечакида бунақа иш келмаслигига аминман. Сабаби, бири доцент, иккинчиси университет кутубхонасида хизматчи, учинчиси эса адабиёт ўқитувчisi.

Ванихаонага кириб, дафтарни энди ўтхонага ташлайман деб турган эдим, тўсатдан эшик дукиллаб қолди. Юрак ўйноғида бориб эшикни очган эдим, қарасам, кечаги улфатлардан бири, университет кутубхонасида ишлайдигани келган экан. Холид — йигирма йиллик қадрдан дўстим. Менга ўхшаб у ҳам жуда серташвиш кўринади.

— Нима гап, нега рангинг қув ўчган?— деб сўради у.

— Узинг-чи? Узингга нима бўлди?

— Кечакида шу ерда дафтарим тушиб қолмабдими?

— Манавими?— қўлимдаги дафтарчани унга кўрсатдим.

— Ҳа, ҳа, худди шунинг ўзи,— деди у дафтарга чанг солиб.— Шунинг ўзи. Йўқолиб қолдими деб ўтакам ёрилди. Шунақаям қўрқиб кетдимки, асти қўявер.

Қўлидан тутиб, уни ишхонамга олиб кирдим.

— Мени ўлдираёздинг-ку,— дедим унга қараб.— Тўғрисини айт, бунақа баобрў кишиларнинг турар жойи сенга нимага керак бўлиб қолди?

Бу гал у ҳайрон бўлди:

— Ия, ҳали сен бунақа дафтарча тутмаганимисан?

— Иўқ.

— Ана холос, шу ҳам иш бўлдими. Мени дўстим десанг, сен ҳам шунақа қил. Бунақа адреслар нимага кераклигини мен сенга ҳозир тушунтириб бераман. Мана, қулоқ сол:

Бир вақтлари мен авторучка жинниси бўлиб қолган эдим. Гоҳ ўзим дўкондан сотиб оламан, гоҳ ўртоқларим менга совфа қилишади. Бир пайт ёнимда ўн бештacha ручка йигилиб қолиби. Уша кезлари Германиядан бир шоир ошнам келган эди, шуни йўқлаб меҳмонхонага бордим. У ҳам ручка жинниси эканлигимни билиб, кетар чоғимда бир дона авторучка тақдим қилди. Меҳмонхонадан чиқиб муюлишга бурилган эдим, чида буролмадим, ручкасини бир кўрай дедим. Узинг яхши биласан, мен ҳамиша ёнимда лупа олиб юраман. Перони шу лупага солиб қўрган эдим, кўзимга қалинроқ ёзадиганга ўхшади. Ён дафтарчани олдим-да, перони синаб кўриш учун дастлаб миямга келган сўзларни ёздим: «Назокату нафосат». Ҳа, майли, сал қалинроқ ёзар экан, уйга келиб қум қофоз билан ишқаласам учи ингичка бўлар, деб ўйладим. Яна бир кўрмоқчи бўлиб қўлимга лупа олганимни биламан — иккиси елкамга икки қўл тушди:

— Нима қилипсан?

— Менми? Үзим, шундай, авторучкани қўраётган эдим.  
— Шунақами? Ручка кўряпман дегин. Қани, ўзинг қаер-  
да ишлайсан?  
— Мен университетда...— гапим бўғзимда қолди.  
— О, профессорман денг. Ҳали сиз профессор бўлдингиз-  
ми? Ҳўй ўша профессор бўлган сени! Мана сенга про-  
фессор...  
Биттаси чап биқинимга бир мушт тушири:  
— Қани юр, талмовсирама!  
— Бу қанақа гап, жаноблар... Бирон англашилмовчилик  
бўлганга ўҳшайди!  
Ўнг биқинимга яна бир мушт тушган эди, юришга маж-  
бур бўлдим. Қани юрмай ҳам кўр-чи!  
Полиция участкасига олиб келишди. Кейин тепиб-суриб  
бир хонага қамаб қўйиши. Тоза кутиб ўтиридим, олдимга  
ҳеч ким кирмади. Бир пайт аллаким эшикни очиб:  
— Ерга ўтир!— деб дўқ урди.  
— Утиромайман, тақсир!  
— Ҳа, ҳа, ҳали ўтиромайсанми? Вой профессор бўлган  
сени... Қани ағдар чўнтакларингни?  
Чўнтақдаги бор нарсани чиқариб столга қўйдим: ўн тўрт  
дона авторучка, иккита китобча, битта ён дафтар, бир дона  
лупа билан иккита қум қофоз чиқди.  
— Бу нима?— сўради у авторучкаларга ишора қилиб.  
— Буми? Авторучка!  
— Ҳм, авторучка дегин! Вой профессор бўлган сени...  
Мен профессор эмасман, университет кутубхонасида  
оддий хизматчи бўлиб ишлайман, дегим келди-ю, қани энди  
оғиз очирса. Столдан лупани олди:  
— Ҳўш, манави нима?  
— Лупа...  
— Лупа дегин... Вой профессор бўлган сени...  
Яна уч киши ичкари кирди. Тўрттови бир бўлиб столдаги  
нарсаларни синчилаб кўздан кечиряпти. Улардан бири қум  
қофозни қўлига олиб сўради:  
— Бу нима?  
— Қум қофоз.  
— Бу қанақа қум қофоз ўзи? Сип-силлиқ-ку... Бизни ла-  
қиллатмоқчимисан?  
— Ўзи шунақа, маҳсус силлиқ ишланган.  
— Қиҳ, қиҳ... Силлиқ қофоз дегин! Вой профессор бўлган  
сени...  
Елкамга бир мушт тушди. Бундоқ қарасам, аҳвол тобора  
чатоқлашиб кетяпти.  
— Жаноблар,— дедим уларга қараб,— бу ерда бирор

англашилмовчилик борга ўҳшайди... Мени бу ерга нима са-  
бабдан олиб келгавингизни билмайману, лекин бутун уни-  
верситет, ҳамма журналистлар қандай одамлигимни яхши  
билишади. Менга бундай муомала қилишингиз яхши эмас.

Ён дафтаримни титкилаб турган одам бақириб берди:

— Учир овозингни!

Кейин тўсатдан кўзи чақнаб кетди:

— Манави нима?

У авторучкани синааб кўриш учун ёзилган бояги «Назока-  
ту нафосат» деган сўзларга ишора қилаётган эди.

— Нима бўларди, «назокату нафосат».

— Назокату нафосат?

— Ҳа, «назокату нафосат!»

— Бунинг маъноси нима?

— Ҳеч нима...

— Ҳеч нима бўлса нега ёздинг?

— Перони синааб кўрмоқчи бўлган эдим...

— Шунақами ҳали! Ҳўш, унақа бўлса нима учун келиб-  
келиб шу сўзларни ёзасан? Гапир!

Тўғрисини айтсам, бу ҳақда ўйламаган эдим.

— Билмадим, калламга шу келувди, ёздим-қўйдим.

— Ҳўш! Назокату нафосат-а! Вой профессор бўлган се-  
ни... Назокату нафосат нималигини кўрсатиб қўямиз сенга!  
Ҳали каллангизга шу келдими? Бошқаси топилмабди-  
да, а?

Бирим машинистканинг ёнига келиб протокол ёздира бош-  
лади. Мени даҳшат босди. «Назокату нафосат» дегани бирор  
жосуслар ташкилотининг шартли белгиси бўлиб чиқса-я?  
Ўн тўрт дона авторучка, ён дафтар, лупа, икки нафар китоб,  
қум қофоз, бунинг устига «назокату нафосат» деган ёзув.  
Буларни кўрган ҳар қанақа одам ҳам шубҳага тушиши  
мумкин. Энди нима қиласмикин? Протокол бўлса шифиллаб  
ёзиляпти, ён дафтарим ҳали титкилаб бўлингани йўқ. Шу  
пайт дафтарни ковлаштириб ўтирган одам тақса тўхтади.  
Сўнгра ўзи қўраётган варақни ёнидаги шерикларига тутди.  
Урталарида пичир-пичир гап бошланиб, бир нимани кели-  
шиб олишиб. Ҳеч кутилмаганда бирпаста вазият ўзгарди.  
Ҳалиги одам ён дафтарчага ёзилган бир адресни менга кўр-  
сата туриб сўради:

— Айбга буюрмайсиз, бейафандим, бу киши сизга ким  
бўладилар?

— Синфдош ўртоғим бўлади,— дедим.— Тунов куни уч-  
рашиб қолган эдик, қўярда-қўймай мени ресторонга олиб  
борди. Кета туриб уй адресини берган эди, шу дафтарга  
ёзиз олдим.

Тұғысі ҳам шу. Құпдан күрмаган үртогим билан учрашыб қолғаним рост. Ҳаттоқи мен унинг бош директор бұлғын ишлашидан ҳам бехабар әдим.

У истихола аралаш кулган бұлды:

— Буни қаранг-а, демак, бош директор ўзларининг яқин үртоқлари бұларкан-да.

— Ҳа, шунақа. Бирга ўқиганымиз, мактабда биз уни Риза тирик деб чақирады.

— Жұда хурсандман, бейафандим. Ия, ия, нега тикка туриб қолдингиз? Қани, марҳамат, ўтирынлар!

Кейин шерикларидан сұрады:

— Бейафандимни бу ерга нега олиб келдиларинг?

У сұроғига жавоб күтмай, яна менга мурожаат қилди:

— Қани, марҳамат қилинг, бейафандим!

Яхшилаб жиҳозланған хонага ўтдик. Эшикдан олдин мен, кетимдан улар киришди.

— Бугун ҳаво жудаям дим бұлди-я,— деди улардан бири менга күз қирини ташлаб.— Жанобларига газоз<sup>1</sup> буюрайликми?

— Йұр-э...

Газоз олиб келинди. Хонада иккى киши қолдик.

Елғиз қолғаң, у мендай сұрады:

— Афандим, биз томонға ташриф буюрганлариниң боиси нима? Бирор амри фармонлари борми бизга?

Е тавба! Амри фармон дегани нимаси? Мени бу ерга үриб-сүкіб судраб келған шуларнинг үзи әмасми?

Бу томонға мушт ва тепки зарби билан келғанлығимни айтсам, ҳозир күрсатилаётган илтифот олдіда ҳұрматсизлик бұлади. Шунинг учун бошқача жавоб бердім:

— Ўзларининг ҳол-ақволларини бир сұраб ўтай деган әдим.

— О, миннатдорман, афандим, гоят миннатдорман. Болшым осмонға етди. Биз учуп катта баҳт бу.

Вазият яхшиланды. Яна бирор ишқал чиққишини күтмай, иссиғидә жұнаб қолғаним маъқұл. Шуни ўйлаб, кетишаға рұхсат сұрадым:

— Бейафандим, энді менга рұхсат берсанғиз.

У үрнидан туриб, мени әшиккача кузатиб қўйди. Шу жойдан тезроқ чиққиб кетай деган мақсадда қадамни теззатдым. Авторучкаларни, дафтарча билан лупаны сұрай десам, бояғи аңглашилмовчилекни эслатған бұламан. Айб бұлади!

— Бейафандим! Бейафандим! Профессор ҳазратлары! Буюмларингизни эсдан чиқарыбысиз!

Бояғилардан бири ручка, қум қофоз, лупа ва ён дафтарчани күтариб орқамдан югуриб келди.

— Бир нарсаны сұрамоқчи әдим, бош директор чиндан ҳам жанобларига үртоқ бұладими?

— Ҳа, албатта!— жавоб бердім.— Нега суриштириб қолдингиз?

Шунчаки... Ҳозир, биласизми, бир одат пайдо бұлған. Ҳар хил бұлмағур одамлар улуғларимизнинг исми билан түрар жойини ён дафтарға ёзиб қўйишади, кейин ишқал чиққиб қолса, «бу менинг үртогим бұлади» деб сувдан куруқ чиққиб кетишиади. Тушундигизми? Биз бұлсак бу гап тұғри ё нотұғри эканлигини билмаймыз. Демак, сиз у киши билан чиндан үртоқсиз-а?

— Ҳа, у менинг чиндан үртогим бұлади.

У менга бир парча қофоз узатди...

— Бейафандим, үзим ҳақимда иккى оғиз сұз қоралаб қўювдим. Агар бош директор жанобларини яна бир учратиб қолсанғиз...

Холид воқеани гапириб бұлғаң, қўшиб қўйди:

— Уша кундан буен мен улуғларимиздан қайси бирининг түрар жойини эшитиб қолсам, шу дафтарға ёзиб қўядиган бұлдым. Кече дафтарни йўқотиб қўйдимми, деб роса қўрқиб кетдім. Бу ердаги адреслар мол-мұлкни, ҳаётни суғурта қилиш билан тенг. Биродар, сен ҳам албатта шунақа дафтар тутиб ол. Лекин бир нарсага эхтиёт бўл: дафтарға ёзилған одамлардан бирорғаси истеъфога чиққиб кетса, дарров унинг номини үчиріб ташла. Акс ҳолда, бошинг балога қолади. Демак, сен улуғ одамларимизни дафтарға ёзиб юриш одатидан бехабар экансан-да...

— Ҳеч эшитмаган әдим.

— Лекин қўп нарсаны бой берібсан, ошнам. Ҳозир шунақа замон. Ҳар бир киши ҳар эҳтимолга қарши ёнида мана шунақа дафтарча олиб юриши керак. Остона ҳатлаб кўчага цикқанингда бошиннга қанақа бало тушишини олдиндан билиб бұладими? Қадимда одамлар касалдан, ёмон күздан сақласын деб ёнларida дуо битилған тумор олиб юришарди... Ҳозир эса бунинг үрнига мана шу адресли дафтарчалар чиққан. Дафтар бўлганда ҳам нафаси ўтқир дафтар!

## ХАЗИЛКАШ ОДАМЛАР

«Ҳаёт — аччиқ нарса, жаноблар. Ҳаёт — тиканли йўл Ҳаёт...» Ана шунақа чуқур маъноли гаплар ёзилган учта дафтарим бор. Буларнинг ҳаммаси ҳаёт фалсафаси билан тўла.

«Ҳаёт — бу турган-битгани уқубат демакдир. Ҳаёт — бу зўр машақат билан чиқиладиган чўққи демакдир. Ҳаёт — бу орқасига қайтмайдиган оқар сув демакдир». Сўнгги дафтаримнинг сўнгги бетига «Ҳаёт нима ўзи?» деб ёзиб қўйдим.

Боя айтганимдай, ҳаёт — бу аччиқ нарса, жаноблар. Ишонмасангиз, мана мен ҳикоя қилиб берай, сиз ҳукм чиқаринг.

Мен ишсиз лақиллаб юрган эдим. Йўқ, отамдан катта мерос қолгани учун эмас, балки қидиравериб иш тополмаганим учун бекор эдим. Бу ёғини сўрасангиз, икки кундан бери фақат ҳаво ва сув билан тирикман. Шу аҳволда бир боққа кириб, ҳаёт ҳақида чуқур фикр суриб ўтирибман. Ёнимда ўтирган одам қўлидаги газетасини ўқиб бўлиб, саккиз буклаб чўнтағига тиқаётган эди, сўраб олдим. Дарров эълонлар бўлимига кўз югуртирдим. Бир жойда эркак ва аёллар ишга қабул қилиниши ҳақидаги эълонни ўқидиму, баданимга қон югуриди. Газетани эгасига қайтариб бердим. Вақтни бой бермаслик керак. Охирги кучимни тўплаб ўрнимдан турдим-да, газетада кўрсатилган жойни излаб кетдим. Мана, шаҳарнинг савдо маҳкамалари жойлашган катта бинонинг бешинчи қавати. Ҳар хил таъналардан қўрқиб лифтга ўтирмай, зинадан чиқдим. Газетада кўрсатилган 18-хона олдида турибман. Одам кўп. Хонага кириб кетаётганларнинг юзида аллақандай умид порласа, ичкаридан қайтиб чиқаётганлар ғамгин, ғарип кўриниади.

Иш ваъда қилган одамларнинг олдига тетик кирай, деган мақсадда анча нафасимни ростлаб олдим. Кейин мен ҳам бошқаларга ўхшаб хонага кирдим.

— Газетадаги эълонни ўқиган эдим,— дея мурожаат қилдим кўринишидан эшикбонга ўхшаган одамга.

— Йчкари кириб кутиб тур,— деди у.

Хонада қатор курсилар қўйилган. Буларда олти аёл ва саккиз эркак ўтирибди, менга ўхшаган тўрт киши тикка турибди. Кўриниши ўзимга ўхшаган бир одамдан сўрадим:

— Ўзи нима иш экан?

— Билолмадим, навбат билан ичкарига чақириб туришибди. Бири ўн минутда, бири ярим соатда бўшаб чиқяпти. Нима учундир ҳаммаси ҳам ичкаридан дарғазаб бўлиб чиқяпти.

Айтгани келди. Шу пайт эшик тарақлаб очилди-ю, ичка-

ридан оашараси лавлагидек қизариб кетган семиз бир одам сўкиниб чиқди. У: «Беҳаёлар, ифлослар!» деганича югуриб ташқарига чиқиб кетди.

— Ҳар ҳолда ишга қабул қилишмагани учун жаҳли чиқкан бўлса керак,— деб ўзимни юпатдим.

Ёнимда турган одам гапимга қўшилди:

— Шунақага ўхшайди, ҳаммасининг хуноби ошиб чиқяпти.

— Навбат кимники?— деб сўради эшикбон.

Юзига қалин упа сурган, олифта бир жувон «меники» деди-ю, лапанглаб хонага кириб кетди.

— Қизиқ, ичкарида нима қилишаётган экан?— сўрадим навбат кутиб турганларнинг биридан.

— Менимча, имтиҳон қилишаётган бўлса керак,— деб жавоб берди у.

Мактабда ўқиган нарсаларимни эслай бошладим. Бу ер савдо маҳкамаси бўлганлиги учун биринчи навбатда арифметикадан сўрашса керак. Миямда карражадвални қайтариб чиқдим. Шундан кейин процент чиқариш ва нарҳ чегириш ўйларини ўйлаб турган эдим, ичкаридан бояги аёлнинг бақиргани эштилиб қолди. Шу пайт эшик қарсиллаб очилди-ю, у ташқарига отилиб чиқди.

— Номуссизлар! Виждонсизлар!— дея бақирганича у ҳам хонадан югуриб чиқиб кетди.

Очиқ эшикдан бир гала эркак кишининг қий-чуви қулоққа чалинди.

— Нима гап ўзи, бу жувонга бирор нарса қилишдими?— деб ёнимдагидан сўрадим.

— Унақа бўлмаса керак. Агар бирор гап бўлганида бунчалик додлаб чиқмасди. Эҳтимол, қийинроқ бир савол тушгандир.

— Шундай бўлса керак,— гапга аралашди тикка турган йигит,— жавобга кучи етмаган кўриниади.

— Эркак кишилар ҳам додлаб чиқяпти-ку, биродар,— унга қараб деди бошқа бири.

— Кимнинг навбати?

Хозиргина гапга аралашган йигит кириб кетди.

Мен яна процент чиқариш ўйларини эслаб турган эдим, «бу қандай бемаънилик!» деганича у ҳам югуриб ташқарига чиқиб кетди.

— Бу йигит ҳам бояги жувонга ўхшаб жавоб беролмабди-да!— деди ёнимдаги одам.

Мендан кейин яна тўрт киши навбатга турган. Келувчинларнинг кети кўринмайди. Навбати билан ичкари кирганлар эса терлаб-пишган, қизариб бўзарган ҳолда чиқиб кетмоқла.

Мен битта-битта өдим қўйиб, дарров қўздан ғойиб бўлиб қо-  
лаётган эшикбонни тўхтатиб сўрадим:

— Кирган одамларни ичкарида нима қилишяпти?  
У тиржайиб туриб:

— Синаб қўришяпти! деди-да, яна қўздан ғойиб бўлди.  
Мана, навбат кутиб турган бир кампир билан чол ҳам  
дод солиб чиқиб кетди. Қия очилган эшиқдан яна қийқириқ,  
кулги эшишилди. Иш истаб келганлар сўкиниб, фарёд чекиб  
ташқарига чиқиб кетаверган сари ичимда суюнаман: нега  
деганда, рақибларим камайиб, менинг умидим ошиб боряп-  
ти. Лекин бир томондан, ичкарида нима воқеа рўй беради-  
ганлигини ўйлаб, вужудимни қалтироқ босади. Тўғрисини  
айтсам, агар икки кундан бўён оч бўлмаганимда, ҳозир шу  
ишини ҳам, шу синов-пиновини ҳам ташлаб кетардим. Зора  
омадим келиб, ишга олинсан, деган умиддаман. Навбатда  
мендан олдин турган чол киши ичкаридан ранги оппоқ оқа-  
риб чиқди. Бошқаларга ўхшаб бақиргани унда мажол қол-  
маган эди.

— Нима гап экан ўзи, амаки?— деб сўрадим.

— Э сўрамай, қўя қол, ўзинг кўрсанг биласан!— зўрга  
жавоб берди у.

— Кимнинг навбати?

Миқ этмадим.

— Сизнинг навбатингиз-ку,— менга қараб деди орқамда  
турган одам.

— Сиз кира қолинг, мен унча шошилаётганим йўқ!— де-  
дим.

— Йўқ, йўқ, бирорвинг навбати менга керак эмас!—  
эътиroz билдириди у.

Трамвай ё автобус бўлганида бу хумпар навбатини кут-  
май уриб-сурис чиқиб олган бўларди-я.

— Илтимос қиласман, кира қолинг.

— Йўқ, олдин сиз кириңг.

Эшикбон орқамдан итариб юборди-да, эшикни ёпди.

«Э, парвардигор, ишқилиб, ўзинг шарманда қилма! Узинг-  
га ишондим! Ишқилиб, шу тажриба ё имтиҳондан бир қуту-  
либ олай, мен ҳам бу дунёда ишлик бўлай!— дея кўнглимдан  
ўтказдим.

Қорним очлигиданми, ниҳоятда қўрқиб кетганимданми,  
ҳар ҳолда, кўзим тиниб кетяпти. Олазарак бўлиб атрофимга  
қарадим: яхши жиҳозланган, катта хона. Бу ерда ўтирган  
одамлар қийқириқ отиб кулишади, кулгидан намланган кўз-  
ларини дам-бадам артиб туришади. Санагани имкон бўлма-  
ди-ю, лекин ўн чоғлик одам бор. Улар бу ердан ҳозиргина  
чиқиб кетган одамни масхара қилиб кулишаётган экан.

Ҳаммаси ҳам қорин қўйган, семиз бўлгани учун кулги улар-  
га ярашар экан. Тепаси тошойнали стол олдида ўтирган  
одамга яқинлашдим:

— Ҳазилга тобингиз қалай?— Унинг менга берган бирин-  
чи саволи шу бўлди.

Ишга олиниш учун нима деб жавоб бериш керак? Хона-  
дагиларга бирма-бир қараб чиқдим. Уларнинг орасида мен-  
га ўхшагани йўқ. Ҳаммаси ҳам яхши кийинган, ҳаммаси  
ҳам семиз, ҳаммасининг ҳам юзидан қон чак-чак томиб ту-  
риди. «Ҳар ҳолда булар ҳазилни ёқтиrsa керак» деган  
хайлда зўраки кулги билан жавоб бердим:

— Ҳазилни жуда ёқтираман. Ҳазил деса ўлиб қоламан!  
Ахир ким ҳазилни севмайди дейсиз!

— Агар ҳазилни яхши кўрсанг, мана шу курсига ўтири,—  
деди у.

Қорним очлигидан оёқда туришга мажол қолмаган бўл-  
са ҳам, ҳурматини жойига қўйиш учун:

— Зарари йўқ, афандим, мен тикка туравераман,— дея  
жавоб қилдим.

— Йўқ, униси кетмайди. Агар ҳазилни маъқул кўрсанг,  
шу курсига ўтирасан.

Курсида нима гап бўларди, дедиму гап қайтармаслик  
учун ўтиридим:

— Раҳмат, афандим.

— Йўқ, йўқ, у ерга эмас, манави курсига ўтири.

Айтганини қилдим.

— Бу ердаги одамларнинг ҳаммаси ҳазилкаш одамлар.

— Жуда соз, афандим. Қаминангиз ҳам ҳазилни жуда  
яхши кўради.

У мен билан у-бу ҳақда гаплаша бошлади. Берган савол-  
ларига одоб билан жавоб қайтариб турдим. Жавоб беряп-  
ману, аъзойи баданим ғалати бўлиб кетяпти. Ростини айт-  
сан, тагим қизиб кетяпти. Худди лахча чўғ устида ўтирган-  
га ўхшайман. Ё раббий, нима гап ўзи? Нима бало, касал  
бўлиб қолдимми? Ундоғ десам, иситма дегани одамнинг таги-  
дан эмас, бошидан чиқади-ку... Нима қиласаримни билмай,  
тўлғанаман, ўзимни гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга ташлайман, ле-  
кин фойдаси йўқ. Мен ўтирган жойимда бесаранжом бўлган  
сари улар хандон отиб кулишади. Иложим қанча, улар кул-  
гини яхши кўрадиган одамлар, қолаверса, менинг аҳволимдан  
кулмай бўладими ўзи... Ўзим не азобдаману, лекин улар би-  
лан бирга кулишаман. Тагимдан шундай ўт пуркайптики,  
гўё ҳозир жизғанак бўлиб куйиб кетадиганга ўхшайман.

— Сизга нима бўлди, тобингиз қочдими?— сўради қар-  
шимда ўтирган одам.

Бетобман десам, ишга олишмаслиги мумкин.

— Йүқ, соғлигим жойыда, жуда саломатман.

— Нега бўлмаса бесаранжом кўринасиз?

Уларнинг қийқириги авжга чиққан.

— Кечирасиз, чипқон чиққан эди,— дедим шу баҳонани топиб.— Рухсат этсангиз, мен тикка турсам.

Улар кулгидан ичаклари узиладигандай. Менинг эса аъзойи баданимдан дув-дув тер тўкилади. Пешанам жиққа ҳўл бўлиб кетган экан, уни артиб ўрнимдан турдим. Бу ерда маймун ўйнатялманни, нега куласизлар, дея уларга бақириб бермоқчи бўлдиму, лекин ўзимни босиб қолдим: ҳар ҳолда булар ҳазилкаш одамлар, шундоқ дейдиган бўлсам, мени ишга олмасликлари мумкин.

Стол олдида ўтирган киши тугмачани босиб, хизматкорни чақири:

— Афандимга бир стакан чой келтир!

Буни эшитиб суюниб кетдим. Бундан чиқди, мен уларга маъқул тушибман-да. Очликдан қорним ғулдурайди. Иссик чой исчам эҳтимол босилар.

Хизматкор бир стакан чой келтирди. Мен тикка турганим-ча қўлидаги стаканни олиб, ичига икки чақмоқ қанд ташлаган эдим, чой бирдан вишиллаб кўпирив кетди. Қўрҳиб кетганимдан жон ҳолатда стаканни отиб юбордим. Қийим-бошим кўпикка беланди, қўлларим куйди. Айб менда бўлса керак, қўполлигим қурсин. Хонадагилар энди қаҳқаҳа отиб кулишарди.

— Анави эшикни очиб, ичкари кирсанг, стол устида битта папка ётиби. Шуни бу ёққа олиб чиқ,— деб менга буюрди улардан бири.

У айтган эшикни очиб, қараган эдим, кўзимга ҳеч нарса кўринмади. Энди нима қилай, йўқ десам, буйруқни баҳармаган бўламан-ку.

— Ҳеч нарса йўқ-ку, афандим,— дедим қўрқа-пуса.

— Ҳа, майли, бу ёқда экан, келавер,— деди у ҳамон ўзини кулгидан тўхтата олмай.

Айтганини қилиб, олдига келган эдим, яна буюрди:

— Эшикни очиб келибсан, бор, ёпиб қўй!

Эшикни ёпиб келдим. Энди бошқа киши мени саволга тута бошлади. Лекин жавобни ўрнига қўёлмай қолдим — бирдан акса бошланса бўладими. Ҳеч тўхтамай акса ураман-а.

— Отингиз нима?

— Отим... Ап-ап-апшу... Меҳ-меҳ-ап-ап... апшу... Меҳмед.

Улар қийқириб кулишади. Менга нима бало бўлди экан-а? Қирқ ёшга кириб, энди иш топай деб турганимда ё тагим

аланга олади, ё қўполлик қилиб чой тўкаман, ё бўлмаса акса тутади-я!

— Неча ёшдасиз?

— Қир... қир... апшу! Қирқ бирда! Апшу!

Кулгидан ўлаёзишди.

Биттасининг раҳми келиб:

— Бориб анави жўмракдан юзингни ювиб кел,— деди.

Жўмракда юзимни ювиб олдиму, лекин барнибир ўзимга келломадим. Бу гал нима учундир кўзим ёшланга бошлади. Кўзим ёшланаяпти эмас, тўғридан-тўғри ҳўнг-ҳўнг йигла-япман. Ҳайронман, ҳеч бунақа бўлмаган эдим. Қорним очганидан бўлса керак, деб ҳам ўйладим. «Бўлди энди, бу-ларнинг олдида роса шармандам чиқди. Бир ерда тинч ўти-ролмайдиган, дам акса уриб, дам кўз ёши оқизадигач бунақа лапашанг одамни ишга олишармиди» деган хаёл миямдан кетмайди.

— Нега йиглаяпсиз?

— Менми? Ўзим, шундай... Онам раҳматлик...

Қийқириб кулишди. Худоё тавба, ўзим ҳам роса йиглаяпман-а. Биттаси ўрнидан туриб шкафдан шишачада алланима олди:

— Мана бундан озгина ҳидланг, димогингиз очилади.

Қафтимга қўйган нарсасидан ҳидлаб, чуқур нафас олдим. Асабни юпатадиган нарсага ўхшайди. Уҳ, димогим сал очилди-я. Бугун ўзи менга бир бало бўлганга ўхшайди. Буни қа-ранг, энди ҳиқичоқ тутса бўладими. Ҳиқ-ҳиқ-ҳиқ... Булар мени жинни деб ўйлашса керак... Ҳа-да, дам йигласам, дам аксир-сам, дам ҳиқиллаб турсам. Мени ҳайдаб чиқаришмаганлари-га ҳайронман.

— Илгари нима иш қилардингиз?

Жавобга йўл бўлсин!

— Илгари... Ҳиқ... бў... ҳиқ... бўёқчилик... ҳиқ...

— Бўлди-бўлди, бас қил!— дея қотиб-қотиб кулишади.

— Манави шкафни оч!

Шкафни очганимни биламан, бир нарса замбарак отилгандай гумбурлаб берди. Қўрқиб кетганимдан ерга ағанаб тушдим. Омад юришмаса, шунақа бўларкан-да. Мана энди, ишдан ҳам қуруқ қолдим.

Хонадаги одамларнинг ичидаги биттаси жуда ҳам сўлоқмон экан, ўша стол устидаги чангни мен томонга пуфлаб юборди. Кейин қиқирлаб мендан сўради:

— Нега ҳадеб қашинаверасиз?

— Худо ҳаққи, ифлос эмасман, кеча ҳаммомга тушган эдим, лекин нима учундир этим қичишиб кетялти.

Нима бало, бургами десам, ҳеч бургага ўхшамайди, ахир

бурга одамнинг бир жойини қичитади-ку. Менинг эса ҳамма ёғим қичишиб кетяпти.

Уларнинг кексароги савол берди:

— Маълумотингиз қандай?

— Университетнинг адабиёт, факультетини тамомлаганман.

У қулогини оғзимга яқин келтириб айтди:

— Қаттиқроқ гапиринг, қулогим оғирроқ.

Қулоги оғир кишилар тутадиган асбоби бор экан. Қиртқирик қашиниб туриб, жавоб бердим:

— Адабиёт факультетини...

— А?

Лабларимни қулогидаги асбобга қўйиб, «адабиёт» деганимни биламан, бирдан асбобдан сув отилиб чиқса бўладими. Эсанкираганимдан таппа ерга йиқилдим. Бир томондан қорним таталаб кетяпти.

Улар ҳам ерга думалаб-думалаб кулишади. Тутқаноги тутган одамдай анча вақтгача ерда типирчилаб ётгач, ўринларидан туришди. Кулги тўхтади. Ҳаммаси жиддий. Ҳазил тугаган кўринади.

— Офарин сенга,— менга қараб деди улардан бири,— синовга яхши чидадинг. Сендан олдин қирқтacha одам келди, лекин биттаси ҳам охиригача туриш беролмади. Ҳатто биринчи синовда ҳам қочиб кетганлар бўлди.

— Тушунмадим, бейафандим, мен қандай синовга чидадим?

— Америкада ҳазил учун қўлланадиган дорилар ишлаб чиқарадиган фабрика бор. Ўша фабрика бизга баъзи бир дориларни юборган эди.

— Хўш?

— Бу дориларнинг баъзилари хатарли бўлади. Шунинг учун уларни олдин синааб кўрмоқчи бўлган эдик.

Кейин ўзаро гаплашиб кетишиди:

— Америкада шунақа моллар сотиладиган ўн мингта магазин бор экан.

— Тўғри... Илига йигирма миллион доллардан кўпроққа мол чиқаришаркан.

— Фабрика бизга эллик хил дори таклиф этяпти.

— Бошқа хилларидан ҳам олаверайлик. Катта пул ишлаб оламиз. Нега деганда, ҳалқимиз америкаликларга қараганда кўпроқ ҳазилкаш. Биз ҳазилни яхши кўрадиган одамлармиз.

Уларнинг кексароги секретарга ўшаган бир кишига бўюрди:

— Қани, ёз бўлмаса. Тагни қиздирадиган пластинкадан икки минг дона, қичитқи порошогидан ўн минг қути, ҳиқиҷоқ

тутқазадиган атирдан беш юз қути, карларнинг асбобидан беш миллион дона, кўзни ачиштирадиган сувдан йигирма минг шиша, кўпирадиган қанддан беш тонна, пақ-пақ пистондан ўттиз минг қути. Ҳаммасини ёзиб юбор, дарров жўнатишсин.

Мени мақташганига қараганда ишга олинган кўринаман. Лекин тўғрисини айтсан, нима қилишга ҳайронман. Улар гап билан бўлиб мени унтиб қўйишиди.

— Бейафандим,— дедим мен билан кўпроқ мулоқат қилган кишига қараб,— ишга олиндимми эйди?

— Ия, сени эсдан чиқариб қўйибмиз-ку,— деди у.—Ҳа, иш қидириб келганларнинг ичидаги энг чидамлиги сен бўлдинг. Сени ишга қабул қилдик.

Кейин у секретарига ўғирилди:

— Бухгалтерга айт, бу кишига кассадан икки ярим лира олиб берсин.

Яна менга қараб қўшиб қўйди:

— Бизнинг ширкатимиз ҳар ойда Америкадан шунақа дорилар олиб туради. Сиз ҳар ойнинг учинчи куни келиб турсангиз бўлади. Янги олган дориларимизни синааб берасиз, икки ярим лира хизмат ҳақингизни олаверасиз. Ёддан чиқарманг, ҳар ойнинг учинчи куни.

Ҳи-ҳилаб кулдим. У ҳам тиржайди.

— Жуда ҳазилкаш одам экансиз. Мен ҳам ҳазилни яхши кўраман.

Мен куляпман. У куляпти.

Очлик азобидан оёқда зўрға турган бўлсан ҳам, бор кучимни йиғиб баҷчагарнинг қоқ бурнига бир мушт туширган эдим, орқаси билан ағдарилиб тушди. Бурни қонаб кетди. Бошқалари эсанкираб қолди.

— Сиз билан сал ҳазиллашмоқчи эдим,— дедим унга қараб.

— Ҳе, ҳазилинг қурсин... Бунақа ҳазилни одам эмас, эшак қилади.

— Нима қилай, ахир биз камбағал бўлсак. Қўлимизга тегадиган икки ярим лирага ҳазил дориларнингизни олишга қурбимиз етмайди. Ахир сиздек одамга ҳазил қилмай бўладими? Бизнинг дорисиз ҳазилимиз шунақа бўлади.

Эшикни шартта ёпиб чиқиб кетдим. Тўғри уйга бордим. Ҳаёт фалсафаси билан тўлган дафтаримни очиб, унинг сўнгги бетига шу сўзларни ёзиб қўйдим: «Ҳаёт — бу аччиқ ҳазил демакдир!»

## ОРКЕСТР ОДАМ

Дунёда шундай одамлар борки, уларнинг ҳар бир бармоғида биттадан ҳунар бўлади. Бизга ўшаш мулла қуруқларнинг бўлса ўнта бармоғида ўнта тирноқдан бошқа нарсаси йўқ. Дарвоҷе, менинг қўлимдан ҳам бир ҳунар келади: одам кўп жойга тушиб қолсан, дарров қўлимни ишга солиб, атрофидаги хотинларнинг эт-бетидан чимчилаб оламан. Лекин бу ҳунарим ҳозирча фақат менга шапалоқ ейишдан бошқага ярамай турибди, холос.

Менинг санъатим тилим билан бурнимга жойлашган. Сабабини сўрасангиз, димоғда хиргойи қилиб, бурундан чиқарсан, одамлар сурнай чаляпти, деб ўйлашади. Кейин тилни тақиллатиб, унга оёқни жўр қилсан, нақ ногора овозининг ўзи бўлади.

Лекин бурунни сурнай-ю, оғизни ногора қилиб чалиб юрган билан тирикчилик ўтмас экан. Одамлар музикани яхши тушунавермаслиги, дидининг пастлиги учун мен ўз қадрини топмаган санъаткорга ўшаб кўпинча оч қоламан.

Эҳ-ҳа, бир бурда ион топаман деб озмунча сарсон бўлдимми?

Қаерга бормай, мендан:

— Қўлингдан нима иш келади? — деб сўрашади.

Ҳаммага ўшаб:

— Нима иш бўлса шуни қиласвераман! — деб айтольмасам нима қиласай?

Ҳар кимнинг ўзига яраша касб-кори бўлиши керак. Лекин менга қолса ҳар бир киши ўзига ярашадиган ишни қилиши лозим. Модомики, менга бурунда сурнай чалиш санъати насиб бўлган экан, шуни қилишим керак-да.

Аммо мен: «Жаноблар, менинг қўлимдан бурунда сурнай чалиш келади», — деб гап бошлишим биланоқ, «гур» этиб куялги кўтарилади, ҳамма мени калака қила бошлайди.

Шунда мен:

— Рухсат этинг, бир чалиб берай, ёқмаса йўлимни берасиз! — дейман.

— Қани, нағмангни эшитсак эшита қолайлик! — дейишиди улар.

Кўйнинг даромад қисмини бошлайман. Дам-бадам «ногора» чаламан. Буни кўриб, уларнинг оғзи очилиб қолади. Сизга ёлғон, менга чину, лекин мутлақо тишининг оқини кўрсатмайдиган не-не баобўрү кишилар ҳам бунаقا пайтларда қизишиб кетиб, ечиниб ташлайдилар-да, қорин ўйинига тушиб кетадилар.

Мен чалиб берган «Сурнай навоси»дан кейин нима бўлишини айтиб берайми?

— Вой-бў, агар бу одам Европа ёки Америкада яшаса борми, бир зумда миллионер бўлиб кетар экан, — дейишиди нуқул.

Мамлакатимизда оч-яланғоч одамларга нуқул шунақа дейишиди.

Буни қарангки, ўз ватанимизда эмасу, Европа ёки Америкада эмиш. Бундан чиқди, худойи таолло одамларни иккитаифа қилиб — бир тоифасини осиёлик билан африкалигу, иккинчисини европалик билан америкалик қилиб яратган эканда. Биз шўринг қурғур камбағал бечоралар яратилишимиздан ватангадо эканмиз, қисматимиз доим шунақа экан. Бисотингда қанчалик илму ҳунаринг бўлмасин, сен ва сенга ўхшаганларга барибир иш топилмас экан.

Бу ёғини сўрасангиз, ана шундай ҳиммат-илтифотлардан кейин қўлимга беш-үн қуруш пул тутқазишади-да, кейин олдиларига солиб қувлаб беришади.

Мана, ўзингиз кўриб тургандек, мен санъатнинг ҳамма машиқатларини тотиб кўрган одамман. Худога минг қатла шукурки, агар мен меҳрибон, санъатсевар бир хўжайини учратмаганимда умримнинг охиригача бурунда сурнай чаладиган ҳаваскор созандা бўлиб қолаверар эканман.

У билан учрашишимиз қизиқ бўлди. Уша пайтларда мен сейёр театрда оркестр бўлиб ишлар эдим. Ия, бу гапга ҳайрон қоляпсизми?

Ҳа, мен чиндан ҳам оркестр бўлиб ишлардим. Ахир бир одам ҳам сурнай, ҳам ногора чалишни билса, уни оркестр демай бўладими! Лекин менинг бошқа вазифаларим ҳам бор эди: мен ҳам саҳнага чиқар, ашула айтар, бунинг устига хотинчасига кийиниб, ўйинга ҳам тушар эдим. Устига-устак кассада билет сотиш, саҳна безаш, чодир бузиб, чодир тикиш, безакларни ташиш ҳам менга юклатилган эди. Мабодо бирорта артист бетоб бўлиб қолса, унинг ўрнига ҳам мен чиқишим керак эди.

Шекспирнинг «Гамлет»и қўйиладиган кун эди. Гамлет роли менга топширилган. Лекин нима сабабдандир бугун шу спектакль кетишни менга айтиб қўйиншабди, айтишган бўлса ҳам, ёдимдан кўтарилиби. Шундан бир кун олдин «Лабламачи Хорхор» пьесасини кўрсатганлигимиз учун бугун ҳам шу кетса керак, деб ўлабман. Навбат менга келиши билан бурнимда сурнай, оғизда ногора чалиб, Хорхор ролида саҳнага чиқиб келдим. Саҳна безаги билан артистларга бундоқ разм солиб қарасам, биз Даниядаги саройдамизу, мен даниялик шаҳзода эканман. Олдинига нима қилишимни

билмай эсанкираб қолдим: лабламачининг ролини давом эттириб, сурнай билан ноғорамни чалаверайми ё Гамлетга ўтиб кетайми? Бир лаҳза иккиландиму, дарров қарорга келдим: томоша менинг саҳнага чиқишимдан олдин бошланган, демак, Гамлет ролини ўйнашим керак. Скрипкачи Христоснинг хотини семиз Елена қаршимда турибди. У қизи Маронинг нейлондан тикилган кўйлагини кийиб олган, кампирнинг сигир елинини эслатадиган гумбаз кўкраклари қизғиш кўйлакдан хурмачага ўхшаб туртиб чиқкан.

Мен дарров Гамлетнинг монологини бошлиб юбордим: «Мен онам аталмиш бу беномус қироличадан отамнинг қасосини оламан. Мен шаҳзода Гамлет бўламан! Отамнинг бу сирли ўлимининг айбори бир умр топилмаган жиноятлар ичидаги қолиб кетмайди. Мен жасадни табибларга текширитраман. Мен гўрни қазиб, отамнинг жасадини олдираман ва бу сирли жиноят жумбобини ечаман. Ва мен амаким аталмиш қотилни полицияга топшираман».

Гапни тугатишим биланоқ, бор овозим билан қичқирдим:

— Офелия!.. Офе-е-лия! Офе-е-лия!

— Полициядан хабар келди: бемаҳалда бақириш ман этилиди! — дея шивирлаб қолди шу пайт суфлёр.

Мен ўзимни семиз Еленанинг қучоғига отдим.

Халойиқда Гамлет роли манзур бўлмабди шекилли:

— Сурнайдан бўлсин! Сурнай! — дея шовқин кўтаришиди. Бу жанжални кўриб хўжайнин дарғазаб бўлди. Дарров пардани тушириб, менга дўқ ура кетди.

— Ҳўй маҳмадана, бу ер сенга ваъз айтадиган жой эмаски, оғзингга келганини гапираверсанг. Бу ерни саҳна дейдилар!

Бирпаста паттамни қўлимга берди. Қўлимга осонгина патта текканлигининг сабаби шундаки, мен бу ерда ҳақ олмасдан ишлаётган эдим.

Одам бирор жойда ишласа, қарз олиши осон бўлади. Мана энди мен бошқаларни шилиб юришдан ҳам маҳрум бўлдим.

Гамлет ролида чиққанимда кийиши учун ҳарбийларнинг қишики кийимидан тикилган катта шимни, асли футболчиларга аталган ола-була пайғомини ҳамда битта устара билак нимчани қўлтиқлаб, чодирдан чиқдим. Шу атрофда ўрлашиб юрган бекорчи одамлар мени кўра солиб, бир-бирини турта кетди:

— Ана, ана бояги артист! Бурнида сурнай чалишни шундоқ боллаб ташлайдики!

Шу пайт бир одам олдимга келиб, мурожаат қилди:

— Афандим, сизда иккиси оғиз гапим бор эди.

— Вақт масаласи чатоқроқ,— жавоб бердим унга.— Олдин мендан розилик олинг, кейин навбат кутинг.

— Сизга айтадиган зарур гапим бор эди-да!

— Қани, бўлмаса менга бир дона сигарета беринг-чи, сал ўзимга келиб олай.

У менга хушбўй сигарета узатди. Кейин унинг машина-сига ўтириб, катта фабрикага бордик. У мени дабдаба билан ясатилган хонага олиб кирди.

— Айни Гамлет ўйнайдиган жой экан-а! — деб юборибман.

— Қани, мақсадга ўта қолайлик,— деди у менга қараб.— Мен шу фабриканинг эгаси бўламан.

— Бунақа нарсани олдиндан айтиб қўйиш керак,— дедим унга бир оз ўнгайсизланиб.— Ҳар ҳолда шунга қараб тўн бичган бўлардик.

— Сен бу ёғидан хотиржам бўлавер, мен демократ одамман, бунақа нарсаларга эътибор бермайман. Гапимни жон қулогинг билан эшиш. Мен фабрика эгаси бўлсан ҳам, ҳеч кимнинг ҳақига хиёнат қилмайман.

— Ия, унақа бўлса, қорнинг нонга тўймас экан-да!

Суҳбатдошнимнинг жаҳли чиқди:

— Бемаъни гапингни қўй! Мен сенга эксплуатацияга қаршиман,— деяпман. Агар ишонмасанг дуч келган ишчидан сўра!

— Фабрикага кирган эдик, биринчи учраган ишчидан сўрадим:

— Сен нима дейсан, хўжайнининг гапи тўёrimi?

— Ҳа, хўжайнин тўғри гапиряти,— жавоб берди у.— Бу ерда оладиган кундалик иш ҳақимиз бошқа фабрикалардагидан иккиси ҳисса кўп. Ҳар йили бир ой меҳнат отпускасига чиқамиз. Отпуска учун алоҳида ҳақ тўланади. Бундан ташқари, ортиқча қилинган иш учун мукофот бериб турилади. Байрам кунлари ва янги йилда ҳайитлик ҳам оламиз.

Бу гапларга ҳайрон бўлганимдан «ана холос!» деб юбордим.

Кабинетига қайтиб келишимиз билан ўзидан сўрадим:

— Мен тушунолмай қолдим, сен ўзинг каллаварам одаммисан ё жинни-пинни бўлиб қолганмисан?

— Йў-ү-үқ,— деди у.— Ақли ҳушим жуда жойида.

— Бўлмаса буни қандай тушунса бўлади?

— Мана, мен гапириб бера қолай, сен эшиш. Илгари фабрикамда уч юзта одам ишларди. Табиий, улар кам ҳақ олишарди. «Ҳўш, борди-ю, маошингизга ўн фоиз қўшиб берсам, иш унумингиз қанча ошиши мумкин?» деб сўрадим улардан. «Иккиси ошади», деган жавобни олдим. Мен дарров

ищиларнинг сонини камайтириб, фабрикада икки юзта одам қолдирдим. Чиндан ҳам иш унуми икки баравар ошиди. «Кундаклик иш ҳақингизни яна ўн фоиз ошириб берсам, иш унуми қанча кўтарилади?» деб яна сўраган эдим. «Яна икки марта кўпаяди», деб жавоб беришди. Мен ҳам яна эллик кишини ишдан бўшатдим. Иш унуми тўрт ҳисса кўпайди. Ниҳоят, бора-бора фабрикада йигирма беш ишчи қолди. Ҳозир улар бир ой меҳнат спускасига чиқишади, оладиган маошлари ҳам бошқа жойлардагидан анча кўп, қолаверса, мен ҳам илгаригига қараганда ўн ҳисса кўп даромад оляпман.

— Хўп, менга нима демоқчи эдингиз?

— Ҳовлиқма, ҳозир айтаман. Гап мундоқ. Мана энди ишчилар сонини бундан ортиқ камайтириб бўлмайди. Шунинг учун меҳнат унумдорлигини оширишнинг бошқа ўйларини ўйлаб юрибман. Фабрика ичини жуда озода қилиб ташланман, бошқа ердагиларга сира ўхшамайди. Одамлар тоза жойда яхши ишлашади. Иннайкейин, иш пайтида ойнани очтириб қўяман. Еруғ тушиб турса, иш баракали бўлади. Қолаверса, сен ўзинг ҳам кўрган бўлсанг керак, биноларнинг девори билан шифти янги бўёқдан чиққан. Рангнинг кишига тасири катта бўлади. Мовий ва оқ ранг одамнинг асабини бўшаштиради, уни таскин топтиради, шунинг учун ҳам касалхоналарни мана шу рангларга бўяшади. Қора ранг кишини эзib ташлайди. Пушти билан сариқ ранг хаёлни бўлади. Қизил ва яшил ранглар эса одамни қитиқлайди, ҳаяжонга солади, қонини жўшириб юборади. Шунинг учун ётоқхона деворлари доим қизил рангга бўялади. Мен ҳам фабрика биноларини шундай рангга бўятдимки, натижада меҳнат унуми яна икки баравар ошиди.

— Хўп, майлику-я, лекин менга нима демоқчисан?

— Ҳовлиқаверма, ҳозир айтаман. Мен ҳеч кимни эксплуатация қилмай, иш унумини тагин ҳам ошироқчиман. Бунинг учун эса ищиларнинг музикага бўлган эҳтиёжини қондиришим керак. Одам музика тинглаб ишласа, ўзи ҳам сезмаган ҳолда баракалироқ ишлайди. Сенга айтмоқчи бўлган гапим мана шу. Оркестр ёлламоқчи бўлган ҳам эдим, лекин қимматга тушадиган кўринади.

— Пластинка қўйиб эшитаверсанг бўлмайдими?

— Ундан қуруқ товуш чиқади. Бу нарса кишининг асабига тегади, ишига халал беради. Эшитилаётган овоз табиий бўлиши керак.

— Жуда соз! Мен розиман.

— Лекин битта шартим бор: музика туркча бўлмаслиги керак. Фарб куйларини чалишни биласанми?

— Билганда қандоқ!

— Қани, бўлмаса венгер рапсодияларидан бирортасини чалиб бер-чи!

Бурунни сурнай, лабимни ногора қилиб рапсодияни ботлаб чалиб берган эдим, ҳўжайнинг ўзи ҳам қойил қолди.

— Лекин биласанми,— деди у менга қараб.— Сурнай билан ногора камлик қиларкан. Бурнинг билан оғзинг ишлатганда сёғинг бекор турмасин-да. Агар бунисини ҳам эпласанг, маошингни икки ҳисса ошириб бераман.

— Хўп бўлади,— дедим.— Унг қўлим билан қоринни чилдирма қилиб чалиб тураман.

— Жуда соз! Ия, сёғинг бекор қоладими унда?

— Ботинкамнинг тагидаги нағалини тақиллатиб турсам бўлади.

— Ажойиб! Яна?

— Янами? Яна... Яна... Топдим, топдим! Чап қўлим бўшку, уни орқамга уриб, музикага жўр қилиб туришим мумкин.

— Ҳўш, яна?

— Яна бир-икки бўш жойим бору, лекин ўзимга ҳам қерак-да!

— Хўп, майли бўлмаса. Демак, сен олтита созандадан иборат оркестрнинг ишини қиласан-да. Агар мен бундай оркестр ёллайдиган бўлсам, кунига икки юз лира ҳақ тўлашим керак бўларди. Сен бўлсанг эллик лирага ҳам розисан, шундайми?

— Илтифотларига раҳмат! Мен бир ҳафтада ҳам бунча пул олмаганман.

— Ундан бўлса келишдик. Ишчиларга бошқа жойдагиларга нисбатан икки-уч ҳисса ошиқ ҳақ тўлашимни энди ўзинг ҳам кўриб турибсан. Мен фақат ҳақ тўлаш билан чекланаётганим йўқ. Уларнинг иши унумли бўлсин деб қўлимдан келган нарсани қиляпман. Қани, айт, сенга кима керак? Утирадиган жойингнинг бўёғи яшил бўлсинми? Ёки сенга қизили маъқулми? Ҳа, тортинмай айтавер, ёки кийимингни янги қилиб берайми?

Маҳоватли ҳўжайнинг бетига тикилиб айтдим:

— Менга ҳеч нарса керак эмас, шунисига ҳам раҳмат. Лекин мени унумли ишласин десанги, фақатгина бир илтиносимни бажо келтиринг.

— Гапиравер, дарров қилиб бераман.

— Дийдорингни кўзимдан нари қиласанг бўлди!

Ҳўжайнин суюниб кетди:

— Қани, ҳироз, қўлингни бер. Мана энди бу ёғига чала-вер сурнайнингни!

## ШАРМАНДИЙ ҚАЧОН ТУГИЛГАН!

- Қурмағурнинг ўзиям жуда катта олим-да.
- Нима, бирорта зўрроқ кашфиёт қилганми?
- Шу ҳам савол бўлдими? Шуни сўраб ўтирганингизга ҳайронман. Авомни авом десак, туппа-тузук зиёлиларимиз ҳам илму фанга қизиқмас экан-да. Бу олим адабиёт тарихига онд китобларда шу вақтга қадар нотўғри талқин этиб келинган бир санани аниқлаб берди.
- Хўш, қандай сана шу вақтга қадар нотўғри талқин этиб келинган экан?
- Ун тўртинчи асрда ўтган шоир Шармандий бор-ку...
- Эшитмаган эканман.
- Биласиз, катта девони ҳам бор. Номи кўп тазкираларда тилга олинган.
- Хўш, хўш?
- Адабиёт тарихига доир китобларнинг ҳаммасида мана шу шоир Шармандий май ойининг тўртинчи куни туғилган, деб ёзиб келинарди. Устоз эса бу зотнинг тўртинчи майдагуғилмаганлигини исботлаб бердилар.
- Қизиқ, қандай қилиб?
- Олти юз саҳифалик китоб ёзилар.
- Шу билан исботлаб бердими?
- Албатта йўқ! Бундай муҳим муаммони бир жилд киғобда ҳал этиб бўладими? Китобнинг биринчи жилди масаланинг муқаддимаси, холос.
- Бу нима деганингиз?
- Айтмоқчанки, биринчи жилдда устоз Шармандий тўртинчи майдагуғилмаган эканлигини хабар қиладилар.
- Иннайкейин?
- Иннайкейин, у киши асарнинг иккинчими, учинчими ёки тўртинчими — хуллас, кейинги бирор жилдидаги тўртинчи май деб кўрсатилиши нотўғри эканлигини исботлаб берадилар. Кейин бешинчи ва олтинчи жилдларга келиб, Шармандийнинг аниқ туғилган кунини айтиб берадилар.
- Ҳаммаси неча жилд бўлади?
- Ҳали маълум эмас. Энди битта жилдни ёзиб тугатдилар. Шунинг ўзига ўн беш йил вақтлари кетди.
- Вой-бў, ўн беш йил дейсизми?
- Бўнинг ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Фан соҳасидан батамом бехабар экансиз, кўриниб турибди.
- Бунақада китобнинг қолган қисмларини қачон ёзиб тугатади?
- Устоз ҳозир олтмиш тўрт ёшдалар. Худо умр берса, яна

ўн беш-йигирма йилдан сўнг иккинчи жилдни ёзиб тугатишлиари мумкин.

— Худо кўрсатмасину, лекин мабодо...

— У тақдирда бошқа олимлар келган жойидан ишни давом эттириб кетишади.

— Бир нарса сўрасам айбга буюрмайсизми? Мени жуда қизиқтириб қўйдингиз. Шу Шармандий деган шоирингиз майнинг тўртинчисида бўлмаса, қайси куни туғилган экан?

— Ҳа, балли, адабиётимиз тарихига аниқлик киритишини талаб қилаётган нарса ҳам шу. Шармандий май ойининг тўртинчисида эмас, балки учинчидан тўртинчига ўтар кечаси туғилган экан. Аниқроғи, у соат ўн иккига қадар дунёга келган экан, демак, у учинчи май куни туғилган бўлади-да. Лекин адабиёт тарихчиларининг ҳаммаси ҳам бу масалада хатога йўл қўйиб, уни тўртинчи майдагуғилган, деб келган.

— Бори шуми?

— Ия, бу ҳали камми сизга? Нима, қадимда яшаган бир шоирнинг туғилган кунини аниқлаб бериш осон иш деб ўйлайсизми?

— Ахир олим бу гапни икки-уч сатрда айтиб қўя қолса бўлмасми? Шунга ҳам олти юз бетлик китоб ёзиш шартми?

— Ана холос, ахир у буни икки-уч йўл қилиб айтадиган бўлса, олим билан сенинг ўртангда қандай фарқ қолади? Ҳаммага маълум бўлган нарсани ҳеч ким тушунмайдиган қилиб ёзиш, беш оғиз гапни беш юз бетга чўзиш қўлидан келадиган одамга олим дейилади. Ҳа, худди шундоқ. Олим билан авомнинг фарқи ҳам шунда.

— Унақа бўлса, шоир Шармандий май ойининг тўртинчида эмас, учинчисида туғилганини сиз қаердан била қолдингиз? Китобданми?

— Шу ҳам гап бўлдими! Олимнинг китобини ўқиган билан тушуниб бўладими. Илм шу қадар тубси, нарсаки...

— Буниси тўғрику-я, лекин сиз қаердан билдингиз?

— Китобдан эмас, албатта. Буни менга у кишининг ўзлари айтганлар. Бу ёғини сўрасангиз, бунақа китоблар одамларнинг ўқиши учун ёзилмайди.

— Ундай бўлса нега босиб чиқаришади?

— Фан ҳақида заррача тушунчангиз йўқлиги маълум бўлиб турибди. Ҳозир тушунтириб бераман. Айтайлик, бирорта асар китобхонга маъқул келиб, қўлма-қўл бўлиб кетадиган бўлса, бунақа асарнинг қиммати йўқолади деяверинг. Шунинг учун ҳам олимлар ўзлари ёзган китобларнинг қўлдан-қўлга ўтиб юришини эмас, балки жавонда чаңг босиб ётишини яхши кўришади. Ҳа, китоб қанчалик кам ўқилса ёки мутлақо ўқилмаса, у қанчалик кам тушунилса ёки мутлақо

тушунилмаса, муаллифнинг обрўси шунчалик баланд бўлади.

— Очигини айтсам, ҳайрон қолдим-ку!

— Ия, нимасига ҳайрон қоласиз? Бирор тушунмайдиган қилиб ёзиш осон деб ўйлайсиз шекилли! Мана, қаранг, ҳозир икковимиз бир неча соатдан буён валақлашиб ўтирибмиз, бир-биримизни бемалол тушуняпмиз. Тўғрими? Қани, мард бўлсангиз, ҳеч тушунмайдиган қилиб беш минутча гапириб кўринг-чи! Қўлингиздан келадими шу иш?

— Қийин гап.

— Қийин эмас, иложи йўқ. Мана энди сиз беш минут гап сотишни эмас, беш юз саҳифа китоб ёзиш қанақалигини ўйлаб кўринг. Тағин ёзиладиган нарса бемаъни вадиравдан иборат бўлмаслиги керак. Тўғри, айрим жиннилар бир неча соатлаб, ҳатто кун бўйи сурункасига жавраб юришади ҳам. Лекин буларни ҳеч ким олим демайди. Олим билан жиннининг фарқи нимада? Олим беш юз саҳифалик асар ёзадиган бўлса, уни ҳеч ким тушунмайди, лекин сен бундан биттаям на имловий, на луғавий хато топасан. Унинг ҳамма ёғи силлиқ, мантиқли бўлади. Жиннининг эса бу иш қўлидан келмайди.

— Бир нарсани билмоқчи эдим. Шоир Шармандий тўртинчи майда эмас, балки учинчидан тўртингчига ўтар кечаси дунёга келганлигини устоз қандай исботлаб беради?

— Исботлаб ўтирмайди ҳам. Гап бундоқ: Шармандий ўзининг девонидаги бир шеърида: «Мен дунёга кечаги кун билан бугунни қутлаб келганман», — деган экан. Ўзи аниқ айтиб турибди, тўғрими? Кечаги кун билан бугунни қай пайтда қутлагаш мумкин? Кечаси соат ўн иккидами? Эътибор қилинг, «қутлагач» эмас, «қутлаб» деялти-я. Демак, у ҳали қутламаган бўлади. Бинобарин, тунги соат ўн иккига эҳтимол беш соат, эҳтимол икки минут вақт қолган бўлади. Маълум бўлишича, Шармандий тўртинчи майда эмас, учинчи майда туғилган экан.

— Ҳўп, азизим, гапларингга қўшиламан, лекин буни исботлаб беришнинг нима кераги бор экан, шунисига ҳайронман.

— Бунинг кераги йўқ деб ўйлайсанми? Мана, масалан, дейлик, бирорта олим чиқиб, уч жилдлик асар ёзади-да, Шармандий, айтайлик, май ойининг учинчи куни соат ўн биру ўттиз минутда туғилганлигини исботлаб беради. Иккичи бир олим Шармандий соат ўн биру ўттиз минутда эмас, балки ўн биру ўттиз беш минутда дунёга келганлигини айтиш учун беш жилдан иборат китоб ёзиб ташлайди. Қарабсанки, шоир Шармандийнинг қайси жой ва қайси соатда дунёга келганлиги аниқ бўлиб қолади.

— Кечирасиз, яна тушуна олмай турибман. Ҳўп, яхши, Шармандий май ойининг учинчисида бўлмаса, тўртингчисида, соат ўн биру ўттиз минутда бўлмаса, ўн биру ўттиз беш минутда туғилган бўла қолсин, лекин бунинг қандай нафи бор?

— Вой ошнам-эй, сен нима деб ўйлайсан? Агар шунақа бўлмаса адабиёт тарихи ҳам бўлмайди-ку. Бир олим чиқиб «учинчи майда» деса, иккинчиси туриб «йўқ, тўртингчи майда» дейди, қарабсанки, икки ўттада баҳс кўтарилади. Икковидан қайси бири тушуниб бўлмайдиган нарсаларни. кўпроқ ёёса, ўшениси каттaroқ олим эканлигини кўрсатиб қўяди.

— Ақлим етмаяпти, бунинг амалий фойдаси нима ўзи?

— Ия, зап гапларни айтасан-да. Ахир бунинг орқасида қанча-қанча одам худди хамирдан қил сүғургандек осонгина профессор, асистент бўлиб олади-ку. Лекин улар кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлайдиган одам деган ном олишади. Жонлари ҳузур-ҳаловатда, ўзлари иззатда бўлишади, исми шарифлари авлодлар тилида қолади. Бу ёғини сўрасанг, агар шу олимларимиз бўлмаганда биз кўп нарсалардан, чунончи, Шармандий қайси кун ва қайси соатда дунёга келганлигидан бехабар ўтиб кетган бўлардик. Одамзод шу тариқа олға қараб одимлайди.

— Жуда оқил гап! Бундоқ ўйлаб қарасанг, чиндан ҳам агар олимлар бўлмаганида биттаям ҳақиқатни билмай ўтиб кетган бўларканми. Олимлар бўлмаганида ҳеч нарсага ақлимиз етмай ўтиб кетарканми. Ҳатто шоир Шармандий қаҷон туғилганлиги ҳам биз учун қоронғи бўлиб қоларкан. Хайрият, бу дунёда олимлар бор экан, бўлмаса ҳолимиз нима кечарди

## АЛИФБЕНИНГ БИРИНЧИ ҲАРФИ

Миям бир оз дам ола қолсин, деган мақсадда поездга ўзим билан газета ҳам, китоб ҳам олиб чиқмадим. Ниятим — күпедаги ҳамроҳлар билан отамлашиб кетиш. Гоҳ пирдан, гоҳ муридан деганлариңек, навбатма-навбат шакаргүфторлик қилиб кетамиз, қизиқ-қизиқ воқеалардан айтишиб, манзилга етиб қолганимизни ҳам билмай қоламиз.

Йўлда ҳар хил одамлар билан танишиб кетиш жуда маза бўлади-да! Сиз мутлақо нотаниш кишиларнинг ички оламига кирасиз. Гўё янги бир мамлакатни кашф қилгандай завқланаб кетасиз. Янги орттирган танишингиз билан беш соатми, ўн соатми, бир кунми, икки кунми кўнгил очиб гаплашиб кетасиз. Кейин бирор станцияга келиб, у билан хайрлашасиз, Шундан кейин икковингиз ҳам бир умр қайта учрашмайсиз. Мабодо учрашиб қолган тақдирда ҳам, бир-бирингизни танимайсиз. Лекин тасодифан эшитилган бир гап, тасодифан эшитилган бирор воқеа бутун умр ёдда сақланыб қолади.

Шу орзу билан поездга чиқдим. Тўрт кишилик купеда атиги икки йўловчимиз. Шуниси ҳам маъқул. Одам тезроқ топишиб кетади. Юракдаги гаплар ҳам анча эркинроқ, бемалорроқ оқиб чиқади.

Биз икковимиз ҳам дераза ёнида юзма-юз ўтирибмиз. Ҳамроҳим эллик беш-олтмишларга борган, қорни анча дўппайган, семиз бир киши. Семиз одамлар одатда ориқларга қараганда серзавқ бўлади. Эҳтимол, бунинг сабаби кулганда қоринчалари диркиллаб, бағбақалари ўйнаб туришидадир. Сирасидан айтганда, бу қилиқ уларга ярашиб тушади ҳам. Ҳа, лоақал кулганда диркиллаб туриши учун одам боласида қорин бўлиши керак.

Купега киргач, семиз одам билан саломлашдим. Жавоб ўрнига аллақандай пишиллаган овоз эшитилди. Жойимга ўтириб ҳам улгурмаган эдим, у кўзойнагини бурнига қўнқайтириб, газета ўқишига тушиб кетди. Унинг сариқ бодрингага ўхшаган сўлоқмондай бурни газетага шундай эгилиб тушганки, четдан қараган одам уни газетани ўқияпти. эмас, исказиши деб ўйлаши мумкин.

Қўлида авторучкаси ҳам бор. Газетани ўқир экан, йўл-йўлакай аллақандай белгилар чизади. Афтидан, муҳим жойларини қоралаб кетаётган бўлса керак.

Ён томонида бир қулоқ газета қалашиб ётибди. Узиям беш кунлигини йиғиб олган кўринади. Газета ўқишини яхши кўрадиган одамлиги билиниб турибди. Қаттароқ олим, профессор бўлса эҳтимол. Балки сиёсатчиидир. Газетани бурнига

влиб, ҳозирги сиёсий аҳволни исказб кўраётган бўлса ҳам ажаб эмас.

Поезд юриб кетган эди, уни гапга тортмоқчи бўлиб:

— Сафарингиз бехатар бўлсин, бейафандим! — дедим.

Бурнини газетадан кўтартмай яна алланима деб пўнгиллади.

Поезд биринчи станцияда тўхтаб, яна юриб кетди. Учинчи, тўртинчи станциялар ҳам орқада қолди. Бизнинг купе эса сув қўйгандек жим. Бунақада юрагим тарс ёрилиб кетиши ҳеч гап эмас! Купедан чиқиб кетай десам — поездда одам тиқилиб ётибди, қимирлагани имкон йўқ. Қолаверса, шуники ҳам тўғри. Нима, гапирган билан гапнинг ёғи чиқармиди? Одам деган вақтнинг қадрига етиши керак. Ҳа, тинмай ўқиши керак. Йўлда улфатлашиб кетиши яхши нарсаку-я, лекин эзма одам жоннинг эгови бўлади. Минғиллайвериб миянгни қоқиб қўлингга беради. Бу одам чакаги очиқ ҳамроҳларга учраб, роса таъзирини еган бўлса ҳам ажаб эмас. Лекин бир нарсага ҳайрон бўлиб ўтирибман — семиз ҳамроҳим битта саҳифага тикилганича кетяпти. Икки кўзи газетанинг бир жойига қадалган.

У миқ этмайди, вагон тебранади. Ноилож, мудроқ босиб, пинакка кетибман. Қаттиқ туртқидан уйғониб кетдим.

— Бейафандим, бейафандим!

Бундоқ қарасам, семиз одам енгимдан тортқилаётган экан. Бирор фалокат рўй бердими, деб ўйладим, кейин тушадиган станциямдан ўтиб кетибман-да, деган хаёлга бордим. Сапчиб ўрнимдан турдим.

— Кечирасиз, сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим, — деб қолди ҳамроҳим.

Миямга: «Хайрият, энди суҳбатлашадиган бўлибмиз» деган фикр келди.

— Марҳамат, афандим.

— Бемор нимадан қўрқади?

Мени калака қиляптими, деган хаёлда бетига тикилдим. Ҳазиллашаётган одамга сира ўхшамайди.

— Бемор нимадан қўрқади дейсизми? — саволини қайтариб сўрадим.

— Шундоқ.

— Доктордан.

У газета бетига ниманидир ёзди-да, кейин деди:

— Тўғри келмас экан!

— Бемор касалхонадан қўрқади.

Қайтадан газетага бир нима ёзгач, тўнғиллади:

— Бу ҳам эмас!

— Докторга берадиган пулидан!

Иўқ. Биринчи ҳарфи «о», иккинчиси «п» бўлиши керак.  
Ҳаммаси бўлиб саккизта ҳарф.

— Операция!

— Худди ўзи!

У яна газетага шўнгига кетди. Аллавақтгача иккимиздан  
ҳам садо чиқмади.

Кейин яна ўзи гап бошлади:

— Кечирасиз, бейафандим, сизни яна безовта қиляпман.

— Зарари йўқ.

— Бирор мамлакатда аҳоли кўпайса, нима ошиши керак?

— Депутатлар сони!

— Иўқ,— деб минғиллади у.

— Қамоқхона!

Яна ручкаси билан ниманидир ёзиб кўрди.

— Тўғри келмаяпти!

— Чайқовчилар!

— Иккичи ҳарфи «с», охиргиси «л».

— Истеъмол.

— Ҳм! Тўғри!

Яна анчагача жим кетдик. Бир пайт тўсатдан унинг овози  
чиқиб қолди.

— Ассалому алайкум.

Мен ҳам алик олдим:

— Ваалайкум ассалом!

— Тўғри, тўғри! — деб юборди у.

— Нимаси тўғри?

— «Ассалому алайкумга» бериладиган жавоб-да.

Бу семиз одам жиннига ўҳшайди. Ишқилиб, жазаваси ту-  
тиб, бўғзимга ёпишмаса бўлгани.

— Бейафандим, сиздан бир нарса сўрамоқчиман.

— Бемалол.

— Бир нотанинг номини айтиб беролмайсизми?

— До!

— Иўқ, у эмас.

— Рел.

— Тўғри келмайди!

— Миф!

— Иўқ!

— Фа!

— Бошқачароқ. Биринчи ҳарфи «с». Ўзи икки ҳарфдан  
иборат.

— Си!

— Отангизга раҳмат-э... Икки соатдан бери тополмай га-  
ранг эдим. Сизни етказганига шукур, музикадан анча боҳабар  
экансиз.

— Ҳа, анча хабарим бор музикадан. Соль, ля деган бошқа  
ноталарни ҳам биламан.

Яна орага узоқ жимлик чўкди.

— Бейафандим!

— Лаббай, тақсир!

— Кураш тушиладиган жойга нима дейилади?

— Майдонча дейилади.

— Э, саломат бўлинг-э! «Бўзқир» деган сўзни ёзиб, нега  
чиқмаяпти, деб ўтирган эдим.

Қўйидаги газетани улоқтириб, бошқа бирини олди.

Яна менга савол ёғилди:

— Осмондан нима ёғилади? Тош, деб ёзган эдим, тўғри  
келмаяпти.

— Әмғир.

— Худди ўзи! Бало экансиз!

Яна жимиб қолдик. Поезд уч-тўрт станцияда тўхтаб ўтди.  
Семиз ҳамроҳим сўраб қолди:

— Бейафандим, маркабнинг туркчаси қандай бўлади?

— Эшак!

— Буни қаранг, айни ўзи-я!

— Бўлмасам-чи!

— «Овқат»га араб тилида нима дейилади?

— Қанақа овқат?

— Узимизнинг хонаки овқат-да.

— Хонаки овқатнинг номи бошқа, ёнида компоти бўлса  
яна бошқа.

— Уч ҳарфдан иборат экан!

— Эқл.<sup>1</sup>

— Вой, қуйиб қўйгандек-а!

Анқарага етиб келдик. Семиз одам кела келгунча крос-  
сворд ечиш билан банд бўлди. Лекин кроссворднинг ҳар бир  
сўзини мендан сўраб турди.

— Мен ҳар куни ҳамма газеталардан олиб тураман,— де-  
ди у.

— Газетани ўқиб туриш маъқул гап! — деб жавоб бердим  
унга.

— Э, қаёқда дейсиз,— дея эътиroz билдириди у,— бир сат-  
рини ҳам ўқимайман. Газеталарда чиқсан жамики крос-  
свордни тоғмагунимча кўнглим жойига тушмайди. Жуда ғала-  
ти эрмак-да бу! Ҳалигача менинг тишим ўтмаган бирорта  
кроссворд босилгани йўқ! Бирпасда қотириб ташлайман.

Тепадан чамадонимни олдим. Мен шу станцияда тушади-  
ганиман, у ўтиб кетади.

<sup>1</sup> Э қл — арабчада овқат дегани.

— Хўп, хайр!  
Семиз одам газетадан бошини кўтарди.  
— Алифбенинг биринчи ҳарфи нимайди? — сўради у кўз-  
ларини бақрайтириб.  
— «А», — деб жавоб бердим.  
У суюниб кетди:  
— Қойил! Худди ўзи!

— ● —

## ФАРОЙИБ БОЛАЛАР

РОМАН



## Биринчи хат

Анқара, 12 ноябрь, 1963 йил

Дўстим Аҳмад!

Бир-бirimiz билан тез-тез хат ёзишиб турамиз, деб ваъдалашган эдик. Негадир ўшанда менга унчалик ишонқирамовдинг... Зайнаб, сен Анқарада ўзингга янги ўртоқлар топгач, бизларни эсдан чиқариб юборасан деган эдинг.

Мана, сўзимнинг устидан чиқяпман. Демак, сизларни унутмабман.

Анқарага кўчиб келганимизга бир ҳафта бўлди. Янги уйга жойлашиб ҳам олдик. Сенга илгарироқ хат ёзишининг иложи бўлмади.

Чунки янги мактабга энди қатнай бошладим. Янги адресимизни ҳам куни кеча дадамдан билиб олдим. Хат ёзиши сендан бошляяпман.

Тўғрисини айтганда, ўқишлиар авжи қизиб турганида мактабни ташлаб Истамбулдан чиқиб кетишга ҳечам кўнглим бўлмовди; ҳам синфдош ўртоқларимга ўрганиб қолган эдим. Ахир тўрт йилдан кўп бирга ўқидик-да. Аммо иложим қанча — дадам Анқарага янги ишга ўтди. Уй ичи билан кўчиб келдик. Яқин оғайнилари дадамга Анқарадан яхшироқ иш топиб беришди, бу ҳақда сенга Истамбулда ҳам айтган эдим. Дадам учта синфдош ўртоғи билан ҳозир бир фирмада ишлайти. Учови ҳам оиласи билан бир бинода туришаркан. Улар дадамга ҳам иш, ҳам шу бинодан бўш уй топиб ќўйишибди. Дадамнинг ўртоқлари ҳам бола-чақали экан. Бир бинода тўққиз бола бўлиб қолдик. Ёшларимиз ҳар хил. Бештамиз битта мактабга қатнаймиз. Ўзим тенги бир бола билан бир синфда ўқияпман. Укам Метин янги мактабдан, янги ўртоқларидан ётсираб юрибди. Мен бўлсан ҳаммасига дарров кўнишиб кетдим.

Ҳаётда рўй берадиган муҳим воқеалар ҳақида ёзиб туришга келишиб олган эдик. Янги уй, янги мактаб, янги ўртоқлар — булар менинг ҳаётимда муҳим гап бўлди. Ҳаммаси шу, бўлак янгиликлар йўқ.

Истамбулдаги синфдош ўртоқларимни жуда тез соғиниб қолдим. Сизлар билан қачон ва қаерда кўришамиз энди?

Менга ўшаб сен ҳам берган сўзингнинг устидан чиқасан, деб ишонаман. Ўртоқларнинг ҳаммасига мендан салом айтиб қўй. Ҳаммангизга муваффақият тилайман.

Синфдошинг Зайнаб Елқир

## Американи қурган мемор

Истанбул, 15 ноябрь, 1963 йил

Қадрдан дүстим Зайнаб!

Хатингни олиб, жуда хурсанд бўлдим. Яшавор. Очигини айтсан, Анқарага боргандан кейин бизни эсдан чиқариб юборасан, деб ўлагандим. Хатингни синфдаги ҳамма болаларга ўқиб бердим. Тоза хурсанд бўлишиди. Ҳаммалари сенга салом айтишиди.

Мен ҳам сўзимнинг устидан чиқаман. Бу ерда юз берадиган муҳим воқеалар ҳақида сенга албатта ёзиб турман.

Сен Анқарага кўчиб кетганингдан кейин мен қизиқ бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. Ҳозир сенга шуни ҳикоя қилиб бераман.

Ўқитувчимиз бир куни эрталаб синфга ҳовлиқиб кириб келди-да, бизни текширгани инспектор келаётганмиш, деди. Ўқитувчининг ранг-рўйини кўриб, бизни баттар қалтироқ босди.

Уша куни эшитсак, инспектор қўшни мактабларда ҳам бўлган экан. У ерда нима ишлар қилганини дарров таниш болалардан суриштириб билib олдик. Маълум бўлишича, у тўғри синфга кириб бораркан-да, ўқитувчига доскага бирор масала ёзиб, ўқувчиларга ечиришни буюраркан. Шундан кейин ўқитувчига айтиб, болалардан диктант олдиаркан. Диктантларни йигиштириб, шахсан ўзи текшириб чиқаркан. Охири у савол-жавобга ўтаркан. Нима савол беришини ҳам билиб олдик. Сўрайдиган нарсалари шу экан: «Америка қачон кашф этилган?» «Энг севган одаминг ким?» «Истанбулни ким забт қилган?» «Сулаймония мачитини ким қурган?»

Ўқитувчимиз бизга янги дафтар тутишни буюрди. Шундан кейин у доскага қийин бир масалани ёзиб, шу ернинг ўзидаёқ уни ўзи ечди-да:

— Мана энди буни яхшилаб кўчириб олинглар,— деди.

Масалани ечими билан боплаб кўчириб олдик. Ўқитувчимиз уни ўчириб, ўрнига шеър ёзи.

— Буниям айнан кўчириб олинглар!

Яна айтганини қилдик. Шундан кейин у ҳамманинг дафтарини кўриб берди. Хатолари бўлса, тузатиб чиқди.

— Болалар, жаноби инспектор синфимизга кирса, мен сиаларга мана шу масалани бериб, шу шеърни диктантга ёздираман,— деди у охири.

Бу ёридан кўнгли хотиржам бўлгач, ўқитувчимиз масаланинг иккинчи томонига ўтди.

— Энди бъэзи саволларга бериладиган жавоблар билан

танишиб чиқамиз. Инспектор жаноблари нимани сўраб қолса, шунга шариллатиб жавоб беришингиз керак.

Биз савол-жавобларни ёдлашга ўтдик.

— Америка қачон кашф этилган?

Бутун синф бараварига гувиллади:

— 1492 йилда.

— Сен учун энг азиз одам ким?

Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бергани учун синфда қий-чув кўтарилиди. Баъзилар Отатуркнинг номини айтишса, қолганлари ойиси билан дадасини тилга олади.

Ўқитувчимиз кейинги саволга ўтади:

— Истанбулни ким забт қилган?

Дарҳол жавобни ёпишитирамиз:

— Султон Меҳмедин Фотих!

— Сулаймония мачитини ким қурган?

Ҳали у сўраб улгурмасданоқ шариллатиб жавоб берамиш:

— Мемор Синон.

Савол-жавобларни ёдлашга икки кун вақтимиз кетди. Ўқитувчимиз ҳар икки гапнинг бирида: «Жавобларга эҳтиёт бўлинглар, тагин адашиб-нетиб ўтирунглар», деб огоҳлантириб қўярди.

Ҳаммасини қойиллатиб ёдлаб олдим. Жавобларни бир сафга тизиб, ўзимча қайтараман: «1492. Дадам. Султон Меҳмедин Фотих. Мемор Синон. 1492. Дадам. Султон Меҳмедин Фотих. Мемор Синон. 1492. Дадам...»

Азбаройи булар миямга қаттиқ ўрнашиб қолганидан юрган йўлимда пичирлаб гапирадиган одат чиқариман.

— Ҳа, ўғлим, тобинг йўқми?— сўраб қолди ойим бир куни эрталаб.

— Йўқ, тузукман.

— Ҳайронман. Туни билан «1492, дадам, султон Меҳмедин Фотих, мемор Синон...» деб алаҳлаб чиқдинг.

Биз кутган инспектор ўша куни эрта билан синфга кириб келди. Ўзинг биласан-ку, менда ҳовлиқиши одати йўқ. Лекин ўша куни нимагадир ичимдан титроқ келиб, юрагиж ҳапириб кетаверди. Балки ўқитувчимизнинг авҳолини кўриб, шундай бўлгандирман. Боёқиши қалтироқ босиб, қўли титраётганини биринчи марта ўшанда кўрдим.

— Қани, ўқувчиларга диктант ёздиринг-чи!— деди инспектор.

Ўқитувчимиз бизга маълум бўлган шеърни диктант қила бошлади. Болалар унинг айтганини ёзатётгандек бўлиб, ручкаларини жўрттага қитирлатиб қўйишарди. Ваҳоланки, бў диктант дафтарларимизга аллақачон бехато кўчириб қўйилган эди.

Диктант тугагач, инспектор дафтарларимизни бирма-бир текшириб чиқди. Бирортамиздан ҳам заррача хато тополмади.

— Үқувчиларга яхши сабоқ берисиз, ташаккур,— деди у боши осмонга етиб.

Инспектор чап қаторда ўтирган Чингизнинг дафтарини кўришни унуган эканми, бир пайт: «Қани, сеникиниям бир кўрай-чи!» деб қолди. Чингиз унга дафтарини узатди.

— Бу нимаси?— тутақиб кетди инспектор.

— Диктант, афандим.

— Қанақа диктант бу?

Инспекторнинг фифони фалакка чиқди. Чингиз ўтирган томонга секин ўгирилиб қараган эдим, воқеа маълум бўлди: бола бечора қўрқиб кетганидан дафтарининг тайёр масала ёзилган бетини очиб юборибди.

— Ҳозир ёзган диктантинг қани?

Чингиз сал бўлмаса диктанти очиб кўрсатай девди, яхшиямки, ўқитувчимиз инспекторнинг орқасида турган экан, Чингизга ҳар хил имо-ишоралар қилиб, зинҳор диктанти кўрсатмаслик кераклигини тушунтириди.

— Диктантни ёзолмадим, афандим.

Инспектор Чингизга сирли ишоралар қилаётган ўқитувчига ўгирилди:

— Доскага масала ёзинг, ечиб беришсин.

Уқитувчимиз лавлагидек қизариб кетди.

Аслида биз инспектор олдин масала бериб, кейин диктант ўтказди, деб ўйлаган эдик. Қўши мактаб болалари шундоқ дейишганди. Чингизнинг эсанкираб қолишига сабаб ҳам шу тартибининг ўзгариши бўлди.

Чингизнинг дафтари ҳамон инспекторда эди, шунга кўра, ўқитувчи доскага бошқа бир масалани ёзишга мажбур бўлди. Ўзинг яхши биласан, арифметикадан нуқул аъло оламан. Лекин ҳамма қатори мен ҳам роса эсанкираб қолган эканман, масалани сираям ечолмадим. Дафтарларимизни кўриб, инспекторнинг қовоги уюлди. Уқитувчимиз қанчалик хижолат бўлганини айтмайсанми! «Инспектор мендан сўрайдиганини сўрасину, ўқитувчимизнинг юзини ёрур қиласай», дейман ўзимга-ўзим. Кейин аста пицирлайман: «1492. Дадам. Султон Мәҳмедин Фотиҳ. Меъмор Синон. 1492...»

Инспектор менинг ҳолатимни сезган эканми, тўсатдан:

— Қани, ўрнингдан тур-чи,— деб қолди.

Хурсанд бўлиб кетдим. Дарров дик этиб ўрнимдан турдим. Нима бўлганини болалар кейин гапириб беришди. Инспектор олдинига:

— Ешинг нечада?— деб сўрабди.

Азбаройи юрагим типирчилаб турғанидан саволи қулоғимга бошқача эшитилибди. Мендан Америка қачон кашф этилганини сўраяпти, деб ўйладим.

— 1492, афандим,— дедим овозни барала қўйиб.

Инспекторнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди.

— Нима-а-а? Неча ёшдасан?

Газаримда, жавобни дўндириб қўйганман. Шунинг учун яна томоққа куч бердим:

— 1492, афандим.

— Истамбулни фатҳ этган ким?

Бериладиган жавобларни тартиб билан ёдлаб олганман. Шунга кўра навбатдаги жавобни айтдим:

— Дадам.

Инспектор нимани олдин, нимани кейин сўраши маълум эди. Энди бизга қолганда бу тартибни бузишини мен қаёқдан билай?!

Меҳмон полни гурсиллатиб бир тепди:

— Сендан Истамбулни ким фатҳ этган, деб сўраяпман?

— Дадам-да, афандим.

— Даданг ким ўзи?

— Меъмор Синон.

— Нима деб вадирайсан, ўғлим? Дадангни сўрасам, меъмор Синон дейсан.

Иш пачава бўлганини шундагина тушундим. Аммо роса эсанкираб қолган эканман, бунинг устига инспектор бўкириб турибди — эс-ҳущимни йигиб ололмадим.

— Ҳўш, меъмор Синон нима қилган?

Кутилмаган савол мени баттар ҷалғитиб юброрди.

— Истамбулни фатҳ этган, афандим,— дедим жон ҳолатда.

— Ким фатҳ этган?

— Ким бўларди, меъмор Сулаймон-да, — дедим ҳозиргина йўл қўйган хатойимни тузатмоқчи бўлиб.

— Ўндоқ бўлса Сулаймония мачитини ким қурган?

— Султон Синон Фотиҳ.

Жавоблар бир-бирига қоришиб кетганини ўзим ҳам севзуб турибману, лекин ноиложман: караҳт бўлган одамга ўхшайман.

Инспекторнинг ғазаби қайнаб кетди. Жаҳл устида нима деганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Ўғлим, Американи қурган одам меъмор султон Мәхмедин бўлади. Сулаймония мачитини эса Фотиҳ Синон кашф этган.

Болалар пиқирлашиб қолди, Инспектор нотўғри гапириб қўйганини сезди.

— Яъни айтмоқчиманки, Синония мачитини меъмор Сулеймон қурган, Фотихни меъмор султон Мөхмедин фатҳ этган. Яна қовун түшириб қўйди.

— Мени ҳам йўлдан урдинг, болакай,— деди у охири ўзини оқламоқчи бўлиб.

Инспектор бошини тебрататебратат жаҳл билан ташқарига чиқиб кетди.

Синф сув қўйгандек жим бўлди.

— Минг афсус!— деб юборди ўқитувчимиз анчадан кейин ўзига келиб.

Бу гапни у менга қаратиб айтдими, инспекторгами ёки ўзигами — яхши тушунолмадим.

Уша куни роса юзим қора бўлди. Буни сенга таърифлаб беришга ожизман. Шу воқеа эсимга тушса ҳали-ҳали азоб чекаман. Ҳолбуки, ниятим холис эди. Мен инспекторнинг сўраган нарсаларига шариллатиб жавоб бермоқчи ва бу билан ўқитувчимизнинг обрўйини сақлаб қолмоқчи бўлган эдим.

Сен ҳам ваъдага вафо қил. Янгиликлардан ёзиб тур. Ҳўлми? Ҳатингни кутаман. Сенгаям муваффақият тилайман, дўстим.

Синфдошинг Аҳмад Тарбай

## Дадалар аълочи бўлади

Анқара, 19 ноябрь, 1963 йил

Қадрли дўстим Аҳмад!

Жавоб хатинг учун катта раҳмат. Менга ёзган хатинг ҳазмиша шунаقا бир қулоч бўлсин. Бу ерда нима воқеа рўй берса, мен ҳам батафсил ёзиб тураман. Ҳатингни ўқиб турганимда сени кўз олдимда бир зум тасаввур қилдим. Шунда инспектор икковинг қаршимда намоён бўлдинглар. Кулавериб ичагим узилди...

Энди сенга уйимизни таърифлаб бёрсам. Биз тўрт қаватли бинода турамиз. Ҳар бир қаватда иккитадан квартира бор. Биз иккинчи қаватдамиз. Дадамнинг учала ўртоғи ҳам шу бинода оиласи билан яшайди. Бу ҳақда сенга олдинги хатимда ёзган эдим.

Ўйниг орқаси майдон. Катта бўлса ҳам, ҳувиллаб ётади. Кечқурулари ҳаммамиз шу ерда ўйнаймиз.

Тунов куниям қий-чув кўтариб ўйнаб юрган эдик, дадаларимиздан гап чиқиб кетди. Ҳар ким ўзининг дадасини

мақтайдерди. Майда болалар айниқса тўполон кўтариб юборишиди. Метин деган укам бор. Ҳозир учинчи синфда ўқийди. Ҳаммадан шу укам ошиб тушди. «Менинг дадам зўрла, менинг дадам билағонла» дэяверди кўкрагини кериб.

Аслида ҳақ гап бу. Дадамиз мактабда нуқул аъло баҳолар билан ўқиган эканлар. Буни ўз оғизларидан эшитганимиз.

Икки ўртада баҳс қизиб кетди.

— Менинг дадам сизларнидан зўр ўқиганлар. Синфдан синфа нуқул аъло баҳолар билан ўтганлар. Ҳа, мана шунаقا,— дерди Метин бўш келмай.

Дадам билан бирга ўқиган ўртоғининг ўғли:

— Ҳо, роса олиб қочдинг-ку!— деди Метинни қалака қилиб.

— Бу гапни кимдан эшитдинг ўзи?— сўради бошқа бир бола.

— Дадамнинг ўзлари айтганлар,— деди Метин керилиб. Кейин қўшиб қўйди:

— Ким ишонмаса, бориб дадасидан сўрасин. Ҳаммамизнинг дадамиз бирга ўқишган экан. Рост гапни айтиб беришади.

Каттароқ болалар даҳанаки жангга қўшилмай турган эди, мен билан бир синфда ўқийдиган қўшни қиз:

— Ёлғон гапиргани уялмайсанми, аълочи деб менинг дадамни айтса бўлади,— деб укамни койиб берди.

— Ўзинг ҳам алдоқчи экансан. Менинг дадам синфда ҳечам қолмаганлар. Нуқул аъло ўқиганлар. Тушундингми?— деди бошқа бир бола бўйини чўзиб.

— Фирт ёлғон бу. Даданг сени алдапти. Аълочи деб менинг дадамни айтса бўлади.

— Дадам ҳечам алдамайдилар.

Катта болалар ҳам бунга қўшилганини кўриб, хунобим ошиди. Баҳс тобора қизиб боряпти.

— Тўғрими, опа? Дадам аълочи бўлганлар-а? Ўзинг айт, булар эшитишин,— деди укам мени мададгá чақириб.

— Ҳа, тўғри, шундоқ бўлган,— дедим.

Қий-чув яна авжга минди.

— Кўй, хафа бўлма, ким нима деса деяверсин. Барибир фойдаси йўқ,— дедим укамни юпатиб.

Еши биздан анча катта бир бола:

— Ҳамманг нотўғри гапиряпсан,— деди маҳмаданалик қилиб.— Ҳеч кимнинг дадаси аълочи бўлмаган. Тўғрисини айтсам, уларнинг орасида фақат менинг дадам яхши ўқиганлар.

— Ол-а!— деди Метин қизишиб.

— Ишонмасанг, бориб дадангдан сўрашинг мумкин.  
— Даданг лақиљлатипти сени!  
— Сени.

Метин ўзига иккита келадиган бу болага калла қилмоқчи бўлган эди, аранг ушлаб қолдим.

Уйга кетяпмизу, Метин ҳадеб:

— Алдоқчилар... Мактабда фақат менинг дадам аълочи бўлган!— деб ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

Уйга кира солиб, у ойимнинг олдига югурди.

— Дадам аълочи бўлмаганмиш. Дадам алдоқчи эмиш.

Ойимнинг жаҳли қўзиб, жеркиб берди:

— Ўчир овозингни! Бу нима қилиқ! Яна қайтарсанг, тилингни кесиб оламан.

Укам дарҳол жим бўлди.

— Нимага аччиқ қиласан, Метин,— дедим уни юпатиш учун.— Айб ўзимизда бўлиши ҳам мумкин. Дадамиз уларнинг дадалари билан бир мактабда ўқимагандир балки.

— Узлари доим бирга ўқиганмиз, дейишади-ку.

— Бўпти, кечқурун дадамнинг ўзларидан сўраймиз. Бор гапни айтадилар.

Хулгулага тушиб қолдим. Бу масала мени ҳам қизиқтира бошлади. Кечқурун овқатланиб ўтирган эдик, дадамдан бояги гапни сўрадим.

— Ҳа, бирга ўқиганмиз, тўғри. Аслида тўртталамиз ҳам бир синфда ўқиганмиз. Мен улардан бири билан уч йил, қолган иккитаси билан беш йил бир синфда ўқиганман.

Кундузи ойимнинг Метинга қилган пўписаси эсимга тушиб, бошқа нарса сўрашга юрагим бетламади.

Эртаси куни мактабга борганимда ёнимдаги партада ўтирадиган қиздан дадаси мактабда қандай ўқиганини сўрадим.

— Менинг дадам нуқул аъло баҳо билан ўқиган,— деди у. Бу гапни орқамиздаги бола эшишиб қолди.

— Менинг дадам ҳам аълочи бўлган эканлар,— деди ўкерилиб.

Хуллас, бу масала бутун синфнинг оғзига тушди. Атиги уч бола дадаси ўшлигига қандай ўқиганлигини билмас экан. Қолган ҳамма ўқувчиларнинг дадаси аълочи бўлиб чиқди.

Аҳмад, хатимни олганингдан кейин сен ҳам дадангдан сўраб кўр — у кишиям мактабда аъло баҳолар билан ўқиган эканларми? Лекин аълочи бўлганларига ҳозирданоқ ишонаман. Чунки кимни олиб қарама, ҳамманинг дадаси неғадир аълочи бўлиб чиқяпти.

Орадан икки кун ўтмаган ҳам эдики, бир пайт Метиннинг ўқитувчиси ойимни мактабга айттириб юборди. Маълум

бўлишича, укамнинг ўқиши пасайиб кетибди. Ишдан қайгач, бу гап дадамнинг қулогига етди. Дадам Метинни анга койиб бердилар, кейин эса уни олдиларига ўтқазиб, ётиғи билан насиҳат қилдилар.

— Ахир мендан ибрат олсанг бўлмайдими, ўғлим? Мен сендеқ пайтимда ҳамма фанлардан аъло баҳо олиб ўқирдим. Бирор марта ҳам паст баҳо олмаганман. Синфда менинг олдимга тушадиган бола йўқ эди. Хўш, сен-чи? Уят эмасми, ахир! Нимага ўқишининг мазаси йўқ? Бола деган дадасига ўхшаши, ундан ибрат олиши керак-да, ахир.

Дадам анча ҳовуридан тушган эди, фурсатни қўлдан бергим келмади.

— Қўяверинг, дада,— дедим.— Метин ҳам катта бўлганида болаларига мактабда зўр ўқиганман, деб айтиши мумкин-ку.

Илмоқли гапимни ойим фаҳмлаб қолиб, дарров танбехга ўтдилар.

— Бу нима беадаблик, қизим тушмагур? Энди сенинг тилингни кесиб олайми? Ўзингдан катта гапираётгандек тек ўтирасанг бўлмайдими!

Бу ёғига индамай қўя қолдим. Дадам бошқа чурқ этиб оғиз очмадилар.

Хуллас, Анқарага кўчиб келганимиздан бери бундан бўлак йирикроқ воқеа юз бергани йўқ.

Мендан ҳаъма синфдош ўртоқларга салом айт. Сенга ҳам муваффақиятлар тилайман.

Синфдошинг Зайнаб Елқир

## Дарслар янгидан бошланди

Истамбул, 23 ноябрь, 1963 йил

Дўстим Зайнаб!

19 ноябрда ёзган хатингни олиб, қанчалик қувонганимни таърифлаб беролмайман.

Машъум бир янгилик бор: ўқитувчимиз мактабдан кетди. Бошқа вилоятга ишга ўтганмиш. Ўнга қаттиқ ўрганиб қолган эканмиз, эшишиб жуда хафа бўлдик. Охирги дарсida биз билан хайрлашди, шунда баъзилар кўз ёши тўкиб олишди. Ўпкам тўлиб, ўзимни аранг босиб ўтирган эдим, синфдан чиқаётib бошимни силаши билан мен ҳам чидаб туролмадим. Хўнграб йиғлаб юбордим.

Аслида ўқитувчимиз ҳўв ўша инспектор келган кундаги воқеадан кейин менга унчалик рўйхуш бермай юрган элли.

Шу хайрлашув куни бизга бир-икки оғиз ширин гап айтиб, ҳаммамизга муваффақият тилди.

— Яна күришгунча хайр, болалар!

Шундай деди-ю, эшикка қараб юрди. Енимдан ўтиб кетаётганида эса бошимни аста силаб қўйди.

Янгиси ҳам эркак ўқитувчи. Биринчи дарсига кириши биланоқ нималарни ўтганимизни суринтира кетди. Ҳар қайсимиизни бирма-бир турғизиб, кетма-кет саволлар берди. Жавобларимиздан сира қониқмади.

— Афсус... Минг афсус... Ҳеч нимани билмас экансизлар!— деди у охири бошини чайқаб.

Дамир бор-ку, Дамир, синфимизнинг аълочиси. Ҳатто шу Дамирнинг жавобларидан ҳам кўнгли тўлмади-я. Навбат менга келди. Билганимни гапириб бердим. У бўлса нуқул «есиз, эсиз» деб тиззасини шапатилаб ўтирди. Менга қолса, сўраган нарсаларига тўғри жавоб бердим.

Болалар бирин-кетин дарсларни гапириб беришялти-ю, у бўлса дам-бадам:

— Шунча йил ўқиб, ҳеч нима ўрганмабсиз-да? Бекорга келиб-кетиб юраверисизлар-да? Эсиз вақт, эсиз... Үқиш эмас, уқиш керак эди, уқиш,— деб нолийди бошини чайқаб.

— Нима, сўраган нарсангизга тўғри жавоб бермадимми?— деди бир пайт Мине ўлпаки тўлиб.

— Йўқ, жавобинг тўғри бўлди,— деди янги ўқитувчимиз. Кейин қўшимча қилди.— Ҳа, тўғри жавоб бердинг. Лекин юзаки, саёз. Ҳаммаларинг шунаقا, билимларинг саёз экан.

Унинг бу гапидан қаттиқ ранжиган бўлсак ҳам индамадик. Эски ўқитувчимизнинг дарсларидан ёмон баҳо олиб юрган уч-тўрт бола буни эшитиб ғимирлаб қолди. Янги ўқитувчининг гапи уларга мойдек ёқкан эди.

— Эски ўқитувчимиз яхши дарс берарди, ёмон ўқимасдик,— деди Дамир ўзини тутолмай.

— Ҳа, жавобларингиздан билиниб турибди,— пичинг қилди янгиси.

Шундан кейин у стол атрофида бирпас айланиб юргач, мулоимлик билан гап бошлади:

— Болалар! Мана энди келишиб олайлик. Илгари ўқиган нарсаларингизни энди унутасиз. Мутлақо эсдан чиқаринглар. Ҳамма дарсларни янгидан бошлаймиз. Тушунарлимни?

Дамир қўл кўтариб сўради:

— Ахир биз китобда нима ёзилган бўлса, шуни ўқиган эдик-ку?

— Мен сизларга энди ҳаммасини эсдан чиқаринг деб айтяпман!

Янги ўқитувчининг биринчи дарси шундай ўтди. Танаффусда болалар тарафма-тараф бўлиб кетишиди. Баъзилар эски ўқитувчининг ёнини олган бўлса, бошқалар янгисини ҳимоя қилишди. Очифини айтсам, ҳеч кимга қўшилмай бета-раф қолдим.

Бир пайт қўшни «5<sup>б</sup>» синф ўқувчилари билан таплашиб қолдик. Маълум бўлишича, уларга ҳам ўқув йилининг бошида янги ўқитувчи келган экан. Худди бизникига ўхшаган воқеа юз берибди. Уларнинг янги ўқитувчиси ҳам дарсга биринчи кирган куниёқ: «Илгари нима ўтган бўлсангиз, ҳаммасини эсдан чиқаринглар!» деб буюрибди.

Янги ўқитувчимизнинг бу услуби айрим болаларга жуда қўл келиб қолди. Ўқитувчининг бирор саволиға нотўғри жавоб берib, дакки эшитадиган бўлишса, дарҳол:

— Олдинги ўқитувчимиз бизга шундоқ деган эдилар, афандим,— дейишади.

Ўқитувчимизнинг эса баттар фифони фалакка чиқади.

— Минг марта айтдим-ку сенларга, илгаригисини эсдан чиқаринглар деб!

Мияга ўрнашиб қолган нарсаларни унтиш қийин бўларкан. Бу иш фақат Дамирнинг қўлидан келди, холос.

Бир куни дарсга мактаб директори кириб қолди. Тарих дарси эди. Директор дарсларни қандай ўзлаштираётганимизни билмоқчи бўлди шекилли, Дамирни ўрнидан турғизиб, қатор саволлар берди.

— Урта аср маданияти нима?

Дамир индамади. Директор бошқа саволга ўтди:

— Китоб босишини ким кашф этган?

Дамирдан садо йўқ. Директор унинг аълочилигини биларди, шунинг учун ҳайрон бўлди:

— Ҳа, нима бўлди, нега индамайсан?

— Ҳаммасини унутдим,— деди Дамир.

— Бўлмаса Америка қандай кашф этилганини сўзлаб бер.

— Унутдим, афандим.

— Уйғониш даври деб нимага айтилади?

— Эсдан чиқардим, афандим.

— Бу қандоқ гап, ҳеч нарса эсингда қолмапти,— хуноби ошиб деди директор.— Ҳўш, нимани биласан ўзи, шуни гапириб бер.

— Ҳозир ҳеч нарса билмайман. Билганларимни эсдан чиқариб юбордим.

— Ҳа, нечук?

— Янги ўқитувчимиз шундоқ дедилар, эски ўқитувчингиз нимани ўтган бўлса, энди ҳаммасини унтиб юборинглар, деб айтдилар.

Директор мени чақири.

— Ҳиндистонга денгиз йўлини биринчи бўлиб ким очган? Ана холос! Аксига юриб, шу топда кашфиётчнинг исмини унутиб қўйибман. Аслида тилимнинг учидаги турибди-ю, лекин ҳечам эслалмадим. Дамир боя жўрттага айтган бўлса, мен ростакамига унуган эдим.

— Эсимда йўқ, афандим,— дедим охири ноилож.

Директор кўзойнагининг устидан ўқитувчига бир қараб қўйди-да, индамай синфдан чиқиб кетди. Гўё ҳеч нима бўлмагандай ўқитувчи дарсни келган жойидан бошлаб юборди:

— Хўш, ёвуз Салим сultonга келсак...

Танаффусда болалар Дамир икковимизни ўраб олиб, тасанно айтишиди. Аслида эса Ҳиндистонга денгиз орқали борадиган йўлни ким кашф этгани мутлақо ёдимдан кўтарилиган эди.

Мендаги бу паришонхотирлик касали бошимга яна кўп савдолар солди. Мана, яна бир шингилини эшит. Жуда шарманда бўлдим.

Воқеа бундай бўлди. Ўзинг биласан, мактабда ота-оналар кенгаши — оила-мактаб иттифоқи деган нарса бор. Бир куни ота-оналар мажлисидан кейин қўлбола концерт қўйиб беришга аҳд қилдик. Менга декломация қисмини топширишиди.

Илгариги ўқитувчимиз бир дарсда қўйни жуда мақтаб гапирган эди. Қўй ғоят фойдали жонивор, сут беради, ёғ қилади, гўшти лаззатли бўлади, жунидан матолар тўқилади, терисидан иссиқ пўстин чиқади, суюкларида илик бўлади, унинг қийи ўғитнинг зўри ҳисобланади, деб айтган эди.

Уша куни дарсдан чиқибоқ битта шеър ёзиб ташлаган эдим. Мана уша шеърим:

### Қўй

Думбаси бор жиққа мой,  
Елинники сутга кон,  
Майнингина жуни бор,  
Кийимбоп экан обдон,  
Соп чиқади шохидан,  
Гўшти — лаззат уяси,  
Териси пўстин берар,  
Ўғитман дер қийиси.

Кўклам келса қўзилар  
Суякка илик тўплар.

Езган шеърим эски ўқитувчимизга жуда маъқул бўлди. У, ота-оналар мажлисидан кейин концерт бўлади, ушанда албатта ўқиб берасан, деб тайинлади,

Ўзимда йўқ суюниб кетдим. Шунда кейин шеърни пухта ёдлаб олмоқчи бўлдим. Беш-олти кунгача шу иш билан овора бўлдим. Мақсад — ўзим ёзган шеърни концерт пайтида шариллатиб ўқиб бериш эди. Аммо омадим келмади — мени концертга чиқармоқчи бўлган ўқитувчимиз лоп этиб бошқа мактабга ишга ўтиб кетди. Унинг ўрнига келганд янги ўқитувчи менинг тайёргарлигимдан хабар топган экан, шеърни ўз қулоғи билан эшитмоқчи бўлди. Ўқиб бердим.

— Бу шеъринг мутлақо ярамайди,— деди у.— Илгари ўқиған нарсаларни миядан чиқариб ташланглар, деб айтган эдим-ку, ахир. Бошқа шеър бераман, концертда шуни декломация қиласан.

У менга ўқиши китобини очиб «Ватаним» деган шеърни кўрсатди.

— Мана шуни ёдлаб ол. Концертда яхшилаб декломация қиласан!

Аммо ёдлашга вақт қани! Мажлис эртага белгиланган. Бир кунда уни ёдлаб бўладими. «Ватаним» шеърини сен билсанг керак. Ўқиши китобларимиз бир хил бўлса, ўша саҳифани очгин, кўрасан. Тополмасанг, мана, ўқиб кўр:

### Ватаним

Эй, заррини либосларга зап ўралиб олган,  
Эй, бўлиқ бошоқлару боф-роғларга тўлган  
Ва осмон бўйи достон битган ватаним, ҳей!

Эй, ўша буюк инсонни берган онанинг,  
Эй, жабру жафо, кураш, имон ҳамда ноланинг  
Ва Синон битган чўнг қуббанинг ватани, ҳей!

Хуллас, «эй» билан бошланиб, «ҳей» билан тугайдиган оддий бир шеър! Аммо қанчалик ҳаракат қўлмай, вақт жуда оз бўлгани учун уни яхши ёдлаб ололмадим.

Эртасига мактабга келишим билан ўқитувчимиз:

— Қани, концертдан олдин бир репетиция қилиб кўрайлик-чи. Ўқи шеърни, эшитамиз,— деб қолди.

Ўзим билганимча ўқиб берган эдим, унга маъқул бўлмади:

— Ярамайди. Шеър деган бундай декломация қилинмайди,— деди у норози бўлиб.

Яна қайтариб декломация қилдим. Барибир унга ёқмади.

— Шеърни шеърдек ўқиши керак, бўтам. Бу сенга кўчада ўтган-кетгандан адрес сўраш деган гап эмае. Жойига қараб овоз янграб чиқиши ёки майнин бўлиши лозим. Баъзан пардан титратиб бос. Лозим бўлса овозинг ипакдек майнин бўлсин, керагида эса арслондек наъра торт. Шуни ҳам айтиб

құяйки, шеър ўқиеттеганингда чап құлни белга тираб, ўнг құлни тұғрига узатыб тур. Иннайкейин, «хәй» деган ундө келганида оғингүй билан полни қаттиқ дүпиллатыб ур. Мана, ҳозир сенға күрсатаман, күриб құй. Шеър декломация қилиш мана бунақа бұлади.

Уқитувчимиз шеърни ўзи айтганидек қилиб үқиб берди. «Хәй» деган жойға келганида ўнг оғини даст күтарыб, полни зарб билан бир тепди.

— Гап деган бундоқ бўпти. Фанимларнинг бошини янчиб, ер билан яксон қилмоқчи бўлган одамдек бор кучинг билан полни тепишинг керак.

Айтганини қилдим. Аммо хаёл оёққа кетиб, шеърнинг баъзи мисраларини унтиб қўя бошладим. Аслида-ку ўз билганимча декломация қилаверганимда ҳечам янгилишмасдим-а...

Шеръни айтган усулида боплаб үқиб бердиму, аммо тепинишларим унга ёқмади. Ҳар гал полни дукиллатыб тепганимда: «Қаттиқроқ, қаттиқроқ төп! Пошна билан, пошна билан!» деб түрди.

Қўп уриниб кўрдим, барибир кўнгли тўлмади. Охири сабри чидамади.

— Мана, қараб тур, яна бир марта кўрсатыб бераман!

Уқитувчи «хәй!» деб ўқирганича полни гурсиллатыб бир тепган эди, синфнинг дераза ойналари шарақлаб кетди.

— Ана, кўрдингми энди. Турк боласи депсинганида ер мана шундай ларзага келмоғи керак. Ҳа, шундоқ бўлсин.

— Сиздай қилолмайман, ўқитувчим. Чунки сиз энг камида юз кило келасиз, мен бўлсан бор-йўғи қирқ икки кило-ман,— жавоб бердим унга ўзимни оқлаш учун.

Меҳнати зое кетди, айтганини ҳечам эплолмадим. Қаттиқ дарғазаб бўлди. Яна бир гал «Ва осмон бўйи достон битган диёрим, хәй!» деганича жаҳл билан оғини күтарыб, полга бир урган эди, қаттиқ додлаб юборди.

Узинг яхши биласан, синфимизнинг поллари чириб кетган. Шу чириган таҳталардан бири синиб, оғи кириб қолипти. Дарҳол ёрдамга келдим. Икковлашиб оғини ковакдан зўрға тортиб олдик. Шовқинни эшишиб, бошқа ўқитувчилар ҳам чопиб келишди. Ҳамма: «Нима бўлди, тинчликми?» деб сўрайди.

— Энди кўрдингми, бўтам,— деди ўқитувчи бир оғини судраб ташқари чиқар экан.— Оёқ ҳар гал ерга текканыда ҳамма ёқ ларзага келсин, худди ер қимирлаганга ўхшаб чайкалиб кетсин.

Уқитувчи чиқиб кетганидан кейин бундоқ оғимга разм солиб қарасам, ишнинг пачаваси чиқипти,— ҳадеб ҳейдайвериб товонни шишириб қўйибман.

Концерт нақ икки соат давом этди.

Мен ўзим ёзган «Қўй» шеъримни салкам бир ой ёд олиб юрган эдим. Шувинг учун ҳам унинг сатрлари миямга қаттиқ үрнашиб қолган экан, ҳадеб эсимга тушаверади. «Ватаним» шеърини ёдлаб юрганимда ҳам беихтиёр ўзимнинг сатрларим кўз олдимда турди. Бу янги шеърни бир амаллаб ёдлаб олдиму, лекин ҳадеб оёқ кўтараверганим учун сатрларини адаштира бошладим. Афтидан, оёққа зўр бериб, мияни ишдан чиқариб қўйганга ўхшайман.

— Навбатинг келди! Тез бўл, саҳнага чиқ!— деб болалар мени орқамдан туртиб саҳнага чиқариши.

Зал ота-оналар билан лиқ тўла экан. Уқитувчимиз саҳна ортида бизга сүфлёрлик қилиши керак.

Мен саҳнага чиқдим. Меҳмонларга бошимни силкиб, салом бердим. Аммо бошимни қимирлатишим биланоқ декломациянинг сарлавҳаси хаёлдан қочди. Бу қандай бедаволики, Зайнаб, шу топда миямга ўзимнинг «Қўй» шеърим келса бўладими! Мен тушмагур илгари ёдлаб олган нарсаларимни унтиш ўрнига янги ўрганган шеъримни эсдан чиқариб ўтирибман-а.

Қанчалик мушкул аҳволда қолганимни ўзинг бир тасаввур қилиб кўр. Мен саҳнадан туриб залда ўтирганларга термиламан, улар эса менга. Хуллас, анча вақтгача бир-бири миз билан кўз уришириб туравердик.

Хайрият, ўқитувчимиз жонимга ора кирди — орқадан шеърнинг номини пичирлаб айтди. Дарҳол овозимнинг бориҷа «Ватаним!» деб қичқирдим. У ёғи яна эсда йўқ. Нима қилиш керак? Индамай турган билан бўлмайди. Сарлавҳани яна бир қайтарай, зора унгача бу ёғи эсга тушшіб қояса, деган мақсадда яна бир марта «Ватаним!» деб ҳайқирдим. Яна жим бўлдим. Залда қарсаклар янгради. Ҳайрон бўлдим. «Ватаним!» деганимда нимага чапак чалишганигà тушунолмадим. Шу пайт яна ўқитувчимизнинг ним овози эшитилди. Келган жойидан бошлаб юбордим. Аммо олдинги гал томоққа қаттиқ куч бериб қўйган эканман шекилли, овоз чиқмай қолди, хириллаб зўрға «Эй!» деёлдим, холос. Яна чапаквозлик бўлди. Очиги, гангиг қолдим. Миямда сатрлар бир-бирига қоришиб кетди. Зўрға ўзимни қўлга олиб, декломацияни бошлаб юбордим. Болалар кейин гапириб беришича, бу ажойиб шеърни шундоқ деб бошлабман:

«Ватаним!  
Эй, заррин лиbosларга зап ўралиб олган,  
Эй, бўлиқ бошоқлару боғ-рогларга тўлган  
Ва достон бўйи осмон битган ватаним, хей!

«Хәй!»ни айтган заҳоти полни зарб билан бир тепган эдим, турган жойимда бир газ осмонга сакраб юбордим. Биласанми, нимага? Боя ўқитувчи билан репетиция қилаётганимизда пошинада бир мих жойидан күчган экан, билмабман. Уша мих шу топда шарт этиб товонга кириб кетса бўладими?! Кўзимдан ўт чақнаб кетди. Товонимга бирор бигиз қадаб, ўпкамни тешиб юборгандек бўлди.

Азобнинг зўрлигидан ёд бўлиб қолган сатрларни ҳам паққос унудтим-қўйдим. Мен нима аҳволдаману, томошабиннлар қийқириб кулишади. Ўқитувчимдан мадад келар, деган умидда ўқтин-ўқтин орқага ўғирилиб қараб қўяман. Ўқитувчи ҳолимни сезди, шивирлаб айтса барibir қулогимга кирмаслигини фаҳмлаб, овозини бемалол қўйиб юборди.

«Эй, уша буюк инсонни берган онанинг».

Дарҳол илиб кетдим.

— Эй, уша буюк инсонни берган онанинг... Онанинг... Онанинг...

Кейин нима келади, эслаёлмайман. Зора лоп этиб эсимга тушса, деган хаёл билан яна икки-уч марта шуни қайтариб айтдим. Бўлмади. «Онанинг» дейману, игнаси юрмай қолган пластинкага ўхшаб у ёғига ўтолмайман. Вужудимни қалтироқ босди. «Онанинг... Онанинг...» деб йингламоқдан бери бўлиб турған эдим, қўққисдан ўзим ёзган сатрлар миямга келиб қолди. Таваккал қилиб бу ёфини улаб кетдим.

Онанинг..., Онанинг... Онанинг...  
Думбаси бор жиққа мой,  
Елиннику сутга кон,  
Майнигина жуни бор...

Ўқитувчимиз ҳам сатрларни кетма-кет етказиб турибди. Оддин ундан эшитганимни қайтараман-да, кейин ўзимни кириб юбораман.

Эй, жабру жафо, кураш...  
Соп чиқади шоҳидан,  
Гўшти — лассат уяси.  
Үйтман дер қийиси, ҳе-е!

Декломацияни тугатдиму, ўзимни ичкарига урдим. Гулдорос қарсаклардан мактабимиз чайқалиб кетди.

— Нима қилиб қўйдинг ахир, Аҳмад? — деди ўқитувчимиз синиқ овоз билан,

— Иложим қанча, афандим,— дедим унга қараб.— Одамзод билган нарсасини дарров унтиб юбора олмас экан, жуда қийин бўларкан.

Яна бир нима дейдиган бўлсан, аламидан йиғлаб юбораман. Ўпкам тўлиб турибди. Ўқитувчи икковимиз чўлоқланаб кетдик. Яна мих кириб кетишидан қўрқиб, эўрга сўёқ босаман.

— Катта истеъодинг бор экан-ку, ўғлим,— деди уйга қайтгач дадам.— Кулдиравериб ҳамманинг ичагини уздинг-ку.

Ойим унинг гапига қўшилди:

— Кўзим қуриб қолди кулавериб. Нақ жинни бўлаёздим-а...

Шеърларни янгилишиб аралаш-қуралаш қилиб юборганимни ҳеч ким сезмабди. Ҳамма жўрттага қиляпти, деб ўлабди. Ҳуллас, Зайнаб, кейинги кунларда шунаقا машмашалар бўлди.

Сенинг даданг ҳам мактабда нуқул аъло олиб ўқиганми, деб сўрабсан. Йўқ, дадам, афсуски, аълочи бўлмаган. Нега дессанг, у ўқимаган. Агар мактабга қатнаган бўлганида менга аъло баҳолар билан ўқиганман деб айтган бўларди, албатта.

Мен завқ билан ўқийдиган хатларингни кутаман. Соғ бўл.

Собиқ синфдошинг Аҳмад Тарбай

## Ишлаган тишлайди

Анқара, 26 ноябрь, 1963 йил  
Дўстим Аҳмад!

Менга ҳамиша шунаقا узундан-узоқ хатлар ёзавер. Хўпми? Узундан-узоқ деганимни кўнглингга олма, аслида уни бир зумдаёқ ўқиб чиқдим. Синфда бир-икки болага ҳам ўқиб берган эдим, тоза мириқиб кулиши.

Бу томонларда салқин тушиб қолди. Энди олдимиздаги майдонда ўйнамай қўйдик. Мактабдан келиб, дарсларимни тайёрлайман, ойимга қаравиб юбораман. Опамнинг бунақа ишларга хуши йўқ. Супургини кўрса ўтакаси ёрилади. Унинг энг яхши кўрган иши — ошхонага кириб олиб, пирожное ёки кекс пишириш. Аммо опам ошхонага кирса, ойим юрак ўйногида юради. Нега деганда, опам бир кун ошхонага киргудек бўлса ойим бир ҳафтагача қўйналади — ҳамма нарса остинустин бўлиб кетгани учун кўйган буюмини жойидан тополмайди.

Шу опамни узатмоқчи бўлиб юришувди, фотиҳаси бузилди. Кейинги пайтларда уйимизда ҳамманинг оғзида шу тўй

масаласи эди. Укам Метиннинг бир оғиз сўзи опамнинг фотиҳасини бузди-қўйди...

Баъзан кечкурунлари дадамнинг ўртоқлари бизнигига тўпланишади ёки биз уларнига чиқамиз. Ҳуллас, ҳафтада камиди иккى кун меҳмондорчилик бўлади. Тўрт оғайни бир жойга йифилди дегунча дарров Зайналбейдан гап очилади. Зайналбей деганлари — бу дадамгилар ишлайдиган идоранинг хўжайини.

— Жонимга тегди шу гап. Нуқул Зайналбей, Зайналбей дейсизлар. Бошқа гап қуриб қолганми ахир,— дейди ойим норози бўлиб.

Шундан кейин гап бошқа мавзуга қўчади. Лекин орадан сал ўтмай яна Зайналбей тилга тушиб қолади. Ҳаммалари уни ёмонлаб кетишади.

Зайналбейнинг яна иккى-уч жойда идораси бор экан. Узи жуда бадавлат эмиш. Бунинг устига мол-дунёси кун сайн ортиб бораётганиши. Зайналбей аслида мияси ишламайдиган, қовоқбош бир одам экан. Бошлангич мактабни амал-тақал қилиб, зўрга битирган экан.

Дадамнинг ошналаридан бири Зайналбейга элат бўларкан. Уша бир воқеани гапириб берди.

— Зайналбей аслида биздан ўн ёш катта,— деди у.— У учинчи синфда ўқиб юрганида мен эндигина мактабга қатнай бошлаган эдим. Демак, бир синфда неча йилдан ўтириб чиққанини хомчўт қилиб чиқиш мумкин. Мен бошлангич мактабни битирганимда у ҳамон тўртинчи синфда ўқирди. «Ўғлинг шу ернинг ўзидан домла-имом бўлиб чиқади», деб эдамлар унинг отасини калака қилишарди. Уша кезлари Зайналбейнинг соқол-мўйлови сабза уриб, йигитча бўлиб қолган эди. Бир куни денг, мактабга инспектор келиб қолди. Тўғри Зайнал ўқийдиган синфга кирибди. Ўқитувчиси ёшгина йигит экан. Инспектор бундоқ қараса, мўйловли Зайнал ўтирибди-ю, ёшгина йигит тик турибди. «Нега ўрнингдан турдинг, ўғлим, ўқитувчинг ҳеч нима демади-ку», дебди инспектор ўқитувчи йигитга. У ўсал бўлиб, қип-қизарив кетибди. Зайналдай бефаросат, қовоқбош болани кўрмаганман.

— Нима, ҳозир ўзгариб қолганми? Йлгаригидан бешбаттар мияси суюлиб кетган-ку,— дейди дадам.

«Кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмайдиган овсар», «Тентаклар ичиди дунё чемпиони...» Ва ҳоказо ва ҳоказо.

Сендан ўқиб одам чиқмайдиганга ўхшайди, яххиси, кўзим тириклигига ёнимда юр, савдо-сотиқни ўрган, деб отаси уни мактабдан қайтариб олибди. Шу-шу Зайнал савдо ишларига шўнгифиб кетибди. Тез фурсатда катта бойлиқ орттирибди.

Уларнинг гапига қараганди, Зайналбей ўтакетган дангаса,

алифни калтак деёлмайдиган ҳом қовоқ бир одам бўлсаям, унинг зўр бир қобилияти бор экану, одам ишлатишни қийвораркан. Зайналбейнинг қўша-қўша идора ва ширкатларида бир талай меъмор, инженер, адвокат, врачлар ищларкан.

— Үқимаган ҳам маъқул экан. Хўш, бизлар ўқиб нима бўлдик? Охири шу саводсиз Зайналбейга келиб ялиндик-да. Мана энди унга ишлайпмиз,— дейди шунда дадам чуқур уҳ тортиб.

Зайналбейнинг калтабинлиги ҳамманинг оғзига тушган экан. Бир пайт у ёнида одамлари билан Фелеменкка сафар қилган экан. Бу ерда у анча туриб қолибди.

Кейин жўнаб кетишаётган экан, шерикларига қараб:

— Фелеменк дёгани ҳам яхши мамлакат экан, менга жуда ёқди, Энди Голландияни<sup>1</sup> бир бориб кўриш керак, ажойиб жой дейишади,— дебди:

Польшада ҳам худди шу воқеа рўй берган экан.

— Мен Польшага келдик, десам бу ер Лаҳистон экан-да. Энди шунинг жазосига Польшани ҳам бир кўриб келмасам бўлмайди,— деб тоза кулги бўлган экан.

Тунов куни бизнигиде яна Зайналбейнинг устидан кулиб ўтиришган эди, Метин тўсатдан:

— Бу одам шу қадар аҳмоқ, ишёқмас, калтабин экан, қандоқ қилиб бой бўлган бўлмаса?— деб гап қотиб қолди.

— Катталарнинг ишига ёш болалар аралашмайди, айб бўлади,— деди ойим Метинга танбеҳ бериб.

— Сен ҳали ёшсан, бунақа нарсаларга тушунмайсан,— очигини айта қолди дадам.

Опамни мана шу Зайналбейнинг ўғлига унаштириб қўйишиди. Тўғрироғи, иккала томон қуда бўлиш ҳақида келишиб олди.

Опамни ҳеч кўрганмисан? Менга сирайм ўхшамайди. Яъни мен унга ўхшамайман. Жуда барно қиз.

Бу ҳақда бизларга бирор оғиз очгани ҳам йўқ. Опамнинг ўзиям чурқ этмади. Аммо чаја-чулпа гапларни эшитиб юрибмиз. Уйдагилар ғимирлаб қолганини дастлаб Метин сезди. Ойим бирор юмуш қилсаям оғиздан ашула тушмайдиган бўлиб қолди. Опамнинг бўлса боши осмонда. Буни биздан яширмоқчи бўлади-ю, лекин хатти-ҳаракати билан сирни ошкор қилиб қўяди.

— Эшитдингми, опамизни яқинда унаштиришармиш,— деб қолди бир куни Метин.

— Яхши гап, унаштиришаверсин.

— Кимгалигини биласанми?

<sup>1</sup> Турк тилида Голландия ҳам, Фелеменк ҳам Голландия тарзида қўллайнлади.

— Кимга экан? — ўзимни гўлликка солиб сўрадим.  
— Зайналбейнинг ўғлига.  
Индамаган эдим, хафа бўлди.  
— Ҳа, эшитсанми? Зайналбейнинг ўғлига беришармиш.  
— Хўш, нима қипти? Нега ачифинг келяпти?  
— Нима қипти эмиш-а! Бундан чиқди, сен ҳам уларнинг томонида экансан-да?  
— Тўйи билан менинг нима ишим бор.  
Метин уйда ҳаммадан кўра кўпроқ менинг гапимга ишонарди. Шунинг учун баттар тутақиб кетди.  
— Нимага ишинг бўлмайди? Мен хоҳламайман. Бўлмаган гап бу!  
Яна кўпириб кетмаслиги учун индамай қўя қолдим. Укам ичидаги гапларни тўкиб солди.  
— Зайналбейни ўzlари нуқул ҳўқизга ўхшаган одам, калласи йўқ, деб айтишарди-ку! Нима, опамни келиб-келиб шу ҳўқизнинг ўғлига беришадими?  
— Ўғлининг йўриғи бошқа.  
— Ҳо! Нега бошқа бўларкан? Ҳатто лицейни ҳам тугатолмапти-ку. Отаси уйига ўқитувчи ёллаб, пулининг кучи билан зўрга гувоҳнома олиб берган экан. Қейин ўғлига энди ўқишни йигиштири, ўғлим, бўлмаса миянг суюлиб, савдо ишига ярамай қоласан, дебди. Ҳўш, ёлғонми шу? Дадамнинг ўртоқлари айтишди, ўз қулоғим билан эшитганман.  
— Бу гапни зинҳор ойимга айта кўрма, Метин. Ҳар ҳолда катталар биздан кўра кўпроқ нарсани билишади,— дедим уни бир оз совутиш учун.  
— Ҳа, биламан, сен ҳам шуларнинг ёнини оласан,— деди Метин зарда қилиб.— Аммо дадамга ҳайронман.  
— Нега?  
— Нега эмиш! Бу қандоқ гап ўзи — ҳам Зайналбейни ёмонотлиқ қилишади, ҳам ўшанинг идорасида ишлашади.  
Метин шартта ўғирилиб чиқиб кетди. Қўз ёшини кўрсатгиси келмади чамамда. Чунки охирги жумлани гапирганида ўликаси тўлиб турган эди.

Уша кундан бошлаб Метин тамоман ўзгариб қолди. Илгаригидан ҳам бебош қўрс ва баджаҳл болага айланди. Бирор кун йўқки, ўқитувчилари ундан шикоят қилишмасин. Утакетган тўполончи, ялқов бола, деган таъналар ёғилиб кетди. Үқиши жуда пасайиб кетибди. Дадам қаттиқ ташвишга тушиб қолди. Метинга яхшиликча насиҳат қилиб кўрди, бир-икки марта савалаган ҳам бўлди, барибир фойдаси тегмади. Буниг ўстига Метин мактабдан ючадиган одат ҳам чиқариб олди. Ойим уни эрталаб мактабга элтиб қўяди, Метин бўлса у кетиши билан жуфтакни ростлайди. Дадам мине

ширин муомала қилгани билан у чурқ этмай ер чизиб тураверади.

Бир куни уни гапга солиб, кўнглидагиларни билиб олмоқчи бўлган эдим:

— Бунаقا ишларга сен аралашма, ҳали ёшлиқ қиласан,— деб жеркиб берди.

Метинни деб ўйимиздан ҳаловат йўқолди. Ойим тез-тез кўз ёши тўкиб оладиган, дадам эса қовоғини солиб юрадиган бўлиб қолди.

Бир куни кечқурун Метин уйга келмади. Қош қорайиб, кеч бўлди ҳамки, ундан дарак йўқ. Ҳаммамиз уни қидиришга тушдик. Суриштираган жойимиз қолмади. Ноилож уйга қайтдик. Дадамнинг ўртоқлари ҳам хавотир олиб, бизникига келишди. Ойим «энди нима қиласан» деб юм-юм йиғлайди. Эркаклар Метинни яна қаердан суриштириш мумкинлигини ўйлаб ўтиришибди. Тўсатдан қўнғироқ чалинди. Ҳамма дув этиб эшикка югурди. Эшикни очсак, Метин экан. Ундан хавотирланиб, ҳамма юрагини ҳовучлаб ўтириби-ку, Метиннинг бўлса парвойи палак. Ўртоқлари: «Келганида ҳозир уришма, қўй», дейишгани учун дадам ноилож индамади. Ҳамма ўз иши билан овора бўлиб ўтираверди. Бирпастдан кейин дадам Метинни ёнига чақириб, унга насиҳат қилди.

— Мактабдан ючадиган, дарсларини қилмайдиган боланинг охири вой бўлади, ўғлим,— деди дадам мулойимлик билай.— Кимки меҳнатсевар бўлса, ўша одам кўп пул топади, кейин унинг роҳатини кўради. Сен ёш пайтингда кўп ишлashing, яъни ўқишинг керак, токи катта бўлганингда роҳат-фароғатда яшагин.

Дадамнинг гапи ҳамиша шу. Ўртоқлари ҳам уни қувватлаб гапиришди.

— Меҳнатнинг таги роҳат, жиян. Ишлаган — тишлайди.

— Ҳа, омаднинг калиди ҳам меҳнатда.

Қовоғини уюб, ерга қараб турган Метин бирдан ҳушёр тортиди:

— Меҳнат қилинса қанча пул ишлаб топса бўлади?

— Ким кўп тер тўксса, ўша кўп пул топади.

— Ҳўп, кўн тер тўккан киши Зайналбейчалик бадавлат бўла оладими?

Ҳамма жим бўлди. Метин бу билан нима демоқчи бўлгани равшан эди.

— Бизлар ҳам бир пайт сенга ўхшаган бола бўлганмиз,— деди дадам салдан кейин ноқулай жимликни бузиб.— Бизлар ҳам болалик нималигини тушунашимиз. Аммо биз болалик лайтимизда...

Метин гапни чўрт кесди:

— Тер тўкиб дарс қилмаган одам кўп пул топади.

Дадам тутақиб кетиб, ўшқириб берди:

— Ҳа, энди даданг сенга ёлғончи бўлиб қолдими?

Метин ҳўнграб йиглаб юборди.

— Йўқ, унақа демоқчи эмасман,— деди у пиқиллаб.—

Ахир ўзингиз ҳар куни Зайналбей ишёқмас, Зайналбей аҳмоқ, Зайналбей овсар, дейсиз-ку. Бўлмаса нега унинг қаторқатор фабрикаси, ширкати, идора ва магазинлари бор? Машинасиям кўп, уйлариям кўп. Ўғлиям ўзига ўҳшаган, ёмон ўқиган.

Инги зўрайган сари Метин авжга чиқди:

— Энди мактабга бормайман. Зайналбейга ўҳшаб бой бўламан. Қўл остимда униқидан ҳам кўп одам бўлади. Ҳаммасини ишлатаман. Серғайрат, ўқимишли одамларни мен дам идорамга ишга оламан.

Метин жойига кириб кетди. Гапининг охирини ўша ердан ёшитдик.

Дадамнинг қўнгли бузилиб кетди.

— Майли, ўғлим, билганингни қил. Ўқигинг келмаётган бўлса, майли, ўқима.

Ҳозирча хўп дейяйлик, деган маънода ўртоқларига кўзини қисиб қўйди.

Ойим Метинни юз-қўлини ювишга олиб кетди.

— Ҳамма айб ўзимизда,— деди дадамнинг ўртоғи.— Бола-чақанинг олдида андиша қилмай гапираверамиз. Булар бор жойда ҳамма гапни ҳам гапириб бўлавермайди.

Шу ерда ўтирган хотини унга кўзи билан мени имо қилиб қўрсатди.

Яна бири луқма ташлади.

— Жияннинг гапида жон борга ўҳшайди. Чиндан ҳам шунча йил ўқиб биз нима бўлдик... Зайналбейга ёлландик, холос.

Метиннинг хулқи нега ўзгариб қолганини ойим билан дадам яхши билишарди. Ҳаммасига Зайналбейнинг ўғли, яъни опамнинг бўлажак қаллиғи сабаб бўлди. Шу воқеадан кейин орадан бир неча кун ўтгач фотидани бузишди. Опам ишга кирди. Ҳозир бинойидай ишлаб турибди. Узиям бўлғуси куёв болага қўнгли йўқроқ эканми, ҳар ҳолда ҳозирги мустақил ҳаётидан мамнун эканягини кўриб юрибман.

Метин ичидаги гапларни тўкиб солган куңининг эртасидан бошлаб ўқишига кетди. Ҳозир у ишакдек мулоим бўлиб қолган. Тўйни барбод қилгани учун юраги бир оз гашланади шекилли, уйда қўйдек беозор юради. Дарсларидан ҳам етишиб олди. Уй ичидагиларнинг ҳаммаси билан муросани тик-

лади-ю, лекин менга ҳамон ола қараб юрибди. Ҳа, қаттиқ хафа бўлганга ўҳшайди. Нега деганда, ўша пайтда, уни қўллаб-қувватламадим-да. Аслида-ку мен ҳам худди шу фикрда эдим-а, аммо унинг қўллаган усули менга тўғри келмаса нима қилас. Ҳа, майли, тез кунларда ярашиб кетармиз. Шунга умид қилиб юрибман.

Хатни кечки овқатдан кейин ёзяпман. Энди уйку келяпти, ёта қолай. Эртага дам олиш куни. Ойим Метин иккови-мизни болалар театрига олиб бораман деган.

Ўртоқларимнинг ҳеч қайсисини унугтаним йўқ. Ҳамма-нгизни соғиндим. Баъзан бирга тушган расмларимизни кўриб, сизларни бир-бир эслаб ўтираман. Ҳамма ўртоқларга салом айт. Ўзингга ҳам катта муваффақиятлар тилайман.

Уртоғинг Зайнаб Елқир

## Фидойи болалар

Истамбул, 30 ноябрь, 1963 йил.

Қадрдон Зайнаб!

Хатингни олганимга икки кун бўлди. Уша куниёқ жавоб ёзгим бор эди-ю, лекин ўқитувчи ўйга кўп вазифа бериб юборгани учун ултуролмадим. Шунга кўра энди жавоб ёзяпман.

Янги ўқитувчи менга маъқул бўлиб боряпти. Дириектор синфимизга кириб қолганида Дамир нима ҳунар кўрсатганини сенга айтиб берган эдим. Ўшанда ҳаммамиз Дамирнинг шурия қуриди, деб ўйлаган эдик. Йўқ, ўқитувчи унга ҳеч қандай чора кўрмади. Узимнинг ҳам ўтакам ёрилиб юрган эди. Аксин бўлиб чиқди. Ҳозир у мен билан жуда яхши муносабатда.

Сўнгги пайтларда фидойилик мавзуи ўқитувчимизнинг орзидан тушмай қолди. Фидойилик ҳақида эшитган-билган гапларини айтиб беради-да, кейин:

— Хўш, буни қандоқ тушундинглар? Бу ҳақда нима дейсан? Қиссадан ҳисса нима?— деб биздан фикр сўрайди.

Ўқитувчимизга мен нега маъқул келиб қолганинг сирини айтийми? Мен ҳамиша унинг қўнглидаги гапни топиб айтаман— қиссадан чиқадиган ҳиссани топиб гапираман. У ҳикоясини бошлаши биланоқ кўзланган муддаони сезиб оламан-да, сўраганида дарров жавобни ёпишираман. Бундан у жуда мамнун. Ҳар сафар жавобимдан кейин «оғарин, Аҳмад!» деб қўяди, сўнгра:

— Сизлар ҳам ҳаётда мана шундай фидойи бўлинглар, болалар!— деб бутун синфга ўғит беради.

Кунлардан бирида шу мавзуда қаттиқ тортишиб қолдик.

Үқитувчининг кўнглига қараб жавоб беравериш мени ниҳоятда зериктириб юборди. Бир ҳикоя айтиб берган эди, шуни ўз билганимча таърифламоқчи, бу ҳақда ўзимнинг фикримни билдиromoқчи бўлдим.

Буниси ҳам фидойилик ҳақида эди. Мен сенга унинг қисқача мазмунини гапириб берай.

Уруш пайти. Қишлоқ мактаби. Қишлоқда бизнинг аскарларимиз турибди. Бизлар тенги бир бола душманни кўриши билан аскарларимизга хабар қилиши керак. У шу ҳақда топшириқ олади. Бола бир дараҳтга чиқиб олиб, кузатиб туради. Узокдан душман кўринади. Болакай шоша-пиша ерга тушиб қишлоқ томонга югуради. Йўлда ўқ еб яраланди. Аммо шунга қарамай чопиб кетаверади. Қишлоққа етиб олгач, командирга душман келаётганини айтади ва йиқилади. Шу ернинг ўзида жони узилади.

— Қани, Аҳмад, тур ўрнингдан,— деди ўқитувчи одати бўйича.— Хўш, бу ҳикоянинг биз учун қандай тарбиявий аҳамияти бор?

— Олдин битта саволим бор, ўқитувчим,— дедим ўрнимдан туриб.— Шу воқеа чиндан ҳам бўлганми ўзи ёки фидойиликка намуна сифатида уни катталар ичидан тўқиганми?

Ўқитувчи мендан буни кутмаган эди. Шунинг учун анча довдираб қолди. Нима дейишини билмай бир оз ўйланиб тургач:

— Бу билан нима демоқчисан?— деди жаҳл аралаш.— Бирор буни ичидан тўқиганми ёки бўлган воқеами — сенга бунинг нима дахли бор?

— Агар шу бўлган воқеа бўлса ишониш қийин.

— Нимага?

— Душманни кузатиб туриш — бу муҳим топшириқ. Қелиб-келиб ўн бир яшар болага шу иш топшириладими? Нима, бошқа одам йўқмиди? Мен шунисига ҳайрон бўлиб турибман. Қолаверса, болаларнинг келажаги учун ҳаёт-мамотжонги кётаётган бир пайтда ёш болага ҳарбий топшириқ бериб, уни...

— Бу шунчаки бадий бир ҳикоя, албатта,— деди ўқитувчи сўзимни бўлиб. Кейин бутун синфга мурожаат қилди.— Хўш, Аҳмаднинг гапи тўғрими? Сизлар нима дейсиз?

Қий-чув кўтарилиди. «Нотўри, нотўри» деган овозлар эшитилди.

Чингиз деган бола дик этиб ўрнидан турди.

— Бизлар ҳам фидокор бўлмоғимиз керак, афандим. Ҳикоя бизни шунга ўргатади.

Худди ақлли гап айтгандай керилиб менга қараб қўйди.

Менинг ёнимни олган ёлғиз Дамир бўлди.

— Мен ҳам Аҳмаднинг фикрига қўшиламан, афандим.

Ўқитувчи яна бутун синфга юзланди:

— Қани, айтинглар-чи, нима учун Аҳмад билан Дамирнинг фикри бошқа?

Чингиз яна сапчиб туриб, чийиллаб кетди:

— Уларга теккан касал бу, афандим. Доим ўзларини кўрсатмоқчи бўлишади.

Шу пайт танаффусга қўнгироқ чалиниб қолди.

— Бу ҳақда танаффусдан кейин яна гаплашамиз,— деди ўқитувчимиз чиқа туриб.

Зайнаб, ростини айтсан, шу топда қўнгироқ чалиниб қолганига жуда суюндим. Акс ҳолда, қизишиб кетиб, ўқитувчимизга бирор оғир гап айтиб қўйишим ҳам мумкин эди.

Дарсдан чиқдик. «Ҳа, билағон, қалайсан энди!»— деди Чингиз кесатиб. «Бедаво касалга йўлиққан!»— деб Салима яна ярамга туз сепди. Ким билади, балки чиндан ҳам катта кетворгандирман. Аммо ҳикоянинг ўзи менга ёқмаган бўлса нима қиласай ахир...

Фидойилик ҳақида жуда таъсирчан қилиб ёзилган эди у аслида. Ҳикоя ҳаммамизга шу қадар сингиб кетибдик, катта танаффусда ҳовлига чиқиб, «уруш-уруш» ўйнадик. Болалар дараҳтларнинг тепасига чиқиб олишди. Уша ердан туриб душманга қаратса пулемётлардан тариллатиб ўт очилди. Ҳовлидаги дараҳтлар бизга камлик қилиб қолди. Баъзиларимизга кузатиш нуқтаси етмади. Мен деразадаги панжара га осилиб, деворга чиқдим. Кейин водопровод қувуридан юриб, йўғон ходанинг устида миниб олдим. Танлаган жойимдан мамнун бўлдим. Бундек қарасам, рўпарамдаги акация дараҳтининг устида Чингиз билан Ҳусайн жой талашяпти. Иккоби ади-бади этишиб туришибди. «Топшириқ сенга эмас, менга берилди!»— деб бақиради Ҳусайн.

Бирдан Ҳусайнининг додлаган овози эшитилиб қолди. Ҳаммамиз ерга тушиб югордик. Ўқитувчilar ҳам чопиб келишди.

— Дарактда нима қилиб юрувдинг ўзи?— ўшқириб берди иккинчи синф ўқитувчиси.

— Душман аскарларига кўз-кулоқ бўлиб турган эдим.

Бу гапни эшитиб, у роса ҳайрон бўлди.

— Эсинг жойидами? Бу ерда душман нима қиласади?

Ҳайтовур, Ҳусайн енгил йиқилган экан, ярасини борлаб қўйишиди. Чингиз боёқиши қўрқиб кетганидан қўл-оёғи қалтирайди. Айб Чингизда эканини ҳаммамиз билиб турибмиз. Аммо Ҳусайн мард бола экан, уни сотмади. Ўқитувчи: «Нега йиқилдинг, ким итариб юборди?» деб сўроққа тутган эди.

Хусайн: «Айб ўзимда, оғим тойиб, ииқилиб тушдим», деб туриб олди.

Хусайннинг бу ҳаракати мени жиддий ўйлантириб қўйди. Танаффусдан кейин яна дарсга кирдик. Фикр-хаёлим ҳамон Хусайнда эди, ўқитувчи тағин бояги гапни сўраб қолди.

— Бирор қиши бошқаларга ўзини кўрсатиб қўйиш ёки ном чиқариш учун фидойилик қиласидиган бўлса, буни чин маънода фидойилик деб бўлмайди,— дедим шартта ўрнимдан туриб.

Мен бу билан Хусайннинг чинакам мардлигини назарда туттган эдим.

Эртаси куни ўқитувчимиз шу хусусда бошқа бир ҳикояни гапириб берди. Бир камбағал бола бўларкан. Боланинг онаси ётиб қолади. Унга дори керак, уйда эса пул йўқ. Бола дори сабтиб олиш учун ўғирлик қиласи, уни тутиб олишади. Ўртоғи эса бутун айбни ўз бўйнига олади. У қутулиб кетади.

Яна билағонлик қиляпти, деб ўйлашмаслиги учун бу гал индамай қўя қолдим, фикримни айтмадим. Ваҳолонки ушбу ҳикояда фирт тентакликнинг номи фидойилик деб кўрсатилган эди.

Ўқитувчиларимиз келишиб олишибди. Бизнинг синф билан «Б» синфи ўқувчилари ўтасида энг яхши иншо учун конкурс ўтказиладиган бўлди. Иншонинг мавзуи — фидойилик. Бу конкурс мактабда катта шов-шув кўтариб юборди. Ҳамма ким голиб чиқишини билгиси келади. Ўқитувчимизга қолса, конкурсда мен ютиб чиқишим керак. Бунга унинг имони көмил. Мен шу иншода фидойилик ҳақида ўз билгларимни ёзишга жазм қилдим. Ўзиниям нақ уч кун ёздим. Тайёр бўлгач, уйдагиларга ўқиб бердим. Ёзганларим ҳамиша дадамга маъқул бўларди, лекин буниси унга ёқмади. Амакимга ҳам ўқиб берувдим, энсаси қотди.

Аслида ёзган иншомнинг мазмуни бундай. Бир боланинг укаси оғир бетоб бўлиб қолади. Бола бундан қаттиқ эзилиб юради. Укасининг оғирини енгил қилмоқчи бўлади, лекин иложини тополмайди. Охири ўйлаб-ўйлаб бир йўл топади. Ҳар куни ўринга ётар чоғида: «Е худо, укамни ўз паноҳингда асра. Дардини менга бера қол, розиман», деб пичирлайдиган бўлади. Кунлардан бирида кечаси у туш кўради. Баҳайбат бир дев: «Мана, қилган дуоинг ижобат бўлди. Қани, жонингни менга таслим қил!» деб турган эмиш. «Мен укамга фидойилик қилмоқчи бўлувдим, жонимни олма!» деб бола қичқириб юборади. Онаси уйғониб кетади. Кўрпанг очилиб кетибди, ёмон туш кўрган бўлсанг керак, ўғлим, деб унинг устини ёпиб қўяди. Бола яна ухлаб қолади.

Фидойиликни қандоқ ўйлашимни тушунтира олибманми? Мен бу иншода фидойилик учун қилинадиган фидойилик устидан кулмоқчи бўлган эдим.

Тўртинчи ва бешинчи синф ўқувчиларини катта залга тўплашди. Ўқитувчилар ҳам йифилди. Бизнинг синфимиздан олти: «Б» дан эса беш бола конкурсда қатнашадиган бўлди. Куръа ташланди. Номеримизни билиб олдик. Мен саккизинчи бўлиб иншони ўқиб бердим. Дириектор билан ўқитувчиларнинг юзи бурушгандай бўлди, демак, маъқул келмади. Лекин залдаги болалар энг кўп менга чапак чалишиди. Ҳамма ўз иншосини ўқиб бергач, ўқитувчilar баҳо чиқариш учун бошқа хонага ўтишиди.

Улар чиқиб кетиши билан залда тўс-тўполон кўтарилди. Ҳар ким ёнидан резинка рогаткани олди, ўзаро отишма бошланди. Тўғрисини айтсан, шу кунларда рогатка мактабимизда расм бўлиб қолган. Рогаткасиз юрмайдиган ўеил бола йўқ. Ўқини қофоздан қилишади-ю, лекин теккан жойи бирам ачишадики... Мен ўзим бу масалада сал ношудроқман, отган ўқим ҳечам мўлжалга тегмайди. Ҳатто тош иргитишни ҳам билмайман. Ўртоқларим нуқул мени қиз болага ўшшаб тош отасан, деб калака қилишади.

Бир пайт гарданим игна санчилгандек қаттиқ ачишиб кетди. Жон ҳолатда ёнимдаги боланинг қўлидан рогаткасими тортиб олиб, тез-тез ўқладим. Резинкани обдан чўзиб туриб, бир отдим... Биласанми, Зайнаб, ўқ кимга тегди? Шу пайт залга ўқитувчilar билан директор бошлишиб кириб қолса бўладими! Мўлжаллаган одамим бир чеккада қолиб, ўқим тўғри директорнинг гарданига бориб тегди-ю! Ана расвогарчилик!

Дириектор жаноблари гарданларини ушлаганларича бизга дарғазаб бўлиб ўқрайдилар.

— Кимнинг иши бу? Ким отган бўлса, бу ёқقا чиқсин!— деб ўшқирди «Б» синф ўқитувчиси.

Бошимни эгіб, энди тураман деганимда ўқитувчимиз:

— Агар гуноҳкор ўрнидан турмаса, ҳаммангиз унинг касрига қоласиз: Ҳеч кимни бу ердан чиқармаймиз!— деб дағдаға қилди.

Конкурс мусобақаси бир ёқда қолиб кетди.

— Мен отгандим,— дедим ўрнимдан туриб.

Дириектор юзимга тикилиб қаради.

— Йўқ, отган сен эмассан!

— Мен эдим.

— Мен одамларни бир қараща билиб оламан. Сен гуноҳкорга ўшшамайсан. Қўриб турибсанки, айбни ҳеч ким бўйнига олмаяпти, ўртоқларингни оғир жазодан кутқазинш

учун энди сен ўзингни тутиб беряпсан. Сен бу номаъкулчиликни қилмагансан.

Холбуки бу тап менинг хаёлимда ҳам йўқ эди.

— Атайлаб қилганим йўқ, афандим... Тасодифан бўлди...  
Бошқа одамга отмоқчийдим. Қўлимдан чиқиб кетди...

Директор саҳнага чиқиб олди.

— Мана, боладар, кўрдингизми, фидойиликнинг асл на-  
мунаси бу. Гарчи айбор дар бўлмаса ҳам, ўртоғингиз сизларни  
жазодан қутқарниш учун ўзини фидо қиляпти. Ундан ўрнак  
олсангиз бўлади. Шу олижаноб ҳиммати эвазига сизларга  
энди жазо бермайман. Гуноҳингизни кечирдим. Ёзган иншо-  
си уччалик яхши бўлмаса ҳам, мана шу ибратли иши учун  
уни бугунги конкурснинг ролиби деб эълон қиласман.

Нима аҳволда қолганимни тушуняпсанми, Зайнаб? Фикр-  
ларим чувалашиб кетди. Айбор дар бирраснинг ичидаги қаҳрамон  
бўлиб қолганига нима дейсан? Наҳотки фидойилик билан  
шўхликнинг ўргасида ҳеч қандай фарқ бўлмаса!

Мактаб жуда жонимга тегди. Тезроқ китоб-дафтардан  
қутулса м дейману, лекин дадам ўзи ўқимагани учун бутун  
орзу-умидини менга тиккан. Лицейни битирганимдан кейин  
мени олий маълумот олиш учун чет элга юбормоқчи. Шу ху-  
сусда ҳозирданоқ дадам билан ойимнинг муросаси келиши-  
май турибди. Ойимнинг мени юборгани кўнгли йўқ, соғиниб  
қоламан, дейди.

Билмадим, сенга қалай-ю, лекин менинг назаримда вақт  
жуда секин ўтаётганга ўшайди. Катта имтиҳонларга неча  
кун қолганини ҳисоблаб юриш учун ўзимга қўлбона кален-  
дарь қилиб олганман. Якшанба ва каникуллар ҳисобга олин-  
маса, имтиҳонларга кўпам вақт қолгани йўқ. Лекин ҳар  
ҳолда кунлар жуда имиллаб ўтятти-да.

Сенга ҳамиша шод-хуррамлик ва сиҳат-саломатлик ти-  
лайман.

Аҳмад Тарбай

## Сендан буни кутмаган эдим

Истамбул, 7 декабрь, 1963 йил

Аҳмад!

Менга канда қилмай хат ёзиб турганинг учун раҳмат. Энг  
сўнгги хатингни ўқир эканман, қизиқ-қизиқ воқеалар фақат  
сенда учрар экан-да, деб ўйлаб қолдим. Еки сен буларни  
атайлаб бўрттириб ёзяпсанми? Ҳар гал хатларингни завқ  
билан ўқиб чиқаман. Энди мен ҳам қўлимдан келганича сен-  
дан ўрганишга ҳаракат қиласман.

Утган куни бизнинг синфимизда ҳам қизиқ бир ҳодиса рўй  
берди. Танаффусга чиққанимизда роса мириқиб кулдик. Дарс-  
да кулишга имкон бўлмади, чунки ўқитувчимиз ҳаддан таш-  
қари жигибийрон бўлган эди.

Менга тақлид қилмоқчи бўлиб, ҳақиқатни бўрттириб ёзяп-  
ти, деб ўйлама. Мен бор гапни оқизмай-томизмай айтиб бера-  
ман. Ичимдан ҳеч нарса қўшмасликка ҳаракат қиласман.

Дастлаб мен сени шу воқеанинг қаҳрамони билан таниш-  
тириб ўттай.

Синфимизда Усмон деган бир бола бор. Ўзи аълочи. Ариф-  
метикага айниқса уста. Ҳамиша саранжом-саришта юради.  
Довотида нуқул ранг-баранг қаламлар бўлади, ҳаммасининг  
учи силлиқ қилиб очилган. Нега унинг қаламлари ҳечам син-  
майди, деб ҳайрон бўламан. Мен бундай қиломайман. Қалам-  
ларим ўзидан-ўзи ерга тушиб, синаверади. Қерак бўлиб қол-  
ганида папкамдан бирорта ҳам учи бутун қалам тополмай-  
ман. Ойим шүнисига ҳам шукур қил, деб мени юпатади. Чунки  
опам ўқиганда папкасида умуман қалам турмас экан, доим  
йўқотиб юаркан. Демак, мен опамга қараганда анча сариш-  
та эканман.

Усмоннинг ёзма ишлари бирам кўркам бўладики! Ҳарф-  
лари марварид донасига ўшаб алоҳида-алоҳида ажралиб  
туряди. Ёзма ишининг ҳар бир бетини у рангли қаламлари  
билан чиройли қилиб безайди. Кўрган кишининг ҳаваси кела-  
ди. Ўқитувчимиз унинг ишларини ҳамиша бизга ўрнак қилиб  
кўрсалади. Мен ҳам Усмонга ўшаб чиройли ва озода ёзмоқ-  
чи бўламану, лекин нуқул хатим суйкалиб, бўёқлар чапла-  
шиб кетади.

Сизларда қандоқ, билмадиму, аммо бизнинг ўқитувчимиз  
худонинг берган куни синфа ёзма иш ўтказади. Бу ҳам  
етмагандек кун ора уйга ҳар хил саволлар бериб юборади.  
Буларга ҳам ёзма жавоб беришм керак.

Бир куни Усмон:

— Ўқитувчи ҳамма ёзма ишларимизни ўқишга кўзим ет-  
майди,— деб қолди.

Мен ҳайрон бўлдим.

— Ўқимайдиган бўлса нега бизни овора қиласди?

Усмон фикрида қатъий туриб олди.

— Хўш, ўқимаслигини нима билан исбот қиласан?— луқ-  
ма ташлади бир бола.

— Кўриниб турган нарса бу. Мана, хомчут қилиб кўрай-  
лик. Ҳар куни бир марта ёзма иш ўтказадими?

— Тўғри,— бир оғиздан тасдиқлади ҳамма.

— Кун ора уйга ҳам ёзма иш бериб юборадими?

— Шундоқ.

— Мана энди ҳисоблаб кўрамиз. Синфда неча кишимиз? Эллик иккими?

— Ҳа.

— Демак, ўқитувчимиз бир кунда эллик иккита иншони ўқиб чиқиши керак. Бундан ташқари, кун ора уйга ҳам вазифа беради. Бир кунга йигирма олтидан тўғри келади. Бояги эллик иккига йигирма олтини қўшсак, етмиш саккиз бўлади. Демак, бир кунда у етмиш саккизта ишни ўқиб чиқиши керак экан. Қани, айтинг-чи, уйига қайтгач, у ёзма ишларимизни қачон кўра бошлайди?

— Узи билади. Сенга нима?

— Ҳисобга керак ахир. Битта ишни неча минутда кўриб чиқиши мумкин?

Усмон дарров ҳисоблаб чиқди. Маълум бўлишича, ҳамма ёзма ишларни кўриб чиқиш учун камидан ўн бир соат вақт керак бўларкан. Ўқитувчимиз кечаси билан мижжак қоқмай чиқкан тақдирда ҳам бунга қурби етмас экан.

Буни ёшитиб, болалар чурқ этмай қолишиди.

— Ҳар ҳолда ўқиса керагов,— дедим жимликни бузиб.

— Ҳа, албатта, ёзма ишларимизни кўришга кўради,— жавоб берди Усмон.— Лекин ҳаммасини эмас. Танлаб кўради.

Орадан бир-икки кун ўтган эди, қизлардан бири менга:

— Усмоннинг тахмини тўғрига ўхшайди,— деб қолди. Кейин бир воқеани айтиб берди.

Дугонамнинг уйи ўқитувчинига яқин экан. Эрталаб мактабга келаётганида бирдан шамол кўтарилибди. Бундоқ қараса, ерда ҳар хил қофозлар сочилиб ётганмиш. Керакли нарса бўлмасин тағин, деган хаёлда у энгашиб бир варақ қофозни олибди. Бундоқ ўқиб қараса, ўзининг кечаги ёзма иши эмиш. Олдинига ҳайрон бўлибди. Бу ерга қаердан келиб қолдийкин, деб атрофига аланглабди. Кейин ўқитувчимизнинг уйи олдидаги ахлат қутисига кўзи тушибди. Қути тўла қофоз эмиш.

— Ишонмасанг, мана, ўзиңг кўр!— дейа у менга қўлидаги

ғижим қофозни узатди.

— Ёзма ишларимизни кўриб чиққанидан кейин бирор ерга ташлайди-да. Нима, уларни сандиққа бисот қилиб босиб кўйисинми?— дедим пинагимни бузмай.

Тарих дарси эди.

— Хозир ўқитувчимизни бир синааб кўраман. Қани, ёзма ишларни қўрармикин ёки йўқми,— деб қолди бир пайт Усмон.

— Нима қилмоқчисан?

— Кейин қўрасан.

Ўқитувчимиз саволларни доскага ёзди. Ҳаммасига ёзма жавоб беришимиз керак. Мана, ўша саволлар: «Дафтардор,

нишончи, бейлербейи, ажамиўғлон деб кимга айтилган? Султон Иброҳим даврига характеристика беринг».<sup>1</sup>

Усмон танаффусда нима иш қилганини гапириб берди. Рона кулишдик. Гапига қараганда, у султон Иброҳим даврига характеристика берадиганида озгина тўғри сап қилибди-да, бу ёни ичидан тўқибди. Кейин султон Иброҳимга атаб бир хат ёзибди. Хатнинг бошига: «Тентакларнинг тентаги бўлган султон Иброҳим тога!» деб ёзиб қўйибди.

Шундан кейин бошқа саволларга ўтиби. Ёзган жавоблари шу эмиш.

«Бейлербейи — Босфор бўйидаги бекатнинг номи».

«Дафтардор — дафтари бор одам».

«Нишончи — мерган дегани. Синфимиздаги Четин деган боланинг лақаби шунаقا. Биз уни кўр мерган, деб чақирамиз. Чунки футбол ўйнаб қолсак, дарвоза бир чеккада қолиб, у нуқул тўпни деразага қараб тепади. Унинг дастидан мактабда бугун ойна қолгани йўқ».

«Ажамиўғлон синфимиздаги Ризо деган боланинг нақ ўзи. Ҳечам ланка ўйнашни билмайди. Нуқул бизга малайлик қилгани қилган».

Усмоннинг гапларига унча ишонмадик. Ҳар ҳолда аравани қуруқ олиб қочган бўлса керак.

Эртасига у тоза ҳадиксираб қолди. Икки-уч кунгача юрагини ҳовучлаб юрди-ю, лекин ўқитувчи бир оғиз бир нима демаганидан кейин анча ўзини босиб олди. Шу-шу у кўзбўя-мачиликка ўрганиб қолди. Айтишича, саволларга бир-икки қатор тўғри жавоб бераркан-да (ўқитувчининг кўзини шамгалат қилиш мақсадида), бу ёғига хоҳлаган нарсасини ёзавераркан.

Усмон бизни лақиллатяпти, деб ўйлаб юрган эдик, лекин кечаги воқеадан кейин сира шубҳа қолмади.

Воқеа бундай бўлди. Биринчи дарсга кириб, синфда ўтирган эдик. Салдан кейин эшик очилиб, ўқитувчимиз кириб қолди. Доим хушчақчақ юрадиган одамнинг бугун қовоғидан қор ёғилиб туриби. «Салом, болалар!» деб ўдагайлаганича жойига бориб ўтириди.

— Қани, Усмон, ўрнингдан тур-чи!

Усмон жойидан қўзғалди.

<sup>1</sup> Изоҳ. Бу сўзларнинг ҳаммаси Туркия тарихига оид. Дафтардор — бирор вилоятнинг молия ишлари билан шуғулланган шахс. Нишончи — подиоҳ аъёнларига инъом этилуви имтиёз қофозларига сарой муҳрини босадиган шахс, муҳрдор. Бейлербейи — кичик вилоят ҳокими, тўра. Ажамиўғлон — ҳали ҳарбий таълимни туталмаган аскар. (Тарж.)

— Яқинроқ кел!

Усмон унинг олдига борди.

— Болалар! Икки кун олдин мен табинёт дарси бўйича сизлардан ёзма иш олган эдим. Эсингиздами? Мана ҳозир синдошингиз Усмон ёзган ишни ҳаммамизга ўқиб беради.

Усмон лавлагидек қизариб кетди.

— Кани, ўқиб бер-чи! Нима ёзган бўлсанг, барини ўқи! Саволларни ҳам қўшиб ўқи!— деб ўқитувчи қўлидаги ишни унга узатди. Усмон ноилож ўқий бошлади.

«Савол 1. Шамол нима? У қандай ҳосил бўлади?

Жавоб. Ҳаво исигандан кейин унинг ҳажми кенгаяди, оғирлиги камаяди, натижада у тепага кўтарилади».

— Ўқи, ўқи, давомини ўқи!

— Тепага кўтарилиган шамол... шамол... шамол...

Усмон ғўлдираб қолган эди, ўқитувчи ўшқирди:

— Ҳа, шамолга нима қипти?

— Шамол «Галатасарой» командасиiga кўп халақит берди. Уйиннинг биринчи яримида «Галатасарой» командаси шамолга қарши ўйнади. Лекин шўнга қарамай галатасаройчилар чиройли комбинациялар ишлатиб, зўр маҳорат кўрсатишди. Уйин жуда шиддатли бўлди. «Анқаракучи» командаси галатасаройчиларнинг зарбига бардош беролмади. Қаттиқ кураш вазиятида ўтган бу ажойиб ўйинда галатасарой футбол командаси 2:1 ҳисоби билан ютиб чиқди.

«Савол 2. Бўрон деб нимага айтилади?

Жавоб: Секундига йигирма метрдан кўп тезлик билан эсадиган шамол бўрон деб аталади. «Галатасарой» командаси «Митхатпошо» стадионида чинакам бўрон ясаб турган эди. Аммо судья ўз вазифасини яхши эплолмади. Метин Шукрига бўрондек ҳамла қилган эди, Шукри оёғига туролмай йиқилиб тушди. Судья бунинг учун пенальти берди. Стадионда ўтирган футбол ишқивозлари бундан қаттиқ ғазабландилар».

Кулгидан ўзимизни зўрга тийиб ўтирибмиз. Орамизда пиқиrlab кулганлар ҳам бўлди. Усмоннинг овози титрай бошлади. Хижолатпазлидан йиглаб юборадиган ҳоли бор.

— Бу нима қилганинг, Усмон?

Усмон ўқитувчига жавоб бериш ўрнига юзини тескари олди.

— Мен сени яхши ўқувчим деб билардим. Бу ишни сендан кутмаган эдим. Бор, жойингга ўтири!

Ростини айтсам, Усмон қўлга тушганидан ич-ичимдан хурсанд бўлдим.

— Ҳўш, қалайсан энди!— деб танаффусда уни майна қилдим.— Ёзма ишларимизни текширар эканми?

Иттифоқ ўша куни кечқурун уйимизга меҳмон келди.

Ойимнинг дугонаси экан. Мен уни илгари ҳечам кўрмаганман. Меҳмон қайси мактабда, нечанчи синфда ўқийсан, деб мендан сўраб қолди. Мен жавоб бердим.

— Муаллиминг яқин дўстим бўлади,— деди у жавобимни ўшиштагач. Кейин ойимга ўгирилиб, қизиқ гапни айтиб берди.

— Кеча бир кўриб ўтайди, деб ўшанинг уйига борган эдим. Антиқа бир иш бўлди. Столининг устида бир қулоқ қофоз уюлиб ётган экан. Бу нима, деб сўрасам, ўқувчиларимнинг ёзма иши, деди. Шунча ишни қачон ўқиб чиқасаң, ултурмайсан-ку, деб ҳайрон бўлдим. «Ажойиб ўқувчиларим бор. Бирортасининг дафтарини берайми, ўқиб кўрасанми», деб қолди. Танлаб-танлаб, бирини узатди. Боланинг хати чиройли экан, жуда равон ёзибди. Сарлавҳаларнинг остини рангли қалам билан эринмай чизиб чиқибди. Муҳим сўзларнинг остига ҳам қалам тортилған. Ёзма иши шамолдан экан. Озгина ўқишим билан оғзим очилиб қолди. Боласи тушмагур шамолни тушунтириб бериш ўрнига «Галатасарой—Анқаракучи» командалари ўртасидаги футбол ўйинини таърифлабди. Узиям тоза мириқиб кулдим. Дўстим ҳайрон бўлди. Нега кулаётганимни сўради. Ёзма ишни ўзига бердим. Ўқиб чиқди-ю, тепа сочи тик бўлиб кетди. Мен уни яхши ўқувчим деб юрадим, шу ишни қиласди, деб ўйламовдим, деди.

Усмон яна ҳақ бўлиб чиқди. Очигини айтсам, мен ҳам ўқитувчимиздан шу ишни кутмаган эдим. Қаттиқ ранжидим.

Мана, бўлган воқеанинг ҳаммасини ёздим.

Омон бўл, қадрдон дўстим Аҳмад. Тез-тез хат ёзиб тур. Хўлми? Синдош ўртоқлардан ҳам дарак бер. Хатингни кутаман.

Зайнаб Елқур

## Виждон азоби

Истамбул, 7 декабрь, 1963 йил

Зайнаб!

Нима ёзсан, шуни мақтаяпсан. Бу билан сен мени яхшироқ ёзишга даъват этяпсан. Илиқ гапларинг учун раҳмат. Бир хатингда: «Сен нуқул куладиган нарсаларни ёзасан» деган эдинг. Эсингдами? Бу галгиси кулгидан йироқ, юракни эзиб юборади. Воқеани ўқитувчидан ўшиштадик. Бизга жуда-жуда таъсир қиласди.

Тунов куни дарсда Ҳусайн китобдан бир нимани ўқиб берастган эди, виждон азоби, деган биринкмага дуч келди. Ўқитувчимиз уни тўхтатиб, виждон азоби нима эканини биз-

га роса тушунтириб берди. Кейин «мана шунга виждан азоби дейилади. Тушунарлами?» деб сўраган эди, ҳаммамиз «тушунарли, тушунарли» деб айтдик.

— Тушунарли бўлса, энди бунга мисол келтирамиз.

Яшар қанақа бола эканини ўзинг биласан. Ҳозир ҳам орқа партада ўтиради. Фикри дарсда эмас, бошқа нарсаларда. Дам ёнидаги маркаларини санаса, дам қоғозга расм чизиб ўтиради. Ўқитувчи тұстадан Яшарни чақириб қолди.

— Қани, Яшар, сен айт-чи, виждан азобига ҳеч учраганмисан?

Яшар ўқитувчининг олдинги гапларини сира эшишмаганди. Чунки ўйин билан овора эди. Лекин қув бола эмасми, «Ха, дедим, тутилдим, йўқ, дедим, қутулдим» қабилида иш кўрганим маъқул, деб ўйлади. Шунинг учун:

— Йўқ, ўқитувчим, сирайм виждан азобига учрамаганман,— деб жавоб берди.

— Ия, бу қандоқ бўлди?! Виждонинг ҳечам әзобланмаганими?

— Ҳечам, ўқитувчим.

Нашъя ҳамиша маҳмаданалик қиласди. Ўқитувчининг кўзига бўзрайиб, қараб туради-да, секин қўлини кўтаради. Шундайм тинч ўтиромайди, ҳадеб:

— Мен айтиб берай. Менга сўз беринг, менга сўз беринг,— деб жаврайверади.

— Ҳа, майли, Нашъя, сен айтиб бера қол. Қани, неча марта виждан азобини тортгансан, нима воқеа рўй берган, эшитайлик.

— Виждан азобига кўп учраганман,— жавоб берди Нашъя керилиб.

— Бўйласа эшитайлик.

— Қайсисини айтиб берай?

Синфагилар шарақлаб кулиб юборди. Шўринг қурғур Нашъя вақтдан ютмоқчи бўлган эди-да.

Ўқитувчимиз ҳам мийифида кулиб қўйди.

— Оббо Нашъя-ей! Виждонинг жуда кўп азоб тортган экан-да?! Майли, ўзингга маъқулини гапириб беравер.

Нашъя одатдагидек ғўлдирай бошлади. Одатини ўзинг биласан, ҳамиша шунақа қиласди. Гапни роса резинкацай ҷўзади. Бу сафаргиси айниқса ошиб тушди. Охири:

— Қаттага иззат, кичикка ҳурмат кўрсатиш керак,— деб мингиллади.

Унинг бу насиҳатомуз гапи ўқитувчини ҳам қизиқтириб қўйди.

— Хўш, иннайкейин? — сўради у Нашъани баттар ҳовлиқтириб.

— Бир хотин ўғлига шу гапни айтиб турган экан, қўққисдан кўча эшиги тақиллаб қопти. Бояги хотин деразадан мўралаб қараса, қайнатаси эмиш. Дарҳол ўғлини чақирибдида: «Бор, эшикни оч, буванг келди, мени сўраса, уйда йўқлар деб айт», дебди. Бола югуриб бориб эшикни очипти, кейин: «Буважон, ойим уйда йўқлар, кўчага чиқиб кетувдилар», дебди. Буни эшишган чол неварасига: «Ўғлим, ойингга бориб айт, кўчага чиқиб кетадиган бўлса калласини деразага қўйиб кетмасин», деб орқасига ўгирилиб кетавериби.

Нашъя-гапини тугатгач, чуқур тин олди.

— Бу гапнинг сенга алоқаси борми?

— Йўқ, мен буни бир журналда ўқиган эдим.

— Ундаи бўлса бунинг сенга нима дахли бор?

— Менга эмас, ўша боланинг онасига дахли бор. Виждан азобини у тортган.

Ўқитувчимиз ҳаммадан бир-бир суриштириб чиқди. Маълум бўлишибча, орамизда ҳеч ким виждан азобига учрамаган экан. Ҳамма бировларни мисол қилиб келтирди.

— Демак, сизлар виждан азоби нималигини ҳали билмас экансизлар,— деди ўқитувчи савол-жавобдан кейин.— Бирор шахс бирор ножӯя иш қилган ва кейин ўзи пушаймон бўлган тақдирда у виждан азобига дучор бўлади. Унинг бу ножӯя ҳаракати кимгадир оғир ботиши керак.

Ўқитувчи бир оз ўйланқираб турдй-да, кейин қўшимча қилди:

— Ҳозир мен сизларга бир воқеани айтиб бераман. Виждан азоби учун типик мисол бу.

Ҳаммамиз жим бўлдик.

— У пайтлари биз лицеяда ўқирдик. Дириекторимиз жуда баджаҳл одам эди. Ўқишлиарни бошлаб юборганимизга энди иккичу кун бўлган. Синфимизда янги бола пайдо бўлди. Бошқа мактабдан ўтган экан. Ҳали унинг исминиям билмасдик. У доим бир қўлини шимининг чўнтағига тиқиб юрарди. Ҳали яхшироқ танишиб олмаганимиз учун нега бундай қилиб юришини сўрамаган эдик.

Бир куни катта танаффусда лицей ҳовлисида ўйнаб юрган эдик, бирдан директор келиб қолди. Янги болага кўзи тушган бўлса керак, дарҳол уни чақириди. Бола югуриб олдига келди. Келишга келдй-ю, лекин чўнтағидан қўлини олмади.

Ўйин таққа тўхтади. Боланинг қўли ҳамон чўнтақда. Ҳаммамиз хавотирга тушдик. Чунки директор қанақа баджаҳл одам эканини биламиш.

— Нега қўлингни чўнтақка тиқиб турибсан? — ўдағайлади у.

Янги бола бошини қуий солганича чурқ этмай тураверди.

— Чиқар қўлингни!

Директор қаттиқ ўшқирди. Бола қимир этмади.

— Қармисан, сенга айтяпман!

— Эшилдим, афандим,— зўрға жавоб берди у.

— Эшилган бўлсанг, нимага серрайиб турибсан! Ол қўлингни!

Бола секин бошини кўтариб, атрофини ўраб олган тенг-қурларига, кейин эса қаршисида турган директорга мўлти-раб қаради. Аммо чўнтақдаги қўлини қимирлатмади.

— Безорихона эмас бу ер! Айтган гапни қил, абрах!

Қони қайнаган директор қулочкашлаб туриб боланинг бетига қаттиқ тарсаки туширди. Бола гум этиб ерга ағдарилиди. Шимининг чўнтағига тиқилган чап енги шалвираб, ёнига тушди.

Ҳамма турган жойида қотиб қолди. Ўртага мудҳиш сукунат чўкди. Директор сурат бўлиб қолган эди.

Бола қўлсиз экан. Бир қўли йўқлигини бизга билдирамаслик учун енгини шимининг чўнтағига қайириб юаркан.

Директорнинг кўзига ёш келди. Ерга энгашиб болани ўрнидан турғазди. Кейин синиқ оҳангда:

— Шуни илгарироқ айтсанг бўлмасмиди, бўтам,— деганича уни қўлтиғидан олиб, хонасига бошлаб кетди.

Ўша кунги воқеадан кейин қўлсиз болани мактабда қайта кўрмадик. Бола бечора умуман мактаб остонасига бошқа қадам босмабди. Директор унинг уйига бориб, ўзидан ва отонасидан кечирим сўради. Мактабга қайтиб келсин, ўзим унга қараб юраман, деб ялинди ҳамки, бола бу даргоҳга қайта қадам босмади.

Ўқитувчимиз ҳикоясини тугатгач, синфа чуқур жимлик чўкди. Ҳаммани оғир хаёллар чулғаб олди.

Танаффусга қўнғироқ чалинди.

— Шу воқеадан кейин лицей директори бир умр виждон азобини тортиб юрган бўлса керак. Мана, кўрдингизми, виждон азоби шундоқ бўлади,— деди ўқитувчи синфдан чиқаётib.

— Ўқитувчининг ўзиям бошқа одамларнинг виждон азобини гапириб берди-ку,— ҳайрон бўлди Нашъа анча сергакланиб слгач.

Дарвоҳе, тўғри. Ўқитувчимиз ҳам худди бизга ўхшаб бирорвларнинг бошидан кечган воқеани айтиб берган эди.

Ўғилбала гапни Яшар айтди.

— Масала равшан, болалар. Виждон азоби деган нарса ёгасининг эсида турмас экан. Ҳамма бирорвларнини айтиб юаркан.

Эртаси куни Дамир янги гап топиб келди.

— Мен буни дадамдан сўрадим. Дадам болаларда виждон азоби бўлмайди, чунки улар ҳали балогатга етмаган, деб айтдилар. Виждонга тўғри келмайдиган ишлар катталарнинг қўлидан келаркан.

— Биламан, энг тўғри гап шу. Хўш, сенинг фикринг қалай? Шунга қўшиласанми?

Ҳар куни ўқишидан келгач, ойимдан менга хат борми, деб сўрайман. Мени хурсанд қилмоқчи бўлсанг, тезроқ жавоб ёэ. Яхши кунлар ёр бўлсин сенга, Зайнаб.

Аҳмад Тарбай

## Саккиз қизнинг отаси

Анқара, 10 декабрь, 1963 йил

Аҳмад!

7 декабрда ёзган хатингни кеча олдим. Уқитувчингиз жуда аламли воқеани гапириб берган экан. Директордан калтак еб, ерда чўзилиб ётган ногирон бола ҳамон кўз ўнгимда турибди. Бирим юрагим эзилиб кетдик...

Синфимизда Ҳикмат деган бир қиз бор. Шу дугонам яқинда менга бир гап айтган эди, сенга ёзайми-йўқми, деб роса иккиландим. Охири унинг айтганларини хатга солишга қарор қилдим. Сабаби шуки, Ҳикмат бу гапни синфда ҳеч ким билмасин деган эди. Мен ҳам ҳозиргача бирорга айтганим йўқ, сир сақлаб юрибман. Сей Ҳикматни танимайсан, бинобарин унинг сирини сенга айтган билан сўзимдан қайтган бўлмайман. Шундайми?

Мен бу билан дугонамнинг ғийбатини қилмоқчи эмасман. Масала анча жиддийроқ, мени жуда ўйлантириб қўйди. Бу ҳақда сенинг фикрингни ҳам билмоқчиман.

Мактабга янги келган кунларим Ҳикматга унча эътибор бермаган эканман. Беозоргина юрадиган, камгап бола эди. Олдинига мен уни ўғил бола деб юрган эдим. Кўрган одам уни чиндан ҳам ўғил бола дейди. Ўғил болаларга ўхшаб кииниб юради, соchlари ҳам калта қилиб қирқтирилган. Жуда нимжон. Танаффус пайтида қизларга ҳам, ўғил болаларга ҳам қўшилмайди, анча одамови. Кимлигини отига қараб ҳам билиб бўлмайди — Ҳикмат деган исм ўғил болалардаям, қизлардаям бор.

Бир куни физкультура дарси кетаётган эди. Ўқитуеви болаларни икки тўғга бўлди — қизлар бир томонда, ўғил болалар бошқа томонда. Ҳикмат қизлар тўдасига бориб турди.

Олдинига тушунолмай ҳайрон бўлдим. Шундагина унинг қиз бола эканини билдим. Жуда қизиқиб қолдим.

Бир куни Ҳикмат мактабга руҳи қаттиқ эзилган ҳолда келди. Сабабини сўрасам, айтмади. Жуда қўймаганимдан кейин охири:

— Ростини айтсам, мен ҳам бор гапни айтиб, бир оз енгил тортгим келади,— деди.— Аммо ҳамманинг оғзиға тушишдан қўрқаман.

Мен ҳеч кимга айтмасликка сўз бердим. Шундан кейин-гина у бутун дардини тўкиб солди.

Отадан улар саккиз фарзанд экан. Ҳаммаси қиз бола эмиш.

Ҳикматни баъзан мактабга ўзидан каттароқ бир бола олиб келгувчи эди. Мен акаси бўлса керак, деб ўйлаб юрадим.

— Бўлмаса у бола сенга ким бўлади?— деб сўрадим.

— Опам-ку у. Кийимини кўриб ҳамма уни ўғил бола дейди.

Ҳамма опалари шунаقا кийиниб юришаркан. Сабабини сўрадим.

— Дадамнинг раъи шу.

— Хўш, нима қипти? Шунга ҳам хафа бўласанми?

Гапига қараганда, отаси ўғил кўришни орзу қиласкан. Тўнгичига қиз туғилганда роса кўнгли ўқисиб юрибди. Ҳа, майли, кейингиси ўғил бўлар, деб ўзини овутибди. Ҳатто ирим қилиб, чақалоқ туғилмасданоқ отини таёrlаб қўйипти. Ганлаган исми ўғил боланики экан. Гўё бола исмга қараб туғиладигандек... Унинг яна омади келмаптими ёки аксига олибми, хуллас, иккинчисига ҳам қиз кўрибди. Ота неча ҳафтагача кар-соқов бўлиб юрибди. Таниш-билишлари уни юпатиб, «ҳали ўшсан, яна кўп фарзанд кўрасан» дейдиган бўлса, «булар ҳам қиз бўлса нима қиласман» деб ич-ичидан куюнармиш. Яна фарзанд кўрадиган бўлишибди. Учаласи ҳам кетма-кет қиз бўлмас ахир. Ота шу умид билан яна ўғил боланинг исмини мўлжаллаб қўйибди. Ўзига ишониб юборганидан хотинини туғруқхонага жўнатиши билан ошна-офайниларини уйга чақириб, зиёфат қилиб берибди. Зиёфат айни қизиб турганида туғруқхонага телефон қиласкан экан, яна қиз кўрганини айтишибди. Буни эшитиб, ҳуши бошидан учиди. Лекин номуси зўрлик қилиб, меҳмонларга буни билди. Ҳаммага ўғил кўрдим, деб эълон қилибди. Хотини билан қизларига пўписа қилиб, бирорга гуллаб қўймасликларини қаттиқ тайинлабди.

Ўғилталаб ота ўйлаб-ўйлаб охири хотинидан ажралишга қарор қилибди. У ўғил туғмайдиган хилидан экан, деб ўйла-

ган хотинини қўйиб, бошқасига уйланибди. Тақдирнинг тақозосини қараки, янги келинчак бир йўла эгизак қиз туғиб берибди.. Олдинги хотини бошқа кишига турмушга чиқиб кетган экан, арслондай ўғил кўрибди. «Аҳмоқ эканман, хотинимнинг энди ўғил туғадиган пайти келганда қўйиб юбориб, чакки иш қиласкан эканман», деб боёқишининг ичидан роса қиринди ўтибди.

Ўғил доғида куйиб юрган ота бешта қиз кўрганига номус қилибди. Энди нима деган одам бўлдим, ошна-офайнимнинг юзига қандоқ қарайман, деган андиша билан бошини олиб, бошқа юртларга кетибди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин уйига қайтиб, иккинчи хотинини ҳам талоқ қилибди.

Ҳикмат бу тафсилотларни бошқалардан эшитган экан. Менга ҳам шу эшитганларни гапириб берди.

Ўғил кўришни ният қилиб олган бу одам энди бева бир хотинга уйланибди. Бева учта ўғил кўрган экан, шунинг учун ўғил туғишнинг қонун-қоидасини билса керак, деб ўйлабди.

Карнай-сурнай билан тўй қилишибди. Эр яна бир исмни танлаб, орзу-умид билан хотинини туғруқхонага кузатиб қўйибди. Бу гал ҳам ошна-офайниларига катта ўтириш қилиб берибди. Дам-бадам дастурхон тепасидан туриб, туғруқхонага телефон қоқармиш. Хуллас, ярим кечага боргандана натижа маълум бўлибди. Қовоқ-тумшуғи осилибди-ю, лекин сирни бой бермабди. Меҳмонлар:

— Ҳа, қалай, ўғилми, ҳолва?— деб сўрашган экан:

— Эркакнинг хўрозига хўроз муносиб-да, ҳа!— дебди керилиб. Аммо боёқишининг ичига чироқ ёқса ёrimасди ўшанда.

Дугонам Ҳикмат шу зайлда дунёга келган экан.

Олтинчисига ҳам қиз кўрган шўрлик ота ноилож кейингисидан-умид қилишга мажбур бўлибди. Пешонаси шўр эканми, яна умид пучга чиқибди — қиз кўришибди. Шундан кейин анча вақт хотини туғмай юрибди. Эри энди бўлди, қўяман, деб юрганида хотини яна оғироқ бўлибди.

— Яна қиз туғадиган бўлсанг, ўшанақаси кетавер, уйга қайтиб келма!— деб пўписа қилибди эри уни туғруқхонага элтиб.

Ҳикматнинг онаси ҳам «илоҳим ўғил бўлсин» деб кўп зорланибди-ю, аммо дуоси ижобат бўлмабди. Яна қизмиш. Бунисига Суад деган исмни танлаб қўйишган экан. Суад бўлса Суад-да! Ўғил болагаям, қиз болагаям бўлаверади бу исм.

Ҳикматнинг онаси туғруқхонанинг бош ҳамширасига йиғламоқдан бери бўлиб аҳволини тушунирибди. Мабодо эрим телефон қилиб қолса, қизлигини айтманг, деб ялинибди.

— Суюнчини чўзаверинг, ўғиллик бўлдингиз,— дебди бош ҳамшира ҳам отани қутлаб.

Боши осмонга етган ота юратини қўлтиқлаб туфруқхонага югурибди.

— Қани, қани, азamat ўғлимни бир кўрай!— деб туриб олган экан, йўргакланган чақалоқни кўрсатишибди.

— Уч ойгача уйимиз тўйхонага ўхшаб тўлиб турди,— ҳикоясини давом эттириди Ҳикмат.— Дадам ҳамиша чақалоқни «валиаҳдим», «шаҳзодам» деб чақираради. Шаҳзоданинг онаси — маликага кунига ҳар хил совға-саломлар келарди. Биз ҳам эркин нафас ола бошладик. Қиз бўлиб туғилганимизни дадам энди юзимиға солмасди. Дадамиз Суадни яланғоч ҳолда кўриб қолмасин, деб ҳаммамиз ўлиб-қутулардик. Дадам келгунча ойим чақалоқни ювиб-тараб, тагини алмаштириб қўярди. Дадам бор пайтларида Суадни чўмилтирамасдик! Бир кунмас-бир кун сир ошкор бўлиши аниқ эди-ку, лекин биз ўша машъум кунни нарироқ суришга қўлдан келганча ҳаракат қиласардик. Унгача дадамиз анча ҳовуридан тушиб қолар, деб ўйлардик.

Дадам ширакайф бўлиб келган кунлари «ҳаммаларинг ўғлимдан айланиб-ўргилларинг», деб қоларди. Кейин шаҳзодани бир чўмилтираман, деб оёғини тираб туриб олар, ойим эса қўйинг ҳозир, ўзи сал шамоллаб турибди, деб уни зўрга шаштидан қайтарарди. Эҳ, бундан иккى кун олдин уйимизда қиёмат қойим бўлди... Ҳаммамиз ухлаб ётган эдик, бирдан шовқин кўтарилиди. Уйгониб кетдик. Дадам овозининг бори-ча бақирав, ойим эса ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Кечаси дадам нима бўлиб ҳам Суад ўғил бола эмаслигини билиб қолибди. Роса тўполон қилди. Чақалоқни оёғидан даст кўтариб олганча, ҳадеб: «Мени алдабсанлар... Ўғилларинг шуми ҳали» деб бўкирарди, Суад бечора биғ-биғ йиғлайди.

Охири дадам чақалоқни ойимга қараб ирғитиб юборди.

— Йўқолларинг кўзимдан! Мени роса чув туширибсанлар... Эсиз-эсиз кетган пулларим... Жўналаринг уйимдан!

Дадам бизни уйдан ҳайдаб чиқарди. Қўшнимизнида тунни ўтқаздик.

Ҳикмат ҳўнграб йиғлаб юборди. Дадаси билан ойиси энди ажралишармиш.

Кетма-кет саккизта қиз кўрган одамга олдинига кулдим, кейин Ҳикматга қўшилиб, мен ҳам йиғлаб олдим.

Ўша куни мактабдан қайтгаҳ, ойимни сўроқза тутдим.

— Ойи, опам туғилганида дадам хурсанд бўлганмилар?

— Ҳа; албатта.

— Мен туғилганимда-чи? Ундаямми?

Ойим жерқиб берди:

— Кўп вайсама! Бор, ишингни қил!

Мен ойимни ўз ҳолига қўймадим.

— Айта қолинг, ойижон, дадам мени эшитиб, хафа бўл-ғанларми-йўқми?

— Буниси ўғил бўлади, деб ўйлаган эди.

— Метин туғилганида роса суюнган бўлсалар керак-а?

— Ҳа, ўзини қўярга жой тополмай қолган. Ўртоқларини чақириб, катта ўтириш қилиб берган.

— Борди-ю, Метиннинг ўрнига яна қиз кўрганингизда нима бўларди, ойи?

— Қайдам.

— Дадам ўғил бўлсин, деб туриб олармидилар?

— Ким билади дейсан... Эҳтимол шундайдир. Ҳўш, на-мунча суриштириб қолдинг буни?

— Ўзим, шундоқ.

Томоғимга бир нима қадалгандай бўлди. Ташқари чиқиб кетдим.

Ҳикматнинг бошидан ўтган воқеа мени жуда ўйлантириб қўйди. Ӯшандан бери бир фикр менга тинчлик бермайди— ҳўш, баҳтсиз одам қиз бола бўлиб туғилади-ю, пешонаси ярқирагани ўғил бўлибми?

Бу хусусда сен нима фикрдасан? Шуни билмоқчиман.

Ойим боядан бери «ёт энди, кеч бўлди» деб қўймаяпти. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Майли, ётсам ёта қолай. Эртага мактабдан қайтишда хатни почтага ташлайман.

Омон бўл, дўстим Аҳмад.

Зайнаб Елқир

## Ҳали ёшлиқ қиласан

Истанбул, 14 декабрь, 1963 йил

Зайнаб!

Хатингни ўқир эканман, йиғлашимниям, кулишимниям билмай қолдим. Дугонанг Ҳикматга қаттиқ ачиндим. У бечоранинг авҳоли нима кечади энди. Оиласида бирор янгилик рўй берса менга ҳам хабар қил, билай.

Бахт деган нарса қиз ёки ўғил бўлиб туғилишга боғлиқ экани илгари ҳечам хаёлимга келмаган экан. Шунинг учун дадамдан фикр сўрадим. Дадам буни узоқ тушунтириб бердилар. Гапларининг асосий мазмуни шу бўлди: ўртада ҳеч қандай фарқ йўқ, инсоният эркак ва аёлдан ташкил топган.

— Гапингиз тўғри, дада,— дедим.— Аммо сиз қиз бола бўлишни хоҳлармидингиз?

Дадам ўшқириб берди:

— Бу нима беъманилик!

Нимага жаҳли чиққанини тушунолмадим. Гўё ҳозир дадам қайта туғиладигандай.

Айни савонни ойимга ҳам бердим:

— Кошкйди эркак бўлиб туғилсан,— деди у уҳ тортиб. Кечак ўқитувчимиз бизни музейга олиб борди. Қайтишимизда ундан ҳам шуни сўрадим.

— Нега сўраяпсан буни?— ҳайрон бўлди у.

Мен бор гапни айтаб бердим.

— Бу— катталарнинг иши, сен ҳали тушунмайсан, қўй бу гапни,— деди у охири.

Шунақа гапни эшитсан, қоним қайнайди. Бизни нуқул ҳеч нарсага ақли етмайди, деб ўйлашади.

Бир куни ўйимизда қизиқ гап бўлди. Укам ниманидир тушунмай дадамдан сўради. Дадам бўлса:

— Сен ҳали ёшсан, бундай нарсаларга тушунмайсан,— деб қўя қолган эди, укам яна қисталанг қилди:

— Сиз тушунтиришга уриниб кўринг, дада, тушуниб қоларман балки.

Дадам унинг гапини ҳали-ҳали эслаб қўяди.

Мен бир нарсага ҳайронман. Катталар бирор гапни тушунтириб бериш ўрнига нега бизга нуқул «ҳали ёшсан, ақлинг етмайди» дейишаркин-а?

Яқинда қизиқ бир гап бўлди. Мана эшит, гапириб бераман.

Ойим укамни олиб, қўшиларнига чиқибди. Бир гала хотин-халаж ўтирган экан. Шулардан бири ҳомиладор бўлиб, бола кўришни истамас экан. Ҳамма ўз билганича унга маслаҳат берибди. Укам буларнинг гапига парво қилмай бир бурчакда тинчгина ўйнаб ўтирган экан, бир жувон: «Хой, овсин, ёш бола бор-а, эшитиб қолмасин тағин», дебди. Укам бу гапни эшитиб, қулогини динг қилибди. «Э, парво қилманг, гўдак нарса нимани тушунарди», дебди иккинчиси. Бу гап укамга қаттиқ ботибди. Ўйинчоқларини ўйнаб ўтирган бўлиб, ҳамма гапни эшитиб олибди. «Қўйинг, эшитиб қолали», «Эшитган билан барибир тушунмайди, ақли кирди-чиқди ҳали» деган гап-сўзлар ҳам қулогига чалинибди.

Кейин билсак, укам ҳамма нарсага ақли етишини кўрсатиб қўйиш учун пайт пойлаб юрган экан.

Тунов куни ўйимизга меҳмонлар келишди. Ҳамма ўтирган эди, укам меҳмонлардан бирига қараб тўсатдан:

— Ҳомиладор экансиз-а, хола?— деб қолса бўладими.

Ҳамма қотиб қолди. Кейин ноилож кулганлар ҳам бўлди,

— Шундай, ўғлим,— деди бояги жувон ўнғайсизланниб.

— Энди тугасизми?

Дадам билан ойим кўз уриштириб олишди. Укам ҳамма нарсага ақли етишини исботламоқчи бўлди шекилли, яна валдираб берди:

— Битта холани кўрдим, қорни катта-ю, лекин туғмайман, деди. Ойи, тўгрими гапим?

Ойим лавлагидек қизарниб кетди.

Бу ноқулай аҳволдан чиқиш учун эркаклар гапни бошқа ёққа буришди. Лекин укамнинг жағи тинмади. Ҳамма эшитган гапларини оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

— Бас энди, жим бўл!— жеркиб берди ойим.

Укам яна жаврай кетди. Эшитган-билган нарсаларини тўкиб солди. Меҳмонлар кулишган бўлди. Охири ойим уни кўлидан ушлаб, нариги хонага олиб кетди. Укам ёўнг-ҳўнг ийғлаб:

— Ҳа, ҳеч нарсага тушунмас эканманми... Ҳаммасига ақлим етибди-ку... Нимага мени тушунмайди дейсишлар,— деб уйни кўтарди.

Ойим укамни тинчтитгач, хонага қайтиб кирди.

— Шу замоннинг болаларига ҳайронман. Ҳамма нарсага ақли етади-я,— деди бояги жувоннинг эри.

Мен олдинроқ лип этиб ўрнимдан туриб кетган эдим.

Тўғрисини айтсан, укамнинг бу қилиғидан кўп хурсанд бўлдим.

Дарс пайтида ўқитувчимиз мен нима хаёлда ўтирганимни сезандай:

— Юртимизда республика эълон қилингач, эркаклар билан аёллар тенг ҳуқуқса эга бўлди. Энди ҳар соҳада уларнинг ҳуқуқи тенг, ўртада заррача фарқ йўқ,— деди.

Бу гап Яшарнинг эркаклик нафсониятига оғир ботди.

— Ҳечам фарқ йўқми?

— Асло.

— Ростданми?

— Ҳа!— ўшқирди ўқитувчи.

— Ундан бўлса нимага «хотин-қизларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти» тузилган? Нега эркакларники йўқ? Ойим шу жамиятга аъзо, биламан буни.

Бефаросат Нашъя луқма ташлади:

— Жониворларни ҳимоя қиласиган жамият ҳам тузилган...

Ўйга қайтаётгандан ҳам нуқул шу ҳақда гаплашиб келдик.

Кечки овқатдан кейин дадам газета ўқиб ўтирган эди. Эълонга кўзим тушди. Янги казино очилибди. Стриптизга тушадиган хотинларнинг яланғоч расми илова қилинган.

— Дада, эркаклар нега стриптиз ўйнамайди?

Дадам газетани бир чеккага улоқтириб, менга галати қилиб тикилди.

— Эсинг жойидами, ўғлым? Эркак кишига бало борми стриптиз ўйнаби?

— Үқитувчимиз бугун эркаклар билан аёллар тенг ҳуқуқли бўлган, деб айтди-ку, ахир. Ҳуқуқ тенг бўлгандан кейин эркаклар ҳам стриптизга тушиши керак-да.

— Эр кишининг йўриги бошқа, ўғлим. Ҳар ҳолда эркак билан хотин кишининг ўртасида қандайдир фарқ бўлиши керак.

Иш тикиб ўтирган жойида ойим гап ташлади.

— Нимасини айтасиз. Эркак киши кечаси билан кўчада сангиб юрса ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Аёл киши қилса-я шу ишни... Дарров бадном бўлади. Бунисига нима дейсиз? Тўғрими шу?

Дадам билан ойим гап талашиб қолишиди.

Менга берган саволинг ҳақида кўп ўйлаб кўрдим. Тагига етолмадим. Қимдан сўрамай, тузукроқ жавоб ололмадим. Менимча, аёл кишининг ҳам, эркак кишининг ҳам ўзига яраша бахти бор. Тарихда жуда кўп оқила, буюк аёллар ўтган. Агар шу аёллардан: «Эркак бўлиб туғилишини истармидингиз?» деб сўралганида нима деб жавоб берган бўлишарди, биласанми? Чамамда, йўқ, истамайман, деган бўлишарди. Ўғил ёки қиз бўлиб туғилишнинг аҳамияти йўқ. Энг муҳими — ҳар ким ўз-ўзидан, ўз ишидан рози бўлсин. Бахт мана шунда.

Сенга чин юракдан муваффақият тилайман.

Аҳмад Тарбай

## Ўмров суюги

Истамбул, 22 декабрь, 1963 йил

Зайнаб дўстим!

Сендан ҳар икки-уч кунда бир марта хат олишга ўрганиб қолган эканман. Кунинга почтальонни кутаман. Мактабдан кела солиб, менга хат-хабар борми, деб ойимдан ҳам сўрайман. Агар сендан хат келмаган бўлса ўзимни қўярга жой топлмай юраман. Одатда сенга хат ёзиб юборганимнинг тўртинчи ёки бешинчи кунинга бориб жавоб олгувчи эдим. Аммо мана тўқиз кун ҳам бўлдики, сендан ҳамон дарак йўқ. Юрагимга ғулгула тушди. Жавобини ҳам кутмай, дарров хатга ўтирадим.

Сенга олдинги хатни ёзиб юборганимнинг эртаси куни синфимизда қизиқ бир ҳангома бўлди. Мана, эшиш.

Анатомия дарсида ўтирган эдик, директор бир одамни бошлаб синфга кириб келди. Билсак, инспектор экан. Инс-

ектор ўқитувчимиз билан алланималарни гаплашиб олгац, ўғиз деган болани ўрнидан турғазди. Ўғизни сен танимайсан. Сендан кейин келган. Илгари Ташрада туришаркан, шу йили Истамбулга кўчиб келишибди. Мактабга биринчи келган куни ёки бу болага қойил қолдик. Нимасига қойил қолдик, биласанми? Ўлгудек чаққон бола экан. Худди маймуннинг ўзи-я... Бечоранинг заиф томони ҳам бор экан. Нуқул дудукланиб гапиравкан. Олдинига болалар дудуғини юзига солиб, калака қилиб юришиди. Ўғиз зарача парво қилмади. Буна-қа гапларни эшишавериб, кўникиб кетганга ўхшайди. Болалар қарашсаки, унинг жигига тегиб бўлмайди, фойдаси йўқ. Шунинг учун ъасхара қилмай қўйишиди. Кейин билсак, ўғиз ўзига ишониб юаркан, шу важдан майдада-чуйда гапларга эътибор бермас экан.

Қайси куни танаффусда ҳовлида ўйнаб юрган эдик, ўғиз дабдурустдан: «Дарахтга ким олдин чиқишидан ўйнайдиз, зўри борми?» деб чираниб қолди. Шу гапниям минг марта тутилиб айтди. Ҳамма мени кўрсатди. Дудук бола билан мусобақа қилишни ўзимга эп кўрмай, рози бўлмадим. Кейин маълум бўлишича, жуда тўғри иш қилган эканман.

— Сен дудукланиб бир марта дарахтга чиққунча мен ўн марта қайтиб тушаман,— деди Чингиз ўртага чиқиб. Шу бемаъни ҳазилгаям кулганлар бўлди.

Ҳовлидаги каштан дарахти эсингда бўлса керак. Шунинг тагига мих билан узун чизиқ тортидик. Ўғиз билан Чингиз иккови чизиққа туришиди. «Бир! Икки! Уч!» дейишимиз билан иккови югурниб бориб каштанга ёпишди. Чингиз оёғини кўтараман деб лапанглаб турган эди, ўғиз бир зумда кўринмай қолди. Бир пайт дарахтнинг теласи шитирлади. Бундоқ карасак, ўғиз аллақаочон каштанинг энг баланд шохига чиқиб олиби. Дудукланиб алланималар деялти. Олдин тушунмадик. Кейин билсак, у:

— Ҳа, Чингиз, каштан сенга ёкиб қолдими дейман, тана-сига маҳкам ёпишиб олибсан!— деб майна қилаётган экан.

Чингиз бир амаллаб юқорига чиқиб олди. Чиқишига чиқди-ю, лекин ярмига борганида яна юқорига кўтарилишга юраги бетламади. Буни кўриб, ўғиз тёпа шохдан пастига абжирлик билан сирфалиб тушди. Чингизнинг олдида бир зум тўхталиб, осонгина яна ерга тушди.

— Қани, яна зўри борми? Ким гаров ўйнайди мен билан?— деди у бизга бир-бир қараб. Ҳеч ким индамади. Шу-шу орамизда ўғизнинг обрўси ошиб кетди.

Мине ўғизнинг шундоққина орқасида ўтиради. Бундай чаққон ва эпчил бола билан олдинма-кейин ўтирганидан Миненинг оғзи қулоғида.

Үғиз икки кун ўқишига келмади. Оғриб қолибди. Дарсга келмаган кунининг эртасига Мине:

— Үғиз нимага дудуқланиб гапиради, биласизларми?— деб қолди. Биз қизиқиб бунинг сабабини сўрадик.

— Менга ўзи гапириб берди,— деди Мине бу сирни фақат ўзи билгандан керилиб.— Болалигигда отаси уни кўп калтакларкан. Қўрқанидан дудук бўлиб қолибди. Ўзи шундоқ деди. Энди дараҳтга чиқишига нега уста бўлиб қолганининг сирини ҳам айтиб берайми?

— Қани, қани, эшитайлик.

— Отасининг жаҳли қўзғаб қолганида у шартта қочиб кетаркан. Кейин отаси таёқ билан ўни қувларкан. Үғиз қўлга тушмаслик учун дараҳтга чиқиб оларкан. Қатта одамни кўтармайдиган ингичка шохлар уни калтакдан сақлаб қоларкан. Шу тариқа у дараҳтга чиқишини ўрганиб олган экан.

Мана, ҳозир инспекторнинг олдиди тик турган Үғиз шу. Деворда учта диаграмма осиб қўйилган. Одамнинг скелети, бош суюги ва ошқозон органлари тасвирланган.

— Бунинг номи нима?— деб сўради инспектор скелетнинг бир жойини кўрсатиб.

Үғиз жавоб бермади.

— Бу суюк нима деб аталади?

Үғиз яна чурқ этмай тураверди.

— Үмров суюги,— шивирлади унинг орқасида ўтирган Мине.

— Үм... ўм... үмров суюги!

— Ҳм... Үндай бўлса буниси нима?

Инспекторнинг бу гапини эшитиб, Үғиз тараддуға тушди. Янгишган эканман, үмров суюгини энди сўраяпти, деб ўйлади шекили яна:

— Үмров суюги,— деб жавоб берди.

Инспектор бу гал тизза косасига ишора қилди:

— Хўш, бунга нима дейилади?

Үғиз бечора бутунлай гангиг қолди.

— Үм... ўм... үмров суюги!

— Ҳа, бу-чи?— дарғазаб бўлиб сўради инспектор. Энди у нариги диаграммадаги бўйин томирларини сўраган эди.

— Үмров суюги, афандим.

Үғиз чалкашиб кетди. Олдинги айтганим хато бўлса керак, үмров суюгини энди сўраяпти, деган хаёлда ҳамма сўраганларига бир хил жавоб бераверди. Гап чиқиши ҳам ниҳоятда қийин, шунинг учун қора терга тушиб кетди. Энди инспекторнинг ўзи ҳам дудуқлана бошлади.

— Жу... жу... жуда соз. Бунинг номи нима?

— Үм... үмров суюги,

Инспекторнинг қони қайнаб кетди.

— Ҳе, бўлди, инсоф билан-да, ахир! Одамнинг танасида ўмров суюгидай бошқа нарса йўқми? Бор, жойингга ўтири!

Кейинги кунларда сенга айтиб беришга арзийдиган воқеа фақат шу.

Бундан олдинги хатимга сендан ҳалигача жавоб келгани йўқ. Нима, чиндан ҳам ётиб қолдингми? Жавоб кутаман.

Аҳмад Тарбай

## Атаманинг туғилган куни

Анқара, 25 декабрь, 1963 йил

Аҳмад!

14 ва 22 декабрда ёзган хатларингни олдим. Катта раҳмат. Етиб қолганим учун хатларингга вақтида жавоб қайтаролмадим. Пича ётиб олдим, шамоллаб қолибман. Барий бир шундайм хат ёсам бўларди-ю, лекин уни қутига ким ташлайди? Ойим билан опамга эса бергим келмади. Аксига юриб, Метин ҳам мен билан баравар оғриб қолди. Кеча оёққа турдим, бугундан мактабга қатнаяпман. Үқишидан келибоқ жавобга ўтирган эдим, ойим сендан хат келганини айтиб қолди. Конвертдаги адресни илгарироқ кўрган экан, шунинг учун:

— Аҳмаддан келибди. Уртоғинг оқибатли экан. Сени эдан чиқармай келяпти,— деди.

Хатингни ўқиб бўлиб, Метиннинг олдига кирдим.. Ҳалиям тургани йўқ. Термометрни қўйиб, иситмасини ўлчадим — 38,2.

Аслида икковимиз арзимаган нарса билан шамоллаб қолдик. Синфимизда Атаман деган бола бор, шунинг туғилган кунига борган эдик. Ӯша ердан касал бўлиб қайтдик. Биздан ташқари яна учта бола ҳам шамоллаб ётибди.

Ота-оналар мажлисида ойим Атаманинг онаси билан танишиб қолган экан, у: «Яқинда ўғлимизнинг туғилган куни бўлади, болаларни олиб албатта келинг, кутамиз», деб айтибди. Кейин уй адресимизни ёзиб олиб, ўзимиз машинада олиб кетамиз, дебди.

Ойим Метин икковимизни юборишга розилик берган экан, у: «Хўжайин билан ўзингиз ҳам келинг. Келмасангиз хафа бўламиз», деб туриб олибди. Ойим ноилож ваъда берибди.

Буни эшитиб, дадамнинг хуноби ошди. «Еш боланинг туғилган кунида бизга нима бор?» деб ғижиниб турган эди, ойим уларга борамиз деб ваъда бериб қўйганини айтди. Хуллас, ҳаммамиз борадиган бўлдик. Атаманин туғилган куни

билан табриклаш учун совға-салом олдик. Мен китоб, Метин эса авторучка тақдим қиласидиган бўлди.

Пешиндан кейин уйимизнинг олдида машина тўхтади. Бизни олиб кетгани келишибди. Дадам Атаманинг отаси билан машинада танишиб олди. Машина ўзлариники экан.

Бироннинг фийбатини қиляпти, деб мендан ранжишинг мумкин. Лекин мен фийбат қиласётганим йўқ. Уларнинг уйида нима кўрган бўлсам, шуни ёзаман.

Улар жуда бадавлат туришаркан. Шундоқина сезилиб турибди. Бир пайт ойим дадамга қараб: «Буларда пул кўпу, дид йўқ экан. Манави жиҳозларни кўр, сирайм бир-бирига мос эмас-а!» деб пицирлаганини эшитиб қолдим.

Атаманинг дадаси ҳар икки гапнинг бирида «каминагиз» ёки «ҳазратлари» деб туришга одатланган экан.

Уй ичи кенгу, аммо меҳмон ҳам кўп. Қолаверса, узун-қисса бўлиб келаётганларнинг ҳали кети кўринмайди. Ўн бештага яқин бола йигилди, лекин катталарнинг сони ўттидан ошиб кетди. Бизга ўшаб бошқа болалар ҳам ота-оналари билан келишган экан.

— Бу нима, ойи, бугун ўзи кимнинг түғилган куни — Атаманикими ёки дадасиникими? — ҳайрон бўлиб сўради Метин.

Бирор жойда Метиннинг оғзидан ножёя гап чиққудай бўлса, ойим уни одатда секингина чимчилаб қўяди. Бу гал ҳам бировга билдирмай аста ўймалаб олган эди, Метин жи-меб қолди.

— Уйимиз торлик қилиб қолди, айланай,— деди Атаманинг онаси ойимга зорланиб.— Худога шукур, обрўимиз жойида, ҳамма йўқлаб келаверади. Чақирмасак, кейин хафа бўлишади. Одамнинг юзи иссиқ бўларкан. Қеласи йил ўғлоннинг түғилган кунини бирон каттароқ ресторонда ўтказмасак бўлмайди. Хўжайнин ҳам кўндириб қўйдим. Барака топкур, бизнинг хўжайнин ҳечам сўзимни ерда қолдирмайди, нима десам, шунга кўнади.

Бу хотин эрини хўжайнин, Атаманин эса ўғлон деб чақи-раркан.

— Бизнинг хўжайнин шунаقا, ҳечам гапимни иккита қилмайдилар. Хўш, сизники қанақа, дурустми?

Ойимнинг бу андишасиз гапга жаҳли чиққанини юзидан сездим.

— Хўжайнин деганингиз ким у?

Атаманинг онаси илжайиб қўйди:

— Хўжайнин деб эрга айтилади-да, овсин. Хўш, у кишиям гапга кўнадиган хилидамилар?

— Уй анча исиб кетганга ўшайдими? — деди ойим гапни бошқа ёқса буриб.

— Ҳа, ўғлоннинг түғилган куни шарафига кўмирни ая-май ёқдик. Батареялар қизиб кетди шекилли... Хўжайниннинг ўзлари яхши одамлару, аммо лекин жуда кўнгиллари бўшда. Ўғлонимиз шарафига батареялар қизиб турсин, деб тайинладилар. Ҳа, айтмоқчи, идораларида икки-уч секретарь қиз ишлади. Ҳеч кераги йўқ шунча қизнинг. Эркак зоти шунақа бўларкан. Бирини олиб бирига урсин буларнинг.

— Қани, дадангиздан бир хабар олинглар-чи, нима қиляпти экан,— деб ойим мен билан Метинни чиқариб юборди.

Эркаклар катта залда ўтиришган экан. Стол тўла ҳар хил ноз-неъматлар. Атаманинг отаси билан гаплашиб ўтириган дадам бизни кўрибоқ энсаси қотди.

— Ойингни бир ўзини ташлаб келибсанлар-да?

Метин ўйлаб-нетиб ўтирамади:

— Ўзлари шу ёқса юбордилар-ку.

— Булар ҳазратларига тегишлими? — деб сўради Атаманинг дадаси.

— Ҳа, шундоқ.

— Умри билан берган бўлсин... Ҳа, нима деётган эдим? Эсимга тушди... Шу мен зиқна одамни ёмон кўраман. Мен сизга айтсам, хотин зоти зиқна бўларкан... Масалан, бизнинг хотини олиб кўрайлил. Бозордан апельсин оладиган бўлса икки хилини танлайди. Бири яхшиси-ю, бири ёмон. Энг пачоқ, энг арzon апельсинни атайлаб хизматкорларга олади. Уларга шуниси ҳам бўлаверармиш. Ҳўв хотин, бу бемаънилиғингни ташла, хизматкор ҳам сенга ўхшаган одам, дастурхон ҳаммага битта бўлиши керак, деб каминагиз тоза на-сиҳат қилди, бўлмади. Хотин кишига гап уқтириб бўлмас экан. Бу ишинг одамгарчиликдан эмас, десам ҳам тушунмайди. Ҳўв хотин, сен апельсindан ўн қуруш<sup>1</sup> юлиб қоладиган бўлсанг, рўзгорга икки юз лиралик зарар келтиришинг мумкин. Чунки шу арзимаган нарса билан хизматкорнинг нафсонияти оғрийди, охири у идиш-товоқ юваётганида икки юз лира турадиган чинни лагани пақ этиб ташлаб юборадида, қўлимдан тушиб кетди, деб баҳона қиласиди. Минг марта айтдим бу гапни. Қани бунинг фаҳми етса...

— Бор, ойингнинг олдига жўналаринг! — ҳайдаб берди дадам бизни.

Ҳаммамиз тоза зерикдик. Болаларнинг қий-чуви жонига тегди шекилли, меҳмон аёллардан бири:

— Бола-чақа билан бир жойга ҳечам бориш керак эмас. Қулоқни қоқиб, қўлга беришади,— деди ёнидаги жувонга энгашиб.

<sup>1</sup> Қуруш — майда пул. Бир лира юз қурушдан иборат. (Тарж.)

Дадам:

— Кетайлик, энди бас,— деб шипшиганды эди, ойим күнмади.  
— Бирпас туралык... Даррөв кетсақ айб бўлади.

Атаманинг отаси газета кўтариб келиб қолди.

— Каминалангиз йўқсил болаларга қўлдан келганча ёрдам бериб келадилар,— деди у дадамга қараб.— Ҳар байрамда қуруқ қўймайман... Буни қаранг, шуни ҳам ёзиб чиқишибди-я...

Еш болаларни бир жойга тўплашди. Атаманга тақдим этилган совға-саломларни столга териб қўйишибди. Ҳона димиқиб кетган экан, деразани очиб юборишди. Метин икковимиз роса терлаган эканмиз, деразага яқинроқ келиб турдик. Бирпасда тумов бўлдик. Зотилжам шу ердан бошланди.

Дадам мезбонлардан кетишига рухсат сўраган эди, Атаманинг отаси жавоб бермади.

— Бу қанақаси?! Овқат пишсин, бир-икки қадаҳдан отайлик, кейин кетарсизлар.

Дадам зарур иши борлигини айтиб, узр сўради.  
Кўчага чиқдик.

— Айб менда, кечирасан,— деди ойим дадамнинг хуноби ошганини кўриб.— Бунақа бўлишини билмовдим. Ойиси ҳадеб чақираверганидан кейин ваъда бериб қўйган эдим. Нима қиласай, гапини қайтаролмадим...

Эртаси куни иситмам ўттиз тўққизга чиқди.

Хатингда Ҳикматнинг ҳоли кейин нима кечди, деб сўраган экансан. Ҳикмат бир ҳафтадан бери мактабда кўринмайди. Бечорага нима бўлдийкин, билмайман. Бирортамиз ҳам уйини билмас эканмиз. Унинг бошига тушган кулфат менга қаттиқ таъсир қилди. Шунга кўра бу ҳақда хатнинг охирида ёзяпман.

Менга ўхшаб сен ҳам кечикиб жавоб ёзмассан, деб умид қиласман.

Зайнаб. Елқир

## Қўлбала донишманд

Зайнаб!

Сенгаям, укангаям саломатлик тилайман. Бундан кейин касал бўлманглар. Ойинг мени эслабдилар. Раҳмат. Жуда хурсанд бўлдим.

Атаманинг туғилган куни қандай ўтганини жуда чиройли қилиб таърифлабсан.

Биласанми, мен шу вақтга қадар бирор марта ҳам туғил-

ган кунимни нишонлаган эмасман. Бизнинг уйимизда бунақа одат йўқ, қолаверса, мен ҳам бошқаларнинг туғилган кунига бормайман. Ростини айтсан, умримда бир марта шунақа маросимда бўлганман. Ушанда ойим билан қариндошимизникига меҳмонга борган эдик. Қариндошимизнинг қизи мени бир дугонасининг туғилган кунига олиб борди. Меҳмонга борганимизда иккита қизиқ воқеа рўй берди. Ҳали-ҳали буни эслаб юраман.

Келганларнинг орасида бир шум бола бор экан, ўша кўп машмашаларга сабабчи бўлди. Бу бола шунақаям безори эканки, уйни бирпасда ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Шумлилигининг чеки йўқ экан. Ҳамма ўтирган эди, бир пайт ҳожатхонанинг эшиги ичкаридан гумбурлаб қолди. Ўтирганлар югуриб боришиди. Эшикни бирор қулфлаб қўйибди. Қамалиб қолган аёл бир томондан жон ҳолатда эшикни гумбурлатиб урса, иккинчи томондан:

— Кимdir устимдан қулфлаб кетибди! Очинг тезроқ!— деб дод соларди.

Үй эгалари гир айланиб калидни қидиришади.

— Менинг ўғлим қилган бу ишни... ўғилчани топинглар, ўғилчани,— дейди зўр бериб бақбақалоқ пакана бир одам.

Ҳамма қидириш билан овора-ю, у бўлса оғзини қўпиртириб арзандасини мақтайди:

— Зангар жуда ўткир бола чиқди-да, турган-битгани ўт-а, ўт... Мени айтди дейсиз, хоним афандимни устидан қулфлаб кетган ҳам ўша.

Жувон ҳожатхона эшигини тешиб юборай деяпти-ю, бу-нинг бўлса жаги тинмайди.

— Ишқилиб, кўз тегмасину, жуда ақлли бола-да. Қўлига китоб олганини билмайману, аммо лекин имтиҳондан ўтиб кетаверади. Китобга бир қараса бўлди, миясига ёпишиб қолади. Ёшлик пайтимда мен ҳам шунқа эдим. Китоб ўқиб ўтирмасдим. Отасига тортган баччағар. Уртоқлари китобдан бош кўтармайди, нуқул ўқигани ўқиган. Бизнинг ўғил китоб бетини кўрмайди-ю, лекин синфда ҳам қолмайди. Аслида ўзим мук тушиб дарс қиласиган болаларни ёқтирмайман...

Уйдасиларнинг ҳаммаси мана шу мияси ўткир болани қидириб топиш билан овора.

— Каравотнинг тагини қараб кўринглар. Уйда ҳамиша каравотнинг тагига бекиниб олгучи эди,— деб қолди бир пайт бақалоқ одам.

Уйнинг эгаси унинг айтганини қўлиб энди энгашган эди ҳамки, тепадан бир нарса тарақ этиб бошига тушди. Хайрият, калид экан. Шу заҳотиёқ шкаф тепасидан бир бола ўзини каравотга отди.

— Ана, айтмадимми бу ўшанинг қилиғи деб. Ақли кўпда, нуқул шўхлик қиласди.

Ота сўйган безори ўша куни ҳамманинг жонига тегди...

Иккинчи бир воқеанинг қаҳрамони — донишмандлик мактабини ўтётган бола.

Ўша куни меҳмонда бир бола билан танишдим. Кўзойнак тақиб олганчуваккина бир бола экан. Қўл бериб сўрашдик. Исмини сўрасам, финг демади. Ҳам кўздан, ҳам қулоқдан олган бўлса керак, деб ўйладим. Баландроқ овоз билан саволни қайтардим. Худди нозик масалани ечиб бергаётган одамдай ўйланиб қолди, анчадан кейин зўрга исмини айтди. Мен нечанчи синфда ўқишини сўрадим. Бу гал ҳам роса ўйдаб, кейин жавоб берди. Ўзича бирор гап айтмайди-ю, лекин савол берсанг, жавоб олгунча хуноб бўлиб кетасан. Бирпас гаплашиб, юрагим сиқилиб кетди, ёнидан секин жилвордим.

— Бу боланг дўясарга ўхшайди,— дедим мени бу ерга олиб келган қариндошимга.

Қариндошим кулиб юборди.

— Бу нима деганинг. Ахир отаси уни донишманд қилмоқчи-ку?

Гапга унинг ўртоғи аралашибди.

— Мактабда уни ҳамма кичик донишманд, деб чакиради.

— Ия, исмини сўрасанг, анқайиб турди-ю, бу қанақа до-нишманд бўлди?

— Ҳамма гап шунда эмиш. Донишмандлар сукут сақлаб туриши керак экан. Отаси айтибди. Бирор исминг нима деб сўрасаям дарҳол жавоб берма, пича ўйлаб ол, донолар: «Олдин ўйла, кейин сўйла» дейишган, деб уқтирибди.

Қизлар бу кичкина донишмандни менга роса таърифлаб беришибди. Айтишларича, унинг отаси анча бамаъни одам эмиш. Қўп йил заҳмат чекиб дунёда ўтган жамики донишмандларнинг таржиман ҳолини ўрганиб чиқибди. Шундан кейин унда донишманд боланинг отаси бўлиш ҳаваси ўйғонибди. Узоқ йиллик тадқиқот ишларидан маълум бўлишиб, қўп донишмандлар оталари қартайиб қолганда дунёга келган эканлар. Ўйлаб қўйган ниятини амалга ошириш учун у ҳам сочига оқ тушиб; ёши анчага бориб қолгандан кейин ўйланибди.

— Бу гапларни сизга ким айтди? Донишманднинг ўзи-ми? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

Маълум бўлишиб, бундан бутун маҳалла хабардор экан. Буни қизлар катталардан эшишибди.

Бўлғуси донишманднинг отаси ўйланишга ўйланибди-ю, лекин анча вақт фарзанд кўролмай юрибди. Боёқиши донишманднинг отаси деб ном чиқариш иштиёқида керагидан ор-

ниқ қариб қолган эканми, хуллас, фарзанд ҳасратида кўп суюниб юрибди. Охири кунлардан бираша хотини бош қоюнги бўлганини айтибди. Энди у: «Ишқилиб, бола заиф туилсин» деб илтижо қиласиган бўлибди. Нега деганда, аксарият донишмандлар нимжон чақалоқлардан ётишиб чиқкан экан. Хотинининг кўзи ёрибди. Тилаб олган чақалоғи шуназајам нимжон эканки, унинг тирик қолишига ҳеч кимнироқ кўзи етмабди. Ҳайтовур, бола ўлмай қопти. Қадим замонларда бир донишманд шоир ўтган экан. Қалин бир китобда нақл этилишича, ўша зукко шоир жуда ёшлигига она сутидан маҳрум бўлган экан. Донишманд боланинг отаси шу китобни топиб ўқигач, бир ойлик чақалоқни она кўкрагидан ажратиб олибди. Бола бир ёшида беланчакдан йиқилиб, кўзи шикастланган экан, отаси бағоят хурсанд бўлибди. Сабаби — аллақайси бир донишманд ҳам ғилай ўтган экан. Энди унинг ягона тилаги қолибди. Ишқилиб, ўғлимнинг бўйи ўсмасин, деб оҳ-зор чекиб юрганмиш. Зотан, унинг билишиб, донишманд ҳалқи аксарият паст бўйли бўлар экан.

Шу гаплардан кейин мен бу бола нима учун ўзининг исминиям дарров айтиб беролмаслигига тушундим. Назаримда, сукут сақлаб жавоб беришибдан кўра, кўпроқ отини эслашга ҳаракат қиласиганга ўхшайди.

Ҳикмат мактабга келмай қўйганини эшишиб, қаттиқ хафа бўлдим. Бечора қизнинг аҳволи нима кечдийкин?

Кеча мактабда бизни эмлаб кетишибди. Шунинг учун бугун дарсга бормадим. Ҳозир хатни кутига ташлаб келаман. Кейин арифметикага ўтираман. Ўқитувчимиз уйга анча вазифа берган эди. Чап қўлим роса оғрияпти. Ҳатто қимирлатолмайман.

Омон бўл, Зайнаб. Сенга ҳамиша муваффақият тилайман.

Аҳмад. Тарбал

## Тома-тома сел бўлур

Қардошим Аҳмад!

Тунов куни хатингни, ундан бир кун олдин эса янги йил табригингни олдим. Ҳар иккиси учун кўп раҳмат. Янги йилдан бир кун олдин мен ҳам сенга табрик хати юборган эдим. Ҳар ҳолда бориб етган бўлса керак. Лекин сен табрикни жуда боплабсан. Расмларинг бирор чиройли чиқибтики. Менинг эсимга ҳам келмовди бу нарса. Келганидаям барни сенчалик чизолмасдим. Расмларингни синфдаи болаларга кўрсатдим. Ҳамма қойил қолди.

Янги йилнинг биринчи куни бизнинг уйда янги йил ке-  
часидан ҳам завқли бўлди. Бошидан гапириб берсам ҳам  
арзийди.

Дадам билан ойим режа билан, тежаб-тергаб рўзғор қи-  
ладиган одамлар. Аммо бу зиқналий эмас. Уларнинг мақса-  
ди — кўрпага қараб оёқ узатиш. Шунинг учун ҳар нарсани  
авайлаш, ортиқча чиқимга йўл қўймаслик керак, деб бизга  
насиҳат қилишади. Мабодо столда авторучкам қолиб кет-  
гудай бўлса, дадам:

— Авторучкани очиқ ташлаб кетма, сиёҳи қуриб қолади.  
Ерга тушса пероси синади. Кейин янгисини олишга тўри  
келади. Чиқим кўпаяди. Одам деган ҳар нарсада тежоғли  
бўлиши керак,— деб қулогимга қуяди.

Укам дафтарнинг бир томонига ёзиб, иккинчисини бўш  
қолдирса ёки бир-икки бетини ташлаб кетса, ўша куни ойим-  
дан роса гап эшитади.

— Бунақа зарапкунанда бўлма, ўғлим. Ахир тома-тому  
кўл бўлур деган гап бор. Ҳар куни бир бетдан қолдириб ке-  
таверсанг, бир йилда қалин бир дафтар бўлади-я. Шундай  
оппоқ дафтарни ташлагани қандоқ кўзинг қияди?

Метин жуда кўп қалам йўқтади.

— Қалам сотиб олавериш жонимга тегди, нуқул йўқотга-  
нинг йўқотган-а,— деб нолиб қолади ойим.

Тўғри, тежоғлиқ иш бежоғлиқ, деган гап бор. Аммо ҳад-  
дан ошиб кетса ҳам бўлмас экан. Айниқса бувимнинг гапи-  
жон-жонимдан ўтиб кетади. Икки гапнинг бирида у  
киши:

— Сақласанг — минг кунлик, сақламасанг — бир кунлик,  
деганлар, отин қизим. Тома-тому кўл бўлур, дейишади  
ахир,— деб насиҳат ўқийдилар.

Бир куни бувамиз укам икковимизга пул йигадиган қути-  
ча олиб келдилар.

— Шу нарса эсингизда бўлсинки, оз-оздан кўп бўлади.  
Ота-боболаримиз тома-тому кўл бўлур, деб айтишган. Қани,  
тома-тому нима бўларкан?

Бувамнинг одати шу: нуқул бир нима деса дарров қай-  
тариб сўрайди.

— Кўл бўларкан, бува.

— Ҳа, баракалла, гап деган бундоқ бўпти.

Шу мақолни эшитсам кўнглим айнийдиган бўлиб қол-  
ди. Худонинг берган куни уни минг марталаб тақрорла-  
шади.

Янги йил кечаси ойим билан дадам казинога борадиган  
бўлишди. Илгарилари янги йилни ҳаммамиз уйда бирга  
кутиб олардик, бу йил сал бошқачароқ бўлди.

Дадамнинг ўртоқлари казинодан илгарироқ жой олиб  
кўйишган экан, кечга яқин кетишиди. Лекин дадам анъанани  
бузмади. Ҳаммамиз бир дастурхонда ўтириб овқат қилдик,  
роса ўйнаб-кулдик. Улар анчадан кейин туришиди. Казинога  
опамни ҳам олиб кетишиди. Биз бувамгилар билан қолдик.  
Билган ўйинларимизни ўйнадик. Лото ҳам қилдик. Аммо  
бувим ҳечам ютолмади. Ўйин пайтида мудраб ўтиргани унга  
халал берди чамамда.

Ярим кечага яқин ўринга кириб ётдик.

Бир пайт ўйғониб қарасам, уй жимжит. Тиқ этган овоз  
йўқ. Ҳалиям келишманти-да, деб ўйладим. Анчагача кў-  
зимни очиб ётдим. Қоронғида Метиннинг шарпаси кў-  
ринди.

— Буларга нима бўлган ўзи?— деди у олдимга келиб.

— Ҳа, нима қипти?

— Бу ёқса юр, кўрасан.

Үрнимдан туриб, нариги хонага чиқдим. Бувам билан  
бувим кетиб қолишган экан. Бундоқ қарасам, опам диванда  
уст кийими билан чўзилиб ётиби. Бўйнида ранг-баранг қо-  
ғоз тасмалар. Ердаги гиламда ағанаб ётган дадам юзига  
маска тақиб олиди. Қоғоз шапкани бошига эмас, оёғига  
кийиблари сочилиб ётиби. Бир пой пайғонини коридорда,  
иккинчисини ёнида кўрдим.

Ойимнинг устини ёпиб қўйдим. Онамни аранг турғизиб,  
жойига ётқиздик. Лекин дадамни ўйғотиб бўлмади.

Вақт пешиндан оғиб қолган эди, улар сал ғимирлаб қо-  
лишиди. Энг аввал ойим ўзига келди. Кейин у дадамни ўйғот-  
ди. Охири опам ўрнидан турди. Бўйнидаги маржони йўқмиш.  
Ҳеч қаердан тополмади. Кечаси бирор ерда йўқотганга ўх-  
шайди.

Гап-сўздан билдимки, казинода ойим билан дадам омад-  
ларини синаб кўрмоқчи бўлишибди. Талай пул ютқизи-  
шибди.

— Ойнинг охиригача нима еймиз энди?— ташвишланиб  
сўради ойим.

— Идорадан қарз сўрайман, бошқа илож йўқ,— жавоб  
берди дадам.

Салдан кейин бувам билан бувим кириб келишиди.

— Қалай, янги йилни яхши кутиб олдингларми?— кўн-  
гил сўради бувим.

— Таъзиримни едим, энди ҳечам унақа жойларга бор-  
майман.

Ойим гапини тугатиб, Метин икковимизни бир чеккага  
имлаб чақирди.

— Қанча пулларинг бор, менга бериб туринглар, эртага қайтиб бераман.

Йигиб юрган пулмизни келтириб бердик.

Шу орада эшик тақиилаб қолди. Құшнимизнинг қизи Нұртон экан. Құлида бир парча қоғоз. Дадамга экан. Хатни олиб, уйға кирдим. Дадаси ёзибди. Шу сатрларга күзим түшди: «Дўстим. Кечаги воқеа ўзингга маълум. Ёнимда сарқи чақа ҳам қолмабди. Уйға қандоқ келганимни билмайман. Ҳар қалай, сизлар олиб келган бўлсангиз керак. Пулдан қалайсан? Юз лира керак. Раҳмат».

Хатни дадамга узатдим. Дадам уни ўқигач, ойим билан шивирлашиб олди. Мазмуни, улар пулмиз ўйқлигини билдиргилари келмади. Бу гал опамнинг қутичаси иш берди. Дадам билан ойим кўзимизни шамфалат қилиб опамга бир нима дейишди. Кейин опам олиб келган қутичани очиб, ичидан чиқсан бор пулни Метиндан бериб юборишиди.

Метин дарс қўлмоқчи бўлган эди, яна қаламини тополмади. Йўқотиб қўйганга ўхшайди. Буни эшитиб, ойим қўпирб кетди.

— Қанақа овсар боласан ўзи! Нуқул қалам йўқотганинг йўқотган-а? Бундоқ авайлаб тутсанг бўлмайдими! Ҳадеб сенга қалам олиб бераверамани!

Бувамнинг насиҳати бошланди.

— Сақласанг — минг кунлик, сақламасанг — бир кунлик, ўғлим. Хўш, сақламасанг нима?

— Бир кунлик, бува!

— Ҳа баракалло! Тома-тома кўл бўлур. Нима бўлур? Метиндан олдин мен жавоб бердим.

— Ҳеч нарса. Кўл бўлмайди.

— Нега энди? Нимага кўл бўлмас экан?

— Бўлмайди, буважон.

— Ия, нега бўлмас экан? — қовоғини уюб сўради бувам.

— Чунки кўл бўлиши учун ўша жой сал чуқурроқ бўлиши керак. Агар сув турмайдиган теп-текис жой бўлса...

— Ҳа, нима бўларкан?

— Сув шариллаб оқиб кетади. Сел бўлади...

Бувам менга бир хўмрайиб қўйди.

— Уйимизда янги йил шундай бошланди. Энди ойим билан дадам янги йилни бошқа жойда кутиб олмайдиган бўлишиди.

Хўш, сеники қалай бўлди?

Янги йилда сенга баҳт-саодат, ўқишингда муваффақиятлар тилайман.

Зайнаб Елқир

## Бошланиши чакки эмас

Истанбул, 5 январь, 1964 йил

Зайнаб!

Янги йил билан табриклаб ёзган хатингни олганимга кўп бўлди. Раҳмат.

Янги йилни биз катта амакимларникида кутиб олдик. Уйлари жуда кенг. Ҳамма амакимгилар шу ерга йиғилишди.

Мен ҳар куни эрта ётишга ўрганиб қолганим учун янги йил кечаси узоқ ўтиrolмадим. Соат ўн иккidan кейин кўзим юмилиб кетаверди. Радио эшитиб ўтириб ухлаб қолибман.

Эртаси куни одатдагидек ўтди. Бирор янгилик бўлгани йўқ. Лекин шуни билиб қўйки, янги йилнинг биринчи куни сизникида рўй берган воқеа бизнинг уйда тез-тез бўлиб турди. Дадам кўчада пул сарфлаган куни уйда жуда қурумсоқ бўлиб қолади.

Баъзи кунлари у кўчадан тўйиб келади. Шунаقا пайтларда сув ичаётганимни кўриб қолса, дарров:

— Қайнаган сувни исроф қилма. Стаканга ўзинг ичадиганингни қуй, тагида қолмасин,— деб танбеҳ беради.

Ҳолбуки стаканнинг тагида бир-икки қултум сув қолган бўлади. Дадам исрофдан қўрқани учун қолган сувни гулдонга тўқади. Шундай кезларда дадам ўз ҳисобига ошна-оғайниларини яхшилаб меҳмон қилганини билиб оламан.

— Шунча пастани увол қилиб нима қиласан?! Узингга лойифини олсанг бўлмайдими? — деб ўдағайлади дадам тиши юваётган бўлсан. Биламанки, у кеча яна зиёфатга тушибди.

Баъзан дадам бирор ўроғлиқ нарса олиб келганида сабрим чидамай канопини узмоқчи бўламан. Шунда у:

— Шошма, канопни секин ечиб ол. Бирор жойга олиб қўй, кунингга ярайди,— деб қолади. Яна биламанки, дадамнинг бугун ҳам кўчада сарфи катта бўлган.

Дадамнинг қизиқ одати бор—оғайнилари билан бирор ерда ўтириб қолса, нуқул пулни ўзи тўлагиси келади. Буни неча марта ўз кўзим билан кўрганман. «Чўнтакни ковланган, қўйинг, хафа бўламан... Мана, менда бор», деб туриб олади.

Аммо эртасига уйда тамоман ўзгариб қолади.

— Эски газеталарни йиртмасдан олиб қўйинглар. Бирор нарсага яраб қолади. Қолаверса, йигиб юрсангиз, кейин сотишингиз ҳам мумкин. Жуда бўлмаса печкага ёқсангиз уйни иситади.

«Тома-тома кўл бўлур» деган мақол сизларникида кўп

ишлатилар экан. Бизнинг уйимизда «Узингда бўлса, кунингга ярар» дегани тилдан тушмай келади.

Шучиси ҳам борки, кўча-кўйда пулини совуриб келмаган кунлари дадамнинг қўли очиқ бўлади. Янги йил кечасидаям, эртасигаям шунаقا бўлди. Дадам янги йилда менга акварель бўёқ олиб бердилар. Февралда икки ҳафтага каникулга чиқамиш. Шунда мазза қилиб сурат чизаман.

Янги йилда бутун уй ичингиз билан ҳаммангизга баҳтсаодат тилайман.

Аҳмад Тарбай

## Ивирсик қиз

Анқара, 8 январь, 1964 йил

‘АЗИЗ СИНФДОШИМ АҲМАД!

Авваламбор сенга Ҳикматдан гапирай. Ҳикмат дарсга қатнай бошлади. Ота-онаси яна ярашиб олишибди. Боёқиши жуда хурсанд бундан.

Сенга яна бир янгилик айтмоқчиман. Менга ёзган ҳамма хатларингни йиғиб келаётган эдим, аммо ҳар ер-ҳар ерда тартибсиз сочилиб ётарди. Кеча ҳаммасини тартибга солдим. Ёзган кунларингга қараб олдинма-кейин қилиб чиқдим. Яхши бўлди. Бу нарса сира хаёлимда йўқ эди, бир гап билан шу кишини қилдим. Мана, эшил, бир бошдан гапириб бераман.

Уйда ҳаммаси мени палапартиш иш қиласан, нарсаларинг доим ивирсиб ётади, деб койишади. Ҳолбуки мен йўған нарсасини тополмай юрадиган, бесаришта одамни ёмон кўраман. Демак, ёмон кўрган одамим ўзим эканман-да.

Якшанба куни эрта билан уй дафтаримни тополмай хубоб бўлган эдим, ойимдан роса гап эшитиб олдим.

— Нимага бунаقا меровсан-а, қизим? Доим бир ниманг йўқолиб қолади-я... Эс-ҳушингни йиғиб юрсанг бўлмайдими?

Ойимнинг ёнига дадам қўшилди. Бувам билан бувим келган эди, улар ҳам палапартишлигимни юзимга солишиди. Опамга-ку, худо берди — келган жойидан у илиб кетди. Ҳаммалари мени талаб кетишиди. Жонимга ора кирган биргина Метин бўлди.

— Бу уйда одам ўзини ҳам йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас,— деди у мени юпатиб.

Ҳаммалари менга ёпишганига роса хўрлигим келди. Аламдан нима қилишимни билмай хонамга кириб, бир чек-

кадан йиғиширишга тушдим. Стол устини, китоб жавонларини тартибга солдим, буюмларни жой-жойинга қўйиб чиқдим. Нарсаларимни йиғишираётib, уйдан лабга суртадиган помада, ҳар хил открытка, бир пой пайпоқ топиб олдим. Ҳаммасини уларнинг олдига олиб чиқдим. Ҳалиям менинг фийбатимни қилиб ўтиришган экан.

— Манави пайпоқ кимники? Тортмадан чиқди,— деб пайпоқни ирғитдим.

— Ия, кеча қидириб юрган әдинг-ку буни,— деди ойим дадамга қараб.

— Хўш, помада кимга қаравшли?

— Қаерда экан? Қидирмаган жойим қолмади.

— Аллаким столимга қўйиб кетибди.

— Кече ўша ерда унутган эканман-да,— деб кулди ойим. Открыткага навбат келди.

— Бу кимники бўлди?

Опам лавлагидек қизарип кетди.

— Қаердан топдинг?

— Кимдир китобларимнинг ичига яшириб қўйибди. Орқасидаги ёзувини ўқиганим йўқ.

Энди ўтириб дарс қиласай деган эдим, ручкамни қўйган жойимдан тополмадим. Ҳамма ёқни қараб чиқдим, йўқ.

— Яна нима йўқотдинг? — зарда билан сўради ойим.

— Ручкамни кўрмадингизми?

— Ручка оши ичасанми ўзи? Нуқул ручка йўқотганинг йўқотган-а, қизим...

Ойим дийдиёсини бошлаб юборди.

— Ҳой қиз, бу меровлигинг қачон қолади-а? — деди бувим ойимнинг ёнига қўшилиб.

— Палапартиш бўлма, ҳамма нарсанг саранжом бўлсин, қўйган жойингни билиб юр, деб минг марта айтаман сенга. Бу қулоққа гап кирадими ўзи?

Дадамдан эшиггағ гапиц бу.

Мени қалака қилиш учун опамга баҳона топилди.

— Ма, менинида ёзиб тур. Кўзингга қара, тағин буниям йўқогиб юрмай!

Опам ручкани олиб бериш учун ичкари кириб кетди. Бирпастдан кейин унинг:

— Ким олди ручкамни? Ҳозиргина шу ерда эди-я,— деган овози келди.

Бувим бошимни силаб, ётиғи билан насиҳат қилди:

— Энди ўзинга қараб юргин, Зайнаб қизим. Бўйинг чўзилиб қолди. Ҳадемай бирор уйнинг бекаси бўласан. Қаламдафтар йўқотиб юрсанг энди уят бўлади. Қиз бола деган саранжом-саришта бўлиши керак.

— Уйимизда меров йўқ эди, ҳайронман бу кимга тортдийкин,— деб луқма ташлади ойим.

Ҳар куни бўладиган гап шу. Эшитавериб қулогум пишиб кетган.

Мен буларнинг ичидаги кўп бувамдан ҳайиқиб тураман. Ўзи истеъфога чиқсан полковник, жуда баджаҳл одам. Ойим ҳали-ҳали бувамнинг юзига тик қараёлмайди. Ҳатто дадам ҳам унинг олдидаги анча мулойим бўлиб қолади.

— Ҳаётда кимки эпчил бўлса, ўша ютади.

Бувамнинг одатини сенга гапириб берган эдим. Айтган гапини дарров қайтариб сўрайди.

— Ҳўш, ким ютаркан?

— Эпчил одам, бува,— деб жавоб бердим.

— Баракалло... Ҳар нарса маълум бир жойда туриши керак. Қаерда туриши керак экан?

— Маълум бир жойда.

— Баракалло. Токи керак бўлиб қолганида топиш осон бўлсин. Ҳўш, нима экан?

— Токи керак бўлиб қолганида топиш осон бўлсин.

Бувамнинг ҳар бир гапни қайтариб сўраш одати армиядан қолган экан. Дадам шундай деган.

— Жуда тўғри гап бу,— бувамга юзланаб деди дадам.— Мен ҳам шундайман. Қайси чўнтакда нима борлигини кўзими юмиб айтиб бераман. Енимда нимаики олиб юрсам, ҳам масининг жойи аниқ. Шунга одатланганман. Рўмолчами, зажигалками, ҳамёнми — ҳаммасининг ўз жойи бор.

— Офарин, худди шундай бўлиши керак,— деди бувам унинг гапини маъкуллаб.

Дадам саришталигини Метин билан менга бир кўрсатиб қўймоқчи бўлди.

— Мана, бир синааб кўрсак ҳам бўлади.

Дадам ўринидан туриб, кўзини чирт юмиб олди.

— Кўринглар, кўзимни юмдим. Ҳозир қаерда нима туришини айтиб бераман. Нимчамнинг чап чўнтагида зажигалка бўлиши керак. Мана, оламан!

Дадам чўнтакка қўлини солиб, зажигалкани олмоқчи бўлди-ю, лекин тополмади. Роса қидиргани билан зажигалка чиқмади.

— Қизиқ... Қаёқда қолдийкин-а...

Зажигалка топилмагач, дадам бебурд бўлмаслик учун бошқасига ўтди.

— Масалан, авторучка дейлик. Қаерда туришини ёддан биламан. Ҳамиша костюмнинг ички чўнтагида, чап томонда туради. Ишонмасангиз, мана, кўриб қўйинглар.

Чўнтакдан авторучканинг ўрнига термометр чиқди.

Дадам «мана, айтмадимми!» деб кўзини очиб қарагани, термометрни кўриб ўзиям роса ҳайрон бўлди. Ноилож жайган бўлди.

— Тунов куни Метиннинг иситмасини ўлчаган эдим. ошқичда чўнтакка солиб кетаверган эканман-да... Ҳа, зили. Униси бўлмаса, буниси. Ён дафтарчани ҳамиша чап чўнтакка солиб юраман. Мана костюм, мана чўнтак...

Дадам кўзини юмиб, дафтарчани қидира кетди.

— Чап чўнтағим қани ўзи, ойиси?

— Бу костюмни уста ағдариб берган эди-ку... Чап чўнтағи ўнг томонга ўтиб қолган бўлиши керак.

Ён дафтарча ойим айтган жойдан ҳам чиқмади. Дадам инг чўнтағидан бир фалтак ип олди.

— Дадангизнинг дафтарчаси қаерда туришини энди билб олдингизми, болалар?— деди бувам кесатиб.

Бизнинг ўрнимизга жавобни ойим берди:

— Эсим қурсин... Кеча эрталаб костюмни тикиб қўювдим. Астари сўқилган экан. Чўнтакда или қолиб кетибди, билабман.

Дадам жуда ўсал бўлди, хуноби ошди. Бирор нима билан ўзини оқламоқчи бўлиб яна чўнтакларини ковлаштираётган эди, бувам:

— Ҳа, ҳамунча ковлаштирасан, тuya йўқотдингми?— деб пичинг қилди.

Бувам қотиб-қотиб кулди. Бир пайт уни йўтал тутди.

— Пальтода рўмолча бор эди, олиб беринглар. Ўнг томондаги чўнтакда,— деб буюрди бувам қаттиқ йўталаркан.

Югуриб бориб пальтони қарадим. Рўмолча кўринмади.

— Айтган жойингизда йўқ-ку, бува!

— Бўлмаган гап... Қани, бу ёқса олиб кел-чи, пальтони...

Кирқ йилдан бери шу ерда туради рўмолчам...

Пальтони келтириб бердим. Бувам рўмолчани тополмаж:

— Бирор олганга ўхшайди,— деб хўмрайди.

Ойим югуриб бориб нариги хонадан янги рўмолча олиб чиқди, бувамга сезидирмай уни секингина пальтонинг ўнг чўнтағига солиб қўйди.

— Ҳаҳ, турган экан-ку! Шу ерда бўлиши керак деб айтмадимми сизга!

Йўтал тинди. Бувам ён-верини тимирскилаб, яна пиманидир қидиришга тушди. Тополмагач, дарғазаб бўлди:

— Сигаретим қани? Ҳозиргина чўнтағимда турувди. Ким олди ўзи? Дарҳол топиб беринглар!

Бувамизни ортиқча хуноб қилмаслик учун сигаретни из-

лай кетдик. Шу орада уйга меҳмонлар келди. Эр-хотин қүшнилар экан. Елиб-юрганимизни кўриб, улар ҳам ишгатубишиб кетишиди. Ҳамма зир югуриб, бувамнинг сигаретини қидиряпти-ю, у бўлса дам-бадам:

— Оббо лапашанглар-ей! Тезроқ бўлсаларинг-чи, намунча имилайсанлар-а! — деб зарда қиласди.

— Ҳозирча шундан чекиб тура қолинг,— деди меҳмон сигаретини тутиб.

Гапириб балога қолди. Бувамнинг қони қайнаб кетди.

— Ҳозир ўзимникини топиб берасанлар! — деб уйни бошига кўтарди.

Метин ичкаридан бир жуфт пайпоқ кўтариб чиқди.

— Кимники бу?

— Вой, қаердан топдинг? Қидирмаган жойим қолмовдику? — ҳайрон бўлди ойим.

— Бувамнинг сигаретини қидириб юрсам, холодильникнинг устидан чиқиб қолди.

Фир этиб дўкондан бошқа сигарет олиб келиш ҳам мумкин эди-ку, аммо бувамга ичидагидан кўра унинг металл кутиси муҳимроқ эди. Бир томондан, қидирганимиз яхши бўлди. Сигарет баҳонаси билан ўзимиз йўқотиб юрган кўп нарсаларни топиб олдик.

Меҳмонга келган хонимнинг тагидан бир парча қофоз чиқди.

— Ия, радионинг қоғози-ку,— деб юборди дадам.— Бир ойдан буён тополмай юрувдим.

Дадам қидирган авторучка тарелкаларнинг орасидан чиқди. Кимdir янгилишиб пичоқни ахлат қутисига ташлаб юборибди.

Хуллас, анча-мунча нарсаларни топиб, эгасига қайтариб бердик.

— Э-э, буни қаранглар, кимdir сигаретни тагимга қўйиб кетиби-я! Қайси бир фирромнинг иши бу! — деб қолди бир пайт бувам.

Бундоқ қарасак, бувам тушмагур бизни роса овора қилиб қўйиб, сигаретини ўзи бемалол тагига босиб ўтирган экан. Ҳеч ким индамади.

Хуллас, ўша куни эшитган гапларим менга алам қилди. Зарда устидиа хонани йиғиштириб чиқдим. Чиндан ҳам уйга анча қарамай қўйган эканман. Энди ивирисиқ қиз деган номдан қутулмоқчиман. Сендан олган хатларим ҳам тўзғиб ётгани экан, анча тартибга солиб қўйдим. Ҳаммасини папкага жойладим.

Эски синфдошлар ичда фақат сен менга мунтазам хат ёзиб турибсан. Мине ҳам онда-сонда ёзиб туради. Дамир би-

лан Яшардан бир марта хат олдим. Ҳаммаларига жавоб ёзиб юбордим.

Тез-тез хат ёзиб тур. Қелишдикми?

Сенга муваффақиятлар тилаб қолувчи:

Зайнаб Елқир

## Айб бўлади

Истанбул, 11 январь, 1964 йил

Азиз дўстим Зайнаб!

Сен билан тўрт йил бирга ўқиганмиз. Сени синфимизнинг энг саронжом-саришта қизларидан деб билардик. Шунинг учун сени ивирисиқ дейишганини эшитиб, жуда ҳайрон бўлдим. Уйда менга лақаб қўйиб олишган. Нуқул лапашанг дейишади. Аммо бунинг тагида жон бор. Дастронга ўтирам, албатта чой тўкмасдан турмайман. Нечоғлиқ уринмай, барибир чойим тўкилиб кетаверади.

Ойинг Метинга нуқул тилингни кесиб оламан, деб пўписа қилишини қайси бир хатингдаям ёзган эдинг. Ҳамма оналар шунаقا экан. Менинг ойим ҳам Фатўш деган синглимни хамйша шунаقا қўрқитади. Синглим ҳали ёш, икки йилдан кейин мактабга боради. Бу нарса ўзимнинг ҳам бошимдан ўтган. Менга ҳам ойим тилингни кесиб оламан, деб дағдага қиласди. Аммо тилим жойида турибди.

Яқинда Фатўш ёмон бир қилиқ кўрсатди. Ойим уни роса уришди, тилингни кесиб оламан, деб пўписа қилди. Лекин бу гал чиндан ҳам Фатўшнинг тили узайиб қолган экан. Мана, эшият воқеани.

Дадамнинг қизиқ одати бор — ҳар икки гапнинг биринда «ҳўв», «вой занғар-ей!» деган бўлмағур сўзларни ишлатиб турди. Фатўш бўлса нақ тўтининг ўзи, кимдан нимани эшитса, дарров шуни қайтаради. У «ҳўв фалончи», «вой занғар-ей!» деб чулдираб қолса, уйдагилар ўзларида йўқ суюниб кетишиди. Кейин уни «намунча тили ширин-а. Худди катта одамга ўхшаб гапиради-я», деб эркалашади.

Тунов куни бир қўшни амакимиз бизникига чиқувди. Ўзи жуда қизиқчи одам. Шунақаям гапни боплайдики, эшитсанг, қотиб- қотиб куласан. Фатўшни айтмайсанми, нуқул қири-қириқ кулади. Аслида бўлаётган гап-сўз билан иши йўғу, ким кулса ўшанга қўшилиб қирилайди. Энди кулгининг бойини айтиб берайди.

Қўшни амаки ишлайдиган идорага аллақайси мамлакатдан бир мутахассис келган экан. Ўзи немисмиш. Ўша немис бир куни қўшнимизни тўхтатиб:

— Сизнинг юртингизда «ҳўв» деган сўз кўп ишлатиларкан. Одамлар бир-бирини шу сўз билан чақиришаркан. Бу нима дегани ўзи, жуда қизиқиб қолдим. Кимдан сўрамай, қониқарли жавоб ололмадим,— дебди.

Қўзойнакли қўшнимиз бу гапни эшитиб, нима қилишини билмай қолибди. Агар ростини айтадиган бўлса, ажнабий одам устимиздан кулиб кетиши мумкин. Ўйлаб-ўйлаб охир бир йўл топибди.

— Жуда тўғри фаҳмлабсиз, жаноб,— дебди унга қараб қўшнимиз,— ҳақиқатан ҳам «ҳўв»ни кўп ишлатамиз. Бизда таомил шундай. Дехқонлар ҳам, ишчи ва хизматчилар ҳам шунга одатланган. Унинг асл маъноси «муҳтарам» демакдир. Бизлар бир-биримизга мурожаат қилганимизда исмнинг олдиға шу сўзни қўшиб айтамиз.

Орадан беш-олти кун ўтган экан, ўша идора раҳбарларининг катта мажлиси чақирилибди. Қанон деган одам бош директор экан, мажлисни ўша олиб борибди. Немис мутахассиси шу йиғинда катта нутқ сўзлабди. Мажлис аҳлининг руҳини қутариш мақсадида гап орасида шу ерда ўргангандар бир-иккита туркча сўзларни ҳам қистириб ўтибди. Меҳмон нутқининг энг нозик жойига келган экан, бош директорга қараб қўқисдан: «Ҳўв Қанонбей!» деб юборибди. Ҳамма хижолатдан ерга қарабди. Немис нутқининг охиригача жуда кўп марта Қанонбейни тилига олибди. Ҳар гал ўзи билган ўша «муҳтарам» сўзини қўшиб айтармиш. Қанонбейнинг бўладигани бўлибди-ю, аммо тишини тишига қўйиб ўтираверибди. Одамлар пиқир-пиқир кулишармиш. Шу-шу Қанонбей «ҳўв» деган лақабни ортирган экан.

Қўзойнакли қўшнимиз буни шунақаям ўхшатиб гапириб бердик, кулавериб ичагимиз узилди. Айниқса Фатўш бир қоп семириб кетди.

Дадам бошқа бир қизиқ воқеани гапириб берди.

Уларнинг фабрикасига янги асбоб-ускуналар келибди. Буларни ўрнатиш учун Америкадан мутахассис чакиришибди. Америкалик бундоқ разм солиб қараса, фабрикадаги одамлар бир сўзни жуда кўп ишлатишармиш. У ҳайрон бўлиб бунинг маъносини дадамдан сўрабди. Дадам у нимани сўраганинг бизга гапириб берди. Анчайин бемаза сўз. Мактаб болалари ҳам кўп ишлатади уни. Энди тушунгандирсан?

Дадам фабрикада бош уста бўлиб ишлайди, шунинг учун очиини айтишни ўзига эп кўрмабди. Қолаверса, инглиз тили. дг бунга нима дейилишини ҳам билмас экан. Шунинг учун дадам унга:

— Бунинг маъноси раҳмат, яъни тенқью дегани,— деб тушунтирибди.

Буни эшитиб, америкалик инженер ҳайратдан ёқасини ушлабди.

— Ана холос,— дебди у қойил қолиб,— сизлар гоят сертакаллуф ҳалқ экансиз. Биз бу борада хитойликлар билан инглизларнинг олдига тушадиган ҳалқ йўқ, деб ўйлаб юрардик. Чунки улар арзимаган нарсага ҳам миннатдорчилик билдиришади. Аммо сизлар улардан ўтиб кетибсиз. Мен жуда кўп мамлакатларда бўлганман, лекин сизчилик сертакаллуф, хушмуомала одамларни ҳеч қаерда кўрмаганман. Бундан буён мен қайси юртга бормайин, ҳамма жойда сизларни ўrnak қилиб кўрсатаман, нозиктаъ ҳалқ эканингизни оламга ёйман.

«Хайрият, ёлғон гапим яхшиликка яраркан», деб дадам ичидан суюнибди.

Шу гап-сўзнинг эртаси куни инженер ишга чиқмабди. Тўрт кунгача ундан дарак бўлмабди. Фабрикада иш, тифиз, янги ускуналарни тезроқ ўрнатиш керак. Инженерни қидирмаган жойлари қолмабди. Ҳеч қаердан дараги чиқмабди. Тўртинчи куни фабрикага ўзи кириб келибди. Соғ жойи қолмаганмиш, аъзойи бадани дока билан чирмаб ташланганимеш. Машинада аварияга учраган бўлса керак, деб ўйлашибди. Қейин маълум бўлишича, гап бошқа ёқда экан.

Америкалик инженер фабрикадан чиқиб, меҳмонхонага кетаётган экан. Йўлда машинага ўтирибди. Одамларда қизиқ бир одат бор — эшигтан гапини ҳеч ким юрагида сақлаб юролмайди, дарров бирорга айтгиси келади. Инженер ҳам шоферга миннатдорчилик билдиримоқчи бўлибди-да, пулни узатаётбоя маъносини чақиб олган сўзини айтибди. Шофернинг кўзи олайиб кетибди. Америкалик буни бошқача тушуниб, яна ўша сўзни қайтарган экан, шофер бурнига қараб бир мушт туширибди. Иккovi ёқа бўғишиб кетишибди. Охир уларни зўрга ажратиб қўйишибди. Инженер буларга ҳам миннатдорчилик билдирибди. Яна боши балога қолибди. Халойиқ уни оломон қилиб кетибди. Ниҳоят, полициячи етиб келиб, уни бир амаллаб ажратиб олибди. Шўринг қурғур американлик туркча қилиб полициячига ҳам қуллуқ қилибди.

Жамоат ўртасида полициячига тил теккизиш жиноят-куй Оёгини ерга тегизмай дарҳол полиция бўлимига олиб боришибди. Комиссар кўрадики, бу одам ажнабий. Қўйиб юборилсин, деб буюради. Инженер бу саҳовати учун комиссарга турктилида миннатдорчилик билдиради... Хуллас, у полициянинг салхонада тўрт кунгача ўзига келмай ётади.

Жуда аломат иш бўлган экан, тоза кулдик. Яқинда дадам уйга меҳмон келади, деб қолди. Нозикроқ меҳмонлар экан, ойим катта ҳозирлик кўрди. Эр-хотин бўлиб

олти киши келишди. Фатүш мәхмөнларга ёқиб қолди. Жуда одобли, шириң сүз қыз экан, дейишди. Бола тарбиясидан гаф очилиб, күп мақташди. Дадам ҳам уларга қүшилди.

— Бизнинг хоним болаларни күчага ёлғиз чиқармайди, афандилар. Шунинг учун ҳам тарбиялари жойида.

— Ҳа, күча болани бузади. Болалар күчада ҳар хил ёмон гапларни, эшитади. Шунинг учун Фатүшни ҳечам күчага чиқармайман,— деб қўйди ойим.

— Жуда тўғри иш қиласиз, хоним афандим,— деди мәхмөн аёллардан бирни ойимга қараб.— Кўча у ёқда турсин, ҳозир мактаб ҳам болаларни бузяпти. Қўз тегмасин, қизчангиз фоят одобли экан, яхши тарбия берисиз.

Бу мақтоларни эшитиб, Фатүш шишиб кетди. Бутун билган нарсаларини ишга солиб, яна нималарга қодир эканини мәхмөнларга кўрсатиб қўймоқчи бўлди.

— Ҳўв дада!

Фатүш ҳамма кулиб юборади, деб ўйлаган эди. Утиргандар совуқцина кулган бўлди. Оғир жимлик چўки. Дадам хижолатпазлиқдан нима қиласини билмай, қийин аҳволга тушиб қолди. Фатүш мәхмөнлар нега шарақлаб кулмаганига ҳайрон бўлди, яхши эшитишмаган бўлса қерак, деган хаёлда қаттиқроқ бақириди:

— Ҳўв дада! Сизга айтяпман!

Мана мен нималарни биламан, дегандай мәхмөнларга бир-бир қараб чиқди. Дадам вазиятни юмшатиш учун мулојимгина қилиб:

— Ҳа, оппоқ қизим, нима дейсиз?— деб сўради.

— Дада дейман! Ҳўв дада!

— Ҳа, нима дейсан?

Дадамнинг жаҳли чиқа бошлиди, қошлари чимирилди.

Аммо Фатүш ҳайрон — нега булар кулмайди?

— Ҳўв дада! Сизга айтяпман!

Ойим илжайган бўлди. Лекин Фатүшнинг кўнгли тўлмади — у нима қилиб бўлсаям мәхмөнларни қойил қолдириши керак. Бирдан у америкалик инженер дадамдан маъносини сўраган ярамас сўзни айтib юборди. Фатүш енгиб чиқди. Ҳамма шарақлаб кулиб юборди. Дадамнинг қаттиқ жаҳли чиқди-ю, лекин сөздирмади. Фатүшга ўқрайиб қаради. Синглум талтайиб кетиб, бояги гапни яна икки-уч марта тақрорлади. Ойим билдики, уни яхшиликча тинчитиб бўлмайди. Шунинг учун:

— Бас, энди, жим, бўлмаса тилингни кесиб оламан,— деб қаттиқ жеркиб берди.

Кулишнинг ўрнига сўкиш эшитган Фатүш аламидан йиғлаб юборди. Қани энди овунса! Охири ойим уни етаклаб,

хонасига олиб чиқиб кетди. Жойига ётқизиб, кейин қайтиб кирди.

— Ҳечқиси йўқ, хоним афандим, хафа бўлманг,— деди мәхмөнлардан бирни ойимни юпатиб.— Бу ҳали ҳолва. Бизникиларнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Қизчангиз гўдак ҳали, нима деганини ўзи ҳам билмайди.

— Бунақа бемаъни гапларни кимдан эшитибдийкин, ҳайронман,— деди дадам ўзини гўлликка солиб.

Дадамнинг ёнига ойим қўшилди:

— Менинг ҳам бошим қотди. Кўчага чиқмаса, ёмон болалар билан ўйнамаса...

Фатүш буни қаердан эшитганини чиндан ҳам билишмаса керак, деб ўйлабман. Шунинг учун ҳақ гапни айта қолдим:

— Қаерда бўларди, уйда эшитади-да бунақа гапларни.

Дадамнинг тепа сочи тик бўлиб кетди.

— Ҳўв зангар, бизнинг ўйимизда ҳеч ким бунақа демайди-ку!— деб бақириб берди. Ҳамма кулиб юборди. Дадамнинг ўзиям ноилож илжайиб қўйди.

Мәхмөнлар тарқалишгач, дадам мени ёмон койиб берди.

— Мен қайдан билай. Тўғри кўнгилда сўраяпсизлар, деб ўйлабман,— дедим ўзимни оқламоқчи бўлиб.

Хатим яна чўзилиб кетди, Зайнаб. Бу гал қисқароқ ёзмоқчи эдим, иложини қиломадим.

Ёзги каникулда Истамбулга келмоқчимисан? Келиб қолсанг, кўришармиз. Сенга ҳавасим келади — Анқарани ҳам кўрдинг. Мен бўлсам ҳали Истамбулдан четга чиққаним йўқ.

Сенга саломатлик тилаган ҳолда хатимни тугатаман.

Аҳмад Тарбай

## Ватанпарвар бўлинглар

Анқара, 14 январь, 1964 йил

Аҳмад қардош!

Каникулда Истамбулга бориш-бормаслигимни сўраган экансан. Дадамга отпуска тегмайди. Янги жойга ишга келганига ҳали бир йил тўлгани йўқ. Шунинг учун у ойим икковимизни ёлғиз юбормоқчи. Агар борадиган бўлсак, Истамбулда бир ой турамиз. Лекин ҳали аниқ эмас. Дадами ёлғиз ташлаб кетишига ойимнинг учча кўнгли йўқ. Бизсиз қийналиб қолиши мумкин. Мабодо борсак, холамникода тўхтаймиз. Сени ўзим топиб оламан.

Яқинда мен ёмон бир иш қилиб қўйдим. Гапириб бермасам бўлмайди. Ҳозирча бундан фақат Метиннинг хабари бор. Сабаби — у ҳам менга шерик бўлган. Сен билан энди уч киши бўламиз.

Ўтган якшанба куни бувамларнинг уйига меҳмонга борган эдик. Анча олисда туришади. Бувам қариб қолганлар, шунинг учун баландга чиқолмайдилар. Ўлари ҳам иккинчи қаватда, ижарага туришади. Аслида уларга биринчи қават мунособ эди-ю, лекин ўзлари бопи топилмади. Ҳозирги турган квартирага ўн саккиз зинани босиб чиқишади. Мен ўзим санаган эмасману лекин бувам ҳар икки гапнинг бирида: «Яна ўн саккиз чоғ зина босдим. Дам ола-ола, зўрга кўтарилидим», дейди. Нега зинадан гапирганимни кейин биласан. Яхшиямки, бувам энг баланддаги квартирада турмайди. Акс ҳолда, ўша куни ҳамма газеталар фалон жойда катта баҳтсиз ходиса рўй берди, деб ёзиб чиқсан бўларди...

Опамнинг дугоналари келиши керак экан, шунинг учун уйда қолди. Дадам, ойим, Метин ва мен автобусга тушиб, бувамларнига бордик. Бувам тайёргарлик кўриб қўйган экан, бизни ўхшилаб зиёфат қилди. Овқатдан кейин бувам билан дадам рўпара ўтириб олиб, қаҳвахўрликни бошлаб юборишиди. Мен уларнинг қаҳва устида гаплашиб ўтиришларини ёқтираман. Шунинг учун ёнларидан жилмадим. Хонада учовимиз қолдик. Газета ўқиётган бўлиб ўтиравердим. Икки қулоғим уларда. Баъзан бошимни кўтариб, секин қараб ҳам қўяман.

Бувам сиёсатга қизиқадиган одам. Дадам билан икковлари ёлғиз қолишиша, нуқул шундан баҳс қилишади. Бувамнинг яна бир одати бор — овқатдан кейин уни мурдоқ босади. Ўзи қаҳва ичиб ўтирган бўлсаям, кўзи юмилиб қолаверади. Бундай пайтларда у дадамдан сиёсат бобида бир нимани сўраган бўлади. Дадам билганича гапириб бераётганида бувамнинг кўзи илинади. Буни кўриб, дадам жим бўлади. Аммо жойидан жилмай ўтираверади. Бувамнинг боши шилқ этиб тушади ёки ёнбошига қийшади. Баъзан эса бемалол орқасига ястаниб олади. Сал ўтмай ўзининг хуррагидан ўзи чўчиб кетади.

— Хўй-ўш... Қейин нима бўлди?

Шунакада дадам ўрнидан туриб кетган бўлса, қаттиқ ранжиди, мени беҳурмат қипти, деб кўнгли озор топади. Шунинг учун бувам ўтирганида дадам унинг олдидан бир қадам ҳам жилмаслиги шарт.

Мабодо пинакка кетишдан олдин ўзи гапираётган бўлса, қўзини очар-очмас:

— Хўш, нима деб турган эдим? — дея сўраб қолади.

Дадам бундай кезларда ҳушёр бўлиши, гап қаерда чала қолганини айтиб бериши лозим. Агар қиттай янгишиб қолса, бувам дарҳол:

— Йўқ, йўқ, буни гапирудим... Хўш, нима деяётган эдим? — деб қолади.

Баъзан гап қаерда чала қолганини билмай икковлари тортишиб қолишади. Мен ҳамиша уларнинг гап-сўзларини ҳузур қилиб эшитаман.

— Хўй-ўш, кейин нима бўлди?

Дадам келган жойидан улаб кетади. Бир лаҳза ўтмай, яна бувамнинг калласи қийшайиб қолади. Катта танаффус бир соатга яқин давом этади. Бувамнинг ўзлари буни мизғиб олиш, деб атайдилар.

— Сен бемалол гапиравер, кўзим юмуқ бўлгани билан қулоғим очиқ,— деб ора-сира гап ташлаб ҳам қўядилар.

Мана, ҳозир ҳам мириқиб қаҳва ичиб ўтиришибди.

— Хўш, оламда нима гаплар бор? Мамлакатда аҳвол қалай? — сўраб қолди бувам.

Дадам энди гапини бошлаган ҳам эдики, бувам пишиллаб қолди. Калласи шилқ этиб бир томонга қийшайди. Шу ондаёқ сесканиб уйғониб кетди, кўзи кетганини сездирмаслик учун:

— Жуда соз... Бундай вазиятда немислар нима қиласин? Хўш, нима деб ўйлайсан? — деб қўйди.

Немиснинг нима алоқаси бор бунга, ҳайрон бўлдим. Лекин саволга жавоб бериш керак. Дадам немисни ҳам тиркаб кетди.

— Ҳа, энди немислар илгаригидан анча тарақкий этган. Чунки улар...

Шу жойга келганида хонада хуррак эшитилди. Дадам гапини чала қолдириб, қўлига газета олди. Бувам яна кўзини очди.

— Америкаликларнинг муносабати қалай?

Узимни аранг босиб ўтирибман. Сал бўш қўйсам, кулиб юбораман. Дадам жиддий жавоб берди:

— Америкаликлар дунёга ҳукмрон бўламан дейди. Америка армияси...

Баъзан бувам одамнинг етти ухлаб тушига кирмаган саволларни бериб қолади:

— Рим папаси нима дейди? Қани, гапиравер...

— Рим папами? Папа нима ҳам дерди... Ӯша илгариги...

Бувам мизғиб бўлди шекилли, ҳар ҳолда мавзу ўзгариб қолди. Энди унинг ўзи гапга тушив кетди. Бувам Туркияни ривожлантириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида

гапирди. Бунинг учун асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга сотиш лозим экан. У яна кўп гапларни айтди. Охири хуноби ошди.

— Чифаноқ нима деган гап?! Четга чифаноқ сотиш билан юртни обод қилиб бўлармиди? Ахир бу чифаноқ...

Дадам яна газета ўқишига мажбур бўлди. Салдан кейин бувам кўзини очди.

— Ҳа, нима деётган эдим?

— Чиганоқдан гапираётган эдингиз.

— Қанақа чифаноқ?!

— Ўзимизнинг чифаноқ-да. Четга сотяпмиз-ку, ўша.

— Ҳа, тўғри, эсимга тушди. Чифаноқ... Четга чифаноқ чиқариш билан иш битмайди. Биз сифати ўткир тамаки, пахта, бодом сотишимиз лозим... Иннайекин, фалла ҳам... Ахир юртимиз ғаллага, тамакига, бодомга кон-ку. Бодомчилик...

Каллалари яна қийшайиб қолди.

— Қаерда тўхтаб қолувдим? — сўради бувам анчадан кейин ўзига келиб.

— Бодомчилик масаласида.

— Ҳа, тўғри. Бодом масаласида...

Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Бориб очдим. Кийим-бoshi дурустгина, кексароқ бир киши бувамни сўради. Уйга бошлаб олиб кирдим. Бувам меҳмонга пешвоз чиқди.

— Э, келсинлар, афандим, келсинлар... Қаёқдан кун чиқди ўзи!

Меҳмон қўлимга бир қути берди. Устида или бор қутини бувимга элтиб бердим. Қаёқдандир Метин етиб келди. Биргалишиб қутини очдик. Ичи тўла каштан экан. Шакар сепилган каштанни бирам яхши кўраманки..

Остонадаёқ бу киши кўзимга иссиқ кўринди-ю, лекин қаерда кўрганимни дарров эслайламидим. Уйга кириб, бирпас гапларига қулоқ солиб ўтиридим. Шунда бу одамни бирдан овозидан таниб қолдим. Ким экан, айтами? Утган йили Республика байрами<sup>1</sup> арафасида мактабимизга бир журналист келган эди, эсингдами? Невараси ҳам бор экан, бизда иккичи синфда ўқиркан. Республика ҳақида гапириб берган эди. Ўзиям зўр журналист экан. Энди эсингга тушдими? Унинг айтган гаплари ҳали-ҳали қулогимда. «Болажонларим, сизлар чинакам ватанпарвар бўлиб етишинилар. Она юртингизни жондан ортиқ севинглар. Уни жуда яхши билиб олинглар. Катта бўлганингизда Анатолия қишлоқларини бирма-бир кезиб чиқинг. Ўз кўзингиз билан кўринг бу жойларни. Узоқ ва йўқсил қишлоқларга бориб ишланглар. Республиканинг

келажаги сизларнинг қўлингизда, ўғил-қизларим!» — деб насиҳат қилган эди. Айниқса унинг бир гапи ҳечам эсимдан чиқмайди. «Жабрдийда Анатолияга маърифат нурини олиб боришингиз керак!» деган эди. Ушанда ҳаммамиз буни эшишиб, қаттиқ таъсирланган эдик.

— Мен сизни танимай, афандим, — дедим ўзимни тутолмай. — Утган йили бизнинг мактабимизга келган эдингиз. Сизни Истамбулда кўрувдим.

— Ҳа, шундайми... Неварам ўша ерда ўқийди.

Ширинсухан меҳмоннинг гапларини яна эшигтим келди. Четроққа бориб ўтиридим. Кейин нима бўлди дегин?! Бутун орзу ўмидларим пўчга чиқди. Мана, Аҳмад, гапга қулоқ сол.

Бир ўғли бор экан, ўзи ўқитувчи эмиш. Шаҳарда катта бўлгани учун қишлоқ ҳавоси унга тўғри келмасмиш. Қолаверса, уй-жойли экан. Хотини америкаликмиш. Ёш хотини билан Анатолия қишлоқларида тентираб юрса, айб бўлармиш. Катта идораларда бир-иккита ошна-офайниси бор экан, шуларнинг ёрдами билан ўғлини Истамбулда олиб қолибди. Мактабда ўқитувчилик қилаётган экан. Аммо бу мактаб ўғлига узоклик қилаётганимиш. Машинада бир соат юриш керак экан. Уғли шу важдан қийналиб қолибди. Уйга яқинроқ жейда уч-тўртта мактаб ҳам бор экан. Ўғлини шулардан биринга жойлаштириб қўйиш мақсадида Анқарага келган экан. Бувамниг яқин ошнаси шу соҳада ишларкан. Бувам ўшангага бир оғиз гап айтса, боёқишининг иши тўғри бўлиб кетаркан.

Гапини эшитиб, қоним қайнаб кетди. Одобсизлик бўлса ҳам, шартта бетига айтдим.

— Афандим, бу аҳволда жабрдийда Анатолияга маърифат нурини ким олиб боради?

У гапимга тушунмади ёки ўзини тушунмаганликка олди.

— Нима дедингиз, қизим?

Бувам ўшқириб берди.

— Бор, ишингни қил! Қаҳва олиб кел!

Қаҳвани келтириб, хонадан чиқиб кетдим.

Ваннахонага кирсам, кир ювишаётган экан. Секингина икки бўлак совун олдим. Тоғорода қайноқ сув турган экан, совунни шунга ташладим. Бирпаста совун эриб кетди. Торорани кўтариб, коридорга чиқдим. Латтани тоғорага тиқиб, ҳамма зиналарни бирма-бир артиб чиқдим. Ўзимга қулай бўдишлиги учун ишни биринчи қаватдан бошладим. Бундоқ қарасам, Метин юқорида турган экан.

— Ҳа, нима қиляпсан? — деди у ҳайрон бўлиб,

— Дамингни чиқарма, кейин кўрасан.

<sup>1</sup> Туркия республикаси эълон қилинган кун.

Бошқа одам тойиб кетмасин, деган мақсадда тегага чиқиб қараб түрдик.

Меҳмон ўриндан турди. Метин икковимиз ичкари кирдик. Бувам билан дадам уни эшиккача кузатиб қўйишди. Қўл бериб хайрлашишиди.

— Хўп, хайр, афандим.

— Яхши боринг, бейафандим.

— Бирор хизматлари бўлса, ҳамиша тайёрмиз, афандим...

Гапи бўғзида қолди. Чап қўли юқорига кўтарилиб, қаттиқ чайқалиб кетди. Бувам билан дадам ичкари кириб кетишиди.

— Уйдан чиқиб, нега ўйноқлаб кетди у?— дёди бувам дадамга қараб.

Дарҳол жавоб бердим:

— Иши ўнгидан келгани учун хурсанд бўлиб кетгандирда, бува.

Метин икковимиз югуриб балконга чиқдик. Бундоқ қарасак, бинонинг эшиги олдида иккита оёқ чўзилиб ётибди. Машинаси шу ерда экан, шофер югуриб қелди. Шофер зўр журналистни аранг турғизди, кейин қўлтиғидан олиб, машинага ўтқазиб қўйди.

Метин ўша куни роса яйраб кулди. Ундан кўнглим тўқ, хеч кимга айтмайди. Аммо ўзимни ваҳм босди — бечоранинг боши ёрилса нима бўларди? Ҳар ҳолда омади бор экан, майиб бўлгани йўқ.

Анчадан кейин уйга қайтиб кирдим. Дадамнинг қўлида газета.

— Ҳа, гап нимада эди?— қўзини очди бувам.

— Чаласи қолмовди. Гапни тугатган эдингиз.

— Ҳа, дарвоҷе... Ҳўш, atom уруши бўлармикин?

Дадам бир нималар ҳақида гапирди, кейин бояги меҳмоннинг кимлигини сўради.

— Сўраб нима қиласан уни, ўғлим. Ҳар қандай вазиятда ҳам оёғини тўрт қилиб юрадиганлардан...

— Бува, илтимоси нима бўлади, ўртоғингизга айтиб қўясимзи?

— Одамнинг юзи иссиқ бўлади, қизим. Ваъда бериб қўйдим, энди бажариш керак.

Бувам курсига бемалол суюниб олди. Бу гал фикрга толди чамамда. Дадам оёқ учida юриб, ташқари чиқиб кетди.

Сен олдинги хатингда гапим кўпайиб кетди, деган экасан. Менини сениқидан ошиб тушди. Мана, кўрдингми?

Сенга ва ҳамма ўртоқларингга саломлар йўллайман. Ҳаммангизга муваффақият тилаб:

Зайнаб Елқур

P.S. Уша машҳур журналист ўтган йили мактабимизда гапирганида азбаройи таъсирланиб кетганимдан кўз ёши тўкиб олган эдим. Энди бунақа гапларни эшитсам, сирами йиғламайман.

З.Е.

## Қироат керак

Истамбул, 20 январь, 1964 йил

Жондан яқин ўртоғим Зайнаб!

Сен айтган машҳур одамни нега танимас эканман? Мактабимизга келиб, ватанпарварлик ҳақида кўпириб гапиргандари ҳамон эсимда турибди.

Хатингда иловаси ҳам бор экан. Бундан буён энди шунақа гапни эшитсам, асло кўз ёши қилмайман, деб ёзибсан. Бу мумкин эмас, Зайнаб. Йиғламай иложинг йўқ. Пиёз тўғраптандан ҳам шундай бўлади. Ҳеч ким қўзидан атайлаб ёш чиқармайди. Узи қуийлиб келаверади. Қўз ачишиб кетганидан кейин ёш чиқади-да, албатта. Сен айтган одамларнинг овози ҳам мана шу аччиқ пиёзга ўхшайди. Буни мен бошимдан ўтгани учун айтгапман. Радиода чиқадиган бир одам бор. Шунинг гапини эшитсам, нуқул кўзимдан тирқираб ёш келади. Қайси бир куниям кўнглим бузилиб турган эди, дадам:

— Ҳа, Аҳмад, нима бўлди? Нега йиғлаяпсан? — деб ҳайрон бўлди.

Бундоқ ўйлаб қарасам, нимага йиғлаётганимни ўзим билмас эканман. Жуда ғалати гап-а бу? Аммо бўлган иш. Кейин ўзимга ҳам қизиқ туолди, нега бекордан-бекорга йиғлайман, деб ҳайрон бўлдим. Бундоқ дурустроқ ўйлаб қарасам, менга бу одамнинг айтган гапи эмас, балки овози таъсир қиларкан. Унинг пардалари титраб чиқадиган овозини эшитсам, беихтиёр қўзимга ёш келавераркан.

Пиёз тўғрап турган одамдан «нега кўзингиз ёшланяпти?» деб сўраб бўлмайди. Бунинг сабаби маълум ўзи. Худди шунга ўхшаб бирорларнинг гапини эшитганда кўзидан тирқираб ёш келадиган одамга ҳам бир нарса дейиш қийин.

Бир пайт мени бувам мачитга олиб борган эди. Намоз тутаб, имом аҳли мусулмонга араб тилида алланималарни ўқиб берди. Йомомга қулоқ солиб ўтирган бувам тўсатдан

хўнграб йиғлаб юборди. Бувамни кўриб, мен ҳам ўзимни тутиб туролмадим. Йиғи-сиги кўп бўлди. «Уга қайтаёттани мизда бувамдан нега йиғлаганини сўрадим.

— Бува, арабчани биласизми? Имомнинг гапига нимага йиғладингиз?

— Қаёқда дейсан, болам. Имом ҳам, мен ҳам арабча тушунмаймиз.

— Унақа бўлса нега йиғлайсиз?

— Қандоқ қилай, бўтам. Имом қанчалик қироат билан ўқиганини кўрдингми? Ким билади дейсан, балки қиёматдан гап кеттандир.

Бувамнинг эсига яна имом тушиб, кўзига ёш олди. Мен ҳам унга қўшилдим. Аслида имом одамни кулдирадиган нарсани ўқиган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бу воқеани ҳали-ҳали эслаб юраман.

Биз томонда бир киши бор. Ўзи кўчама-кўча ҳар хил сабзавот сотиб юради. Худонинг берган куни эшигимизнинг тагидан бақириб ўтиб қолади. Шу одамнинг овозини эшитсан, негадир кўнглим бузилиб, кўзимга филтилаб ёш кела-веради. Бўлмаса гапининг йиғлайдиган жойи йўқ. «Карам, редиска келди, кеп қолинг», «Мана кимга помидор, кимга пиёз» деб бақириб юради, холос. Бунинг нимасига йиғлайсан, тўғрими? Демак, менга унинг гап-сўзи эмас, балки овоби қаттиқ таъсир қиларкан.

Ўқитувчимиз ҳам шеърларни бизга доим қироат билан ўқишини ўргатади. Ўқиш китобида бир шеър бор. «Армон ила кетган эдим» деган мисра билан бошланади. Ўқитувчимиз бизга шуни қандай ўқиш кераклигини ўргатди. «Танда губорим қолмади» деган иккинчи мисрани мумкин қадар чўзиброқ, мунглироқ ўқиш керак, деб тайинлади. Худди бозорла садақа сўраб юрган маддоҳга ўхшаб, «Танда губо-о-о-рим қолмади» дейиш керак экан.

Шу шеърни эшитсан, кўзим ёшланадиган бўлиб қолди. Бир куни ўқитувчимиз яна шу шеърни ўқиб кўрсатаётган эди. «Танда губо-о-рим қолмади» деб қироатини келиштирган ҳам эдикি, орқа партадан кимдир чидаб туролмади.

— Ё ҳув, ё олло!

— Қайси бетамиз бу! Тур ўрнингдан! — бақириб берди ўқитувчи.

Орқа партадан Яшар турди.

— Кечирасиз, ўқитувчим, билмай айтиб юборибман.

Ўқитувчи айбга иқор бўлгани учун Яшарни кечирди. Шеър ўқишини яна давом эттиридик.

«Бир қултум сувга зор кўнгил, асти мадорим қолмади».

«Бир қултум...» деб бошланадиган мисрани ўқиганда овоз титраб туриши керак экан. Яъни сен сувни эмас, худди жўнингни сўраб қароқчига ёлборяпгандек. Ана шунаقا гаплар.

Одам боласи гап-муомалага уста бўлиши, қаерда юмшоқ ва қаерда қаттиқ гапиришни била билиши керак. Буни яхши тушунаман. Дадам нуқул хўжайнини гапириб юради. Жуда уста одам эмиш. Дадам ҳаммага шунаقا деб айтади. Кўпинча фабрика ишчиларининг ўзи ёки уларнинг вакиллари хўжайнинг олдига кириб, тирикчилик оғир бўлиб кетганини айтиб, иш ҳақини оширишни талаб қилишаркан. Бундай пайтларда хўжайнин овозини мўмкин қадар юмшатиб, ипакдек мулоимлик билан нималарни дир гапириб бераркан. Гапираётганида ўзидан-ўзи тўлқинланиб, кўзига ёш оларкан. уни кўриб, ишчиларининг ҳам юрак-бағри эзилиб кетаркан. Ҳар икки томон обдон ҳўнгиллаб олгандан кейин ишчилар асл муддаони ҳам унтиб, силлиққина чиқиб кетишаркан. Кейин эс-хушларини йиғиб олгач... «Хўжайнин нимани гапирди, нега йиғладик» деб тоза ҳайрон бўлишаркан. Аммо хўжайнин буларга нима деганини ҳеч ким аниқ билмас эмиш.

— Ҳозир мен хўжайнинг олдига кираман. Таваккал. Нима деб гапирсаям, қаттиқ тураман, кўз ёши қилмайман. Е ойликни оширади, ё мени ишдан ҳайдайди,— дебди бир куни дадам ўртоқларига.

Дадам шитоб билан ичкари кириб, «бейафандим!» деб энди оғиз жуфтлаган экан, хўжайнин гапни илиб кетибди.

— Биламан, қардошим, биламан. Ҳаммадан сенга қийин. Тирикчилик ҳам оғирлашиб кетди... Хабарим бор, сезиз юрибман.

Бунга кўнгилни бузмаса ҳам бўлади, жўн гап. Аммо ўқиган билан эшитган бошқа бўларкан. Бирор сенга сидқидидан ачиниб, шафоат билан гапириб турганидан кейин тош бўлса ҳам эриб кетаркан. Лекин дадам тишини тишига қўйиб кўнгилни маҳкам қилиб тураверибди. Икки ўртада савол-жавоб бошланибди.

— Қўлингга қанча жон қарайди?

— Беш кишини боқаман.

— Воҳ-воҳ, сенга жабр бўлибди-ю...

Хўжайнин чуқур хўрсинибди. Унинг юраги ачишаётганини кўриб, дадамнинг ўпкаси тўлибди-ю, лекин лабини маҳкам тишилаб тураверибди.

— Жужуклар мактабга қатнайдими?

— Биттаси ўқииди, иккинчиси уйда.

— Афсус, афсус... Бундан чиқди, иккинчисини ўқитишига қурбинг етмабди-да?

— Йўқ, ёш ҳали. Катта бўлсин, албатта ўқитаман.

- Бунинг устига уч йилда бир хотинга пальто олиб бериш керак. Жуда мушкул иш-а?
- Иўқ, нега? Эплаб турибман.
- Ҳа... Хотининг тез-тез оғриб турса ҳам керак...
- Соғлиги яхши.

— Соғ одам қасал бўлмай иложи йўқ, биродар. Етиб қолса нима қиласан? Воҳ-воҳ... Боёқишининг ҳоли нима кечади? Докторга кўрсатиш керак, дори-дармон буюради... Ҳаммаси пулнинг заволи... Операцияни нима қилмоқчисан?

- Қанақа операцияни?
- Үғилчани-да...
- Операция нимаси, бейафандим? Ҳеч ҳожати йўқ.
- Ҳозир ҳожати бўлмаса кейин бўлади. Бошда бор нарса бу...

Хўжайнинг овози қалтираб, қўзи намланибди. Шу пайтгача ўзини маҳкам ушлаб турган дадам буни кўриб ортиқ чидаётмабди.

— Қўйинг энди, бейафандим, кўнгилни бузманг... Бир иложини қиласиз ахир... Бўлди, йигламанг.

Дадам хўжайнин билан қўшилишиб, ҳўнг-ҳўнг йиглашибди.

Шу воқеани гапириб бўлгач, дадам ҳамиша бундай деди:

— Хўжайн билан нима ҳақда гаплашганимиз эсимда. Лекин ўша жойга келгандан кейин тамоман ўзимни йўқотиб қўйибман. Бу ёғи нима бўлганини билмайман. Хўжайн ўпкаси шишиб яна алланималарни гапирди, икковимиз роса йиглаб-сиқтадик. Алламаҳалдан кейин эс-хушимни йигиб солдим, қани, нима деялти экан, деб гапига қулоқ солдим. Бундоқ қарасам, ҳазрати Алининг ўғиллари Ҳасан билан Ҳусайн Қарбалода қандоқ шаҳид тушгандарини таърифлаб турган экан. Бу занғар гапни қандоқ қилиб Ҳасан билан Хусайнга боғлабди, ҳайронман.

Хуллас, дадам ўша куни хўжайнинг олдидан қовоғи шишиб чиқибди.

Мана, кўрдингми, Зайнаб, нафаси ўткир одамлар гапиргандаги йигламай ҳеч илож йўқ. Агар ўша машҳур журналист мактабга қайта келиб қолгудай бўлса, яна кўз ёшлар тўкилиши турган гап.

Хўп, омон бўл. Хатингни кутаман.

*Аҳмад Тарбай*

## Ноиттифоқ мактаб ва оила

Анқара, 24 январь 1964 йил

Дўстим Аҳмад!

Ҳозиргина 20 январда ёзган хатингни олдим. Кеча укол қилдирган эдим, шунинг учун бугун ўқишига бормадим. Хатингни ўқиб туриб, қаттиқ кулиб юборган эканман, ойим:

— Бекордан-бекорга нега куласан, қизим? — деб ҳайрон бўлди.

Сендан хат келганини айтдим.

— Нима деб ёзибди ўртобинг?

Ёзганларингни ойимга ҳам ўқиб бердим. Роза мириқиб кулади.

Сенга мён «Мактаб ва оила иттифоқи» нинг бир мажлисими гапириб бермоқчи бўлиб юрган эдим. Мана бугун шунга имкон туғилди, вақт жуда бемалол. Укол сал оғриб, иситма чиқариб турибди-ю, лекин чидаса бўлади.

Яқинда мактабда ота-оналар мажлиси бўлди. Ўзи ҳар ойда бир марта ўтказиб турилади. Бешинчи синфдан беш бола навбатчилик қиласиган бўлдик. Учта қиз ва иккита үғил бола. Ўша куни мажлисда бўлган ҳамма гапларни ўз қулогим билан эшиздим. Жуда ғалати гаплар бўлди. Сенга шуларни айтib бермоқчиман.

Навбатчиларинг иши мажлис тугагандан кейин меҳмонларга чой, лимонад, печёне улашиб чиқишдан иборат. Шунинг учун бизни ичкари қўйишмади. Коридорга чиқиб турдик. Зал ота-оналар билан лиқ тўлгани учун димиқиб кетди, ахiri эшикнинг иккала тавақасини ланг очиб юборишиди. Коридора туриб, ҳамма гапларни эшишиб олдик.

Директор жаноблари мажлисда биринчи бўлиб нутқ сўзлади. У нутқини мулойим оҳангда бошлаган бўлса, кейин ўдағайлашга ўтди. Гапнинг асосий мазмуни шу бўлди: ота-оналар фарзандларини ўз ҳолига ташлаб қўйишган, натижада, ҳамма оғирлик мактабга тушяпти. Шуни унумаслик керакки, мактаб аслида оиланинг ўзидан бошланади. Отана уйда болани тергаб туриши, вақтида дарс қилдириши, мактабга келиб, унинг ўқишидан, юриш-туришидан хабар олиб туриши лозим.

Залда пицир-пицир гаплар уралашиб қолди. Директор мактаб ишларига шўнгигб кетгани учун ўзига вақти қолмаётганидан нолиб гапирди.

— Үғлим лицейнинг биринчи синфида ўқийди. Шу мактаб ишларидан бўшаб лицейга боролмайман. Үғлимнинг ўқишилари қанақа, билмайман. Бир келиб кетинг, деб кўп ҳат

иоборишди, аммо вақт қани бунга... Ишим бошимдан ошиб ётган бўлса...

«Мактаб ва оила иттифоқи» нинг раиси қилиб бир аёл сайланган. Директордан кейин у ота-оналарга сўз берди. Утирганлардан бири минбарга чиқди. Бу одам ўқувчилар она тилларини яхши билмайдилар, деб шикоят қилди.

— Бу қандоқ гап, афандим, ўғлимга нима учун она тилини ёмон ўқитишади?

Бу кишининг тили бирақ ғалати эканки... Гаплари поймапой, ҳечам тушуниб бўлмайди. Бир жумланинг ўзида учала замон феъли кетма-кет келади. Гапи қаерда бошланиб, қаерда тугаганини билолмайсан.

— Асло мумкин бўлмайди, афандим. Француз тили бўлганида гўрга эди, нега бўш сабоқ олишини билмасдим. Балки тўғри бўлажак бу. Аммо лекин она тилидан ёмон ўқиди, мумкин эмас. Адолатсилик бўлди... Иннайкейин, менинг ўғлим бошқа миллат фарзанди бўлди, туркча билмай қолажак. У менинг ўғлим, бинобарин турк фарзанди, шундоқ экан, туркча билган шарт. Нега у она тилини билмаяжак? Тилни ғоят зўр ўқитади, демаганмишман... Лекин ҳар қандай турк боласи керак камида ўрта тилни билади. Ўғлим гапиради, туркча тушунганман, уни онаси тушунди, ўртоқлари тушунажак, демак ўқитувчиши ҳам тушунган керак албатта. Тилдан камида ўрта баҳо олган керак.

— Кечирасиз, гапингизга тушунолмадим,—луқма ташлади синф ўқитувчиси.—Ўғлингиз турк бўлгани ва турк тили унга она тили бўлгани учун бу фандан камида ўрта баҳо олиши керак, -демоқчимисиз?

— Ҳа, тўғри, шуни гапирганим. Ўғлимнинг гапига ҳамма тушунди, ўқитувчиши ҳам тушунган лозим...

— Демак, ўғлингизнинг гапига тушунар экансиз-да?

— Ҳа, албатта.

— Ўғлингиз ҳам сизни тушунадими?

— Тушунди бўлиши керак.

Залда ғала-ғовур бошланди. Директор уни тинчитиб, жойига ўтказиб қўйди.

Оталардан яна бири сўзга чиқди. У гоҳ пайтлари ўғли айрим нарсаларни сўраб қолганида жавоб беролмай қўйналишини гапирди.

— Унинг сўраган нарсасини мен нега билмайман, афандим? Нима учун билмаслигим керак?

Шунга ҳам хуноб бўладими, деб турган эдим, сабаби бошқа ёқда экан.

— Мен билмаган нарсани ёш бола қандоқ тушуниши мумкин? Мутлақо ўзлаштиrolмайди. Аслида ўзим лицейни битир-

ганман. Бошланғич мактабда ўқийдиган ўғлимнинг саволига баъзан жавоб беролмай қоламан-а. Шу тўғрими ахир? Фарзандларимиз тўдак ҳали, программани сал енгилроқ тузиш керак. Миясини ачитишнинг нима кераги бор?!

Боша бир жувон унга қарши гапирди. Бу жувон ўқувчиларнинг билими саёз бўлиб кетаётганидан, улар кўп нарса ни билмаслигидан шикоят қилди.

— Қизимдан нимани сўрамай, ҳечам дурустроқ жавоб ололмайман. Ҳайронман, бизнинг замонамизда ўқув программалари жуда кенг бўларди. Мана битта мисол. Тунов куни икковимиз ошхонага кирдик. Бир киши тишини ковлаб ўтирган экан, кизим ўшани кўрсатиб: «Ойи, бу киши нега кавш қайтаряпти?» деб сўраб қолса бўладими! Илтимос қиласман, тўртинчи синф ўқувчиси одамзод сут эмизувчилар тоифасига кирмаслигини билиб қўйсин.

Директор ўқув программыси мактабда эмас, балки маориф министрлигига тузулишини, шунинг учун бу масала бевосита министрликка тааллуқли эканини айтиб уни тинчитмоқчи бўлди. Лекин жувон ҳам бўш келмади.

— Бир нарса бўлса, нуқул ҳукуматни рўкач қиласман. Одамзод сут эмизувчilarга кирмайди, деб айтиб қўйиш на ҳукуматнинг ва на министрликнинг иши бўлмаса керак албатта.

Ҳаммалари бир-бирини кулдириш учун атайлаб майнавозчилик қилаётгандек туюлди менга. Лекин важоҳатлари ғоят жиддий эди.

Синфимизда Мурод деган бир бола бор. Мабодо ўқитувчи уни чақириб қолса:

— Кимга айтяпсиз? — деб бўзраяди.

— Кимга бўларди, сенга-да!

— Менгами, афандим?

— Ҳа, сенга айтяпман.

— Ростдан менгами, афандим?

Ўқитувчи унинг исмини айтиб чақирсаем ёки синфда иккovidan бошқа одам бўлмасаям Мурод нуқул анқовсираб тураверади. Буни кўриб, ўқитувчи жигибийрон бўлади.

— Рўларамда турган сенмисан ахир?! Сенга бўлмай, кимга айтяпман, Мурод!

Мурод шунда ҳам орқа-олдига қараб аланглайди. Бир кунй орқасига ўгирилиб, қуп-қуруқ деворга қараб шунақаямтиклидикি.... Узиям роса кулишдик.

Бир киши ўрнидан турди. Кейин билсак, у Муроднинг отаси экан.

— Рухсат этсангиз, мен ҳам икки оғиз галирсам.

— Марҳамат, афандим, эшитамиз,— деди раислик қилаётган хоним.

— Менга айтапсизми? — ҳайрон бўлиб сўради Муроднинг отаси.

— Ҳа, сизга. Гапираман деяпсиз-ку.

— Ким? Менми?

— Ҳа, сиз.

— Мен-а?

— Шундоқ, афандим. Марҳамат, сўз сизга.

Муродга ўхшаб у кишиям қўлни кўксига қўйди;

— Мен гапирайми?

Залдан туриб аллаким: «Йўқ, сиз эмас, мен!» деб луқма ташлаган эди, гур этиб кулги кўтарили.

Муроднинг отаси нутқини бошлаб юборди. У мактабда болаларга копток ўйнатмаслик керак, ўғлим коптокка берилиб дарсларидан қолиб кетяпти, деди.

— Ўглингиз қайси синфда ўқийди? — луқма ташлади директор.

— Ким, менинг ўғлимми?

— Ҳа, сизнинг ўглингиз.

Муроднинг отаси пича ўйланиб турғач:

— Шу мактабда ўқийди,— деб жавоб берди.

— Ҳўш, синфи борми? Нечанчи?

— Нима нечанчи?

Кимдир яна: «Оёқ кийимингизни сўрағтилар. Размерини айтинг!» деб қичқирган эди, зал шарақлаб кулиб юборди.

Боёқиши ўғли нечанчи синфда ўқишиниям билмас экан. Муроднинг исм-фамилиясини айтгандан кейингина бу киши ўртоғимизнинг отаси эканлиги маълум бўлди.

Яна ботиқ сўзга чиқиб, бир қулоч ваъзхонлик қилди. Шунақаям гапни чайнаб гапиракканки, ўтирганларнинг тоза энсаси қотди.

— Туркия фақат асаларичилик ҳисобига тарақкий этиши мумкин, жаноблар,— деб бошлади у нутқини.

Асаларичилик билан ота-оналар мажлиси ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкинлигини тушунолмаганимиз туфайли кулгидан ўзимизни аранг тийиб турибмиз.

У асаларичиликка оид жуда кўп китоб ўқиб чиққанини айтиб, асалари қандай бўлишини тушунтириб берди.

— Асалари одатда кичкина бўлади. Қанотлари ҳам бор. Доим учуб юради. Ўзи асал қиласди. Кишқ организмига асалнинг фойдаси катта. Фоят фойдали нарса. Асални нонуштага ёки овқатдан кейин истеъмол қилиш мумкин. Мураббоси ҳам лаззатли бўлади. Аслида асал икки хил бўлади...

Нотиқ оғзидан бол томиб, асаларичилик хусусида роса маъруза қилиб бўлгач, бевосита ариларга ўтди.

— Мен сизга айтсан, арилар икки хил бўлади — қовоқари ва асалари.

Залда гала-ғовур бошланди. Директорнинг сабри тугади.

— Ҳўш, асаларининг кимга кераги бор?

— Асаларими? Ахир ундан асал олинади.

— Яхши, асалнинг нима кераги бор?

— Нега кераги бўлмасин? Асал ҳамма нарсага керак.

— Ҳўп, мактабга асалнинг нима алоқаси бор?

— Рухсат этсинглар, бу ёнини энди айтаман. Ҳозир бўржаноб фарзандларимизнинг олган билимидан бирор наф бўйсин, турмушда фойдаси тегсин, деб гапирди. Жуда тўғри таклиф. Мен ўғлимдан қиёс қиласман. Ўғлим уч бурчак бурчакларининг йигиндиси бир юз саксон градус бўлишини билади-ю, лекин асалари ҳақида мутлақо тасаввuri йўқ. Ҳўш, ўша бурчаклар йигиндиси юз саксон градус бўладими ёки беш мингми — бунинг кимга кераги бор? Қанча бўлса бўлаверсин. Мана, ўзлариккиз айтинг-чи, шунча ийл яшаб, қайси бирмизга керак бўлиб қолди бу нарса? Бирор биздан уч бурчакни сўрадими? Асло йўқ. Шундоқ экан, ҳар хил бемаъни нарсалар билан ўғил-қизларимизнинг миясини ачитишмасин. Улағга фойдали нарсаларни, масалан, айтайлик, асаларичиликни ўқитишин. Туркия фақат асаларичилик ҳисобига тарақкий этиши мумкин. Зотан, асалари қўй билан сигирдан фарқ қиласди. Сигир сут беради-ку, лекин унга ем-хашак керак. Асалари бўлса сиздан ѡч нимани талаб қиласмаган ҳолда мўл-кўл бол беради.

— Таклифингиз жуда тўғри, жаноб,— деди бир киши ўринидан туриб.— Аммо шаҳар шароитида асаларичиликни ривожлантириб бўлмайди. Нега десангиз, шаҳарнинг ҳавоси ёмон, чанг-тўзон, тутун сероб. Асалари бунга қандоқ чидади? Қолаверса, асаларидан шароитга қараб асал олиш мумкин. Шаҳар ичди у асал эмас, қатрон бериши мумкин. Шундоқ, афандим. Энди менинг бошқа бир таклифим бор. Асаларичилик билан бошни қотиргандан кўра товуқларга ўтибор берган маъқул. Товуқ яхши нарса. Фарзандларимиз товуқ боқиши хунарини яхшилаб эгаллаб олишса борми.

Директор унинг гапини бўлди.

— Мен яна қайтариб айтаман, афандим. Мактабда асаларичиликни йўлга қўйиш, товуқ ёки сигир-бузоқ боқиши бозига болглиқ эмас. Даурс программалари маориф министрлигига тасдиқланади. Қолаверса, бу ер қишлоқ хўжалик мактаби эмас.

— Мавзудан анча четга чиқиб кетган кўринамиз,— деди пўрим бир аёл ўрнидан туриб.— «Мактаб ва оила иттифоқи»

нинг аъзоси сифатида менинг бир тақлифим бор. Мактабда қашшоқ болалар ҳам ўқиди. Шуларга ёрдам бериш керак. Ҳуш, нима қиласиз? Лотерея ўйнаб пул тўплаймизми ёки ўтган йилдагидек уларга бир кечада уюшириб берамизми?

Узоқ тортишувлардан кейин йўқсил болаларга бир кечада уюшириб беришга қарор қилишди. Шу ернинг ўзидаёткотоналардан хайр-эҳсон пули йигиб олинди.

Мажлис тугаб, ҳамма ўқитувчиларни ўраб олди. Ҳар ким ўқитувчидан ўз фарзандини суриштира кетди. Биз, навбатчилар залга кириб, меҳмонларнинг олдига чой, лимонад, печенье кўйиб чиқдик.

Очиғини айтсан, шу куни роса хумордан чиқдим. Қани энди шунаقا мажлислар тез-тез бўлиб турса. Сизларда ҳам мажлис бўлиб қолса, бир иложини қилиб албатта кир. Гапларни эшит.

Мажлисга ойим борган эди. Уйга қайтгач, ойимдан: «Сиз ҳам нимага сўзга чиқмадингиз?» деб сўрадим.

— Навбат тегдими ўзи менга? Ҳаммаси оғзига келганини вайсади.

— Айтадиган гапингиз бормиди?

— Нега бўлмас экан? Нима, менда лаб-даҳан йўқми?! Бирор нимани топиб гапирардим. Гал беришмаса нима қиласай.

Мана, Аҳмад, хатим яна чўзилиб кетди. Сенини ҳолва экан.

Минега айтиб қўй, ҳалигача ундан жавоб олганим йўқ Сенга муваффақият тилаб:

Зайнаб Елқир

## ЗУККОЛАР МУСОБАҚАСИ

Истамбул, 30 январь, 1964 йил

Зайнаб!

Хатингни олдим. Сен ҳикоя қилиб берган мажлис худди кинолентага ўхшаб кўз ўнгимда жонланиб кетди. Дадам ота-оналар мажлисига ҳечам бормайди. Чунки сира вақти йўқ. Ҳар куни фабрикадан ҳориб-толиб келади. Баъзи кунлари иши кўпайиб кетса, ярим кечада қайтади. Дадам факат якшанба куни биз билан бирга бўлади. Бутун рўзгор ташвиши ойнманинг елкасида. Мажлисга боришга, очиги, қўли тегмайди.

Сенга айтадиган бир хушхабарим бор — зукколар мусобақасида улоқни бизнинг донишманд илиб кетди.

Гапимга тушунмаган бўлсанг керак. Донишманд ким, би-

ласанми? Синглим Фатўш. Ўтган якшанба куни олтита зукко бола ўзаро мусобақа ўтказиши. Тўврироғи, уларни бир-бирига катталар чўқишитирди. Шу мусобақада биринчи ўринни ўзимизнинг Фатўш олди. Ҳалоли ҳам шу.

Менинг иккита амаким бор. Катта амаким бир ўғилу бир қиз, кичиги эса бир ўғил кўрган. Уша якшанба куни амаким-гилар ўй ичи билан бизниги келиши. Дадам бир инженер ўртоғини ҳам чақирган экан. Кейин қўшнимиз чиқди. Булар ҳам арзандаларини олиб келишибди. Хуллас, ўйимизда олти бола жам бўлди.

Катта амакимнинг қизиқ бир одати бор: кимни кўрса, шунга ўғил-қизини мақтайди, жуда мияси ўткир, бало бола бўлишган, деб керилади. Ҳар гал уларнинг янги-янги қилмишларини гаџириб беради.

— Тунов куни кичиги нима ҳунар кўрсатди денг? Оғзим очилиб қолибди. Худо ҳаққи, бирор эшитса ишонмайди.

Катта амаким нуқул гапни шундан бошлайди. Қенжатойнинг қилган иши шу бўлтики, амаким кечкурун уйга келиши билан югуриб бориб шиппагини олиб келибди.

— Муштдай боланинг шунга ақли етганига ҳайронман. Тавба деб ёқамни ушлайман. Шиппак кийишимни билганини қаранг... Вой фаросатингдан ўргилай-ей... Ғуж-ғуж мия экан бунинг боши.

Шиппакка фаросати етган бу зукко бола неча ёшда, билансами?

— Ҳўқиздай бўлиб қолган, Фатўшдан бир ёш катта.

Инженер гапни илиб кетди.

— Шу замоннинг болалари жуда ўткир бўлиб, кетган. Бизнинг қизча ҳам шундай. Ҳали еттига тўлгани йўғу, француздани бидирлаб гапиради.

— Епирай! Аломат-ку!

— Балли, жуда аломат қиз! Француздани қотириб ташлайди.

Катта амаким гап оқимини яна ўғлига бурди:

— Қенжамиз жуда ўткир бўлган-да, кўз тегмасин. Опасини босиб тушади. Опасиям лекин чакки эмас. Икквиям балой азм... Қайси куниям уйга кечроқ қайтган эдим, ойиси ўғилчадан нолиб гапирди. Ҳеч сўзимга кирмаяпти, катта бўлиб кучим етмай қолди, кўчадан бери келмайди, ўзинг чақириб келмасанг бўлмайди, деб қолди. Борсам, кўча чангитиб конток ўйнаётган экан. Терлаб кетибди, ҳамма ёғи чанг-тўзон. Уйга кир, десам унамайди. Зўрлаб олиб кетмоқчи бўлдим. Яқинроқ борган эдим, бирар тирақайлаб қочдики... Қувиб етолмадим. Бир қарич боланинг шунчалик тез чопинини кўриб ҳайрон қолдим. Тоза антиқа чиқди-да бу ўғил,

— Менинг қизимни айтмайсизми.. Шунақаям ақлли бұлғанки...

Құшнимиз әнді қизини таърифламоқчи бўлиб турган эди, катта амаким фурсатни қўлдан чиқарғиси келмади.

— Кечирасиз, гапингизни олдим.. Кейин орқасидан роса юурдим. Етолмадим. «Үйга юр, бўлмаса калтак ейсан» деб охири дағдаға қилишга мажбур бўлдим. «Нима, сиз ойимисиз, мени туқданмисиз? Ишингиз бўлмасин» деса бўладими! Бу хумпарнинг гапидаги мантиққа қаранг! Узи зўр-да, зўр.. Катта одамнинг ақлига келмайди бу гап...

Амаким гап орасида ўқтин-ўқтин ўғилчасига қараб, мамнун жилмайиб қўяди. Буни кўриб, бошқа меҳмонлар ҳам ноилож кулган бўлади.

— Умири билан берган бўлсин. Қойил, ўғилчангиз жуда ақлли бола скан,—деди инженер.

Буни эшишиб амаким яна эриб кетди.

— Нимасини айтасиз, афандим. Шайтонга дарс беради бу хумпар. Ҳатто уйда ким қайси ишга қодир эканини ҳам билади...

Бу бола менга қариндош. Узи мендан бир ярим ёш кичик. Дуруст бола. Аммо унинг дадасига маъқул тушган қилиқлари ўтакетган тарбиясизликнинг ўзи. Мен шундоқ деб ўйлайман.

Гапи чала қолган қўшнимиз келган жойидан бошлаб юборди.

— Қизчамиз ҳозирдаёқ рассом бўлиб қолган. Чизгав расмларини кўрсангиз, ҳавасингиз келади. Жуда антиқа.

— Қизимнинг қўли гул, ишқилиб, ёмон кўздан асрасин,—қўшиб қўйди онаси.

Навбат кичик амакимга тегди.

— Шу замоннинг болалари жуда ўткир бўлиб кетяпти-да. Ҳаммаси бир-биридан ўтаман дейди. Шу бизнинг ўғилча денг...

Билсак, амакимнинг ўғилчаси жуда хушовоз экан.

— Бизнинг Фатўшимиз раққоса бўладиганга ўхшайди,—деди дадам ҳам гапга қўшилиб.—Твист деган бир ўйин бор экан. Шуни бирам боплаб ташлайдики, асти қўяверасиз.

— Қизимни яллачи қилмайман, кераги йўқ,—эътиroz қилди ойим.

— Ломлик қилма, хотин. Раққоса бошқа, яллачи бошқа. Фарқи бор. Қизимиз яллачи әмас, раққоса бўлади.

— Барibir бегонанинг олдида ечиниб ўйнайди-да. Хоҳламайман буни!

Шу гапларни эшишиб ўтириб, миямга ғалати бир фикр келди. Айтайлик, ўтирганлардан бири яна ўғилчасини мақтаб

кетади. «Ўғлим тушмагур энди йигирмага чиқди. Тунов куни онасини эмиб ўтирганида менга қараб: «Дада, менга хотин олиб беринг!» деб қолса бўладими. Ё тавба! Шу ёшда боланинг тили чиққанини кўрганмисиз?! Вой замонангдан ўргилай шунқорлар-её!» Буни эшишиб, ҳамма ёқа ушлайди. Шу нарсанинг бўлиши мумкинми? Албатта мумкин. Бояги гапларни айтган одамларнинг шунга ақли етмасмиди?

Қайси бир куни қўшнимиз янги гап топиб келди. Бир ярим яшар боласи атак-чечак қилаётган эмиш. Ойимга шуни қувона-қувона ганирди. Мен ҳайрон бўлдим. Нима, бир ярим яшар бола юрмасдан учши керак эканми?

Ёш бола нима ҳунар кўрсатса, ҳаммасига ажабланаверишар экан-да. Қизиқ, Гўдакнинг тили чиққанингайам ҳайрон бўлнишади. Бола деган одамга ўхшаб гапирмай, увиллаши керак эканми? Тавба.

Мияси бутун болалар бирпастда ўйимизни бошга кўтариб, тўс-тўполонни чиқариб юбориши.

Бояги инженернинг Ториқ деган ўғли бор. Кап-катта бола ўрта мактабнинг иккинчи синфида ўқыйди. Инженер шу ўғлидан гап очди.

— Ёшлигига Ториқ жуда ажойиб бола эди. Нимагадир кейин ўзғариб қолди.

— Қани, қани, нимаси ажойиб эди?— қизиқиб сўради кичик амаким.

Инженернинг ўғли ҳам шу ерда. Отаси гапирапти-ю, мен унга разм соламан: турқи совуқ, сўтак бир бола, холос.

Ториқни онаси чақириб қолди. Унинг уч-тўрт марта овози эшитилган бўлсаям, Ториқ миқ этмай ўтираверди. Охири деразани очиб ўшқирди:

— Ҳа! Нима дейсан!

Ота-оналар ўз фарзандлари нималарга қобил эканини бир кўрсатиб қўйишмоқчи эди. Ҳамма шу фурсатни сабрсизлик билан кутарди. Охири катта амакимнинг сабри чидамади. У беш яшар қизини имлаб чақирди.

— Қани, қизим, амакиларнинг ашула айтиб бер-чи. Мазза қилиб бир эшитишсин.

Қизча жилпанглаб, ноз қилди.

— Э-э...

— Бўла қол, оппоқ қизим.

— Айтгим келмаяпти.

— Ақа-сингилнинг музикага жуда ихлоси баланд,—қистириб ўтди келин ойим.—Куйни дарров илиб олишади. Пианино чалганда қўллари бирам келишиб турадики. Пианино бўлганида ўғлим боплаб мензурка чалиб берарди-я,

— Мензурка эмас, мазурка, хоним,— деди амаким уни тузатмоқчи бўлиб.

— Мензурками, мазурками— ҳаммаси бир гўр эмасми... Ешлигимда мен ҳам музика шайдоси ёдим, иккови менга тортган.

Қизларини яна қистаб кетишди.

— Бўл энди, қизим. Айтмасанғ ҳай одиб бермайман.

— Обермасанғиз оберманг...

Навбат порага келди.

— Ашула айтуб берсанг, битта шоколад бераман.

— Нимани айтай?

— «Бейўлининг қизлари»ни.

Амаким туңука чойнакни олиб, қопқорини тиқиллатди. Келин ойим бармоқ шиқиллатди. Ниҳоят, чийилдаган бир овоз ўзитилди. Қўшиқ бошланди.

«Бейўлининг қизлари, ёр-эй,

Бейўлининг қизлари, ёр-эй,

Сузилиб турар қўалари, ёр-эй...»

Қиз дам бадам тўхтаб қолади. Онаси у ёғини улаб юборди. Шундагина нимжон овоз қулоққа чалинади.

Қўшиқ тугагач, ҳамма чапак чалди. Келин ойим инженернинг хотинидая узр сўраган бўлди:

— Бугун тоби қочиб турибди, ҳоласи, овозининг мазаси йўқ.

— Жуда бинойидек овозлари бор экан, кўз тегмасин,— деди у эътироғ билдириб.

Кичик амаким навбатни ўғлига олиб бермоқчи бўлди.

— Қени, ўғлим, сен энди шеър ўқиб бер-чи

Бола бир бурчакка биқиниб олди.

— Ия, ия, ўғлим, бўла қол энди.

Болани тоза қисташди, ялиниб-ёлборишди ҳамки, бўлмади. Амакимнинг жаҳли қўзғади:

— Айтавермайсанми, шумтака, нега инжиқлик қиласав!

Уғли йиглаб юборди. Қейин йиглаб-сиктаб зўрра шеърни бошлади. Ойиси билан дадаси унга қарашиб турди. Бола битта сўз айтганидан сўнг кейингиси эсидан чиқиб қолар экан. Амаким билан келин ойим далда беришади ёки сўзларни айтаб туришади.

— «Мушукчам... Мушукчам... Мушукчам...»

— Хўш, хўш, у ёғиниям айт-чи,— қистайди уни амаким.

— «Мушукчам... Мушукчам...»

Келин ойим ҳайрон.

— Бугун сенга бир нарса бўлдими ўзи, ўғлим? Болагивамга кўз текканга ўҳшайди...

— «Мушукчам... Мушукчам... Мушукчам...»

— Мингта мушукнинг борми ўзи, овсар!— деб ўшқирди амаким. Ҳамма кулиб юборди.

— Болани ўз ҳолига қўйсанг бўлмайдими? Нега унга ҳадеб бақирасан?! Эсини кирди-чиқди қилиб қўйганинг етмайдими!— деди келин ойим ўғлининг ёнини олиб.

Бола:— «Мушукчам...»

Амаким:— «Бор...»

Бола:— «Бор кичкина... Қичкина... Қичкина...»

Келин ойим:— «Ичганлари...»

Бола:— «Ичганлари...»

Амаким:— «Сутгина». .

Бола:— «Сутгина». .

Келин ойим:— «Миёв, миёв...»

Бола:— «Миёв, миёв қилади». .

Амаким:— «Қўзин...»

Бола:— «Қўзин сузид туради. Берсам...»

Амаким:— Хўш, нимани берсам?

Бола:— «Берсам нонни емайди,

Ўзи сичқон тутмайди».

Келин ойим:— Яша, ўғлим.

Бола:— «Дангаса экан билсан,

Менинг бароқ мушукчам».

Бола енгил тин олди. Шеър тугаганига бола ҳам, биз ҳам курсанд бўлдик. Аммо амакимнинг кўнглидагидек бўлмади чамаси, «ҳўқиз!» деб ўғлини жеркиб берди.

— Бегона одамларнинг олдида ётсираганга ўхшайди.

Инженернинг хотини келин ойимнинг бу гапини маъқуллади.

— Ҳа, кўпчилик ўтирибди, уялган бўлса керак.

Биз чапак чалиб турган эдик, амакиваччам енгига кўз ёшини артиб, ташқарига чиқиб кетди.

— Расмларингни олиб келганмисан, қизим?— Қўшнимиз қўли гул қизидан сўради.— Бор бўлмаса, олиб чиқ, амаки-ларинг бир кўришсан.

— Э-э...— деди қизи эриниб.

Ойиси луқма ташлади:

— Бўёқлар топилса, шу ернинг ўзидаим расм солаверади қизим.

Дадам менга қаради.

— Бўёқларингни олиб чиқ, ўғлим.

Фижиниб кетдим. Лекин иложим қанча. Дадамнинг ўзи янги йилда совға қилган бўёқларни зўрга олиб чиқдим. Рўй-хуш бермай қутичани қизга узатдим. Қизча стол устига мункайиб олгач, қофоз бетига бўёқларни чаплай бошлади. Буни кўриб, диққинафас бўлдим. Четроққа бориб турдим.

Шу орада инженер мәхмон французчани шариллатиб гапирадиган қизини ёнига чақирди. Кейин французчалаб унга бир нима деди.

— Уи,— жавоб берди қизча.

Отасининг кейинги саволигаям у худди шу жавобни берди. Инженер нима демасин, қизи шу битта сўзни айтади. Охири отасининг хуноби ошди.

— «Уи»<sup>1</sup> дан бошқа сўз қуриб қолганми?

— Бўлмаса «но»<sup>2</sup> деб айтами? «Но»га келганмидик?

— Ҳа, албатта. «Но» деб жавоб бериш керак. Шунинг навбати.

Қизча «но»га ўтиб олди. Дадаси нимани сўрамасин, ҳам масига «но» деб жавоб қайтариб турди. Ота-боланинг гапига диққат билан қулоқ солиб турдим. Чунки бўлган воқеани сенга ёзиб юборишга аҳд қилган эдим. Аммо инженернинг французча айтган гапларига сира тушунмадим. Эсимда қолган баъзи жумлаларни эса лицейда ўқийдиган бир боладан сўраб билиб олдим.

— Ферм ла порт,<sup>3</sup>— деди тўсатдан отаси.

Қизи «вой» деганича югуриб бориб онасини бетидан ўпди.

— «Ферм ла порт»— онангни ўп, деган гап эмас, қизим. Сен айтган нарса «бэз ла мер»<sup>4</sup> бўлади.

— Боланинг ҳам жиннисини чиқарасан,— деди онаси қизининг ёнини олиб.

— Бўлмаса «ферм ла порт» деганда нима қилиш керак?

— Ҳа, шуниям билмайсанми, деразани оч, дегани-да!— билагонлик қилди онаси.

— Сен бизга халақит берма, хотин,— деди инженер уни босиб.— «Увр ла фнетр»<sup>5</sup>ни айтяпсан сен. Ферма ла порт — эшикни ёпиб кел, дегани!

Хотиниям бўш келмади.

— Ҳеч-да. Мактабда бизга шундоқ дейишган эди.

Эр-хотин тортишиб кетишиди.

— Французча биламан деб керилмай қўя қол. Биз ҳам ўқиганмиз французчани. Истаган одамингдан бориб сўрай қол. Ферм ла порт — деразани оч дегани,— деди хотини яна гап бермай.

— Мен ахир ўқишдан ташқари Францияда ҳам яшаганиман-ку.

<sup>1</sup> Уи (Oui) — французча „ҳа“ деган маънода. (Тарж.)

<sup>2</sup> Но (Non) — французча „йўқ“ дегани маънода. (Тарж.)

<sup>3</sup> Ferme la porte (фр.) — эшикни ёп. (Тарж.)

<sup>4</sup> Baise la mere (фр.) — ойингни ўп. (Тарж.)

<sup>5</sup> Ouvre la fenetre (фр.) — деразани оч. (Тарж.)

— Вой бирга борувдик-ку. Ҳов эсингдами, икковимиз бир куни магазинга кирудик. Менга сийнабанд олиб бермоқчи бўлувдинг-ку! Эсингга тушдими? Ушанда сотувчи қизга имоишора билан тушунтирганингда овбот тўрва кўрсатувди-а?!

— Гапинг қизиқ бўлди-ку, жоним,— деди норози бўлиб инженер.— Ахир Франция билан Германияни чалкаштириб юбординг-ку. Бу воқеа Германияда бўлган эди. Французларнинг ўзлари қойил қолишади-ку менга...

Эр-хотиннинг тортишувига рассом қизнинг дадаси чек қўйди.

— Суратинг бўлдими, қизим?— сўради у қизидан.

— Тамом бўлди.

Тўсатдан қизнинг онаси чирқиллаб қолди.

— Вой расмларинг ордона қолгур... Яп-янги кўйлакни расво қилибди-ку!

Бундоқ қарасак, моҳир рассомимиз циркдаги қизиқчиларга ўхшаб ҳамма ёғига бўёқ суреб чиқиби.

— Баракалла, қизим, жуда боплабсан,— деди чорасиз қолган ота.

Закий болани кўрса, дадам айниқса эриб кетади. Истеъодидини кўрсатмаган битта бизнинг Фатўш қолди.

— Қизимдан ажойиб раққоса чиқади,— деди дадам мәхмонларга қараб. Кейин синглимга ўғирилди.— Қани, қизим, бир твиистга тушгин, буларнинг оғзи очилиб қолсин.

Бир бурчакка тиқилиб олган Фатўш қимир этмади.

— Бўл энди, оппоқ қизим.

Синглим бошини кўтармай, ерга қараб тураверди. Уни ўйинга тортиш учун дадамнинг ўзи твиистни бошлаб юборди. Инженер билан хотиниям даврага қўшилди.

— Қани юр, биз билан ўйна,— деб роса Фатўшни қисташди.

«Бор, ўйнаб бера қол» деб ойим секингина Фатўшни орқасидан итарган эди, синглим боядан бери нега бўзрайиб тургани маълум бўлди.

— Вой ўлмасам, ишини ўхшатиб қўйибди-ку, қизим!— деганича ойим Фатўшни даст кўтариб ташқарига олиб чиқиб кетди.

— Ия, бунақа одати йўқ эди-ку,— ҳайрон бўлди дадам.

Инженернинг хотини юпатган бўлди:

— Бола болалигига боради-да, афандим. Майли, ҳечқиси йўқ.

— Қўпчиликнинг салавати босгандир...

Закий болаларнинг мусобақаси мана шундай якунланди. Бу мусобақада синглим Фатўш голиб чиқсанига имоним комил.

Мәхмөнлар тарқалишди. Дафтаримни олиб, дадамнинг олдига бордим.

— Манавини эшитинг, дада, жуда қизиқ гап экан,— дедим дафтарни очиб.— Бир китобда кўриб, кўчириб олган эдим. Мана: «Мабодо эшак одамга ўхшаб гапирса ва одам боласи унинг ўрнига юк ташиса буни нормаль ҳол деб бўлмайди. Ваҳлонки баъзи кишилар «фалончининг эшаги тилга кирганимиш» деб карнай чалиб юришади. Одам боласи гапиради, эшак юк ташиди. Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ».

— Хүш, буны менга нимага ёкиб беряасонд

— Айтмоқчи бўлган гапим шуки, ёш бола каттанинг иши-  
ни қилмаслиги керак. Бола болалигича қолгани маъқул.  
— Кайп, радицатор!

— Кўп валдирама!

Хуллас, зүкколар мусобақаси ҳам сен айтган мажлисдан қолишмади. Тоза мирик күлдик

Хатингни кутаман. Омон бүл дүстим

Ахмад Тарбай

## Лаббай, жоним!

Ахмад!

30 январда юборган хатингни олдим. Қатта раҳмат. Нақ каникул бошланган куни қўлимга тегди. Кулавериб, кўзимда ёш колмади.

Бизнинг оиласда ақл бобида танҳо бўлади, деб дастлаб опамга роса умид боғлаб юришиди. Аммо ширин орзулар сароб бўлиб чиққанидан кейин уйдагилар қўлни ювиб қўлтиқ-қа юришиди. Каттасидан чиқмаган, кичигидан чиқадими, деган андиша билан Метин икковимиздан бутунлай умидларини узишиди.

Опам баланд дорга осилиб юрган пайтлар ҳали-ҳали эсимда. Мен у маҳалда жуда ёш эдим, ўқишга бормасдим. Дадам ҳар куни ишдан қайтгач, опам билан француздадан машқ қиласарди. Опамнинг французыча бир шеърни ҳечам ёд-лолмай, икки-уч ҳафтагача қийналиб юрганлари шундоқ эсимда турибди. Мен уларнинг олдида ўтирадим. Шеър қайта-қайта ўқилаверганидан менга ёд бўлиб кетган эди. Мана, орадан қанча йил ўтди, лекин ўша шеър ҳамон қулоғимда жаранглайди. - Маъносини билмасам ҳам, сўзлари дилимга жо бўлиб кетган. Бу шеърни ёдлатиш учун дадам роса тер тўккан эди. Дадамнинг меҳнати зое кетгани йўқ —

мендан бұлак уни ойим билан оқсоч хотин ҳам бинойиңек ёдлаб олишди.

Дадамнинг бир ўртоғи бўларди. Европада ўқиган экан.  
Уша одам бир куни дадамга:

— Чет тилни ўрганиш учун алоҳида қобилият керак. Француз тилини ўргатаман деб болани бекорга қийнама, қўй; бу ишни,— деб маслаҳат берибди.— Мен. Парижда бўлганман. Бинобарин Парижда минг йил турсаям французчани ўрганолмаган одамларни кўп кўрганман. Уларнинг умри қаҳваҳонада ўтарди. Оқибатда улар французчани эмас, балки официантлар туркчани ўрганиб олишарди. Айрим кишиларда чет тилга лаёкат бўлмайди, лекин улар ўз тилларини бошқаларга ўргатишга уста бўладилар. Эҳтимол, сенинг қизинг ҳам шулар жумласидандир... Ҳар қандай болада бирор нарсага қобилият бўлади. Лекин у боланинг ич-ичида яшириниб ётади. Шунга кўра болада яшириниб ётган мана шу ҳакиқий қобилиятни сеза билиш, уни юзага чиқариш, қолаверса, дар томонлама камол топтириш керак бўлади.

Шу гапдан кейин дадам опамдаги ички қобилиятни юза-  
га чиқарыш маңсадида уйга ўқитувчи ёллаб, унга скрипка-  
дан дарс уюштириб берди. Аммо опамдаги яширин қобилият-  
ниң скрипкага сираям алоқаси йүқ экан.

— Бу қызниң қулоғи жуда оғир экан,— дебди бир күни үқитувчи.— Ҳатто мениям ишдан чиқарып қўйди. Унга дарс берса бошлаганимдан бери «до»ни «си»дан ажратолмай қолдим. Эшикниң гижирлаши менга скрипка чалгандек бўлиб туялляпти.

Чиндан ҳам опам овозни яхши ажратолмайди. Ошхонада стакан синса, бирор келдими, деб эшикка югурди. Мактабла Ҳикб юрганидаёқ муаллими унга:

— Хамма ашула айтәётганида сен тек тур, қизим. Башкаларни хам янглиштириб юборяпсан,— деб айтган экан.

Шундан кейин опамни рассомликка ўқитмоқчи булиши. Бундан ҳам бирор наф чиқмади. Энди навбат рақсга келди. Аммо рақс дарсларининг опамга фойдаси катта бўлди. У илгарилари уйда ҳар нарсага қоқилиб юрар, оғир чамадон кўттарган одамдай нуқул ўзини стол-стулларга уриб оларди. Рақс машғулотларидан кейин у гавдасини кўтариб, орқа-үнгига караб юрадиган бўлиб қолди.

**Огым** билан дадам нечоғлиқ ҳаракат қилишмасин, опам-  
даги яширин истеъдодни ҳечам юзага чиқарип бўлмади.

— Ҳа, майли, қизимизнинг истеъоди бир кунмас, бир кун ўзи лоп этиб чиқиб қолар. Олдин ўқишини битирсанчи.— дейишди үлар охирин кутаверишдан чарчаб.

Опам бир синфда иккى йил ўқишни ўзинга одат қилиб ол

ган эди, негадир лицейга борганды шуниям эплолмади. Лицейнинг иккинчи синфида кетма-кет уч йил ўтириб қолди. Дарҳол кавушини түғрилаб қўйишиди.

— Қизимнинг ўқишга ҳаваси йўқ, худди рўзгор ишлари га туғилганга ўхшайди,— деди шунда ойим.

Ҳар қалай опамнинг шу соҳадаги қобилиятини синаб кўришмаган эди. Аммо синов муддати кўрга чўзилмади — опам ошхонадан ҳам қувилди. Сабаби — опам ошхонага бирров кириб чиққудай бўлса, ҳамма ёқ алғов-далғов бўлиб кетаверди. Бирор нарсанни қўйган жойдан топиб бўлмай қолди. Ҳатто қозон-кастрюллар ҳам ғойиб бўлиб қолар, икки-уч кундан кейин эса кутимаган жойдан чиқарди.

Опамни врачга кўрсатишиди.

— Боладан истеъод излаб, энка-тенкасини чиқариб қўйибсизлар. Овсар бўлиб қолиди. Энди уни тинч қўйинглар, ўзига келсин,— деб маслаҳат берибди.

Ана шундан кейин опамни ўз ҳолига ташлаб қўйишиди. Боёқиши анча ўзига келиб қолди.

Аммо Метин икковимиз опамнинг касрига қолдик. Дадам билан ойим опам билан кўп овора бўлиб, чарчашибган экан, бизга сира эътибор бермай қўйишиди. Мен-ку, майли-я, аммо Метинга жабр бўлди. Чунки Метин техникага жуда қизиқади. Ўйда нима бўлса, ҳаммасига унинг қўли теккан. Радио-приёмник, кир ювиш машинаси, дадамнинг соқол оладиган асбоби, холодильник, пилесос, газ плитаси ва ҳоказолар Метинни кўрса қалтираб туради, дейман. Укам соатнинг бирор, мурватини олиб кастрюлга ўрнатади ёки тикув машинасининг ичидаги лаш-лушкини радио-приёмникка жойлади. Шу важдан дадам уни устабузармон деб чақиради. Аслида эса, Метиннинг қўли қичиб туришига сабаб унинг техникага бўлган зўр иштиёқидир...

Қўшиларимиздан бирининг Нуртон деган қизи бор. Мана буни антиқа деса бўлади. Нуртон бир ўтиришда беш кишининг овқатини пок-покиза тушириб қўяди. Шундайм онасининг кўнгли тўлмайди.

— Болагинамга кўз тегди, иштаҳасининг мазаси йўқ,— деб зорланади. Кейин унга хилма-хил шарбат, витамин, балик мойи тиқиширади. Бақбақалоқ қиз бўлган. Отасиям унинг худди ўзи — хўппасемиз.

Одатда улар бирор жойга боришадиган бўлса Нуртонни бизнисига ташлаб кетишади. Метин ҳам шундай. Дадам билан ойим кинога кетган куни уларниги чиқишига мажбур. Ўйда уни қолдириб ҳам бўлмайди: бинойидек ишлаб турган приёмник ёки холодильник бирпастда расвойи жаҳон бўлади. Мен ҳам унга бас келолмайман, кўнгил бўшлиқ қилиб қўяман,

Ахир кастрюлнинг қопқоғига соат улайман, неча минутда овқат тайёр бўларкин, кўрамиз, деб турса қандоқ қилиб йўқ дейман! Мана шунинг учун ҳам уйдагилар кинога борадиган бўлишса Метин икковимиз Нуртонларниги чиқамиз.

Тунов куниям Нуртонларнинг уйида эдик. Мен Метин билан Нуртонга эртак ўқиб бераётган эдим. Бир маҳал Нуртон сув ичиб келаман, деб чиқиб кетди. Дарров изига қайтди.

— Ойим билан дадам уришаётган экан. Юринглар, томоша қиламиш,— деб қолди Нуртон.

— Қаердан билдинг?

— Ҳа, ўзим биламан-да... Сув ичгани кетаётувдим, ойим кўриб қолдилар. Дарров дадамга қараб: «Жонгинам» деди. Дадам ҳам «Севган ёrim, асалим» деб жавоб бердилар. Икколовлари жанжаллашиб туришган бўлса мени кўришларин билан нуқул шунаقا дейишади. Бир-бирларига ширин гап қилишмаса, менинг тарбиям бузиларкан. Бошқа пайтлари бир-бирларининг отини айтиб чақиришади. Қани, юринглар, томоша қиламиш.

— Биз энди уйга чиқайлик. Ҳадемай кинодан қайтиб қолишади,— дедим бунга кўнмай.

Нуртоннинг ота-онаси билан хайрлашгани қўшиқ хонага чиқдик. Аммо шу ерда ёки пушаймон бўлдим. Билганимда бу ёққа кирмасдим. Энди вақт ўтди, орқага қайтиб бўлмайди.

Дастлаб полдаги кўзага кўзим тушди. Чил-чил синиб ётибди. Нуртоннинг ойиси ёқавайрон, соchlари тўзғиган. Да-дасининг эса юз-кўзи тирналган.

— Қўзани супуриб ол, азизим,— деди Нуртоннинг дадаси мулойимлик билан.

— Ия, Нуртон келдими?

Ойиси орқасига ўгирилиб қараган эди, бизни кўрди. Қийин қизига танбеҳ берди:

— Эшикни тақилятиб киргин, деб айтаман-ку сенга. Намунча қулоқсиз бўлмасанг.— Сўнг эридан сўради:— қаҳва олиб келайми, жонгинам?

— Майли, азизим, майли... Аммо жуда ширин қилиб юбормагин, асалим.

Нуртоннинг дадаси ўтирган жойда аёл кишининг шиппаги ётибди.

— Ойи, Зайнаб опамгилар кетишмоқчи,— деди Нуртон.

— Ёмон йиқилганга ўхшайман, ҳалиям оғрияпти,— деди дадаси юзини буруштириб.

Ўйга чиқдик. Метин ўрнига кириб ётди. Мен ҳатга ўтиришим. Ана, дадамнинг йўтали эшишилди. Кинодан қайтишибди.

Хўп, кўришгунча хайр. Соғ бўл, Аҳмад.

Зайнаб Елқир.

## Меҳмон кутдик

Истамбул, 10 февраль, 1964 йил

Азиз дўстим Зайнаб!

Хатингни олдим. Қўшни квартирада бўлган воқеани ёзган экансан. Хатингни ўқиётиб, яхшиям бизнинг уйимиз кичкина, атиги учта хонаси бор, нима гап бўлса дарров биламиш, деб суюндим. Бизнида унақа номаъқул ишлар бўлмайди. Аммо мен сенга айтсам, оиласизда кўнгилсиз воқеалар ҳалим бўлиб туради. Утган якшанба куни худди шундай бўлди.

Дадам бир куни ишдан қайтгач, якшанба куни хўжайин бизнига меҳмонга келади, деб қолди. Олдинига ишонмадим, ҳазил бўлса керак, деб юравердим. Чунки дадам хўжайинни жуда ёмон кўради, буни биламан. Қаерда шу одамдан гап очилиб қолгудай бўлса, дадамнинг қони қайнаб кетади, гўрига ғишт қалаб, роса авра-астарини ағдариб сўлади.

— Бу одамнинг бизда нима иши бор, нега келади? — ҳайрон бўлиб ойимдан сўрадим.

— Бу нима деганинг? Дадангнинг хўжайини у ахир.

— Дадам уни ёмон кўради-ку?

— Даданг ёмон кўрса, дадангни у яхши кўради.

— Нима учун?

— Чунки даданг ҳозир фабрикада обрўли, касаба союз вакили қилиб сайланган.

Фабрика-ишчилари дадамни бундан бир ой олдин касаба союз комитетига ўзларидан вакил қилиб сайлашганини эшитган эдим. Хўжайин шунинг учун келмоқчи бўлган экан-да, деб қўйдим ичимдá.

Дадамнинг хўжайинини илгари ҳечам кўрмаганман. Қанақа одам экан, деб ичимга ғулгула тушди. Девдай баҳайбат бир одам бўлса керак, деган хаёлда юрдим.

Уйимизда тайёргарлик ишлари зўрайиб кетди. Бир куни дадам ишдан кела солиб, девор оқлашга тушди. Деворни оқлаб туриб ҳам хўжайинини бўралатиб сўкяпти.

— Нега деворларни оқлаяпсиз, дада? Хўжайнининг келишигами?

— Хўжайнининг нимаси?! — Дадам қўлидаги чўткани зарда билан челакка тиқди. — Деворни унинг учун оқлаётганим йўқ. Кўрмайсанми, ҳамма ёқ кир бўлиб кетибди.

Ойим қўни-қўшнидан тарелка, стакан, дастурхон топиб чиқди. Шанба куни эса эрта билан ошхонага кириб олиб, кечгача пишириқ билан овора бўлди.

Якшанба куни дадам жуда эрта турди. Дад олиш кунлари бемалол ухларди, шунинг учун ҳайрон бўлдим.

— Меҳмон шунақа эрта келадими, дада?

— Меҳмон келаркан, деб барвақт турганим йўқ, ўғлим.

Нонуштадан кейин дадам деразанинг олдига ўтириб олди. Икки кўзи кўчада. Дад-бадам ўринидан турниб кетади-да:

— Бу хумпар қаёқда қолдийкин? — деб ғижиниб қўяди.

Ойим дастурхонни тузаб қўйди. Шундоқ бўлсаям ошхона билан уйга зир югуриб, кам-кўстини қидиради. Дадам фифони ошиб уйда гир айланиб юрган эди, бирдан кўча томондан машинанинг сигнали эшитилди.

— Ана, келди! Югурларинг! Эшикни очинглар! Нимага қаққаясанлар?! Тезроқ бўлсаларинг-чи! — бўкириб берди дадам. Узи эса бошини деразадан чиқариб, кўчага мўралади. Дадамнинг овозидан ҳуркиб кетган ойим жон ҳолатда эшикка ҷараб югурди. Очиб қарасаки, ҳеч ким йўқ.

Ойим икки кундан бери Фатўшнинг қулоғига гап қуяди. Меҳмоннинг олдидаги уни қилу, буни қилма, деган мазмунда. Ойимнинг одоб дарслариym нуқул мен бор пайтда ўтади. Бунингт бир чеккаси менга ҳам тегишли бўлса керак-да.

Мана, Фатўш ясаниб олган. Ойим менга секин кўз қирини ташлаб қўйди-да, яна насиҳатга ўтди.

— Меҳмон борида одоб сақлаб ўтиргин, оппоқ қизим. Бирорнинг олдидаги оғизга қўй тиқиб бўлмайди. Уқдингми? Иннайкейин, ерга тушган нарсани оғзингга солма. Ҳа, қулоғингда бўлсин. Иўталмоқчи бўлсанг, оғзингга қўлингни тут. Яна шуни билиб қўйки, меҳмоннинг олдидаги нонни тишлаб синдирима, керагини ушатиб ол. Хўпми, дўмбоғим? Яна мен сенга айтсам, бирор сени чақириб қолса, «ҳа» деб ўтирганин. Уят бўлади. «Ҳа» деган сўзни зинҳор оғзингга олма.

— Бўлмаса нима дейишим керак?

— Бегона одамнинг олдидаги «ҳа» деса, айб бўлади. Лаббай, деб жавоб бериш керак.

Ойим ҳар замон-ҳар замонда менга кўз қирини ташлаб қўяди. Бундан унча қўнгли тўлмади шекилли, шарт этиб менга ўгирилди.

— Меҳмонга бир нима демоқчи бўлсанг, олдин «афандим» дегин, ўғлим. Гапинг тугагандан кейин ҳам «афандим» деб кўшиб қўй. Хўпми?

Деразанинг тагида хўжайинини оқ қилиб ўтирган дадам бирданига «ана, келди!» деб қичқирганича эшикка отилди. Ойнадан мўралаб қараган эдим, эшигимизнинг олдидаги турган ялтироқ машинага кўзим тушди. Усти қизил рангга бўялан экан.

Сал ўтмай дадамнинг:

— Буюрсинлар, афандим... Роза бизни мунтазир қилдингизда, тақсир... Қани, қани, ичкарига марҳамат қилсинлар, афандим... Қадамларига ҳасанот,— деган овози келди.

Коридорга чиқдим. Дадам меҳмонни ечинтириб, пальто билан шляпасини қозиқса илиб қўйди. Бундоқ қарасам, дадамнинг хўжайини сираям мен ўйлаган девга ўхшамас экан. Кичкинагина, хуштабиат одам экан. Дадам бу кишини нега ёқтиримай юрганига, ҳозир бўлса атрофида бунчалик айланаб-ўргилишига тушунолмай ҳайрон бўлдим.

Фатўш меҳмонни қўлидан ўпиб саломлашди. Мен у билан қўл бериб сўрашган эдим, дадам:

— Амакингни қўлинин ўпмайсанми, ўғлим,— деб қолди. Ноилож ўшишга мажбур бўлдим.

Дадам хўжайини билан гапга тушиб кетишиди. Салдан кейин ойим уларни дастурхонга таклиф қилди.

— Йўқ, овора бўлманг, овқатга турмайман,— деб меҳмон узр сўради.

Ана, холос. Ойим шуни деб неча кундан бери типирчилаб юрган бўлса-ю, бу киши кетаман деб туриб олса! Лекин дадам бўш келмади — хўжайнини билагидан тортиб, зўрга дастурхонга ўтқазди.

Дадам билан ойим типирчилаб тургани учун мен ҳам ўзимни йўқотиб қўйдим. Юрагим пўкиллаб ура бошлади. Бир пайт дадам столдаги стаканларга сув қуйиб узат, деб буюрган эди, қўлимдаги графинни дастурхонга тўкиб юбордим. Дадам:

— Кап-кatta йигит бўлиб қолган бўлсанг ҳам, ҳалигича сув қуйиши билмайсан-а,— деб койиб берди. Латта билан столни артмоқчи бўлиб, ўзиям салат тўла лаганчани ағдариб юборди.

— Кечирасиз, костюмга тегмадими? — меҳмондан сўради ойим шоша-пиша унинг олдига келиб.

Тарки одат — амри маҳол, деганидек Фатўш яна шўрвасини тўкиб юборди. Ойим уни уришиб берган эди, бечора:

— Ахир, ўзингиз туртиб юбордингиз-ку,— деб узвос тортиди.

— Буларингга овқатни бошқа сузиб бер, деб айтдим-ку сенга,— жеркиб ташлади дадам.

— Юм оғзингни, меҳмоннинг олдида йигласа айб бўлади. Ойим буни секин гапирган бўлсаем, ҳаммамиз эшитдик.

Фатўш меҳмон борида йиглаб бўлмаслигини тушуниб, дарров жим бўлди-ю, аммо анчагача ўпкасини босолмай ҳинчиллаб ўтириди.

Ойим ҳамманинг тарелкасига гўшт солиб бермоқчи бўлди. Меҳмон ҳам тарелкасини тутди. Аммо ўзи дадамга ўги-

рилиб, ниманидир тушунтираётган эди. Ойим катта қошиқдаги бир бўлақ гўшти энди соламан деганида у тарелканн тортиб олди. Гўшт шалоп этиб столдаги мураббога тушди.

— Вой шўрим, нима қилиб қўйдим! — чинқириб юборди ойим.

Ҳаммамиз эсанкираб қолганимиздан стол айқаш-үйқаш бўлиб кетди.

Дадам боядан бери тузнинг ўрнига овқатига қалампир сепиб ўтирган экан, бирдан буни пайқаб қолиб, фифони ошди:

— Тузлиқ қани? Қирғин келдими унга!

Азбаройи гангидан қолганидан ойим тузлиқнинг ўрнига дадамга горчицани узатиб юборди. Дарҳол столдан тузни олиб бердим. Дадам тузлиқни олиб қаттиқ силкитиб юборган эди, қопқоғи билан ичиаги ҳамма тузи ошига тушди.

Бора-бора ойим гапидан ҳам адашиб қолди. Бир пайт у деч нарсадан ҳеч нарса йўқ меҳмонга қараб:

— Қалай юрибсиз, афандим? — деб қолса бўладими!

— Лаббай, хоним? — ҳайрон бўлди меҳмон.

Ойим сал ўзига келди.

— Овқатни айтяпман, афандим. Еқдими сизга?

— Қўлингиз дард кўрмасин, жуда ширин бўлти.

Тўсатдан Фатўш:

— Ойи, томогимга бир нима тиқилиб қолди, — деб юборди.

Ойим бир қўли билан уни орқасига уриб, иккинчисида сув узатди.

Дадам бизга пичноқ ўнг қўлда, вилка эса чап қўлда турниши керак, деб тайинлаб қўйган эди. Лекин нечоғлиқ ҳаракат қилмай, ҳечам уддасидан чиқолмадим. Охири ўзимга ўнғанини қилдим — вилкани ўнг қўлга олиб, овқатимни ейвердим. Дадам ўзи айтгандай қилиб пичноқни ўнг, вилкани эса чап қўлда тутган ҳолда тарелкасидаги гўшти кесмоқчи бўлди. Гўшт пичноқдан ҳуркди шекилли, бир сакраб столдаги апельсинларнинг устига чиқиб олди. Лекин ҳалиям ўзим дуруслуг экайман — овқат пайтида кўпам хижолат бўлганим йўқ. Дастурхондан тураётib, бу машмашанинг тугаганига хурсанд бўлганимдан чуқур уҳ тортиб қўйдим.

Овқатдан кейин меҳмон қаҳва ичиб ўтирган эди, тўсатдан менга ўгирилиб:

— Нечанчи синфда ўқийсан, жиян? — деб сўраб қолди.

— Афандим, бешинчида ўқийман, афандим, — деб тутилмай жавоб бердим.

«Афандим» сўзини тиркаб, ойим билан дадамни рози қилдим чамамда. Секин икковларига қараб қўйдим. Жилма-йиб ўтиришган экан.

- Хүш, неча ёшдасан?
- Афандим, ўн бирга чиқдим, афандим.
- Катта бўлганда ким бўлмоқчисан?
- Афандим, ёзувчи бўламан, афандим.
- Баракалло...

Ойимнинг лаби қимирлагандек бўлди. Раҳмат айтиш эсимдан чиқиди, шуни шипшиштәётганини пайқадим. Мехмон дадамга бир нима деб турган эди, шартта гапларини бўлдим:

- Афандим, раҳмат, афандим.

Мехмон ўринсиз ташаккурнинг сабабини тушунолмади. Бир оз ўйланиб тургач: «Арзимайди» деб қўйди.

Фатўшнинг антиқа ишлари ҳақида сенга олдин ҳам ёзган эдим. Уша куни у яна ҳунар кўрсатди.

Овқатдан кейин ойим дастурхонни йигиштириб олаётган эди, бир дона банан ерга тушиб кетди. Фатўш дарров уни ердан олиб столга қўйди.

— Ерга тушган нарсани ҳозир еб бўлмайди-а, ойи?— деди у ойимга қараб.— Мехмон кетгандан кейин ўзим ейман.

Фатўшнинг бемаъни гапини эшиттирмаслик учунни ёки унинг тилини тийиб қўймоқчи бўлибми — ҳар ҳолда дадам иккι-уч марта қаттиқ йўталиб қўйди.

— Мехмоннинг олдида йўталганда оғизга қўл тутиб туриш керак дада,— деди Фатўш яна билагонлик қилиб.

— Ҳа, Фатўш! Нима деяпсан ўзинг?— аранг жилмайди дадам.

Синглим яна ақл ўргатди.

— Уйга меҳмон келганда «ҳа» деб бўлмайди, дада. Айб бўлади.

Мехмон ўрнидан турди. Дадам билан ойим уни машина-сигача кузатиб чиқишиди. У жўнаб кетгач, уйга қайтиб киришиди.

— Уҳ, мени шарманда қилдинглар!— деди дадам ҳуноби ошиб.

— Мен сенларга тайишлаб айтган эдим-ку, ахир!— унга қўшилди ойим.

Фатўш ҳайрон бўлди.

— Ахир мен меҳмоннинг олдида нонни тишлиб синдириганим йўқ-ку,

Уша куни кечгача ўзимизни қўярга жой тополмай юрдик. Зайнаб, хат билан сенга бир расм ҳам юборяпман. Бутун синф билан тушганимиз. Сендан кейин келган янги ўқитувчи ҳам шу ерда бор.

Сенга катта муваффақиятлар тилайман.

*Аҳмад Тарбай*

## Ёмон одат

Анқара, 16 февраль, 1964 йил

Қадрдон дўстим Аҳмад!

Хатга қўшиб юборган расмийни олдим. Қанчалик суюнганимни билсанг эди! Синфдош ўртоқларимнинг ҳаммасини яна бир кўргандай бўлдим.

Суратда ёнигда турган қиз Мине бўлса керак. Ҳусайн уни тўсиб олибди, зўрга танидим. Яшар бўлса Чингизнинг елкасига миниб олганга ұхшайди. Нашъя яна эски одатини қилиб, энг олдинга ўтиб олибди. Шу суратни юбориб, зап иш қилибсан-да. Жуда курсанд бўлдим. Аммо расмдан Дамирни тополмадим. Ҳар ҳолда суратга тушмаган бўлса керак. Янги ўқитувчингиз анча ёшга бориб қолган одам экан, кўриниб турибди.

Мен ҳам сенга расм юборяпман. Укам билан бирга тушганимиз. Қўшни бола ўзининг аппаратида олган эди.

Мана шу ҳафта мен учун жуда оғир келди — қуруқ тухматга қолдим. Ҳеч қандай асос бўлмаган ҳолда бадном бўлдим. Аслида-ку, мендан ҳам ўтган жойи бор-а, лекин...

Воқеани бир бошдан гапириб берай. Мана, эшиш.

Ўқитувчимиз бирордан ёзма ишни кўчириб олган ёки шпаргалка ишлатган болаларни жуда ёмон кўради. Кўчирма-цилик — яхши ўқиётган ўртоққа нисбатан хиёнатдир, дейди нуқул. Эси бутун одам бу ишни қилмаслиги керак, кўчирма-чилик муғамбирларга ҳос нарса экан.

Дадамнинг ҳам фикри шу. Бирордан кўчириб ёзиш ёмон одат, бу билан ўқитувчини эмас, ўзингни алдайсан, дейдилар.

Дадам жўралари билан йиғилиб қолишиса, нуқул мактаб йилларини эслаб ўтиришади. Яқинда яна шундай бўлди. Уша куни бувам ҳам бизникида эдилар. Улфатлар ўқиши йилларини эслаб ўтиришган эди. Нуртон бақалоқнинг дадаси тўсатдан:

— Ҳов, эсингиздами, алгебра ўқитувчиси Сабрибей бўларди. Ушанинг этагига боллаб шпаргалка осиб қўювдик-а? — деб қолди.

— Вой, бу нимаси? Қани, биз ҳам эшитайлик,— ялинди хотини.

— Раҳматли Сабрибейни ҳамма кал деб чақиради. Узи лицейда бизга алгебрадан дарс берарди. Имтиҳонда юрагимизни ҳовучлаб ўтирадик. Жуда жоҳил одам эди. Бунинг устига: «Менинг имтиҳонимда ҳеч ким шпаргалка ишлатолмайди. Бунақа марди ҳали туғилмаган» деб керилиб ҳам юрарди. Бизга имтиҳон саволларини берганидан кейин

бир жойда ўтирмас, нуқул олдимизда ўралашиб юарди. Бир куни имтиҳон кетаётган эди, ичимиздан бир бола...

— Наждот сұтакмиди ўша? — унинг гапини бўлди дадам.

— Балли, Наждот сұтак қилувди бу ишни. Ҳозир қаергаям элчи бўлиб кетган. Ўша Наждот масаланинг тайёр жавобини китобдан кўчириб, кал Сабрининг орқа этагига қадаб кўйди. Орқасида бир парча қофоз осилиб ётганидан кал Сабрининг мутлақо хабари йўқ. Болаларнинг ҳаммаси ишга тушиб кетди. Аммо Сабрибей бир жойда тек турмайди, пайтавасига қурт тушган одамдай нари бориб, бери қелади. Шунинг учун орқасидаги қофозда бор нарсани кўчириб олиш хийла мушкул бўлди. Бунинг ҳам йўлини топдик — бирорта миз уни гапга чалғитиб турдимиз-да, бошқалар кўчириб олади. Менинг ишим юришмай қолди — энди кўчира бошлаганимда қимирлаб қолади. Охири у ёқ-бу ёққа жилланглаб, Сабрибейда шубҳа туғдирдим. Мени қўлга туширмоқчи бўлди шекилли, тепамга келиб, ҳеч нарса билмаган кишидай орқасини ўгириб тураверди. Мен ҳам боплаб кўчириб олдим.

Ишини битиргандар қофозини топшириб, бирин-кетин чиқиб кетишди. Қўнгироқ қалингач, қолганлар ҳам синфдан чиқишиди. Буни қарангки, Сабрибейнинг орқасидаги шпаргалкани олиб қўйиш ҳеч қайсимиznинг эсимизга келмабди. Сабрибей, ёзма ишларни ўқитувчириб олгач, орқасидаги қофозни ликиллатиб тўғри ўқитувчилар хонасига кириб кетди.

Хуллас, айборд топилмабди. Сабрибей юмшоқ кўнгил одам экан, кўп ялинишганидан кейин болалардан янгидан имтиҳон олиди.

— Усмон қассоб эсингда борми? Униям боплаб қўлга туширган эдик-а? — деди улфатлардан яна бири.

Усмон қассоб деганлари тарих ўқитувчиси экан. Бу одам, аксинча, бир жойда қимир этмай ўтиркану, аммо кўзи худди ўткир проҗекторга ўхшаркан. Ҳамма нарсани шундоққина кўриб тураркан. Шунинг учун имтиҳон бўлиб қолса, олдинги қаторда ўтирган болалар нуқул паст баҳо олишаркан. Орқада ўтирганларнинг иши дуруст бўларкан: улар олдинги қаторда ўтирган боланинг орқасига китобни қўйиб, бемалол кўчириб олишавераркан.

Навбат дадамга келди.

— Ноғиз қуруқнинг имтиҳони ёдингиздами?

— Ҳа, авави пашша воқеасими?! Унугиб бўладими уни...

Маълум бўлишича, Ноғиз қуруқ деганлари кимёдан дарс бераркан. Кўзи ожиз бўлгани учун узоқни яхши кўролмас экан. Бир куни имтиҳондан олдин ўқувчилардан бири каттакатта пашшадан тутиб, қутичага жойлаб олибди. Имтиҳон бошланибди. Ҳалиги бола юпқа қофозда шпаргалка тайёр-

лапти, кейин уни ингичка ип билан пашшанинг оёғига боғлаб, учираверипти. Маълумки, юки бор пашша узоқда учолмайди, бир кўтарилиб, бир қўнади. Болалар пашшани тутиб, шпаргалкани кўчириб олишар, кейин эса бошқа томонга учирив юборишаракан. Ҳаммалари шундай қилишибди. Бир пайт тўсатдан эшик очилиб, синфга лицей директори кириб келибди. Тасодифни қараки, оёғига шпаргалка боғланган бир пашша икки марта ҳавода гир айланибди-да, тўгри бориб директорнинг тепакалига қўнибди.

— Сизларга ҳеч нима бўлмадими ўшанда? — сўради Метин.

— Бир болани мактабдан ҳайдашмоқчи бўлишувди, аранг кутулиб қолди.

— Уша ўртоғимиз ҳозир профессор бўлган, — қўшимча қилди Нуртоннинг дадаси.

— Сиз ҳам мактабда шу ишни қилганимисиз, бейафандим? — сўрашди бувамдан.

— Э, қайси мактаб кўрган бола шпаргалка билмайди, жаноблар, — деб бувам бошқа бир воқеани гапириб берди.

Кимёдан оғзаки имтиҳон кетаётган экан. Ичкарига уч кишидан кириб туришибди. Навбат бувамга келибди. Иккиси орқароқда-ю, бир бола олдинда турган экан. Уша энг олдинда турган бола синфнинг энг қолоқ ўқувчиси экан. Ўқитувчининг саволларига сирам жавоб беролмабди. Нимани сўрамасин, чурқэтмай тураверибди. Буни кўриб, ўқитувчининг хуноби ошибди. Қани, осонроқ нарсани сўрай-чи, зора жавоб берса, деган фикрда столда турган графини кўрсатибди-да: «Хўш, бунинг ицидаги нима?» деб сўрабди. Бола безрайиб тураверибди. Шунда орқароқда турган ўртоғи гижиниб: «Тўнка» дебди секингина.

— Графинда нима бор, ўғлим?

— Тўнка, афандим...

Уша куни эшигтан гапларим мени қаттиқ ўйлантириб кўйди. Эртасига танаффусда волейбол ўйнаб турган эдик, ўқитувчимиз ҳам бизга қўшилди. Ўйиндан кейин дам олиб ўтирган эдик, миямдан нари кетмай турган саволни ўқитувчига бердим.

— Нима, шпаргалка дейсанми? Бу ишни мен ҳам қилгани, албатта. Аммо бир ўзим эмас, — деб жавоб берди ўқитувчи. — Синфимизда бир аълочи бола бўларди. Бир куни ёзма имтиҳон пайтида ўша бола ҳаммамиздан олдин ишинн ёзиб тугатди-да, ташқари чиқиб кетди. Кейин катта картон қофозга бутун жавобларни ёзиб, таёққа илибди. Ҳовли то-

бир жойда ўтирас, нуқул олдимиизда ўралашиб юарди. Бир куни имтиҳон кетаётган эди, ичимииздан бир бола...

— Наждот сўтакмиди ўша? — унинг гапини бўлди дадам.

— Балли, Наждот сўтак қилиувди бу ишни. Ҳозир қаергаям элчи бўлиб кетган. Ўша Наждот масаланинг тайёр жавобини китобдан кўчириб, кал Сабрининг орқа этагига қадаб қўйди. Орқасида бир парча қоғоз осилиб ётганидан кал Сабрининг мутлақо хабари йўқ. Болаларнинг ҳаммаси ишга тушиб кетди. Аммо Сабрибей бир жойда тек турмайди, пайтавасига қурт тушган одамдай нари бориб, бери җелади. Шунинг учун орқасидаги қоғозда бор нарсани кўчириб олиш хийла мушкул бўлди. Бунинг ҳам йўлини топдик — бирорта миз уни гапга чалғитиб турамиз-да, бошқалар кўчириб олади. Менинг ишим юришмай қолди — энди кўчира бошлаганимда қимирлаб қолади. Охири у ёқ-бу ёққа жилпанглаб, Сабрибейда шубҳа туғдирдим. Мени қўлга туширмоқчи бўлди шекилли, тепамга келиб, ҳеч нарса билмаган кишидай орқасини ўгириб тураверди. Мен ҳам боплаб кўчириб олдим.

Ишини битирганлар қоғозини топшириб, бирин-кетин чиқиб кетишиди. Қўнғироқ чалингач, қолганлар ҳам синфдан чиқишиди. Буни қарангки, Сабрибейнинг орқасидаги шпаргалкани олиб қўйиш ҳеч қайсизмизнинг эсимизга келмабди. Сабрибей, ёзма ишларни йиғиштириб олгач, орқасидаги қоғозни ликиллатиб тўғри ўқитувчилар хонасига кириб кетди.

Хуллас, айбор топилмабди. Сабрибей юмшоқ қўнгил одам экан, кўп ялинишганидан кейин болалардан янгидан имтиҳон олиби.

— Усмон қассоб эсингда борми? Униям боплаб қўлга туширган эдик-а? — деди улфатлардан яна бири.

Усмон қассоб деганлари тарих ўқитувчиси экан. Бу одам, аксинча, бир жойда қимир этмай ўтиаркану, аммо кўзи худди ўтқир проекторга ўхшаркан. Ҳамма нарсани шундоққина кўриб тураркан. Шунинг учун имтиҳон бўлиб қолса, олдинги қаторда ўтирган болалар нуқул паст баҳо олишаркан. Орқада ўтирганларнинг иши дуруст бўларкан: улар олдинги қаторда ўтирган боланинг орқасига китобни қўйиб, бемалол кўчириб олишавераркан.

Навбат дадамга келди.

— Ноғиз қуруқнинг имтиҳони ёдингиздами?

— Ҳа, анави пашша воқеасими?! Унутиб бўладими уни...

Маълум бўлишича, Ноғиз қуруқ деганлари кимёдан дарс бераркан. Кўзи ожиз бўлгани учун узоқни яхши кўролмас экан. Бир куни имтиҳондан олдин ўқувчилардан бири каттакатта пашшадан тутиб, қутичага жойлаб олиби. Имтиҳон бошланибди. Ҳалиги бола юпқа қоғозда шпаргалка тайёр-

лапти, кейин уни ингичка ип билан пашшанинг оёғига борлаб, учираверипти. Маълумки, юки бор пашша узоққа учолмайди, бир кўтарилиб, бир қўнади. Болалар пашшани тутиб, шпаргалканни кўчириб олишар, кейин эса бошқа томонга учирив юборишаркан. Ҳаммалари шундай қилишибди. Бир пайт тўсатдан эшик очилиб, синфга лицей директори кириб келиби. Тасодифни қараки, оёғига шпаргалка боғланган бир пашша икки марта ҳавода гир айланибди-да, тўғри бориб директорнинг тепакалига қўнибди.

— Сизларга ҳеч нима бўлмадими ўшандা? — сўради Метин.

— Бир болани мактабдан ҳайдашмоқчи бўлишувди, аранг қутулиб қолди.

— Ўша ўртоғимиз ҳозир профессор бўлган, — қўшимча қилди Нуртоннинг дадаси.

— Сиз ҳам мактабда шу ишни қилганимисиз, бейафандим? — сўрашди бувамдан.

— Э, қайси мактаб кўрган бола шпаргалка билмайди, жаноблар, — деб бувам бошқа бир воқеани гапириб берди.

Кимёдан оғзаки имтиҳон кетаётган экан. Ичкарига уч кишидан кириб туришибди. Навбат бувамга келиби. Икки ўртоғи билан ичкари кирибди. Йккитаси орқароқда-ю, бир бола олдинда турган экан. Ўша энг олдинда турган бола синфиннг энг қолоқ ўқувчиси экан. Ўқитувчининг саволларига сирайм жавоб беролмабди. Нимани сўрамасин, чурқэтмай тураверибди. Буни кўриб, ўқитувчининг хуноби ошибиди. Қани, осонроқ нарсани сўрай-чи, зора жавоб берса, деган фикрда столда турган графинни кўрсатибди-да: «Хўш, бунинг ичидаги нима?» деб сўрабди. Бола безрайиб тураверибди. Шунда орқароқда турган ўртоғи гижиниб: «Тўнка» дебди секингина.

— Графинда нима бор, ўғлим?

— Тўнка, афандим...

Ўша куни эшитган гапларим мени қаттиқ ўйлантириб қўйди. Эртасига танаффусда волейбол ўйнаб турган эдик, ўқитувчимиз ҳам бизга қўшилди. Ўйиндан кейин дам олиб ўтирган эдик, миямдан нари кетмай турган савонни ўқитувчига бердим.

— Нима, шпаргалка дейсанми? Бу ишни мен ҳам қилганиман, албатта. Аммо бир ўзим эмас, — деб жавоб берди ўқитувчи. — Синфимизда бир аълочи бола бўларди. Бир куни ёзма имтиҳон пайтида ўша бола ҳаммамииздан олдин ишинн ёзиб тугатди-да, ташқари чиқиб кетди. Кейин катта картон қоғозга бутун жавобларни ёзиб, таёққа илиби. Ҳовли то-

мөндаги деразанинг олдига бориб, таёкни баланд күтариб турди. Биз ҳам жавобларни боплаб кўчириб олдик...

Эртаси куни ўқитувчи оилашунослик дарсидан ёзма иш оладиган бўлиб қолди. Ўнг томонимда Туркон, чапда эса Мурод ўтиради. Муродни билсанг керак, қайси бир хатимдам уни сенга гапириб берган эдим. Ўқитувчи чақириб қолса, менми, деб анқовсирайдиган бола-чи? Энди эсингга тушди ми? Мурод синфдан ўтолмай, ўтган иили шерикларидан қолиб кетган. Энди биз билан ўқияпти. Узи анча тиришқоқ бола-ю, лекин миясига дарс кирмайди. Аммо яхшигина ўртоқ у. Уша куни Туркон ҳам нимагадир дарс қилмай келган экан. Ёзма иш бўлишини эшитиб, иккови мендан нажот сўраб қолишиди.

— Шпаргалка узатолмайману, аммо керак бўлса секин айтиб туришим мумкин,— дедим уларга.

Ўқитувчи саволларни айтиб турди, ҳаммамиз ёзиб олдик. Мана ўша саволлар:

«Болани касалдан сақлаш учун нима қилмоқ керак?»

«Касалнинг олдини олиш учун боланинг ўзи нима қилмоғи керак?»

«Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўйинлар билан ўйинчоқларни айтиб беринг».

«Жисмоний жазонинг бирор тарбиявий аҳамияти борми?»

Кечқурун ва бугун эрталаб оилашунослик китоби қўлимдан тушмаган эди, шунинг учун қайси саволга қайси бетдан жавоб топиш мумкинлигини биламан. Бундек қарсам, Туркон китобни тиззасига қўйиб олган экан.

— Эллигинчи саҳифани очинглар. Эллигинчидан эллик иккинчи бетгача кўчираверинглар,— секин шипшиб қўйдим. Туркон билан Мурод икковига.

Ўзим ҳам ишга киришиб кетдим.

— Мени лақиллатибсан-ку,— деб қолди бир пайт Мурод.

— Ҳа, нима бўлди?

— Эллигинчи бетда сукъ ҳақида ёзилган-ку!

— Кейинги саҳифани оч!

— Очиб кўрдим. Мушак, қон томирлари бор экан.

Партанинг тагида ушлаб турган китобига кўз қиrimни ташладим. Қўлидаги «Анатомия» дарслиги экан.

— Бунга бало борми? «Оилашунослик»ни ол!

Мурод бошқа китобни олиб, шипиллатиб ёза кетди. Салдан кейин Туркон иккови ишни топшириб чиқиб кетишиди. Орқаларидан мен чиқдим.

— Менинида эллигинчи бет умуман йўқ экан,— деб қолди бир пайт Мурод.

— Нега энди? Албатта бўлиши керак,— дедим ҳайрон бўлиб.

— Йўқ, худо ҳаққи. Қирқ саккиздан олтмиш тўртгача кўринмади.

Кейин китобини кўрсатди. Гапи тўғри чиқди. Айтган бетлари чиндан ҳам йўқ экан. Бунинг эвазига олдинги бобдан иккита берилибди. Ҳар ҳолда китобни муқовалаш пайтида хато кетган кўринади.

— Хўш, кейин нима қилдинг?

— Қирқ саккиздан у ёғини кўчиравердим. Таваккал-да.

Эртасига ўқитувчи ёзма ишларимизнинг натижасини ўқиб берди. Туркон билан менга аъло қўйибди.

— Энди мен сизларга синдошингиз Муроднинг ёзма ишини ўқиб бермоқчиман,— деди у кутилмагандা.— Мана, эшитинглар. Биринчи савол: «Болани касалдан сақлаш учун нима қилмоқ керак?» Жавоб: «Тез эскирмаслиги, бежирим ва озода бўлишлиги учун уларни эҳтиёт қилиш, вақт-вақти билан дазмоллаб турниш керак».

Ҳамма шарақлаб кулиб юборди.

— Жим бўлинглар! Энди иккинчи саволга ўтаман. «Касалнинг олдини олиш учун боланинг ўзи нима қилмоғи керак?» Мана, Муроднинг ёзган жавоби: «Уни тез-тез чўтка-лаб турниш керак. Чангани қоқиб бўлгач, қозиққа илиб қўйинг. Мавсуми ўтгандан кейин эса бўхчага тугиб, сандиққа солиб қўйиш керак. Мабодо у қаттиқ кирланган бўлса, қайноқ сувга солиб, совун билан ишқалаб ювиш, кейин офтобга ёйиб қуритиш керак».

Кулавериб, болаларнинг ичаги узилаёзди. Муроднинг шаънига ҳар хил кесатиқ гаплар ёғилиб тушди. Боёқиши қаттиқ ўсал бўлди.

— Ахир бу гапларни мен ўзим тўқиганим йўқ, китобдан олиб ёздим-кў,— деди у охири йиғламсираб.

— Ҳа, балли, китобдан кўчиргансан, биламан,— деди ўқитувчи.— Аммо шунда ҳам янгишибсан. «Бола тарбияси» ўрнига «Қийим-бошга қараш» деган бобни кўчирибсан.

— Зайнаб менга шундоқ деган эди.

Ўқитувчи ялт этиб менга қаради.

— Ия, Зайнаб, ўртоғингга кўчирмачиликни ўргатганинг етмагандек яна алдайсанми ҳам?

Энди орқага чекиниб бўлмайди. Шунинг учун:

— Мен ҳечам алдаганим йўқ, ўқитувчим,— дедим.— Саволларга китобнинг қайси бетидан жавоб топиш мумкинлигини айтиб бердим, холос.

Ўқитувчимиз Муроднинг китобини очиб кўрган эди, масала равшан бўлди.

— Барибир буни ойингга айтиб бермасам бўлмайди,— деб ўқитувчи менга пўписа қилди.

Оймни мактабга чақириб нима ёмонлик қилганимни айтишиди. Қечқурун уйда тоза дашном эшитдим. Дадам:

— Жуда номаъқул иш қилибсан, қизим, чакки бўпти,— деб койиб бердилар.

Яхшиямки ўша куни бувам бизникida эди. Бувам жонимга ора кирди.

Бўлди энди, боламни кўпам койииверманглар,— деди бувам ёнимни олиб.— Уртоғига айтиб берган бўлса нима қипти, осмон узилиб ерга тушибдими? Ўзи китобдан кўчириб олмапти-ку, ахир.

Бирорвга айтиб берди нима-ю, кўчириб олди нима, иковиям бир гўр,— деди ойим ҳовуридан тушмай.

— Бас энди, бўлди... Мактабда бу ишни ким қилмаган дейсан...

Метин луқма ташлади:

— Лекин ҳаммаям қўлга тушавермайди-да.

Иложим қанча, бўлар иш бўлди энди. Шундоқ бўлсаям ўринисиз таъналар эшитиб, дилим хуфтон бўлди. Айниқса Метиннинг гап-сўзи ошиб тушди. Икки гапнинг бирида нуқул: «Чакки бўпти-да. Буни эплаган одам қилади. Қўлга тушшиб, шарманда бўлишнинг нима кераги бор!» деб пичинг қилади.

Хатингни кутаман. Иложи борича тўлароқ ёз. Майлими? Ҳўп, яхши қол. Сенга муваффақият тилаб:

Зайнаб Елқур

## УЙ ҚАЙСИ ҲОЛАТДА?

Истамбуя, 26 февраль, 1964 йил

Жигарим Зайнаб!

12 февралда ичига расм солиб юборган хатинг учун катта раҳмат.

Синфингда бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеадан қаттиқ ранжисан. Ҳа, ҳақлисан. Уртоғингга яхшилик қиласман деб ўзинг ёмонотлиқ бўлибсан. Муродни ёсласам, боёқишига ҳам ачинаман, ҳам қилган иши учун ундан ўпкалайман.

Синфимиздаги Ҳусайнни танийсан-а? Муродга ўхшаб Ҳусайн ҳам яқинда тоза кулги бўлди. Аммо у айбини бирорга тўнкагани ўйқ. Чунки мард бола у. Илгари сенга ҳам ёзган эдим. Бир куни жой талашиб дараҳтдан йиқилиб тушганида ким уни итариб юборганини ҳеч кимга айтмаган эди.

Сен Истамбулда ўқиб юрганингда Ҳусайнларнинг уйига ҳеч борганимидинг? Торгина кулбада туришади. Уйларини кўрмаган бўлсанг ҳам, турмушлари жуда ночор эканини билсанг керак. Мен уларникига ҳар замонда бориб тураман, Ка-шуниг учун уйларидаги аҳволдан яхши хабардорман. Каталакка ўхшаган иккита кичкина хонада етти жон туришади. Шу жой танқислиги сабабми ёки қаттиқ муҳтоҷлиқданми — ишқилиб уйларида ҳечам ҳаловат ўйқ. Менга ўзини яқин тутиб, Ҳусайн баъзан оиласидаги ночорликдан ҳасрат қилиб гапиради. Бечоранинг ҳолига ачинаман. Айрим кунлари мактабга қовоғи шишиб, кўзи қизарган ҳолда келади. Биламанки, ўша куни уйда яна жанжал бўлган. Ҳусайн кўпам очилиб-социлиб юрмайди, аммо одамови ҳам эмас.

Яқинда Ҳусайн мактабга яна икки қовоғи шишиб келди. Йиғлаганини бирорвга сездирмаслик учун жимгина жойига бориб ўтиреди, ҳеч ким билан гаплашмади ҳам. Шу орада қўнғироқ чалиниб, дарс бошланиб кетди.

Тил дарси эди. Үқитувчи отларнинг келишикларда турланишини тушунтириб берди. Келишикларни ёдлаб ҳам олдик: бош келишик, қаратқич, тушум, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари.

Келишикларни яхшилаб тушунтириб бергач, үқитувчи Дамирни турғизиб, «Олтин деразали уй» ҳикоясини ўқишига буюрди. Ушбу ҳикояни ўзинг ҳам билсанг керак. Қисқача мазмўни шундай. Бир ўрмон бўларкан. Шу ўрмон ичидаги кичкинагина кулбада чол-кампир туришаркан. Уларнинг битта қизи бўларкан. Жуда камбағал бўлиб, қўл учидаги кўришаркан. Ҳар куни қизча кечки пайт остонаяга чиқиб қараşa, узоқдан бир уй кўриниб туаркан. Ўйнинг деразалари олтиндай товланиб, жуда чиройли бўлиб кўринаркан. Қизчанинг бундай ажойиб уйга ҳаваси келибди, нима бўлсаям уни бир кўрмоқчи бўлибди. Қунлардан бир куни уйидан чиқиб, ўша томонга қараб юраверибди. Йўл юрибди, йўл юрасиям мўл юрибди, охири ўша жойга етиб борибди. Лекин шу пайт тўсатдан атрофга қоронғи тушибди. Қизча ўрмон ичидаги ухлаб қолибди. Бир маҳал уйгониб қараса, ўзи келган томонда яна бир уй ҷарақлаб ётганмиш. Унинг ҳам ойналари худди олтинга ўхшаб ялт-ялт этиб турганмиш. Қизча олдинига ҳайрон бўлибди, кейин бу уй ўзлариники эканини, офтоб нури тушиб, шунақа ярақлаб турганини тушунибида.

Дамир ҳикояни ўқиб бўлди.

— Қани, қиссадан ҳисса нима? — сўради үқитувчи. Бизни кутмай, ўзи жавоб берди: — Ҳар ким ўз турмушидан иолимаслиги керак. Ҳикоядаги қизчага ўхшаб, биз ҳам кўпинча ўзимиз яшаб турган ҳаётнинг қадрига етмаймиз. Ундан сал

узоқлашган тақдирдагина ўзимиз қанчалик баҳтли, турмұшилиз қанчалик соз эканини англаб етамиз, Демак, ким қандай уйда яшаётган бұлса, унинг учун эңг соз уй ўша.

Шундан кейин у ҳикоядан бир жумлани ўқиб берди. Ичида «уй» деган сүз бор экан.

— Қани, Ҳусайн, сен айт-чи, шу жумлада «уй» сўзи қайси келишик ҳолатида келган?

Орқа пәртада ўз ёғига ўзи қовурилиб ўтирган Ҳусайн ўқитувчининг гапини эшиитмади. Ўрнидан туришга турди-ю, лекин чүрқ этиб оғиз очмади.

— Ўй қайси ҳолатда, Ҳусайн?  
Ҳусайн энди савонни эшиитди, аммо бошқача тушунди.

— Яхши деб бўлмайди, ўқитувчим,— деди у ўқсиниб.  
Ўқитувчи таёқдек қотиб қолди.

— Нима деяпсан ўзинг? Мен сендан уйни сўраяпман.  
Қайси ҳолатда уй?

Болаларнинг олдида аҳволидан нолиб, калака бўлишни истамаган Ҳусайн:

— Ўнинг ҳолати... яхши эмас, афандим,— деди ўпкаси тўлиб.

— Нега яхши эмас?  
— Ҳеч қаҷон яхши бўлмаган. Ҳозир илгаригидан ҳам баттар.

Ҳусайн нима демоқчи бўлганици ёлғиз мен тушуниб турбиман. Болалар бўлса нима гаплигига тушунмай кулиб ётишибди.

— Нимага баттар бўларкан?  
Ҳусайннинг томоғига бир нарса қадалгандай овози тиграб кетди.

— Чунки... чунки уйнинг эгаси бизни кўчага ҳайдаяпти.  
Ижара ҳақини беролмөвдик.

Синфда кулги кўтарилиди. Ҳусайн жойига ўтириб, икки қўли билан бошини чанглаб олди.

Ўқитувчи жумлани яна қайтариб ўқиди: «Қизча узоқдан олтин деразали уйни кўрди».

— Қани, Дамир, сен жавоб бер. Шу жумлада уй қайси ҳолатда келган? Яъни қайси келишикда?

— Тушумда, афандим.  
Ўқитувчи яна Ҳусайнга ўғирилди:

— Хўш, қайси ҳолатда экан?  
Бу гал ҳам Ҳусайн тушунмади. Дамирнинг жавобини ўзича йўйди.

— Тушимда экан, афандим.  
Яна кулги бўлди. Ҳусайн тушум келишигини «тушим» деб эшитган эди,

Ҳусайннинг кўнглидан нима кечаетганини ўқитувчи жуда кеч фаҳмлади. Кейин мавзуни ўзгаришга мажбур бўлди.

— Ким қаерда яшаётган бўлса, шунга шукур қилиши кепрак. Биз қайси уйда турган бўлсак, ўша уй биз учун ажойиб ҳисобланади.

Кечкурун мактабдан қайтишимизда Ҳусайнни юпатиб келдим.

Анқарада об-ҳаво қалай? Бизда яна совуқ турди. Кеча озроқ қор ёғган эди, дарор әриб кетди. Биз турган уйнинг ҳолати чакки эмасу, лекин мен норозиман — залдаги катта печка мен ётган хонани яхши иситмайди. Хўш, сизларники қалай?

Ҳатингни кутаман, Зайнаб.

Сени бир умр эсдан чиқармайдиган ўртоғинг:

Аҳмад Тарбай

## ЁЛГОН ГАПИРМА

Анқара, 16 марта, 1964 йил

Аҳмад!

26 февралда юборган ҳатингга кечикиб жавоб қайтараётганим учун узр. Биласанми, биз ҳозир 23 апрелда<sup>1</sup> бўладиган кечага тайёргарлик кўряпмиз. Менга кўп нарсани юклаб қўйишган. Бир томондан, шу кечанинг ташвиши, иккинчи томондан, дарслар ҳам кўпайиб кетди. Хуласа, сенга ўз вақтида жавоб ёзолмадим. Лекин Ҳусайнга икки энлик хат юбордим. Ҳусайннинг бошига тушган кулфатни эшитиб, қаттиқ қайтурдим, буни сен орқали билганимни айтмасдан, кўнглини кўтариб қўйдим.

Сенга жавоб ёзишга вақт тополмай юрган кезларим қизиқ-қизиқ гаплар бўлиб ўтди. Шулардан бирини сенга гапириб берайди. Узи Метинга тааллуқли нарса.

Метиннинг гоҳ-гоҳда дадамга ёлғон гапириб қўядига одати бор. Дадам буни сезиб қолса жуда жаҳли чиқиб кетади. Кейин эса уни ёнига олиб, қаттиқ насиҳат қиласади.

— Нима қиласанг қилгину, лекин ёлғон гапирмагин, ўрлим,— дейди дадам бундай пайтларда.— Ёлғоннинг уруғи сероб бўлади. Арзимаган нарсада алдасанг, буни яшириш учун каттароқ ёлғонни ўйлаб топишга мажбур бўласан. Инайкейин, сирим ошкор бўлмасин деб бундан ҳам каттароқ

ёлғонни ишлатасан. Майда ёлғондан ҳамиша катта ёлғон келиб чиқади. Шунинг учун зинҳор ёлғон гапирма, ҳамиша ростгүй бўл!

Дадам шундай деб айтади-ю, лекин Метинни ёлғон гапиришга ўзи мажбур қиласди. Нега деганда, Метиннинг пашшадек гуноҳи дадамга туждек бўлиб кўринади. Укам бечора кейин роса сўкиш эшигади. Шунинг учун ҳам у ёлғон ишлатиб дадамнинг дўйқ-пўписасидан қутулсам дейди. Лекин барibir охири сир очилиб, роса гап эшигади-я...

— Дадамга нима деб баҳона қилсамикин? — деб қолди бир куни Метин менга термилиб.

Хабарим бор, бир неча кундан бери дадам Метинга бугун албатта сочингни олдириб кел, деб тайнинлади. Метин бўлса ўйин билан овора бўлиб, нуқул буни эсидан чиқаради. Уша куни эрталаб ишга кетаётуб, дадам:

— Ишдан қайтгунимча сочингни олдириб кел, бўлмаса хафа қиласман, — деб Метинни қаттиқ койиб берган эди.

— Тўғрисини гапир, вақтим бўлмади, деб айт. Ёлғон гапирсанг, барibir мисинг чиқади, — деб маслаҳат бердим.

— Тўғрисини айтсан, дадам уришиб берадилар... Берган пулингизни йўқотиб қўйдим, деб айтами-а?

— Эсинг борми ўзи? Бир мартаям шунаقا деб қўлга тушган эдинг-ку. Йўқотдим деган пулинг ёнингдан чиқувди,

— Қитоб олдим, десаммикин-а?

— Ростини айтавер яххиси.

— Еки сартарошхонада одам кўп экан, навбат тегмади, деб айтами?

Топган баҳоналарига ўзининг ҳам кўнгли тўлмади.

Дадамнинг Зиёбей деган ошнаси бор. Уша куни кечқурун шу киши хотини билан меҳмонга келиб қолишиди. Дадамни анчадан бери кўрмаган экан, соғиниб келибди. Аммо кеч кириб, қоронғу тушди ҳамки, дадамдан дарак бўлмади.

— Бирпас ўтиинглар, ҳали замон келиб қолади, — деб ойим меҳмонларни гапга солиб ўтириди. Аммо дадамдан дарак бўлавермагач, ойимнинг ўзи ғулғулага тушди.

— Бунаقا одати йўқ эди. Намунча кеч қолдийкин-а?

— Ким билади, балки иш-пиши чиқиб қолгандир, — деди Зиёбей ойимни тинчтиб.

— Ҳайронман, иши чиқса, хабар қилгувчи эди.

Метин икковимиз овқатни едик. Яна анча вақт ўтди. Метин ҳам ўрнига кириб ётди. Меҳмонлар энди кетамиз деб туришган эди, бирдан эшик тақиллаб қолди.

— Ана, келди! — деди ойим сапчиб ўрнидан туриб.

— Биз бекиниб оламиз, кўриб ҳайрон бўлади, — деганича меҳмонлар югуриб нариги хонага кириб олишиди.

Ойим бориб эшикни очди.

— Қаерда юрибсан? Тинчликми ўзи? Роса хавотир олдик-ку.

— Зиёбей касал экан, кўриб келяпман, — деди дабдурустдан дадам.

— Шундайми? Намунча қолиб кетдинг бўлмаса?

— Оғир ётган экан. Олдида бирпас ўтиридим.

— Вой боёқиши-е! Ишқилиб, соғайиб кетсич-да!

Дадам яна бир нима демоқчи бўлиб энди оғиз жуфтланган ҳам эдики, қўшни хонадан чиқиб келаётган Зиёбей билан хотинига кўзи тушди. Дадам нима дейишини билолмай қолди. Охири:

— Ия-ия-ия... ўзлари ҳам шу ерда эканлар-да! — деб юборди.

— Сенга бир кутилмаган совға тайёрлаб қўймоқчи бўлувдик!

— Чиндан ҳам бу кутилмаган совға бўлди, — деди ойим жилмайиб.

Ҳаммалари дастурхонга ўтиришиди.

— Метин ухлаб қолдими? — сўради дадам салдан кейин.

— Ҳа, ухлаб қолди, — дедим шоша-пиша. — Узиям баҳона топман деб роса чарчади. Сочини бугун ҳам олдиргани йўқ. Эсидан чиқиби. Тўғрисини айтсан, уришиб берадилар, деб сизга ёлғон гапирмоқчи бўлиб турган эди.

Дадам ўшқириб бўрди.

— Бемаҳалда нима қилиб юрибсан! Бор, жойингга ёт! Хуллас, Метин эртанги жазодан қутулиб қолди.

Аҳмад, тез-тез хат ёзиб тур. Яхши тилакларимни қабул қилгайсан

Зайнаб Ёлқир

## Байрам концерти

Истанбул, 24 апрель, 1964 йил

Зайнаб дўстим!

16 марта ёзган хатингдан кейин сендан яна бир открытка олдим. Открыткада мендан ранжиганга ўхшайсан, олдинги хатингга кечикиб жавоб ёзганим учун сен ҳам шундай қиляпсанми, дебсан. Мутлақо ундей эмас. Биз ҳам 23 апрель кечасига тайёрланиб юрган эдик. Шунинг ташвиши билан вақт жуда тез ўтиб кетди. Мана, кеча бир амаллаб қутулиб олдик. Гўё елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Дарҳол хатга ўтиридим.

Концертимиз заң антиқа ўтди. Биласанми, нимага? Жуда қизиқ ҳангомалар бўлди. Энг кўп маломатга қолган ҳам мен бўлдим. Концерт учун асосан учинчи синф ўқитувчиси жавобгар эди. Музика ўқитувчиси ашула билан ўйин қисмини ўз зиммасига олди. Ўзимизнинг ўқитувчимиз эса концерт кечасида кўрсатиш учун битта пьеса ёзиб берди.

Мен бир нарсага ҳайронман — катталар нуқул ўз касбларида иолишади, кўнгиллари бошқа соҳани қўмсаб юради. Мана, дадамни олиб кўрайлик. Яна озроқ ўқиганимда катта шоир бўлиб кетардим, дейди бизга. Дадам ҳозир ҳам тинч юрмайди. Хиджб бўш қолди дегунча шеърга уннаб кетади. Амаким ҳам шундай. Қўлида техниклик ҳунари бору, яна врачликини орзу қиласди. Ўқитувчимизнинг бўлса ёзувчиликка кўнгли суст кетган. Қўпинча бизга у: «Аллақачон ёзувчи бўлиб кетардиму, лекин насиб қилмаган экан-да», дейди. Бундоқ ўйлаб қарасам, ҳамма бирорвинг ҳунарини орзу қиласкан.

Аслида директор босилиб чиқсан бирор пьесани саҳнага қўяверинглар, деб тайинлаган эди-ю, аммо ўқитувчимизга буларнинг ҳеч қайсиси маъқул бўлмади. Узи енг шимариб ишга тушиб кетди. Янги пьеса ҳам тайёр бўлди. Жуда аянчили чиқибди. Яхшиси, сенга бунинг қисқача мазмунини айтиб бера қолай. Хулқи ёмон бир бола бўлади. Ота-онасини жуда безор қилиб юборади. Бола мактабдан қочади, ишдан қувилади ва ёмон йўлга кириб кетади. Бу шармандаликка чидаёлмаган она оламдан ўтади. Ўғил отасини зўрлаб, пул олиб юради. Бермайдиган бўлса, дўппослайди. Кунлардан бирида у жиноят устида қўлга тушиб, қамалиб кетади. Қамоқдан анча тузалиб чиқади. Бутун қилмишлари учун кечирим сўрагани тўғри отасининг олдига боради. «Отажон, мени кечиринг, гапларингизга кирмадим, насиҳатларингизга қулоқ солмадим, мана, оқибатда шарманда бўлдим. Энди ҳаммасига тушундим. Ўтинаман, мени кечиринг!» деб ёлборади. Қадди буқчайиб қолган ота: «Ота деган ҳамиша ўғилнинг гуноҳидан ўтади. Мен ҳам сени кечирдим, ўғлим. Парвардигорга илтижо қили, ўз даргоҳида кечирсинг», деб ҳўнграб йиғлаб юборади. Аммо юраги буни кўтаролмай, ерга йиқилади-да, жони узилади.

Пьеса чиндан ҳам жуда қайгули эди. Уни ўқиётганимизда синфда ҳамма бир-бир йиғлаб олди.

— Бошқа бирор енгилроқ пьеса қўйганимиз маъқул эмасми, ўқитувчим? — деб сўрадим.

Ўқитувчимиз мени қаттиқ жеркиб:

— Бу вима қилиқ, Аҳмад?! Яна маҳмаданалик қиляпсанми?

Ҳолбуки буни мен бутунлай бошқа мақсадда сўрагандим. Ветимизга соқол-мўйлов ёпиштириб, катта одамларга тақлил қилиб юргандан кўра мактаб ҳаётидан бирор нимани саҳналаштириб, ўзимизга мосроқ ролларда чиққанимиз яхши эмасми, деб айтмоқчи эдим. Аммо мақсадимни тушунтиrolмабман.

Саҳнага соқол-мўйлов ёпиштириб чиққан болалар худди циркдаги лилипутларга ўхшаб қолади. Буни илгари ҳам кўнгурганман. Катта одамнинг ролида чиққан бола қанчалик яхши ўйнамасни, барабир залга кулги бўлади. У қанчалик жиддий гапирса, томошабинлар шунчалик кўп кулади. Бас, шундай экан, бира тўла кулгили асарни кўрсатиб кўя қолсак бўлмайдими? Мен шуни айтмоқчидим. Ўқитувчимиз койиб бергач, индамай кўя қолдим.

Пьеса беш кишига мўлжаллаб ёзилган экан.

— Ноқобил ўғил ролини сен ўйнайсан, Аҳмад. Үзиям сен бирор, қотирасан,— деди ўқитувчи.

Дамирга ота, Минега эса она роли топширилди.

Ҳамма ўз ролини яхшилаб ёдлаб олди. Уч-тўрт марта репетиция ҳам қилиб кўрдик. Сўнгги репетиция куни роса ёмғир қўйди. Узинг биласан, мактаб томидан ёмон чакка ўтади. Ёмғир нақ-саҳнанинг тепасидан чеълаклаб қуйгандек бўлди. Ҳамма ёқ изиб кетди. Полга қаторасига чеълак, тогора ва кастрюллар қўйиб чиқдик.

Концерт программасига битта хитойча рақс номери ҳам киртишибди. Ўйинчилар группасида мен ҳам бор эканман. Музика муаллимимиз аллақайси мактабда хитойча рақсни кўриб дилига туғиб қўйган экан, шуни ўйнайдиган бўлдик.

— Үзимизнинг «Зайбек»ни<sup>1</sup> ўйнасак бўлмайдими? — деб сўрадим ўқитувчидан.

Қачон концерт бўладиган бўлса, нуқул «Зайбек»ни ўйнайсиз, бирор янги нарса кўрсатиш ҳам керак ахир, деган жавобни олдим.

— Бўлмаса биз тенги хитой болалари ҳам концерт қўйгандага ўзимизнинг «Зайбек»ка тушишадими?

— Масҳаравозлик қилма! — уришиб берди музика муаллими.

Аммо мен «Зайбек»ни ўйнаб турган хитой боласини бир зум тасаввур қилдими, мийигимда кулиб қўйдим. Чамамда, хитой болалари ҳам шундай. Хитойча рақсга тушганимизни кўришса борми, роса қийқириб кулишса керагов.

Томдан чакка ўтиб турибди-ю, биз пақир-тогоналар ўрта-

<sup>1</sup> Зайбек — турк миллий ўйни.

сизде охирги марта репетиция қилиб олдик. Хитойча рақснинг залворидан пол тахталарнинг бели букилиб кетди.

— Бу сенга «Зайбек» эмас, хитойча рақс бўлади, ҳадеб осмонга қараб иргишлайверма. Хитойликларнинг ўйини оғирвазмин бўлади, улар кескин ҳаракат қилишмайди,— деди менга танбеҳ бериб музика ўқитувчимиз.

Мумкин қадар салмоқ билан, вазмин ўйинга тушмоқчи бўламану, аммо «Зайбек» қон-қонимга сингиб кетгани учун беихтиёр осмонга сапчиб кетаман.

— Намунча сакрайверасан, Аҳмад? Хитой руҳига мос келмайди бу. Хитойликларнинг ҳаракати майнин бўлади.

— Яхши, лекин хитой руҳи менга мос келмаса, нима қилай?! Мен бунга ўрганмаган бўлсан...

Музика ўқитувчимиз пианинода жўр бўлиб турди, биз рақсга тушдик. Яна бир жойга келгандан тўсатдан сакраб юборган эдим, ўқитувчи иргиб ўрнидан турди-да, менга қараб югурди. Йўлда чакка тўла пақирга қоқилиб ағдарилиб тушди. Ҳамма ёғи шалаббо бўлди. Тоза қиёмат кўтарилиди. Ҳуллас, кечга яқин маълум бўлдик, сўнгги репетициямиз муваффақиятли ўтиди.

Концерт куни ҳам етиб келди. Юрагимиз така-пука бўлиб, парда орқасидан залга мўралаймиз. Тумонат одам йигилган. Биз саҳнада саф тортиб турибмиз. Ҳаммаси бўлиб эллик бола-миз. Синфларимиз, ҳам ҳар хил.

Мана, парда очилди. Хор бўлиб, «Мустақиллик марши»ни айтдик. Кейин каттароқ болалар орқага ўтди. Биринчи ва иккичи синф ўқувчилари «Бугун — йигирма учинчи апрель» деган қўшиқни бошлаб юборишиди. Қўшиқ тугагач, залда қарсаклар янграб кетди.

Кейинги айтилган қўшиқ музика ўқитувчисига сира маъкул бўлмади.

— Бу қандай ўзбошимчалик? Нима қилиб қўйдинглар? Қўшиқни икки киши ижро этиши керак, деб айтмовдимми? Оломон қилиб юбордиларинг-ку! — деб койиб берди у парда орқасида.

Хитой рақсига навбат келди. Ликопча кўтариб, саҳнага қизлар чиқиши. Эгниларида гулдор юбка билан калта кўйлак. Бизлар ҳам қизлар билан олдинма-кейин саҳнага чиқдик. Қош-кўзимизга куя суртиб, лабимизнинг тепасига қора мўйлов қўндириб олганимиз.

Музика ўқитувчимиз пианинони бошлаб юборди. Ликопча ушлаган қизлар гоҳ эгилиб, гоҳ туриб орамиздан ўтиб юришибди. Шу ўртада тўсатдан бир фалокат юз берди. Ўқитувчининг панду насиҳатлари паққос ёдимдан кўтарилиб, сакраб юборибман шекилли, чириган пол тахтасининг ораси

очилиб, ўйинчи қизлардан бирининг этагини қисиб олди. Биз ўлиб-қутулиб муқом қиляпмизу, у бўлса этагини тортиш билан овора. Яна бир сакраб кўрай-чи, зора боёқишининг этаги чиқса, деган хаёlda олдига келиб бир иргиб тушдим. Полнинг оғзи очилишга очилди-ю, аммо раққосамиз юбкасини тортиб ололмади. Бечора жон-жаҳди билан бир силкингап эди, шир этиб юбкаси тушиб кетди. Бўлди кулги, бўлди кулги.

— Парда! Пардани ёпинглар! — деб қичқирди музика ўқитувчимиз саҳна ортидан туриб.

Гулдурус қарсаклар остида парда туширилди.

Шундан кейин турли рақслар ўйналди, қўшиқлар айтилди. Энг охири биз қўйган спектаклга навбат келди.

Ўқитувчимизнинг ўзи бизни грим қилиб чиқди. Мине ойнининг эски кийим-бошини кийиб олган эди, нақ лилипут кампирнинг ўзи бўлди қолди. Ўқитувчи бурнимнинг тагига куюқ қилиб елим ёпиштиргач, кетмоннинг солидек йўғон мўйловни қўндириб қўйди. Елимнинг кучи етмай мўйлов тушиб кетди. Устоз яна бир энлик елим суртиб қўйган эди, мўйловим жойига тушди.

Дамирнинг икки бетини елимлаб, устидан пахта ёпиштиришди. Ота ролида чиққанидан кейин соч-соқоли оппоқ бўлиши керак эди-да. Гримни бир амаллаб тугатдик. Шу пайт ўқитувчимиз тўсатдан:

— Дамир жуда ёш кўриняпти. Қўзойнак тақиб олмаса бўлмайди, — деб қолди.

Ҳолбуки репетицияларда бу ҳақда гап бўлгани йўқ эди. Шу топда қаёқдан қўзойнак топиб бўлади?! Ҳайрият, директор жонимизга ора кирди. Қўзойнагини олиб, Дамирга берди.

— Лекин эдтиёт бўл, тағин синдириб-нетиб қўйма. Агар шу бўлмаса, ҳеч нарсага кўзим ўтмайди, — деди у Дамирни огоҳлантириб.

Қўзойнак Дамирни худди митти чолнинг ўзи қилиб қўйди.

— Вой-бў, кўзим қамашиб кетяпти-ку, ҳеч нарсани кўрмаяпман, — нолиб қолди Дамир.

Гали тўғри экан. Парда очилганда саҳнага чиқаман деб бошини деворга қаттиқ уриб олди. Орқасидан итариб-суриб, бир амаллаб саҳнага чиқариб юбордик.

Ҳар қалай, спектаклнинг биринчи пардаси аңча яхши ўтди. Залда янграган қарсаклар бунинг яққол исботи бўлди.

Иккичи парда бошланди. Мен онамни, яъни Минени савалаб турибман. Отам бўлмиш Дамир менга насиҳат қилиши керак. Бир пайт бундоқ қарасам, Дамир бизни кўрмаяпти. Томошабинларга орқасини ўгириб олиб, деворга қараб монолог ўқияпти. Ҳар икки гапнинг бирида:

— Ҳой золим бола, бу нима қилганинг ахир?! Сени шу умидда боқиб катта қилганмидик-а? — деб деворга нола қилдапти.

— Бу ёққа қараб галир, биз орқангда турибмиз,— секин шивирладим қаршисидан чиқиб.

Мен онамни калтаклаб турганимда Дамир уни қўлимдан қутқариб олиши керак эди. Лекин Дамир яна бизни пайқамди, кўзбоғлағич ўйнаётган боладай қўли билан пайпаслаб қолди.

— Урма, урма онангни! Онага қўл кўтариб бўлмайди, оқпадар! Тўхта дейман! — эшик томонга қараб бақиради у.

Биз ўнг ёғида турибмизу, у бўлса чапга қараб бўкиради. Зора овозимни շитиб, биз томонга ўгирилса, деган ниятда кинода кўрганларимни ишга солдим.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Ураман! Ураётган бўлсам мен бировниямас, ўз онамни уряпман!

Дамир овозимни пайқаб, биз турган томонга ўгирилди-ю, лекин дарров йўқотиб қўйди.

— Ҳой бола, урма деяпман сенга! Илоҳим онани урган қўлларинг синиб тушсин!

Яна уни бу томонга қаратиш учун ханда отаман:

— Ҳа-ҳа-ҳа!

Хуллас, Дамирдан иш чиқмайдиганга ўхшайди. Бизни топиб олишига кўзим етмай қолди. Ноилож Минени Дамирнинг олдига судраб келдим.

— Ҳой оқиадар дейман...

— Бу томондамиз, ота, бизга қараб қўй.

Дамир фаросатли бола эмасми, дарҳол вазиятни тушунди.

— Бетингни кўргани кўзим йўқ, оқпадар. Мен отанг бўламан. Керак бўлса менга ўзинг қара!

Пъесадан тамоман четга чиқиб кетдик.

— Кимга қараб гапиряпсан, ота, ахир мен орқангда турибман-ку...

— Ҳар ҳолда сенга эмас. Тоқатим йўқ сен билан гаплашгани...

— Бўлмаса, деворга гап уқтиряпсанми?

— Сендан кўра шу девор маъқул. Гапирсанг, тушунади.

— Сенинг ўрнингга тош тугсан бўлмасмиди, кунимга ярарди, эвоҳ,— деб ерда инграб ётган Миненинг жони узилди.

Дамир оламдан ўтган Минени бағрига босиб, ҳўнг-ҳўнг иғлаши керак.

— Қанисан, хотинжон, қаёқда қолдинг, жабрдийдам! — деганича у ўзини ерга отиб, Минени тимирскилаб қидира бошлади.

Мине ётган жойида унга қараб талпинди.

— Бу ердаман, мен ўлдим.

— Мана энди бирга бўлинглар! — деб Дамирни ёқасидан олдим-да, Миненинг устига улоқтиридим.

Шу билан иккинчи парда ҳам тугади.

Парда туширилгач, ўқитувчимиз Дамирни қаттиқ койиб берди.

— Қўзойнакда қўрмаетган бўлсам, нима қилай ахир,— деди у ҳам ўзини оқлаб.

Охири пардада Дамирни қўзойнаксиз чиқармоқчи бўлишиди-ю, лекин шу пайтгача қўзойнакда юрган чол ўлими олдидан бирдан уни ташласа, қизиқ туюлади, деган андиша-да бу фикрдан воз кечишиди.

— Қўзойнакни таққину, лекин ойнагининг устидан қара,— маслаҳат берди директор.

Дамир директорнинг маслаҳатига амал қилгани учун учинчи парда анча силлиқ ўтди. Аммо олдинги саҳналарда томошабинларнинг кулги патини қитиқлаб қўйган эканмиз, тўғри гапгаям қийқириқ қўтаришади. Иғлаш керак бўлган жойда ҳам нуқул кулги қилишади.

Учинчи пардада мен қамоқдан бўшаб, уйга келаман. Энди ўз қилмишларидан пушаймон бўлган ўғилман. Отамга ялиниб, мени кечиришини сўрайман. Залдагиларга қолса, шу ҳам кулги. Бунинг нимаси кулги экан, ҳайронман.

Кечирим сўраб, отамнинг қўлини ўпишим керак. Энди ўпмоқчи бўлиб энгашган эдим, бундоқ қарасам, мўйловимнинг бир томони ерда ётиби. Яримта мўйлов билан бошни қандоқ қўтараман?!

Дарров бу ёғини келишириб юбордим.

— Оёғингизга бош қўйиб ялинаман, отажон! — деб Дамирнинг оёғи остига ўзимни отдим.

Айни пайтнинг ўзида ерда ётган мўйловга чанг солдим. Дарров лабнинг тепасига қўндиридим. Аммо фалокат деган нарса ёлғиз юрмас экан. Мўйловнинг чап бўлаги тушган экану, мен уни ўнг томонга ёпиширибман. Иккоби устмагуст бўлиб қолди. Дамир буни сезган экан, «чапга ол уни» деб шивирлади. Ҳаракат қилиб кўрдим, бўлмади. Охири мўйловини бураётган кишидек қилиб чап қўлни бўш жойда ушлаб туравердим.

— Мен сени кечирдим, ўғлим,— деди отам ниҳоят.

Мен бўлсам унга мўйлов қиламан. Лекин бунинг ҳамчеки бўлиши керак-да! Қачонгача отамга қараб мўйлов бурайман?!

— Агар туноҳимдан ўтмаганингда шу мўйловни мана бундоқ қилиб юлиб ташламоқчи эдим, отажон! — деб солиб мўйловни шартта олиб, оёғининг остига ташладим.

— Нима қилиб қўйдинг, болагинам?!

— Сендан айлансин шу мўйлов, отажон! Гуноҳим катта, уни ювишга бу ҳам етмайди.

Спектакль охирлаб қолди. Энди отам ҳўнг-ҳўнг йиглаб мени бағрига босиши ва «гуноҳингдан ўтдим, ўғлим. Энди парвардигорга илтижо қил, сени ўзи кечирсинг» деб туриб, жонини таслим қилиши керак.

Дамир ҳўнграб йиглаб юборди. Разм солиб қарасам, ростакамига йиглаяпти. Спектаклдан кейин айтишига қарангда, юраги эзилиб кетган экан. Хуллас, юз-кўзи чаплашиб, пахта ивиб кетди. «Вой, болагинам!» деб ўзини менга ташлади. Бирпас қучоқлашиб турдик. Кейин бир-биримизни бўшатдик.

Юзига қарасам, биттаям соқол-мўйлов қолмапти. Ҳайрон бўлиб ўзимникини пайпасладим. Ана холос! Мендан соқол ўсиб чиқибди. Боя бир-биримиз билан ачомлашиб турганимизда Дамирнинг ивиб кетган соқоли менга ўтиб қолган экан-да... Бирпасда ўғидан отага айланиб қолдим. Ҳозир отанинг ерга йиқилиб, жон берадиган пайти. Лекин Дамирнинг ҳеч ўладиган турқи йўқ.

— Бўл энди, Дамир, ўладиган бўлсанг тезроқ ўлмайсанми,— пиширлаб дедим унга.

— Соқол сенга ўтди-ку, энди қайси биримиз ўлишимиз керак?

— Ахир сен отасан, албатта ўлишинг керак. Ерга от ўзингни!

Дамирнинг бўлса ўзини ташлагани ҳечам юраги бетламайди.

— Намунча имиллайсан? Бўл тез!

— Йиқил десанг йиқилавераману, аммо директорнинг кўзайнаги нима бўлади? Тағин синиб қолса-я?— деди у олдимга келиб.

— Э, гапни чўзма, тез бўл. Спектакль тугаши керак, Шарманда бўлдик!

— Мен гуноҳингдан ўтдим. Энди парвардигорга илтижо қил, сени кечирсинг.

Дамир шу гапни айтди-да, кўзайнакни бемалол столга олиб қўйди. Кейин: «Энди мен ўляпман!» деганича гуп этиб ерга ағдарилди. Мен унинг устига ўзимни ташладим. Дарҳол пардани ёпишди. Аммо икковимиз жуда олдинга чиқиб кетган эканмиз, ярим белимиз пардадан ташқарида қолди.

Зал кулги ва қарсак зарбидан ларзага келди.

— Бундай аҳволда ётаверсак бўлмайди, қани, турамиз энди,— деб Дамирга пиширладим.

— Улган одам қанақа қилиб туради?! Ҳоҳласанг, ўзинг тур, мен ётишим керак.

Аллаким оёғимиздан судраб, парда ичига олди. Үрнимиздан туриб кўрсак, ўқитувчимиз экан.

— Расво бўлдик, Аҳмад, энди тоза гап әшитамиз,— деди секингина Дамир.

Юрак ўйногида саҳна ортига ўтдик. Дириектор билан ўқитувчилик ҳузур қилиб кўз ёшларини артиб туришган экан.

Хуллас, 23 апрелдаги концертни боплаб ташладик. Ҳамма Дамирга қойил қолди. Ҳали-ҳали Дамир зўр истеъодд эгаси экан, деб юришибди. Бу гапнинг тагида жон бор. Зотан у, ўқитувчимизнинг трагедиясини ажойиб комедияга айлантириб берди.

Шу кунларда Истамбулнинг ҳавоси жуда ажойиб. Каникул кунлари Истамбулда дийдор кўришгунча хайр. Омон бўл.

Аҳмад Тарбай

## Болалар романни учун конкурс

Истамбул, 25 апрель, 1964 йил

Қадрдоним Зайнаб!

Куни кеча сенга хат жўнатган эдим, мана бугун эса яна ёзяпман. Роса ҳайрон бўлсанг керак. Кетма-кет хат ёзишимнинг сабаби бор — бир нарсага сен қандоқ қарайсан, шуни билмоқчиман. Агар менинг фикрим сенга маъқул тушса, бир иш қиласмиш.

Яқинда бир нарсани эшишиб қолдим. Болалар романни учун конкурс ёълон қилинганмиш. Шуни эшидиму, лоп этиб миямга бир фикр келди. Бир-биримизга ёзган хатларимизни тартиб билан тўплаб чиқсак, шунинг ўзи роман бўлмайдими? Мен ҳамма хатларингни йиғиб юрибман. Сен ҳам мендан олган хатларингни тартибиға солиб, папкага жойлаб қўйганингни биламан. Буни ўзинг айтган эдинг.

Хўш, бунга нима дейсан? Сенга маъқулми шу гап? Агар конкурсга қатнашишга рози бўлсанг, жамики хатларни бир конвертга солиб, авиапочта орқали тезда менга юбор. Иккимиз шерик бўлиб қатнашамиз.

Агар сен шу таклифимга қўшилмайдиган бўлсанг, у ҳолда менга дарҳол хабар қил. Яна бир илтимосим бор. Таклифи маъқул топсанг, бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга гапирмай тур. Конкурсда ютиб чиқсак, уйимиздагиларга бу совға бўлади.

Борди-ю, омадимиз келмаса, у ҳолда ёпіглиқ қозоң ёпігли-  
гича қолаверади. Ҳеч ким буни юзимизга сололмайди.

Жағобингни кутаман.

Хурмат ила синфдошинг:

Аҳмад Тарбай

## Марра сеники

Анқара, 27 априль, 1964 йил

Азиз дүстим Аҳмад!

Хозиргина хатингни олдим. Дарҳол жавобға ўтиридим.  
Бўлишим биланоқ ҳамма хатларингни сенга бандероль қилиб  
жўнатаман.

Сен конкурсга қатнашайлик, деб ёзибсан. Розиман. Қўнг-  
лингга келмасину, лекин бундан бир иш чиқишига кўзим  
етмай турибди. Сабабини айтами? Гап шундаки, биз ўз  
мактубларимизда катта одамларни, ота-оналаримиз ва ўқи-  
тувчиларимизни бир ғалвирдан ўтказиб кўрдик. Энди бу  
ёғини сўрасанг, конкурсга келган романларни ўқиб, ҳукм  
чиқарадиган ҳам шуларинг ўзи. Ўзлари ҳақида ёзилган ро-  
манга булар ижобий баҳо беришига асло ишонмайман. «Ро-  
са беадаб болалар экан» деб бизга ўчакишиб қолишлари  
ҳам мумкин. Қолаверса, романни конкурсга юбораётганингда  
исм ва адресларимизни ёссанг, яна балога қоламиз. Шунинг  
учун исмларимизни ўзгартириб, хатларинг остига биттадан  
таяхаллус қўйган маъқул. Меники Зайнаб бўлсин. Сен ҳам  
бирорта исм топиб қўй.

Мен бу билан конкурсда қатнашмайлик, демоқчи эмасман.  
Бир-биrimизга ёзган хатларимизни тўпласак, битта роман  
бўлишига имоним комил. Майли, буларни конкурсга жўнат.  
Голиб чиқмасак, ўзимизга тан. Биз ҳеч нарса йўқотмаймиз.

Бундан икки-уч кун олдин баъзи хатларингни яна бир  
ўқиб кўргандим. Билишимча, катталарни кузатиш бобида  
биз хийла чегарадан чиқиб кетибмиз. Хатларингда нималар-  
ни ўзмаган экансан... Эҳтимол, меники ҳам шундайдир. Шу  
хатларимиз яхлит бир ҳолга келса, қалампирдай аччиқ ҳақи-  
қат ошкор бўлади. Очиги, кўрган ва эшигтан нарсаларимиз  
ни баъзан ошириб ҳам юборган экамиз...

Конкурснинг жюри аъзолари катта ёшдаги одамлардан  
эмас, балки болалардан иборат бўлганида биз бирор муко-  
фотга илиниб қолардик, деб ўйлайман. Аммо шундай бўлса  
ҳам, бизнинг бир ютуқ томонимиз бор. Мен болалар учун  
ёзилган баъзи романларни беихтиёр эслаб қолдим. Ҳаммаси-  
да ўша сийқа гаплар: қишлоқда туғилган қашшоқ бола қий-

налиб ўқийди, саёҳатга чиққан болалар ажабтовур савдо-  
ларга қолади ёки камбағал оиласнинг фарзанди бемор ётган  
онасиға қарашиш учун ишга кириб кетади. Хуллас, панду на-  
сиҳат билан тугайдиган китоблар. Бизники эса буларга сира  
ўхшамайди.

Мабодо конкурсда ютиб чиқмасак ҳам, сенга бунинг ҳеч  
важамияти ўйқ. Барибир биринчи ўринни олган бўласан: зо-  
тан, сен ҳам ота бўлганингда ҳаммага ўхшаб фарзандларинг-  
га шу гапни айтасан. (Илтимос қиласман, лоқал шу охир-  
ги хатимни конкурсга юбора кўрма.)

Сенга тасалли бериб ўтирайман. Роман учун мукофот  
олмасак, кўпам қайғуриб юрма. Катта бўлсан, ёзувчи бўла-  
ман, деб юардинг. Хатларни ўшанда бир китоб қилиб чи-  
қарапсан.

Сенга чин юракдан омад тилайман. Мендан ҳамма ўртоқ-  
дарга салом.

Зайнаб Елқир

## ЁЗУВЧИДАН БОЛАЛАРГА МАКТУБ

Анқара, 11 априль, 1967 йил

Азиз жигаргўшалар!

Иўқ, азиз жигаргўшаларим!

Мен ҳаммангизни ўз фарзандларимдай севаман. Ҳар қан-  
дай севги-муҳаббатда бўлганидек меникида ҳам озроқ худбин-  
лик бор. Биз, катталар сизларда ўз ҳаётимизни, ўз издошли-  
мизни кўрамиз, шундоқ бўлишига қаттиқ ишонмаймиз. Мен  
ӯз фарзандларимнигина, фақат турк болаларинигина эмас,  
дунёдаги ҳамма болаларни — америка, рус, немис, армани,  
хитой, лўди болаларини ҳам жондан севаман.

Мен сизларга бир нарсани ошкор қилмоқчиман. Буни  
ўзингиз ҳам яхши биласиз. Ушбу китобдаги хатларни Зайн-  
аб билан Аҳмад эмас, балки мен ёзганман. Зайнаб билан  
Аҳмадни мен ўйлаб топдим. Икки ўқувчи бола бир-бирига  
бунчалик кўп, бунчалик батафсил ва бўхато хат ёзиши мумкин  
эмаслигини ўзингиз ҳам яхши билиб турибсиз. Борди-ю, ора-  
дарингизда бир-бирига хат ёзишиб юрган болалар бўлса ва бу  
хатларни яхлит китоб ҳолига келтирсангиз, барибир жумла  
тузишда, имлода янгишликлар кетган бўлади. Аммо шунисига  
эмимманки, сизларники меникидан дурустроқ чиққан бўларди.  
Нега деганда, сизлар ўз тилингиз ва дилингиз билан самимий  
сўзлаган бўлардингиз. Катталар билан болалар ўртасидаги  
энг ийрик фарқ ҳам шунда. Сизлар ҳам улғайган сари бизга  
ўхшаб бораверасиз, самимийликдан узоқлашасиз.

Бу асаримда мен қўлимдан келмайдиган бир ишга уннаб кўрдим — ўзимни сизларнинг ўрнингизга қўймоқчи бўлдим. Аслида бунинг ҳеч имкони йўқ. Зотан, катталар ўзларининг болалик даврларидан бир-икки минг йилга узоқлашиб кетган бўлишади. Шунинг учун ҳам биз, катталар ўз болалигимизни мутлақо унтиб юборамиз. Ота-онангиз ҳам, ўқитувчингиз ҳам бир пайтлари бола бўлишганини эсдан чиқаришади.

Зайнаб билан Аҳмад номидан ёзилган мана шу мактублар чиндан ҳам конкурсга қатнашиди. Аммо унга мукофот теккани йўқ. Буни адолатсизлик деб ҳам бўлмайди. Бу роман конкурсада мукофот ололмасди ҳам. Чунки китобни ўқиб чиқсан жюри аъзолари ҳам болалик йилларини аллақачон эсдан чиқариб юборишган. Зайнаб билан Аҳмад шундоқ бўлишини билишган эди.

Ҳайма ёзувчиларга ўхшаб мен ҳам сизга бир оз насиҳат қилмоқчи бўлдим. Лекин менинг насиҳатларим бошқа одамларникига сира ўхшамай қолди. Бўлак иложини тополмадим. Аммо бу киши ҳамиша шунаقا экан, деб ўйламанг. Шахсий ҳаётимда мен ҳам ўғил-қизларимга ўша катталарга ўхшаб муомала қиласман. Мен ҳам гўё яқиндагина эмас, бундан минг йил олдин бола бўлгандай иш тутаман. Биз, катталар бунинг хато эканини биламизу, лекин бошқа иложимиз йўқ. Ночормиз.

Мен ушбу китобимда яна бир нарсага уннаб кўрдим — ўзимни катта, сизларни эса ёш бола деб билмадим. Сизлар билан тенглашиб ололмаганим учун сизларни ўзим қатори деб билдим. Ҳа, сизларни катталар қаторига қўшиб қўйдим. Айни бир пайтда ҳали бола эканлигингизни эсдан чиқармасликка ҳаракат қилдим. Шунинг учун ҳам мен китобдан кўзлаган мақсадларимни сизларга рўй-рост гапиряпман.

Қадрли жигартгушаларим! Ҳаммангизга чиц қалбимдан муваффақиятлар тилайман.

Азиз Несин